

ЖЕК ЛОНДОН



МУҲАББАТ ВА МАТОНАТ

Ҳикоя ва эсселар

ТОШКЕНТ
«O‘ZBEKISTON»
2018

УЎК 821.111(73)-32
КБК 84(7АҚШ)
Л 75

Рус тилидан Саиджалоул Саидмуродов таржимаси.

Асарларида инсоннинг табиат устидан ҳукмронликка интилишини қоралаган Жек Лондон ҳикояларида бир хил тоифадаги турфа феъл-атворли кишилар ҳаёти ва улар тийнатидаги эврилишларни акс эттиради. Улар эрқка интиладилар, ўз бурч ва мажбуриятларини ҳар хил шароитларда синаб кўрадилар, ҳаёт машаққатларида тобланадилар. Адиб ўз ҳикояларида инсон энг оғир шароитларда ҳам ожиз эмаслигини исботлайди. Барчаси инсоннинг руҳияти, маънавий дунёси ҳамда иродасига боғлиқ.

Мазкур тўпламга Жек Лондон ижодининг турли босқичларида яратилган ҳикоялари ва эсселари жамланган бўлиб, улар, шубҳасиз, ўқувчи ботинида бурилиш ясайди.

Тўплам кенг китобхонлар аудиторияси ва адабиёт ихлосмандларига мўлжалланган.



ҲИКОЯНАВИС ЖЕК ЛОНДОН

1896 йили Клондайкда топилган олтин кони ҳақидаги хабар бутун АҚШга ёйилиб, минглаб кишилар олтин талвасасига тушадилар ва мамлакат шимоли, аниқроғи, Клондайк томон «юриш» бошланади. Унга олиб борувчи йўл минг бир машаққатнинг кони эди – Чилкут довонининг тик тош деворлари оша, бўронкаш Линдерман кўлидан сузиб ўтиб, Юкон дарёси бўйлаб минглаб чақиримларга чўзилган бу йўл анча-мунча азаматларни «ер тишлатган». Ўша йили йигирма баҳорни қаршилаган Жек Лондон бу йўлни кўрдим демай босиб ўтади. Негаки бўлажак адиб болалик ва ўсмирлик йилларидаёқ чинакам эр йигит бўлиб етишганди.

Болакай Жек ўзини ўтга-чўкка уравериб кўпни кўрган киши каби мулоҳаза юритадиган бўлиб боради. Кунлардан бир куни етти ёшли Жек синфдошининг сумкасидан бутерброд олиб, ичидаги гўштни паққос туширади. *«Мен ўшанда ўғирлик қилиб нафсимни қондирдим, бироқ зинҳор-базинҳор бу ишга қайтиб қўл урмадим... Ё Тангрим! Қоринлари тўйган синфдошларим гўшт бўлақларини ерга ташлашар экан, ўзимни ерга отиб тупроққа беланган гўштни ямламай ютишга тайёр эдим, лекин мен ўзимни тиярдим»,* – деб эслайди адиб ўзининг болалиги ҳақида.

Кейинчалик бу ва бундан-да бешбаттар машаққату мушкулотлар ёзувчининг ҳикояларига, умуман, асарларига кўчиб ўтади.

Жек Лондон ҳикояларида танти, жасур, олийжаноб, севги бобида вафодор, дўстликда беғараз, эркпарвар кишиларни куйлайди. Ҳикояларида айтилишича, чин инсон бу меҳнатни севувчи, йўлида учраган қийинчилик ва ғовларни енгиб ўтишга тайёр кишидир.

Қисқа жанр усталаридан фарқли ўлароқ, Жек Лондон ўз ҳикояларида қаҳрамонларини олис, кимсасиз ўлкаларга «ташлайди», уларни ёлғизликда, очликда, оғир турмуш шароитларида ҳақиқий инсонийлик синovidан ўтказди, худбинона интилишлар шахсни қандай фожиавий аҳволга олиб бориши мумкинлигини реал тасвирларда кўрсатади («Интиҳо», «Олтин дара», «Ҳаётга муҳаббат», «Бир кунлик кўналға», «Лаҳм гўшт» бунга ёрқин мисолдир).

Ўзбек дурдона ҳикоялари муаллифи бўлмиш Шукр Холмирзаевнинг таъбири билан айтганда, *«Жек Лондоннинг ҳикояларидаги қаҳрамонлар кўрқоқ ва ботирга, тўғрирогги, кучли ва кучсизга бўлинади»*. Мисол учун «Тун фарзанди» ҳикоясидаги бош қаҳрамон Люси ҳаётида дуч келган барча қийинчиликларни енгиб ўтиб, кизил танлиларнинг *«итоат этиши керак»* бўлган сардорига айланса, Трифден журъатсизлиги боис Люсига бўлган муҳаббатини изҳор этолмайди ва бир умр афсусланадматда яшайди. Ёки «Беназир аёл қисмати»даги Нийл Боннерни олайлик. Бир қарашда Шимолнинг бир чеккасига бориб, ўша ерда беш йил яшаб, ҳаётнинг аччиқчучугини тотиб кўрган Нийл Боннер меҳнат орқали ялқовлик ва енгил-елпи ҳаётдан узоклашгандай бўлиб кўринса-да, алалоқибат, у ўз виждонига хиёнат қилади. Ҳикоядаги етакчи қаҳрамон Жис-Ук эса гарчи хиёнатга учраса-да, суянган тоғи уни алдаб кетса-да, лек барибир чин инсон бўлиб қолаверади.

Жек Лондоннинг шундай ҳикоялари борки, киши мутолаадан сўнг узоқ ўйга чўмади, бир зумга ўзини мувозанатини йўқотгандай ҳис қилади. Чунончи, «Сэмюэл» ҳикоясида гарчи ўғиллари вафот этиб кетса-да, туғилажак фарзандларига лаънат теккан фақат бир исмни қўйган Маргарет Хэнненга ачинади киши. Чунки, *«дунёда биронта қонун йўқки, она фарзандига ўзи истасан исмни қўйишига тўсқинлик қила олсин».*

«Оқсоқоллар иттифоқи» ҳикоясида Имбер исмли ҳинду чол ўнлаб, юзлаб оқ танлиларни ўлдиради, аммо ўқувчи ҳиндуга нисбатан хайрихоҳликни туяди. Нега деганда, ҳикояни ўқиш давомида Имбердаги «олий ирқ»қа нисбатан нафрат, қасос ўти адолатлидек туюлади. Бироқ калаванинг иккинчи учи ҳам бор – Имбер одам ўлдирган!

Ҳа, Жек Лондоннинг ҳикояларида мураккаб ғайри-мантикийлик етакчи.

Адибнинг бир муҳлисаси айтганидек, Жек Лондоннинг ҳикоялари ҳазми осон асарлар эмас. Ваҳоланки, улар содда, тушунарли тилда ёзилган бўлса-да, ҳикоялар чуқур фалсафийлик ила суғорилган. Шундай ҳам бўладики, сиз ҳикояларни ўқиган чоғингизда улардаги қаҳрамонларга қўшилиб оч қоласиз, совқотасиз, денгиз тўфонларини енгиб ўтасиз, минглаб чақиримларга чўзилган йўлни ўзингизга бўйсундирасиз. Охирида эса ҳатто аниқ бир хулосага келолмайсиз («Интиҳо», «Исёнчи», «Бир парча гўшт», «Сэмюэл», «Шимол Одиссеяси» шулар жумласидандир).

16 йиллик сермахсул ижоди давомида ҳаётни, энгилмасликни, курашни мадҳ этиб келган ёзувчи негадир 40 ёшида ўз жонига қасд қилади – 1916 йили 22 ноябрда ярим тунда Жек Лондон катта микдордаги уйқу дорини ичиб юборади. Баъзилар бу худкушликка адиб ижодий

инкирозга учрагани ва ҳатто ўша пайтлари адабиёт ола-мига энди қадам қўяётган Синклер Льюисдан янги асар ёзиш учун сюжет сотиб олади, охир-оқибат, бунга виждони чидай олмаган, дея баҳо беришади. Балки чиндан ҳам адиб Эрнест Хемингуэй каби ёзолмай қолсам, ўзимни ўлдираман, дея қасам ичгандир. Лекин ўша пайтда ҳар бир китоби учун 50 минг доллар миқдорида қалам ҳақи олиб Жек Лондон ўз даврининг энг қиммат ёзувчиси-га айлангани. Қолаверса, кетишидан аввал икки ажой-иб ҳикоя ҳам ёзиб қолдиради: «Қадим аргонавтлардек» ҳамда «Малика». Ёхуд Стефан Цвейг сингари Жек Лондон ҳам ўз асаридаги худкушлик («Мартин Иден») билан ўз тақдирига ҳукм ўқигандир. Яна ким билади дей-сиз?! Эҳтимол, қахрамонлари каби у ҳам исён қилмоқчи бўлгандир. Нима бўлган тақдирда ҳам Жек Лондон ин-сон эди ва асарлари орқали инсон ҳар қандай вазиятда ўзлигини йўқотмаслиги кераклигини уқтириб келмоқда.

Таржимондан



ЛАҲМ ГҮШТ

У бурчакка етиб борди-да, атрофни кўздан кечирди, бироқ чорраҳадаги чироқ нурларидан бошқа ярқ этган нарсани кўрмади. Худди ўша йўл билан изига қайтди. У нимқоронғуда гўё арвоҳдай товушсиз, ортикча ҳаракатсиз сирғаларди. У писиб келаётган чангалзор ҳайвонидек эҳтиёткор, зийрак, сезгир эди. У фақат ўзининг шарпасинигина сезмаслиги мумкин эди.

Унинг бутун вужуди кўз-қулоққа айланганди, қолаверса, у кўз илғамас аллақандай сезим – теварак-атрофдаги оламни идрок қилиш қобилятига эга эди. Масалан, сезардики, у ёнидаги тўхтаган уйда болалар бор. Бу сезги унда ҳеч қанақанги онгли фикрлашсиз пайдо бўлди. Модомики, шундай экан, бу сезгидан хабари ҳам йўқ эди. Аммо вазият ундан тақозо этса, у худди уйда болалар борлигини аниқ билгандай ҳаракат қилган бўларди.

Ўша ғайришуурий сезги унга қўшни кўчадаги қадам товушларида ҳеч қандай хавф йўқлигини шипшиди. Ўткинчини кўрмасданоқ унинг кечикаётган йўловчилигини фаҳмлади. Бурчакдаги уй дарчасида лов этган ёруғликдан гугурт чақишганини тушунди. Таниш манзара лоп этиб кўз ўнгида намоён бўлди: *«Соат неча бўлганини кўришмоқчи»*. Бошқа уйнинг фақат битта деразасида чироқ ёниқ эди. Чироқ нури хира ва бир хилда ёниб турар, бу беморнинг хужраси эканлигига ишончи комил эди.

Ҳаммасидан ҳам даҳанинг марказида жойлашган кўчанинг қарама-қарши тарафидаги уй фикр-хаёлини

оларди. Қаёққа қарамасин, қаёққа бормасин, нигоҳлари ва қадамлари шу уйга қайтиб келаверарди. Агар ланг очик турган пешайвон деразасини айтмаса, уйда ғайриоддий нарсанинг ўзи йўқ эди. Ҳеч зоғ кириб-чиқмасди. Ҳамма ёқ жимжит. Деразалар ёритилмаган. Чироқ-пироқ дега-нидан асар ҳам йўқ. Шунга қарамасдан бутун диққат-эътибори шу уйга қаратилганди. Ҳар гал чор атрофни кузатиб, бот-бот шу уйга қайтарди.

Ўта сезгирлигига қарамай у хотиржам эмасди. Ночор аҳволдалигини жуда яхши англаб турарди. Гарчанд тасодифий ўткинчиларнинг қадам товушлари уни безовта қилмаса-да, асаблари таранг, бетоқат, хуркак оҳудай қочишга шай эди. Уни ўраб турган зулматда ўзи каби товуш чиқармас, кулоғи динг, туйғун онгли мавжудотлар изғиб юрганига амин эди.

Кўчанинг охирида нимадир милт этди, бу сафар ҳаяллаб қолган йўловчи эмаслигини, аксинча хавф-хатарга тўла аланима эканлигини савкитабий равишда сезди.

У рўпарадаги уйда кимгадир ишора бериб икки марта ҳуштак чалди ва астагина бурчакка кириб, ғойиб бўлди. Сўнг тўхтаб, вазиятни ўрганди. Ҳаммаси жойида эканлигига иқрор бўлиб, бурчакдан секин мўралаб яқинлашаётган кимсага кўз ташлади. Савкитабийи алдамабди – полициячи тобора яқинлашарди.

У кейинги бурчакка бориб, ҳозиргина ортда қолдирган чорраҳага кўз ташлади. Полициячи ҳамон олдинга қараб кетарди. Полициячи юрган кўчадан мувозий кўчага ўтиб, ўша ёқдаги бурчакдан қонун ҳимоячисининг тобора узоқлашаётганини кўрди. Яна ўша йўлдан ортига қайтди. Уй олдида ҳуштак чалди, бироз ўтиб тагин чалди. Бу галги ҳуштакда кўтаринкилик бор эди, аввалгиси – қўш ҳуштакда эса хатар садоси янграганди.

Пешайвон томида қора алланима пайдо бўлди ва устундан сирғалиб тушди. Пиллапоялардан тушиб,

чоғроқ темир эшикдан ошиб ўтгач, ҳалиги алланима одам киёфасига кирди ва йўлакдан юрди. Кузатувчи чорраҳага ошиқди. Муюлишга етиб боргач, йўлни кесиб ўтди-да, янгитда пайдо бўлган одамга кўшилди. Унинг ёнида пакана бўлиб кўринди.

– Хўш, қалай, Мэтт? – деб сўради.

Буниси эшитилар-эшитилмас тўнғиллади. Бир неча қадам жим кетдилар.

– Мен хазина топдим-ов, – деди Мэтт.

Қоронғуда Жимнинг бўғиқ кулгуси янгради. Кейин жим қолиб, давомини кутди. Улар даҳама-даҳа юриб боришди, ниҳоят, сабр косага дарз кетди.

– Бойлик масаласи нима бўлди? – сўради Жим. – Ҳар ҳолда нимани ўлжа қилдинг?

– Ҳисоблашга қўлим тегмади, лекин ёғлиққина. Буни аниқ айтоламан сенга, Жим. Қанчалик ёғлилигини ўйласанг, эсинг оғади. Шошма, уйга етволайлик.

Чирокқа етиб олишгач, Жим ошнасига қаттиқ тикилди. Мэтт хўмрайиб олган, чап қўли шикастланганди.

– Қўлингга нима қилди?

– Ярамас, тишлаб олди. Кутурмасам гўрга эди. Ай-тишларича, одам тишлашидан ҳам кутуриш мумкин эмиш. Шунақасини эшитганинг борми?

Буниси тагин тўнғиллади.

– Сендан бирор гапни суғуриб бўларканми? – қони қайнаб портлади Жим. – Қани, борини айт. Бу билан бирон жойинг камайиб қолмайди.

– Мен уни бекордан бекорга бўғиб ўлдирдим, – деган жавоб бўлди. – У уйғониб кетди, – тушунтирди Мэтт, бирпас ўтиб.

– Соз иш бўпти. Финг деган товуш эшитилмадимми?

– Жим, – деди Мэтт жиддийлашиб. – Дорнинг ҳиди келиб турибди. Мен уни ўлдириб қўйдим. Мажбур бўлдим.

У ахир уйғониб қолди. Бироз фурсатга гум бўлишимизга тўғри келади.

Жим тушунгандек хуштак чалиб юборди.

– Хуштак чалганимни эшитдингми? – деб сўради Жим.

– Бўлмасам-чи. Мен уни аллақачон асфаласофилинга жўнатгандим. Айни пастга тушишга шайланаётгандим.

– Бу фиръавн¹ эди. Фақат у ҳеч балони хитламади. Ёнимдан ўтиб кетди-ю, кўздан ғойиб бўлмагунча, туёқларини тақиллатди. Шунга қайтиб келиб, яна хуштак чалдим. Кейин нега ҳаялладинг?

– Ишонч ҳосил қилиш учун кутдим. Иккинчи марта хуштак чалганингда бениҳоя севиниб кетдим. Оғир ишда – кутиш. Ўтирволиб ўйлайвердим, ўйлайвердим... ҳар хил нарсалар ҳақида. Ажабо, миянгга қандай фикрлар келмайди, дейсан! Устига устак, уй ичида итдан тарқаган мушук тимирскиланиб жиғимга тегди.

– Хўш, демак, ўлжа ёғли! – териси ичига сиғмай ва томдан тараша тушгандай хитоб қилди Жим.

– Ўлай агар, Жим, ёғли. Очиб кўришга сабрим чидамаяпти.

Беихтиёр иккови ҳам қадамларини тезлатди. Аммо эҳтиёткорлик уларни тарк этмади. Полициядан қочиш учун икки бор йўлни бошқа ёққа солишди. Шинам ва чокқина хужраларининг қоп-қоронғу дахлизига кириб ғойиб бўлишдан олдин ортларидан ҳеч ким кузатмаётганига амин бўлишди.

Юқори қаватдаги хоналарига етиб боргачгина гу-гурт чақишди. Жим чироқ билан куймалангунча, Мэтт эшикни кулфлаб, зулфинни туширди. Ўтирилган ҳам эдики, пойлаб турган Жимни кўрди ва ичида унинг бетоқатлигидан кулиб қўйди.

¹ Шаҳар полициясига берилган лақаб (*изоҳлар таржимонники*).

– Прожектор жуда боп, – деди у чўнтак фонарчасини кўздан кечириб. – Фақат янги батарея олиш керак. Буниси ўтиряпти. Икки марта қоронғуда қолиб кетаман, деб ўйладим. Бу уй қандайдир ғалати. Сал қолса адашиб қолардим. Унинг хонаси чап қўлда экан, шу мени чалғитди.

– Чапда деб айтгандим-ку, – оғзидан гапини олди Жим.

– Сен ўнгда дегандинг, – эътироз билдирди Мэтт. – Мен биламан-ку нима деганингни. Манави эса сен чизган чизма-режа.

Нимчасининг чўнтақларини кавлаштириб, буклама қоғозни чиқазиб ёзди. Жим чизмага эгилди.

– Ростданам янглишибман, – тан олди Жим.

– Бўлмасам-чи! Бошда мен ҳеч нимани тушунмадим.

– Энди бу муҳим эмас. Кел, нимани қўлга киритганингни кўрамиз.

– Йўқ, муҳим, – қаршилиқ билдирди Мэтт. – Ғоят муҳим мен учун. Мен жонимни хатарга қўйдим. Сен кўчада ялло қилиб турганингда мен бошимни сиртмоқка соламан. Ўзингни қўлга олиб, синчковликни оширишинг керак. Ҳа, майли, ўтган ишга салават. Кел, ўлжани сенга бир кўрсатай.

Мэтт шимининг чўнтагига қўлини тикиб, бир ҳовуч майда олмосларни чиқарди. Қимматбаҳо тошларнинг жилвасидан столнинг кир-чир, мой босганлиги ҳам билинмай кетди. Жим нашъа билан сўқиниб олди.

– Буниси ҳали ҳолва, – деди Мэтт тантанали ва тақаббуруна оҳангда. – Ҳали ҳеч нима кўрмадим, деб ҳисоблайвер.

У барча чўнтақларидан ўлжани чиқаришда давом этди. Юмшоқ чармга ўралган олмослар аввалги уюмдан кўра йирикрок эди. Яна-тагин бошқа чўнтагидан майда-майда қиррали қимматбаҳо тошларни столга қўйди.

– Олмос зарралар, – изох берди Мэтт майда олмосларни алоҳида ажратиб.

Жим тошларни синчиклаб текширди.

– Хўш-хўш, ҳар бири икки доллардан кетади, – деди Жим. – Бори шуми?

– Ҳа, нима, камлик қиладими сенга? – сўради ранжиган кўйи ҳамтовоғи.

– Етишгаку-я етади, албатта, – деб жавоб берди Жим маъқуллаб. – Ўйлаганимдан ҳам мўлроқ экан. Ҳаммаси учун ўн мингни куртдай санаб олишимиз лозим, бир чақа ҳам камига бермаймиз.

– Ўн минг?! – аччиқланди Мэтт. – Қимматбаҳо тошларнинг фарқига бормасам ҳам бу тошлар икки баравар қиммат туришини сендан яхши биламан. Қара, ялтиллашини, кўзни қамаштиради-я!

Мэтт битта тошни қўлига олиб, устаси фаранглардек салмоқлаб кўриб, чироққа тутди.

– Шугинанинг ўзи мингга тортади, – деб дарров баҳолади Жим.

– Энанг мингга тортади! – ижирғаниб эътироз билдирди Мэтт. – Буни қора бозорда уч мингга ҳам сотиб ололмайсан!

– Мени чимчилаб кўр! Тушимми-ўнгимми?! – Жимнинг кўзларида олмослар жилваланди; у энг йирик-йирик тошларни танлаб олиб, диққат билан разм солди. – Энди икковимиз ҳам бой-бадавлат жанобларга айланамиз, Мэтт!

– Буларни пуллагунимизча, сочимиз оқаради-ёв, – ўзича мулоҳаза қилиб кўрди шеригидан сал бўлса-да тадбиркорроқ Мэтт.

– Аммо-лекин еганимиз олдимизда, емаганимиз кетимизда бўлади. Бунча пулни ҳавога совурсак-да, таги кўринмайди-ку!

Охир-оқибат хатто табиатан совуққон Мэттнинг кўзлари порлаб кетди.

– Сенга айтгандим-у, ўлжанинг қанчалик ёғли эканлигини ўйласам, юрагим орқага тортиб кетяпти, – деб мингиллади у.

– Мана буни омад деса бўлади! Энди ошиғимиз олчи! – хаяжонини яширолмади Жим.

– Дарвоқе, сал қолса, эсимдан чиқибди, – деб Мэтт кўлини пиджагининг ички чўнтагига сукди.

Юпқа қоғоз ва чарм орасидан инжу маржон кўринди.

– Арзийдиган буюм, – деди Жим яна олмосларга қайтаркан.

Орага жимлик тушди. Жим стол устидаги тошларни гоҳ йиғиб, гоҳ сочиб ўйнади. Озгиндан келган, жиккак жуссасидан Жимнинг харобадан чиққани-ю, жиғибийрон, камқонлик касалига йўлиққани қараган кўзга маълум бўларди-қоларди. Бит кўзли афт-башарасидан ич-ичида золимлик яширинганини билиш мумкин, сохт-сумбатидан тубанлик манаман деб турарди.

Мэтт қайтиб олмосларга қўл теккизмади. Столга тирсагини тираб, кўзларини пирпиратганча, ялтир-юлтир қилаётган тошлардан кўзини узмасди. У Жимнинг бутунлай тескариси эди. Уни сира шаҳарликка ўхшатиб бўлмасди. Мушакдор, сержун ташқи қиёфаси билан у маймунни эслатарди. Мэтт учун яшаш осон эди. Бўртиб чиққан кўзларида аллақандай дадил хайрихоҳлик акс этиб турар, бу кўзлар одамда ишонч уйғотарди. Агар диққат билан разм солинса, бу кўзлар ўта чакчайганлигини билиш қийин эмасди. Юз-кўзлари алдамчи, ички дунёсини ифодаламасди.

– Бунинг шу туриши эллик мингдан кам эмас, – кутилмаганда тилга кирди Жим.

– Юз минг, десанг-чи, – эътироз билдирди Мэтт.

То Жим яна тилга киргунча анчагача жимлик ҳукм сурди.

– Жин урсин, бунча бойликни нимага уйида сақлаганига ҳалиям ақлим етмаяпти. Негадир тошларни дўконидаги сейфда сақласа керак, деб ўйлардим.

Айни шу дамда Мэтт курбонни хира чирок нурлари остида бўғиб ўлдирилган ҳолатини кўз олдига келтирди. Бу ҳақда ўйларкан, ҳатто сесканиб ҳам қўймади.

– Ким билади, дейсан, – жавоб қилди Мэтт. – Балки у шерикларидан кутулиб кетишга интилгандир. Агар биз унга рўбарў бўлмаганимизда, Худо билади, қаерга қараб йўл оларди. Ҳалол одамлар орасида ўғрилар тўдасига қараганда киссавурлар кўпроқ учрайди. Жим, бу ҳақида рўзномаларда кўп ёзишади. Шериклар пайт пойлаб, бир-бирининг оёғидан чалишга ҳаракат қилишади.

Жимнинг кўзларида алланечук айбдорлик ҳисси йилт этди. Мэтт ўзини гўлликка солиб:

– Жим, ҳозир нима ҳақида ўйладинг? – деб сўради.

Жим бир муддат ўзини ноқулай сизди.

– Шунча бойлик унинг уйида пайдо бўлиши салгалати кўриниб кетди. Нега бу ҳақда сўраяпсан?

– Ўзим. Шунчаки қизиқдим, шу холос.

Хонага сукунат чўкди. Ҳар-ҳар замонда Жим беўхшов ҳиринглаб қўярди. Қимматбаҳо тошлар уни эсхушидан айирганди. Бу тошлар ҳадя қилиши мумкин бўлган кўкнорихаёллар уларнинг гўзаллигини ҳис қилишга йўл қўймасди. Бу тошлар унинг дардчил танаси ва калтафаҳмида не-не эҳтирос-у истакларни уйғотарди. Сержило тошлар жилвасидан Жим ўзини ҳашаматли қасрларда, кайф-сафо ичида тасаввур қилар, бундан хузурланиб оғзининг таноби қочарди. Йўқ, булар хомхаёлдан бошқаси эмас. Мана, унинг эҳтиросларини жунбушга келтирганча, тошлар стол устида ялтиллаб турибди. Жим яна тиржайди.

– Тошларни санаш керак, – тўсатдан тилга кирди Мэтт хаёлот дунёсидан чиқиб. – Кўзингга қара, орамизга ёлғон аралашмаслиги лозим, Жим. Уқдингми?

Жимнинг кўзларида норозилик аломатлари йилтиллади. Шеригининг бу ёвқараши Мэттга ёкмади.

– Уқдингми? – такрорлади Мэтт таҳдидона.

– Шу пайтгача орамизга ёлғон аралашганмиди? – деди Жим ўзини ҳимоялаб. Хоинлик аллақачон унинг кўнглида пишиб етилди.

– Дўст кулфатда билинади, дейдилар. Шунча қийинчиликдан сўнг бой бўлганимизда, бир-биримизни алдаймизми?

– Мен пасткаш эмасман, – унинг гапларини тасдиқлади Жим, аммо кўнглининг туб-тубида тийиқсиз бахиллик ҳислари бош кўтарди.

Мэтт ошхона тоқчасидан қуруқ чой ва туйилган қизил қалампирли иккита қоғоз пакетни олиб, уларни бўшатди. Кейин пакетларга йирик ва майда олмосларни алоҳида-алоҳида қилиб солди. Йирикларини санаб, уларни тамаки қоғози ва чармга ўради.

– Бир юз қирқ еттита ўртача катталиқда, – деб ҳисоб-китоб қила бошлади. – Йигирмата йирик, иккита жуда катта ва битта баҳайбат, яна-тағин икки ҳовуч увоқдайлари.

Мэтт Жимга назар ташлаб қўйди.

– Тўппа-тўғри, – деб тасдиқлади шериги.

У ҳисоб-китобни бир парча қоғозга ёзиб, ундан нусха олди.

– Эсдалик учун, – деб бир парча қоғозни ўзида қолдирди, иккинчисини шеригига узатди.

Мэтт тағин тоқча ёнига бориб, шакар қоғозини бўшатиб, пакетга олмосларни солди. Ола-була рўмолчага ўраб, ёстиғининг тагига тиқиб қўйди. Сўнг каравотга омонатгина ўтириб, ботинкаларини ечди.

– Чиндан ҳам уларни юз минг туради, деб ўйлайсанми? – деб сўради Жим.

– Бўлмасам-чи. Аризонада бир раққосани танирдим, шунақа тошлари борийди. Сохта. Ўзининг айтишича, агар тошлар асл бўлганида, эллик мингдан кам турмаскан, ўлиб-тирилиб рақсга тушишига ҳожат қолмаган бўларкан.

– Ким ҳам бир бурда нонни деб тер тўккиси келади? Умр бўйи итдай тиним билмай ишласам-да, бугун қўлга киритганимизнинг ярмини ҳам тополмайман.

– Қўлингдан идиш-товоқ ювишдан бошқаси келмайди, шунда ҳам ойига йигирма доллардан кўп тополмайсан. Лекин тўғри айтасан – ким хоҳласа, ўша ишлайверсин. Ёш ва аҳмоқлигимда ўттиз доллар маошга ковбой бўлиб ишлардим. Мана, энди ақлим кириб, эртадан-кечгача лакиллаб юриш ниятим йўқ.

Мэтт кўрпанинг ичига кирди. Жим чирокни ўчириб, каравотга чўзилди.

– Қўлинг тузукми? – деб ҳол-аҳвол сўради шеригидан.

Жимнинг бундаин жонкуяр бўлиб қолгани Мэттнинг кўнглида шубҳа уйғотди.

– Ҳарқалай, кутурмасам керак. Нега сўраяпсан?

Жим шеригининг кўнглига ғулғула оралаганини пайқади, пайқади-ю, ноўрин савол бергани учун ичида ўзини бўралаб сўқди, лекин буни сиртига чиқармади.

– Сўрадим-қўйдим-да. Бошида иштонингни ҳўллаб қўйдингми, деб ўйлабман. Ўзининг улушингни нима қилмоқчисан, Мэтт?

– Аризонадан ранчо сотиб оламан, ўша ерга ўрнашволиб, бошқалар қўл остимда ковбой бўлиб хизматимни қилишлари учун ҳақ тўлайман. Бир тўда қаланғи-қасанғилар иш сўраб Худонинг зорини қилишларини оёқни узатиб томоша қилмоқчиман. Энди эса унингни ўчир, Жим. Ранчони ҳали-вери сотиб олмайман. Ҳозир ухламоқчиман. Гап тамом-вассалом.

Лекин Жимнинг алламаҳалгача кўзи илинмади; жиғибийрон бўлиб, у ёнбошдан бу ёнбошга ағдарилар, уйкуга кетганда ҳам дарров уйғониб кетаверди. Олмосларнинг жилваси кўз ўнгидан кетмас, бойлик хаёли миясини пармаларди. Мэтт шериги каби илоннинг ёғини яламаган бўлса-да, уйқусида ҳам қулоғи динг ёввойи хайвондек хушёр ухларди. Жим ҳар сафар у ёнбошдан бу ёнбошга ағдарилаётганда, ёнидаги шеригининг танаси таранглашиб, зўриқаётганини сизди. Сирасини айтганда, Жим шериги ухлаяптими-йўқми, билолмасди. Ҳатто бир сафар Мэтт умуман уйқусирамасдан осойишталик билан: «Ухласанг-чи, Жим! Қўй шу тошларни. Ҳеч қаёққа кетмайди куриб кетгурлар», – деди. Аини шу чоғда Жим Мэттнинг ухлаётганига ишончи комил эди.

Эрталаб Мэтт Жимнинг сал қўзғалганиданоқ кўзини очганда, қуёш тиккага келганди, кейин эса икковлон то иссиқ ўринларини совитмагунларича бирданига уйғониб, яна уйкуга кетаверишди.

– Бориб газета билан нон олиб келай, – деди Мэтт. – Унгача сен қаҳва қайнатиб тур.

Шунда Жимнинг нигоҳи беихтиёр Мэттнинг юзидан тагига ола-була рўмолчага ўралган олмослар яширинган ёстикқа сирғалиб тушди. Бир зумга Мэттнинг юзи ғазабдан бўғриқиб кетди.

– Қара лекин, Жим! – деб бақирди у. – Ўйинга ўт тушмасин. Агар менга фириб берадиган бўлсанг, сени ўлдираман. Тушундингми? Сени ямламай ютаман. Нақ жонингни суғуриб оламан-а!

Мэттнинг офтобда қорайган бадани ғазабдан қизариб, тамакидан сарғайган тишлари ғижирлаб кетди. Жим бир сапчиб тушиб, ғужанак бўлиб олди. Унга нақ ажалнинг ўзгинаси тиш қайраб турганди. Кеча тунда худди мана шу қора бадан одам ўз қўллари билан биттасини бўғиб

ўлдирди ва бундан виждони қийналмасдан уйқуни ура-
верди. Жимнинг кўнгли бир буржида айбдорлик ҳисси
йилт этгандек бўлди, негаки хозир миясида ғужғон
ўйнаётган фикрлари шеригининг дўқ-пўписасини
оқларди.

Мэтт уни даҳшатдан дағ-дағ титраган ҳолатда
қолдириб ташқарилади. Жим бир ўзидан, бир Мэттдан
жаҳлланиб, башараси бужмайди, шивирлаб ёпиқ эшик
томонга бисотидаги бор ҳақоратларни ёғдирди. Олмос-
лар лоп этиб ёдига тушди-да, ҳовлиққанча ёстик тагига
кўл югуртирди. Мэтт уларни ўзи билан олиб кетмаганига
ишонч ҳосил қилгач, ўзидан ўпкалади, кейин дарҳол ке-
росинкани ёкиб, чойдишга сув тўлдириб, оловга қўйди.

Мэтт қайтиб келганида, қайноққина қаҳва тайёр
бўлганди. Нон кесиб, дастурхонга саримой қўйгунича,
Жим қаҳва дамлаб куйди.

Бир-икки хўплам қаҳва ичганидан кейингина Мэтт
чўнтагидан тонгги газетани чиқазди.

– Қўлимиз кўкка етди, – деди Мэтт. – Сенга айтган-
дим-у, ўлжанинг қанчалик ёғли эканлигини ўйласам,
юрагим орқага тортиб кетяпти, деб. Бу ёққа қарагин. –
Мэтт рўзноманинг биринчи саҳифасидаги сарлавҳага
ишора қилди:

**ЎҒРИНИ ҚАРОҚЧИ УРДИ, БУЯНОВ ШЕРИКЛА-
РИНИ ТУНАГАЧ, УЙҚУСИДА УНИНГ ЎЗИНИ ЎЛ-
ДИРИБ КЕТИШДИ.**

– Оббо, итдан тарқаган-ей! Ўз шеригини учига чиққан
ўғри каби шилибди-да ярамас.

– *«Ярим миллионлик миқдордаги қимматбаҳо буюм-
лар йўқолган»*, – деб ўқиди Жим овоз чиқариб. Сўнгра
газетадан нигоҳини узиб, Мэттга тикилди.

– Сенга нима дегандим? Жавоҳирот бобида анча-
мунча нарсани тушунамиз! Ярим миллион-а! Мен эса
бор-йўғи юз мингга кўз тикибман-а! Ўқи қолганини.

Иковлон мук тушиб ўқишга тушишди. Қўл текки-зилмаган қаҳва совиб қолди. Аҳён-аҳёнда битта-яримта хайратомуз фактдан «оҳ-ух»лаб қўйишарди.

– Бугун сейфни очиб қараганда, Метцнернинг башарасини бир кўрсамийди, – деди ичиқоралик билан Жим.

– У ўша заҳоти ҳукумат органларига Буяновлар уйини кўрсатган бўлса керак, – тушунтириш киритди ўзича Мэтт. – Ўқи, ўқи.

– *«Кеча оқшом «Сажода»да² Ҳинд океанига сузиб кетмоқчи эди – бироқ қутилмаган юклар сабаб сафар кечиктирилди...»*

– Шунинг учун ҳам биз уни тўшақда ухлаб ётгани устидан чиқибмиз-да, – луқма ташлади Мэтт. – Бу худди лотореядаги ютуқ мисол бир омад.

– *«Сажода» бугун тонг соат олтида жўнаб кетди».*

– Бечора кемага улгурмаган, – гап қистирди Мэтт. – Соат кўнғироғи бешга қўйилганини ўз кўзим билан кўрдим. Бемалол улгурса бўларди, аммо ўша дамда мен пайдо бўлдим-у, вақт борасида уни майна қилдим. Ўқийвер.

– *«Адольф Метцнер танг аҳволда қолди – машҳур Хейторн маржон шодаси мутаҳассислар томонидан эллик мингдан етмиш минг долларгача белгиланди».*

Жим тин олиб, бўралаб сўкинди ва охирида:

– Бу лаънати чиғаноқ тухумлари бир дунё пул туради-я! Маржонлар ростданам гўзал-да! – деб қўйди.

– *«Каттакон Бразилия олмоси, – ўқишда давом этди у. – Саксон минг доллар. Бир неча минг майда олмослар қирқ минг доллардан кам турмайди».*

– Ҳа, олмослар ҳақида бор маълумотларни суриштириш керак экан, – хушфееьллик билан кулиб қўйди Мэтт.

– *«Изқуварларнинг нуқтаи назари. Ўғрилар ҳаммасидан хабардор бўлишган кўринади – Буяновнинг*

² Сажода – кема номи.

хатти-ҳаракатларини зийраклик билан кузатишган, эҳтимолки, унинг режасларини билишган ва уйигача изма-из таъқиб қилишган».

– Бўлмаган гап! – тутакиб кетди Мэтт. – Рўзнонамаларда мана шунақа қилиб миш-миш тарқалади ўзи. Унинг шеригини шилиб қайтаётганини қаёқдан билардик?

– Нима бўлганда ҳам мол бизда, – мийиғида кулиб кўйди Жим. – Кел, яна бир марта кўз ташлайлик.

Мэтт олачипор бўғчасини очгунча Жим эшик очиқ-ёпиқлигини текшириб келди.

– Ўзинг айт, кўзни олмайдими?! – хитоб қилди Жим олмосларга ишора қилиб. Бирмунча вақт у олмослардан кўз узолмай турди. – Демак, эллик минг, йўқса, етмиш минг тураркан-да.

– Бунақа нарсаларни деб аёллар ўзларини томдан ташлашдан ҳам тоймайдилар, – деди Мэтт. – Улар бу тошларни кўлга киритиш учун таналарини сотишади, қотилликка кўл уришади, ҳар бало қилишади.

– Худди сен ва мен каби.

– Ҳечам-да! – эътироз билдирди Мэтт. – Қотилликни тошларни кўлга киритиш учун эмас, уларнинг эвазига келадиған фаровон ҳаёт учун кўл урдим. Фарқ мана шунда. Бу жавохирлар аёлларга ўзлари учун керак, менга эса улар аёллар ва кўнгилхушликлар учун керак.

– Эркаклар ва аёллар бир нарсани ишташмаслигининг ўзи ҳам бир бахт, – деди Жим.

– Одамлар ҳар хил нарсаларни хоҳлашлари орқали олди-сотди амалга оширилади, – деб шеригининг гапини маъқуллади Мэтт.

Чошгоҳда Жим бозор-ўчар қилгани чиқиб кетди. Мэтт жавохирларни қайтадан ўраб-чирмаб, ёстиғининг тагига тиқиб кўйди. Кейин керосинкани ёқиб, қаҳва учун сув қайнатди. Бир қанча фурсатдан сўнг Жим қайтиб келди.

– Ажабо, – деди ичкарига кирибоқ Жим. – Кўчада ҳеч нарса бўлмагандек ҳаёт ўша-ўша давом этмоқда. Ўзимча миллионердек кетиб боряпман-у, биров пайқамайди.

Мэтт тўнғиллаб кўйди. Шеригининг шуҳратпараст орзулари-ю, тантиқ ўй-хаёллари унга бегона эди.

– Гўшт опкелдингми?

– Бўлмасам-чи. Баррасидан. Жоннинг ҳузури. Бир карагин-а.

Мэтт гўшт коворди, Жим қаҳва тайёрлаб, дастурхон тузади.

– Фақат қизил қалампирингдан кўп солма, – огоҳлантирди Жим. – Мексиканча жиз-бизларингга сира кўниколмаяпман. Қачон қарама қалампирни аямай солиб аччиқ қилиб юборасан.

Мэтт «Ҳм» деб қўйиб, пишир-куйдирда давом этди. Жим қаҳва қуйди, лекин аввал дарз кетган дўлчага кўкрак чўнтагидан юпқа қоғозга ўралган кукунни олиб солди. Орқасига ўгирилиб шеригининг нималар қилаётганини кўришга улгурмай қолди. Мэтт столга газета ёзиб, товани қўйиб бўлганди. Гўштни тенг иккига бўлиб, Жим ва ўзининг ликопларига солди.

– Қайноқлигида еб ол, – маслаҳат берди Мэтт, сўнгра ўрнак кўрсатиб пичоқ ва санчқини кўлига олди.

– Яшасин бирдамлик, – ҳайқирди Жим биринчи лўқмадан кейин. – Аммо-лекин бир нарсани сенга айтиб қўяй. Аризонадаги ранчойингга ҳеч қачон бормаيمان, шундоқ экан, таклиф қилмай қўя қол.

– Нима жин урди ўзи сени?

– Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Сен мени мексиканча овқатларинг билан адойи тамом қиласан, холос. Агар нариги дунёда дўзахга тушиш пешанамга ёзилган бўлса, ичак-чавоқларим лаънати қалампирингдан азоб чекишини ис-тамайман!

Жим тиржайиб, оғзини куйдираётган қахвани совитиш учун зўр бериб тез-тез нафас чиқара бошлади, кейин яна гўштга ёпишди.

– Нариги дунё хақида нима деб ўйлайсан, Мэтт? – деб сўради бирпасдан сўнг. Мэттнинг қахвага қўл теккизмагани уни хайрон колдираётганди.

– Ҳеч қанақа у дунё йўқ, – жавоб берди Мэтт овқатдан бош кўтариб, қахва хўплаганча. – На жаннат, на дўзах. Насибангни мана шу дунёда оласан.

– Кейин-чи? – деб сўради Жим зўр қизиқиш билан: билардики, ҳозир ўлимга маҳқум одамга тикилиб ўтирибди.

– Икки ҳафта сасиб-бижиб ётган мурдани кўрганмисан? – савол ташлади Мэтт.

Жим бош чайқади.

– Мен эса кўрганман. У ҳозир биз ликқа-ликқа ютаётган гўштга ўхшаб колганди. Манави гўшт ҳам қачонлардир шаталоқ отиб юрган бузоқча бўлган. Энди эса бор-йўғи лаҳм гўшт. Бу деганим шуки, бир кун келиб сен, мен ҳам, ҳаммамиз шунчаки лаҳм гўштга айланамиз-қоламиз.

Мэтт қахвани охиригача симириб, яна куйди.

– Ўзинг-чи? Ўлимдан қўрқасанми?

Жим тагин бош чайқади.

– Қўрққандан нима наф? Барибир ўлмайман. Бир йўқолиб, яна пайдо бўлавераман.

– Янги ҳаётингда ҳам ўғирлик, фирибгарлик қилиб, минғир-минғир қилиш учунми?

– Балки яхши йўлга кирарман, – тахмин қилди Жим. – Балки кейинги ҳаётимда ўғирлик қилишга ҳожат қолмас. Жим бирдан жимиб, бўшлиққа тикилиб қолди.

– Нима гап? – сўради Мэтт.

– Ҳеч гап йўқ. Шунчаки ўлим хақида ўйлаб қолдим, холос. – Жим аранг ўзига келди.

Бироқ Жим ичидан тошиб келаётган даҳшат ҳиссини хайдаб соллмади. Ёнгинасидан соя ташлаб аллақандай қора шарпа лип этиб ўтгандай бўлди. Кўнгли олдиндан нохушликни сезгандай бўлди. Бахтсизлик бостириб келмоқда. Фалокат ҳавода муаллақ осилиб турибди. Жим рўпарасидаги шеригига зимдан разм солди. Қаердадир хато кетган. Адашиб ўзини заҳарлаб қўёлмайди-ку? Йўқ, синган дўлча Мэттда, заҳарни дарз кетган дўлчага солганини аниқ-тиниқ эслайди.

Барчаси носоғлом хаёлларининг натижаси, деб ўйлади. Бу биринчи марта бўлаётгани йўқ-ку. Аҳмоқ! Албатта, хаёлга нималар келмайди. Нимадир бостириб келаётгани аниқ, фақат Мэттнинг устига ёпирилиб келмоқда. Ахир, Мэтт дўлча тўла қаҳвани томчи қолдирмай ичмадими?

Жим очилиб ўтиришга ҳаракат қилиб, гўштни бир тишлам ҳам қолдирмай паққос туширди, нон билан юқини сидириб олди.

– Болалигимда, – деб тилга кирди-ю, мум тишлаб қолди.

Яна қора шарпа кўриниш берди, Жимнинг кўнгли яқинлашиб келаётган кўнгилсизликни олдиндан сезиб бутун вужудини титроқ босди. Ич-ичини недир кемираётганини ҳис қилди, барча мушаклари акашак бўлиб қоладигандай туюлди. Илкис ўзини орқага ташлаб, сўнг шундай тезлик билан олдинга ташлади. Танаси бўйлаб енгил титроқ югургилаб ўтди. Бу шамол олдидан япроқларнинг шитир-шитирига ўхшаб кетарди. У тишларини маҳкам қисди. Мана, тагин мушаклари зўриқмоқда. Мушаклари ўзига итоат этмаётганини англаганда Жимни ваҳима босди. Қанчалик тиришмасин, танаси ўзига бўйсунмасди. Этлари жимирлаб, пешанасидан тер чиқиб кетди. Ожизлик даҳшати уни камраб олди. Ҳозиргина

узоқ сафардан қайтиб келгандай ҳамма нарса кўзига та-ниш кўринди. Нигоҳини шеригига бурди. Мэтт уни ти-шининг оқини кўрсатиб кузатиб турарди. Жимнинг юзи-да даҳшат ифодаси пайдо бўлди.

– Ё Раббим, Мэтт! – чинкириб юборди Жим. – Бил-дирмай нимадир кўшиб бердингми?

Мэтт ҳамон тиржайганча кузатарди. Шунча жа-зава ичида ҳам Жим ҳушини йўқотмади. Мушаклари зўриқар, тугилиб қолар, аъзойи бадани қақшаб оғрир, бахайбат омбир танасини қисаётгандай бўларди. Шунча талваса орасида Жим Мэтт ўзини ғалати тутаётганини пайқаб қолди. Мэтт ҳам Жимнинг аҳволига тушганди. Мэттнинг юзидан табассум йўқолиб, ичидаги нимагадир кулоқ солаётгандай жиддийлашди. Ўрнидан туриб, хона-да у ёқдан-бу ёққа бориб келди, кейин ўтириб олди.

– Бу сенинг ишинг, Жим, – дея олди у базўр.

– Фақат сен ҳам мени ўлдиришга жазм қилишинг мумкинлигини ҳисобга олмабман, – деди Жим кучаниб.

– Бу борада хотиринг жам бўлаверсин, – деди Мэтт тишларини ғижирлатиб. – Менга нима бердинг?

– Стрихнин³.

– Мен ҳам сенга худди ўшандан бергандим, – деди Мэтт. – Бу ёғи қанчадан тушди энди, а?

– Алдаяпсан, Мэтт, – деди зорланиб Жим. – Ҳеч нар-са сепмадим, деб айт, илтимос!

– Сепганда қандок, Жим. Сенга тегадиган гўштга заҳар сепиб, яхшилаб қовуриб юбордим. Тўхта! Қаёққа?

Жим эшикка ёпишиб, зулфинни тушира бошлади. Мэтт бир сакраб туриб, уни итариб юборди.

– Дорихонага, – деди Жим бўғилиб. – Дорихонага.

– Бекорларнинг бештасини ебсан. Сен шу ерда қоласан. Кўчага чикволиб томоша кўрсатишнинг кераги

³ Кучли заҳар.

йўқ. Тушундингми? Ўлмай қолган тақдирингдаям полициянинг кўлига тушасан, анча-мунча нарсасага ойдинлик киритишингга тўғри келади. Одам захарланганда, қайт қилдирадиган дори ичиши керак. Сенга қараганда менинг ахволим абгорроқ. Дорихонадаям кўлингга худди шу нарсани тутқизишади.

У Жимни хонанинг ўртасига итариб юбориб, лўкидонларни қайтадан жойига туширди. Жим Мэттнинг ошхона тоқчасидан хантал тўла банка, пиёлани олиб, ошхона чаноғига югурганини кузатиб турди. Мэтт пиёлада хантал ва сувни аралаштириб ичди. Жим ҳам бориб, кўллари қалтираганча, бўш пиёлага кўл чўзди. Мэтт тагин уни туртиб ташлади. Иккинчи пиёладагини аралаштираркан:

– Бир пиёласи етади, деб ўйлайсанми? Тугатмагунимча кутиб туришинг мумкин, – деб сўз қотди.

Жим гандираклаб эшик томон одимлади, бироқ Мэтт уни силтаб ташлади.

– Остона хатлаб кўчага чиқадиغان бўлсанг, бўйнингни узволаман. Уқдингми? Мендан кейин ичасан. Писиб чиқиб кетсанг, бўйнингдан айрилсан. Ҳар қанақасига ҳам кунинг битди. Агар менга хоинлик қиладиغان бўлсанг, жонингни суғуриб олишимни айтиб, юз марта огоҳлантиргандим-а.

– Лекин ўзинг ҳам менга разиллик қилдинг-ку.

Мэтт жавоб бермади, иккинчи пиёлани кўтарди. Жимнинг кўзларини тер томчилари ачиштирар, паспасланиб бориб, ўзига пиёла олди. Учинчи пиёлани сипқораётган Мэтт яна уни итариб юборди.

– Тугатмагунимча кутиб туришни айтмабмидим! – бўқирди Мэтт. – Йўлдан қоч.

Танаси тиришиб-буришган Жим ҳаёт ваъда қилаётган сариқ аралашма ҳақида орзу қиларди. У оёқда ирода

кучи билангина турарди. Икки букилиб, полга чўзилиб қолишдан ўзини аранг тийиб турарди. Мэтт учинчи пиёла аралашмани ичиб бўлиб, базўр стулга етиб бориб, ўтирди. Биринчи хуруж ўтиб кетди. Энди сал бўлса-да, хавф ортда қолди. Манглайдаги терни артиб, қизиксиниб шеригига боқди.

Томирлари тортишиб, мушаклари акашак бўлиб қолган Жимнинг қўлидан ханталли банка тушиб кетиб, ичидаги полга тўкилди. Озроқ бўлса-да, ханталдан пиёлага солиш учун эгилди-ю, гурсиллаб полга йиқилди. Мэтт унинг устидан мириқиб қулди.

– Маҳкамроқ ушла, – ундади Мэтт. – Энг яхши восита шу. Менга кор қилди.

Жим азобдан буришиб, бўғриқиб кетган юзида илтижоли ифода билан Мэттга минг бир азоб-ла нигоҳ бурди. Оёқ-қўллари чангак бўлиб, оғзидан кўпик сачратганча шайтонлаб қолди. Афт-башарасига хантал чапланди.

Текин томошадан Мэтт кулишга ҳаракат қилди-ю, аммо кулгиси бўғзида қолди. Танаси бўйлаб титроқ югурди. Янги хуруж бошланганди. Ўрнидан чайқалиб турганча, маст одамдай ошхона чаноғига аранг етиб борди. Қўлини оғзига тиқиб, қусишга уриниб кўрди.

Бу вақтга келиб Жимнинг хуружи ўтиб кетганди. Тинкаси қуриб, лоҳасланганча, ўрнидан туришга уринди. Уни совуқ тер босган, лаблари чети кўпикланганди. Муштуми билан кўзларини ишқалади. Шунда бўғзидан фарёд мисол ингроқ отилиб чикди.

– Нега инқиллайсан? – деб сўради оғриқдан тўлғанаётган Мэтт. – Сендан талаб қилинаётгани фақат жон бериш. Ўлсанг, ҳаммасидан қутуласан.

– Инқиллаётганим... йў-ўқ... кўзимни... хантал... ачиштиряпти, – деди базўр Жим.

Бу унинг сўнгги сўзлари бўлди. Шундан кейин у кўзларини ҳавода силкитганча, алланималарни алжирай

кетди. Янги хуруж уни полга йикитди-ю, Жим қайтиб турмади.

Мэтг икки букилганча, зўрға стулга бориб ўтирди ва оғриқнинг зўридан тиззаларини қорнига тортди. Хуруждан сўнг унинг тинка-мадори қуриганди. Шеригининг аҳволини билиш учун унга назар ташлади. Шериги эса тарашадай қотиб ётарди.

Сўнги бор ҳаётнинг устидан қулиш учун оғиз жуфтлади-ю, лабларидан тушуниксиз товушлар учиб чиқди. Қусиб қутулиб кетарман, деб қилган чораси бе-самар кетганини тушуниб, энди ягона умид дорихона эканлигини кўнглидан ўтказди. Стулга суяниб, оёққа турди ва эшик томон йўналди. Аммо навбатдаги хуруж танасини ғужанак қилишга мажбурлади. Эшиккача судралиб боргунча танасини охирги куч-қуввати ҳам тарк этди. У қалитни бир марта буради, иккинчисига ҳоли келмади. Гавдасини эшикка ташлади-да, аста полга сирғалиб тушди.





СЭМЮЭЛ

Маргарет Хэнен хар қандай вазиятда ҳам эътибордан четда қолмасди. Айниқса, уни илк дафъа кўрганимда кўпроқ ҳайратга солди: елкасига сал кам деганда бир центнер дон тўлдирилган қопни ортмоқлаб, ношаҳдам, лекин қатъий қадамлар билан аравадан омбор томон одимларди ва бордонга кўтариладиган тик зиналар олдида тин олиш учун бир дақиқагагина тўхтарди. Поғоналар тўртта бўлиб, Маргарет улардан қадам-бақадам, аста, аммо дадил ва шундай ўжар матонат-ла кўтарилардики, унинг мадори куриб битди, залвори билан озғин ва мункиллаган қадди-бастини дол қилаёзган қоп елкасидан сал қолса тушиб кетади, деган ҳавотир хаёлимга келмади. Бу аёлнинг шарти кетиб, парти қолганлиги қараган кўзга аён бўларди, шунгами, уни кузатиб, арава ёнида миҳланиб қолдим.

Лиқ тўлдирилган қоп кўтариб олти марта аравадан омборга бориб келди. Бош силкиб қўйиб, каминага ортиқ диққат қилмади. Арава бўшагач, киссасидан гугурт чиқазиб, ажин босган, ориқ бармоқлари орасига қалта сопол мундштугини олиб тутатди. Нигоҳларим томирлари бўртиб чиққан, бўғимлари шишиб кетган, тирноқлари синиб тушган, қора меҳнатдан хунуклашган, қадок ва чандиқлар қоплаган, баъзи жойлари янгитда шилинган қўлларида сирпанарди – бундай қўллар одатда оғир жисмоний меҳнатда суяги қотган эркакларга тегишли бўлади. Ҳаддан ташқари бўртган томирлари унинг ёши ҳамда қийинчиликда ўтган ҳаётидан очиқ-ойдин

сўйларди. Уларга қараб туриб, бу кўллар қачонлардир Мак-Гилл ороли маликаси ҳисобланган аёлники эканлигига ишониш қийин эди. Аммо бу кейинроқ маълум бўлди. Ўша кунлари бу аёлнинг ўзи ҳам, ўтмиши ҳам менга қоронғу эди.

Оёқларига кўпол, тоб ташлаган теридан тикилган эркаклар бошмоғини сарпойчан илиб олганди. Ҳалпиллаб турган пўлатмонанд бошмоқлар юраётганда тўпигини шилиб қавартираётганини аввалбошданоқ пайқагандим. Ясси кўкракли алифдек бу аёлнинг эгнида дағал эркаклар кўйлаги ва бир замонлар қизил жун матодан тўқилган йиртиқ-ямоқ юбкаси шалвираб турарди. Лекин барчасидан ҳам кўпроқ шамол ялаган, ажиндор юзидан, тарок тегмаган, қиров тушган, тўзғоқ сочларидан кўзимни узолмасдим. На хурпайган сочлар, на ажинлар тўри ҳеч қандай қусур топиб бўлмайдиган чизиклар тортилмиш мўъжаз кенг манглайининг хуснини яширолмас, киртайган афт-ангори ва қирғий бурни мовий кўзлари тубида учқунлаётган аланга билан қовушавермасди. Нечундир ҳаёт шами ўчмаган ва майда ажинлар билан қуршалган кўзлари қизалоқларникидек чакноқ эди. Қорачиқларида нурафшон, қилт этмай турган жиддий нигоҳлари эса мени алланечук саросимага солди. Юзининг фарқловчи хусусияти кўзлари ўртасидаги масофа эди. Улар орасига яна бир яримта кўзни жойлаштиради бўларди. Бунақасини анча-мунча кишида учратавермайсиз. Юзининг икки палласи бир-бирига чунонам мувозий эдики, бу унинг ўзига хослигига зиғирча даҳл этмасди. Синчков бўлмаган кишига, эҳтимол, бу билинмас. Гарчи мушакларининг шалвираганлиги кексалик аломати бўлиб кўринса-да, қуруқшаган лаблари кемшик оғзининг бу нуқсонини ошқор этмасди. Агар улардаги букилмас *қатъият* ифодасини айтмаганда, бундай лаблар фақат мўмиёларда бўлади, дейиш мумкин эди. Лаблар зинҳор

жонсиз эмасди, аксинча, қатъият ила қимтилган бу лабларда улкан қалб жасорати сезилиб турарди. Лаблар ва кўзлар ифодасидан бу вужуд мувозанатини йўқотмай зил-замбил қопни қай тарзда бўйсиндиролганига жавоб топиш мушкул эди.

– Ўзингиз анча кексайиб қолибсиз-у, бундаин оғир юмушга кўл урганингизни қаранг! – тилимни тийиб туrolмадим.

У менга ғалати, совуқ нигоҳи билан тикилди-да, ўйга толиб, гўё абадият олдида тургандай шошилмай жавоб қайтарди. Ўзига бўлган чексиз ишончи бу сафар ҳам мени танг қолдирди. Шубҳасиз, ҳаётида ҳам чекиниш ёинки мувозанатини йўқотишдан чўчимасди. Бу аёл менда тушуниксиз ҳисларни уйғотди. Мен, барчага тегишли умумийликни ҳисобга олмаганда, ўзим учун нотаниш зотни учратгандим. Кейинги ҳафталарда Маргарэт Хэненни қанчайин яқиндан билганим сари унинг тушуниксиз етти ёт бегоналигини ҳис қилардим. Маргарет ўзга сайёрадан келган меҳмон эди, гўё. Ўтмиши ва айни ҳаётида қандай туйғулар туғёни ёхуд файласуфона дунёқараш унинг олға қадам босмоғига мос бўлганини, қандай қалб кечинмаларини бошдан кечирганини на ўзи, на ҳамқишлоқлари оз-моз бўлсин тушунтириб бера олишди.

– Икки ҳафтадан сўнг етмиш иккига чиқаман, – деди у менинг мушоҳадакорлигимга жавобан.

– Ана, айтмабмидим. Бундақа ишлар фақат эркаклар учун, – ўзимникини маъқуллаб туриб олдим.

У яна хотиралар чангалзорини кезишга тушди. Уйқуга чўмиб, бир асрдан кейин уйғонганимда ҳам эндигина жавоб қайтаришга чоғланаётган бўлса, сира ажабланмасдим.

– Кимдир шу ишларни қилиши керак-ку, мен эса одамларга бош эгишни ўзимга эп кўрмайман.

– Нахот фарзандларингиз, қариндош-уруғларингиз бўлмаса?

– Бўлгани билан улардан не наф.

У бир дақиқага оғзидан мундштугини чиқазиб, боши билан уйи томон имо қилиб шундай деди:

– Мен ёлғиз яшайман.

Томи похол билан ёпилган уй, каттакон омбор ва кенг экинзордан иборат фермага назар солдим.

– Бир ўзингиз бундайин катта хўжаликни қандай эплайсиз?

– Ҳа, хўжалик катталиқка катта. Етмиш акр! Иш чо-лимга ҳам, ўғлимга ҳам етиб ортарди. Хизматкорларимиз ҳам йўқ эмасди. Йиғим-терим мавсумида мардикор ёл-лашга тўғри келарди.

У аравага амал-тақал чиқди-да, қўлига жиловни олиб, ўткир ва доно кўзлари билан менга тикилди.

– Сиз денгиз ортидан, яъни Америкадан бўлсангиз керак?

– Ҳа, америкаликман.

– Америкада бизнинг Мак-Гилл ороли одамларини учратавермайсан.

– Штатларда биронта юртдошингизни кўрганимни эслолмайман.

– Шунақа, халқимиз – хонанишин, ўзи. Тўғри, уларни жаҳонгашта эмас, деёлмайсан, лекин, алаалоқибат, барча-барчаси – денгизда чўкмай ва мусофирчиликда безгак ёки бошқа балога йўлиқмай омон қолганлари, албатта, уйга қайтадилар.

– Ўзингизнинг ўғилларингиз ҳам денгиз сафарида бўлиб, уйга қайтишганми?

– Ҳа, Сэмюэлдан ташқари ҳаммаси. Сэмюэл чўкиб кетган.

Онт ичиб айтаманки, бу исмни тилга олганда унинг кўзларидан аллатовур нур чакнади. Баайни ўртамизда

туйкус пайдо бўлмиш рухоний алоқа таъсирида Маргаретдаги улкан дардни сездим. Агар астойдил ҳаракат қилинса, жумбокнинг ечимига олиб борувчи сирли қалбнинг очқичини, калаванинг учини топгандим. Мен шу тобда Маргаретнинг қалб деразасидан ичкарига мўралардим, гўё. Тилим учида саволлар тошқини пирллаб тургани замон у отини «чух-чух»лаб ниқтади-да: «Омон бўлинг, жаноб», – деб жўнаб қолди.

* * *

Мак-Гилл ороли аҳолиси одми, қувликдан йирок халқ. Ўйлашимча, бундай меҳнатсевар, оғир-вазмин, ғамхўр кишиларни кундузи чироқ ёкиб тополмайсиз. Ўзга юртда учратиб қолсангиз (ватанларидан ташқарида уларни фақат денгизда учратиш мумкин, нега деганда, ҳар бир мак-гилликда денгизчи билан фермернинг қони аралашган), уларни ирланд демайсиз. Бу халқ ўзини ирланд ҳисоблаб, Шимолий Ирландия ҳақида фахрланиб гапирадилар ва биродарлари – шотландлар устидан қуладилар. Ваҳоланки, шотландлар бу ерларга кўчиб келганларига неча замонлар бўлди. Шундай эса-да, минглаб феъл-атвор хусусиятларига эга, суҳанларидаги юмшоқ талаффузни айтмаса ҳам бўлади, асл шотланд уруғ-аймоғлари бугунги кунгача яшаб, умргузаронлик қилишлари мумкин эди.

Тор кўрфазгина Мак-Гиллни Ирландиядан ярим чақирим масофага ажратиб туради. Бироқ бу масофани сузиб ўтсангиз, мутлақо бошқа маконга тушиб қоласиз. Шу ерданоқ Шотландия нафаси урилади. Бундай дейишимга сабаб – оролликларнинг барча аҳолиси – пресвитерианлар⁴. Иннайкейин, мен сизга айтсам, оролда биронта қовоқхонани учратмайсиз. Бу ерда етти минг

⁴ *Пресвитерианлар* – протестантлик мазҳабининг оқимларидан бири; *пресвитериан* – шу оқимдаги киши.

нафар аҳоли истиқомат қилади, мана шунинг ўзи сизга уларнинг сабр-қаноатидан сўйлайди. Мак-гилликлар ўзларининг кўхна урф-одатларига содиқдирлар. Бу ерда умум фикри билан иш кўрилади; конун ва рухонийлар катта обрўга эга. Бугунги кунимизда ота-оналар хурмат-иззатда бўлган маскан камдан-кам топилади. Ёшлар кеч соат ўнгача сайр қиладилар ва бирон бир қиз ижозатсиз остона хатламайди.

Йигитлар денгиз сафарига отланадилар. Айш-ишратда ўтказилган бевош ҳаётлари уларга «кутуриб кетиш»га имкон беради. Аммо ора-сира уйга қайтиб, аввалги ҳаёт тарзларини давом эттирадилар, якшанба кунлари черковга қатнайдилар, уйда эса болаликдан ўрганиб қолган катталарнинг панд-насихатларига кулоқ осадилар. Бу денгиз ўғлонлари турфа юрт гўзалларига ошуфта бўлсалар-да, зинҳор-базинҳор уларни эргаштириб келмайдилар. Биргина мактаб муаллими бундан мустасно: нариги соҳилдан уйланганлиги унинг бошини ҳам қилди. Бу «қилмиш»и учун юртдошлари уни кечирिशмади. Умрининг сўнгига қадар қишлоқдошлари муаллимни қўллари билан бигиз қилиб кўрсатиб келишди. Муаллим қазо қилгач, хотини қизлик уйига кетиб қолди ва Мак-Гилл туғидаги бу доғ ҳам ўчирилди. Одатга кўра, барча денгизчилар «Яхши қиз ўз овулидан четга чиқмайди» таомилига амал қилишади, оила қуриб, оролнинг фахри сифатида тилга тушишади.

Мак-Гилл ороли шонли ўтмишга эга эмас, тарих зарварақларига ёзилиши мумкин бўлган бирон воқеа билан ҳам кўкрак керолмасди. Оролда ҳеч бир фитна, суиқасд, ер ислохотлари билан боғлиқ тартибсизликлар рўй бермаганди. Шу пайтгача фақат бир марта аҳолини бир жойдан иккинчи жойга кўчириш ҳолати кузатилганди, у ҳам бўлса расмий равишда – ижарачи адвокатининг маслаҳати билан бўлган.

Шундай қилиб, Мак-Гилл оролининг ўз солномаси мавжуд эмасди. Тарих оролни четлаб ўтганди. Орол белгиланган солиқни ўз вақтида тўлаб борар, соҳиби тождорига итоат этар, бир сўз билан айтганда, дунёбеҳабар бир ўлка эди. Ўз навбатида орол биргина бадалга талабгор эди: уни ҳам тинч қўйишса бас. Орол аҳолиси учун Ер юзи иккига бўлинарди: Мак-Гилл ороли ва Курраи заминнинг қолган қисми. Мак-Гилл оролига тегишли бўлмаган барча ерлар бегона, олис, ёввойи дунё ҳисобланарди. Модомики, денгизчилар уйга қайтиб юртдошларига ўзга олам ва унинг Яратганга шак келтирувчи удумларидан жилла қурса бир шингил сўзлаб берар эканлар, оролликлар бутунлай худобеҳабар бўлиб қолмагандилар. Биринчи бор Мак-Гилл ороли ҳақида Глазгодан сафарга чиққан пароход шкиперидан⁵ сўраб билдим. Пароходга Коломбодан Рангунгача йўловчи сифатида ўтиргандим. Капитан қўлимга тавсиянома тутқазди ва бу менга Росс хонимнинг эшикларини очиб берди. Росс хоним қизи билан яшар, икки ўғли эса кема сафарида экан. Асли Росс хоним ижарага одам қўймас экан, ўғлининг каминани алқаб ёзган хати туфайлигина беканинг хонадонига жойлашишга мушарраф бўлдим.

Кечки пайт, Маргарет Хэнен билан кўришувимиздан сўнг, Росс хонимдан бу аёл ҳақида сўрадим. Тушундимки, бу ерда чиндан ҳам қандайдир сир бор.

Оролнинг бошқа кишилари каби (тез орада бунга ишонч ҳосил қилдим) Росс хоним ҳам бошида саволларимга истар-истамас жавоб қайтарди. Шундай бўлса-да, оқшомдаёқ Маргарет қачонлардир оролнинг гўзалларидан бири бўлганини билиб олдим. Бадавлат фермернинг қизи Маргарет ўзига тўқ хонадон фарзандига – Томас Хэненга турмушга чиққан экан. Марга-

⁵ Шкипер – савдо кемасининг капитани.

рет уй-рўзғор ишларидан ортмаган, далага-ку умуман яқинлашмаган экан.

– Болалари қаерда?

– Икки ўғли — Жэми ва Тимоти уйланиб, денгиз сафарига кетишган. Бикинида почта қутиси бор катта уйга кўзингиз тушгандир? Ўша – Жэмининг уйи. Эрга тегмаган қизлари ҳам бор, улар турмушга чиқиб кетган опалариникида туришади. Қолган фарзандлари ўлган.

– Барча Сэмюэллар ўлиб кетишган, – луқма ташлади Клара тишининг оқини кўрсатиб.

Клара — Росс хонимнинг қизи. Қоракўз, бўйдор, дуркун.

– Бунинг куладиган жойи йўқ! – шу заҳоти қизининг оғзини ёпди онаси.

– Сэмюэллар? Яна қанақа Сэмюэллар?

– Бу тўрт азамат — Маргаретнинг ўғиллари.

– Ҳаммасининг исми Сэмюэлмиди?

– Шундай.

– Ғалати-ку! – дедим ўнғайсиз сукутни бузиб.

– Ҳа, жуда ғалати, – қўшилди Росс хоним тиззасига қўйволиб жун ипдан тўқиётган ишини хотиржамгина давом эттириб. Хоним нукул ўғилларига иссиқ кийим тўқиб ўтиришни хуш кўрар экан.

– Нима, фақат Сэмюэллар ўлиб кетдими? – суриштиришга тушдим яна бирон мужда илинжида.

– Ҳа, қолганлари ҳаёт. Хэненлар оиласи хурматга сазовор, оролда бунақасини учратмайсиз. Денгизга тушган барча эркакларнинг орасида унинг ўғиллари — асл азаматлар. Роҳиб ота уларни доимо ибрат қилиб кўрсатади. Қизлари ҳақида ҳам бир оғиз ножўя сўз эшитмайсиз.

– Лекин нима учун ғамхўрлик қилиш ўрнига қариган чоғида оналарини ташлаб кетишди? Нима учун бу аёл ёлғиз? Наҳот фарзандлари бирон марта келиб оналаридан хабар олишмаса?

– Йўқ, ҳеч қачон. Мана, йигирма йилдан ошдики, шу аҳвол. Бунга Маргаретнинг ўзи айбдор. Болаларини уйдан сиқиб чиқарган ҳам ўзи, эри — кекса Том Хэннени гўрга тикқан ҳам ўзи.

– Ичадимми?

Росс хоним инкор маъносида юзини шундай буриштириб жиркандики, ичкиликбозлик — мак-гиллик учун иснод эди, гўё.

Ўртага жимжитлик тушди. Росс хоним астойдил тўқир экан, Клара елканли шхунада штурман вазифасидаги қаллиғи билан сайрга чиқиш учун рухсат сўрагандагина ишидан бошини кўтарди. Шу аснода мен девор бурчагига осиб қўйилган туяқушнинг бахайбат тухумларини кўздан кечира бошладим. Ҳар бир тухумга мавж ураётган ғаройиб денгиз тўлқинлари узра сузиб бораётган кемалар сурати олапес қилиб туширилганди. Ушбу суратларда аниқ-тиниқлик ва ранглар мўл-кўллиги етишмасди. Камин тоқчасида Янги Каледония каторгачилари оҳанжама қилиб ясаган қўшалок чиғаноқ, улар орасида жаннат қушларининг тулуми манаман деб турарди. Жанубий денгизнинг жимжимадор чиғаноқлари хонанинг ҳар ер-ҳар ерига қўйилганди. Шиша қутилардаги чиғаноқлардан денгиз маржонларининг шохчалари кўзга ташланади. Булардан ташқари Жанубий Африкадан келтирилган пуфлаб отиладиган найзача, Янги Гвинея тош болтаси, мунчоқ қилиб тизилган тотемли Аляска қабилаларининг тамаки халтаси, Австралия бумеранги⁶, шиша қалпоқчали турфа кема нусхалари, Маркиз оролларида келтирилган «Кай-кай» каннибалларининг⁷ жоми ҳамда Вест-Индия ва Хитойдан келтирилган садаф ёғочидан ясалган, нақш солинган нафис қутичалар ҳам хонага кўрк бағишларди.

⁶ Бумеранг – ўроқсимон отиш қуроли.

⁷ Каннибал – одамхўр, вахший.

Кўзларим денгизчилар узок ўлкалардан олиб келишган ўлжаларда-ю, икки хаёлим болаларини кўчага кувиб солган, эрини лаҳадга тикқан сирли Маргарет Хэннеда. Оғзига бир култум ҳам захри қотилни олмас экан, хўш, унда гап нимада? Эҳтимол, ҳаммасига қандайдир зулм сабабчидир? Ёки эрининг хиёнатимикин? Ёки анча йиллар илгари қишлоқда содир бўлган бирон мудҳиш кўнгилсизликми?

Бироқ Росс хоним инкор маъносида бош чайқаб, барча тахминларимни йўққа чиқарди.

– Йўқ, сира ундай эмас. Маргарет намунали рафиқа, меҳрибон она эди. Ишончим комилки, умри бино бўлиб кўй оғзидан чўп олмаган. Жигарбандларини ҳам оқ ювиб, оқ тараб, одам қаторига кўшди. Фалокат шундаки, у ақлдан озиб, телба бўлиб қолган.

Росс хоним Маргарет савдойига айланаёзганини пешонасига бармоғи билан нуқиб кўрсатди.

– Бугун у билан гаплашдим. Менимча, ақл-хуши жойида, ёшига нисбатан анча тетик кўринди.

– Ҳа, тўғри, – хотиржамгина тасдиқлади Росс хоним. – Мен бошқа нарсани, яъни унинг кўз кўриб, кулок эшитмаган ғирт ўжарлигини назарда тутдим. Бунақанги ўжар аёлни еру кўқдан тополмайсиз. Барчаси «Сэмюэл» исмининг шарофати билан. Кенжасининг исми шундай эди. Эшитишимча, суюкли акасини ҳам шундай аташарди. Акаси руҳонийнинг хатоси билан ўз жонига қасд қилган. Руҳоний янги қурилган черковимизни Дублинда рўйхатдан ўтказмаган экан. Сэмюэл деган исмга ланат теккани аён бўлади. Маргарет бунга қарши чиқди. Нафас қисишидан ўлган биринчи фарзандини чўқинтириб, Сэмюэл деб исм қўйганда қанча гап-сўз бўлувди. Бир тасаввур қилинг – Маргарет ўйлаб ўтирмай иккинчи фарзандига ҳам Сэмюэл исмини берди. Буниси уч йил яшади – қозонда қайнаётган сувга тушиб кетиб, тил торт-

май ўлди. Барчасига Маргаретнинг лаънати ўжарлиги сабабчи! Унга яна ва яна Сэмюэл керак эди. Шундай қилиб, тўртгала ўғлини тупрокка қўйди. Биринчи ўғлининг ўлиmidан сўнг Маргаретнинг онаси қизининг оёғига йиқилиб туғилажак болани бундай исм билан атамасликни ўтиниb сўради. Лекин қаёқда дейсиз! Маргарет Хэнен хамиша ўзиникини маъқуллади, айниқса, гап Сэмюэл исми борасида кетаётган бўлса.

Маргарет шунчаки бу исмнинг шайдоси эди. Иккинчи ўғлининг чўқинтириш маросимида руҳоний ундан болага қандай исм берилишини сўради, у эса «Сэмюэл» дея жавоб берди ва ўша заҳоти қўни-қўшнилару қавм-қариндошлар хафсалалари пир бўлиб кетиб қолишди. Фанни холаси эса остонада ўгирилди-да, ҳаммага эшиттириб: «Норасидани нобуд қилишнинг нима кераги бор?» деди. Руҳоний ҳам эшитди. Ўртада ноқулай вазият пайдо бўлди (руҳоний кейинроқ буларни менинг Лерримга айтиб берибди). Она шуни хоҳлаб тургандан кейин нимаям қила олардинг? Дунёда биронта конун йўқки, она фарзандига ўзи истагандай исм қўйишига тўсқинлик қила олсин.

Бу шўринг қурғур аёл учинчисини ҳам Сэмюэл деб атаганига нима дейсиз? Бу ўғли денгизда, Эзгу Умид кўрфази яқинида ҳалок бўлганида Маргарет табиатга қарши бориб тўртинчи фарзандини дунёга келтирмадими? Ўзингиз ўйлаб кўринг, ўшанда қирқ еттида эди. Шу ёшида ҳам фарзанд дунёга келтира олди. Қирқ етти ёшида-я! Қандай шармандалик!

Эртасига эрталаб Кларадан Маргаретнинг суюкли акасининг ўлими ҳақида билиб олдим. Ҳафта давомида ҳали ундан, ҳали бундан сўраб-суриштириб, ушбу фожиавий ҳикоянинг бирин-сирин тагига етдим.

Сэмюэл Данди Маргаретнинг тўрт акалари орасида энг кичиги эди. Кларанинг айтишича, Маргарет ки-

чик акасини жони дилидан яхши кўрарди. У каботаж⁸ елканли кемасида шкипер бўлиб, сафар олдидан Агнес Хьюитга уйланади. Кларанинг тасвирлашича, Агнес баҳор гулидай нозикниҳол, бироз асабий, таъсирчан аёл экан. Сэмюэл иккаласи биринчи марта янги черковда никоҳдан ўтишади. Икки ҳафталик асал ойдан сўнг Сэмюэл рафиқасини бўса билан сийлаб, тўрт мачтали баҳайбат «Лохбенк»да уфқ томон сузиб кетади.

Айнан мана шу янги черков туфайли роҳиб отанинг хатоси маълум бўлди. Кейинчалик оқсоқоллардан бирининг тушунтиришича, бунда нафақат роҳибнинг, қолаверса, орол ҳамда материкдаги барча ўн бешта черковни ўз ичига олган Кафлин пресвитериясининг ҳам айби бор экан. Гап шундаки, эски черков деярли харобага айланиб улгурганди, уни бузиб ташлаб, ўрнига янгисини қуришади. Янги черков эскисига нисбатан қандайдир ўзига хосликка эга деб биров ўйламаганди.

– Биринчи ҳафтадаёқ янги черковда уч жуфтлик никоҳдан ўтди, – ҳикоя қиларди Клара. – Биринчилардан бўлиб Сэмюэл Данди ва Агнес Хьюит, эртасига – Альберт Махан ва Минни Дункан, ҳафта охирида эса – Эдди Трой билан Фло Мэкинтош. Навқирон эрлар, турган гап, денгизчилардан эди. Тўйдан кейин икки ой ўтиб учовлон ҳам кемаларига қайтиб, денгизга тушишди. Қандай фалокатга йўлиқишганини эса, биронтаси бўлсин, хаёлларига ҳам келтиришмаганди.

Нақ иблисининг ўзи базм уюштирган кўринарди. Ҳаммаси қасдма-қасдига тескари тус оларди. Тўй май ойининг илк ҳафтасида бўлиб ўтди. Уч ойдан сўнггина руҳоний Дублин ҳокимиятига чорак йиллик ҳисоботни топширди. Тез орада янги черков қонуний тартибда

⁸ *Каботаж* – ички портлар орасида қатнайдиган кемалар ва шундай кемалар қатнови.

рўйхатдан ўтмаганлиги мазмунидаги билдиришнома етиб келди. Зудлик билан черков рўйхатдан ўтказилди ва ҳаммаси жой-жойига тушди. Аммо никоҳ аҳдини расмийлаштириш осон кечмади: учала куёвтуғралар ҳам денгиз сафарида эдилар. Сирасини айтганда, уларнинг рафиқалари – мутлақо уларнинг рафиқалари эмасди.

– Лекин руҳоний ваҳима қилмасдан, – давом этди Клара, – то денгизчилар сафардан қайтмагунча ҳаммасини сир сақлади. Аксига олгандек руҳоний чўқинтириш масаласида оролнинг узоқ чеккасига кетганда, тўсатдан Альберт Махан уйига қайтиб келди. Руҳоний бу хабарни эшитганда тунги кўйлақда эди. Дарҳол отини эгарлашни буюрди-да, Альберт Маханникига от елдириб кетди. Альберт бир пой этигини ечиб ётмоқчи бўлиб турганда туйқус руҳоний кириб келди.

– Қани икковингиз ҳам олдимга тушинг-чи! – деди руҳоний аранг нафасини ростлаб.

– Оббо, яна нима гап? Мен ўлгудай чарчадим, уйкум келяпти, – ялқовланди Альберт.

– Сизлар дарҳол қонуний никоҳдан ўтишингиз лозим. Альберт анграйиб турди-да, қошлари чимирилди.

– Ҳазиллашяпсизми, ҳазрат?

Ичида эса (буни ўзининг оғзидан сира эшитмаганман) наҳот ҳазрат ўтган йиллар давомида ичкиликка берилган бўлса, деб ўйлагандир-ов.

– Нима, биз никоҳдан ўтмаганмизми? – луқма ташлади Минни.

Руҳоний бош чайқади.

– Демак, мен Махан хоним эмасканман-да?

– Йўқ, сиз Махан хоним эмассиз. Сиз ҳамон Дункан хонимсиз.

– Ахир, ўзингиз бизни никоҳлаб қўйгандингиз-ку!

– Шундоқ десаям бўлади-ю... – каловланди руҳоний.

Руҳоний уларга вазиятни тушунтирди. Альберт пол-да ётган иккинчи пой этигини оёғига илди-да, икков руҳонийнинг ортидан бориб конунан никоҳдан ўтишди. Альберт Махан кейинчалик тез-тез киноя аралаш: «Оролимизда ҳар кимга ҳам икки марталаб никоҳдан ўтиш на-сиб қилмаган», дея кўкрак кериб юрди.

Ярим йил ўтиб, Эдди Трой ҳам уйига қайтди ва қаллиғи иккаловига иккинчи марта никоҳ ўқилди. Ле-кин орадан уч йил ўтди ҳамки, Сэмюэл Дандидан дарак бўлмасди, унинг кемаси муддатидан анчага кечикаёт-ганди. Бу вақтга келиб Агнес қўлида икки яшар нораси-даси билан Сэмюэлни кутарди. Бу эса ишни янада чи-галлаштирди. Ойлар бир-бирини қувалашиб, вақт елдай ўтаверди. Сэмюэлнинг қаллиғи ғам-ғуссадан чўпдай озиб кетди.

– Ўзимни эмас, – куйиниб гапирарди Агнес, – мана-ви отасиз ўсаётган гўдакни ўйлаяпман. Агар Сэмюэл-га бирор кор-ҳол бўлса, болагинамнинг келажаги нима бўлади?

Лойд компанияси «Лохбенк»ни бедарак йўқолган ке-малар рўйхатига киритиб қўйди ва хўжайинлар Сэмю-элнинг хотинига маошининг ярмини тўламай қўйишди. Агнесни ўғли валадизино деб ҳисобланаётгани кўпроқ изтиробга соларди. Сэмюэлнинг қайтишидан заррача умид қолмагач, Агнес боласи билан ўзини сувга отиб чўктирди.

Бу воқеанинг давоми янада фожиали тус олади. Маъ-лум бўлишича, «Лохбенк» ҳалокатга учрамаган экан. Турли мушкулотлар ва йўлда адоқсиз ушланиб қолишлар ҳисобига кема юз йилда бир ёки икки бор кузатиладиган узоқ ҳамда мисли кўрилмаган сафарни амалга оширади. Иблиснинг худди ўзгинаси калака қилаётгандай эди, гўё.

Охир-оқибат, Сэмюэл сафардан қайтди. Мудҳиш хабар қулоғига етиб борганда юрагида нимадир чирт узилгандай бўлди. Эртасига тонг сахарда уни хотини ва боласининг қабри устида жонсиз ҳолатда топишди. Мак-Гилл ороли пайдо бўлибдики, ҳали ҳеч кимнинг ҳаёти бундай аянчли яқунламаганди. Ўлимидан олдин Сэмюэл руҳонийнинг юзига тупуриб, ҳақоратлар ёзғирди ва шундайн Худога шак келтирдик, унинг ортидан борган томошатабларни титроқ босиб, шаккокликка қарашга ҳам ботинишолмади.

Шундан сўнг Маргарет Хэнен тўнғичини Сэмюэл деб атади!

Бу аёлнинг саркашлигини қандай тушунтириш мумкин? Ёки ўғилларимдан бири, албатта, Сэмюэл исми билан аталиши шарт, деган фикр миясига чиппа ёпишганмиди?

Учинчи фарзанд қизалоқ бўлиб чиқди. Уни онасининг исми билан аташди. Тўртинчиси – яна ўғил. Тақдирнинг шунча зарбаларига, яқинларию таниш-билишларининг ундан юз ўгиришларига қарамай Маргарет ўз аҳдига қолиб бу фарзандига ҳам суюмли акасининг исмини беришга оёқ тираб олди. Болалиқдан бирга ўсган дугоналари ҳам ҳатто черковда у билан саломлашмай кўйишди. Маргаретнинг онаси беҳуда панд-насихатларидан сўнг, агар болага шу исм кўйиладиган бўлса, қизи билан умрининг охиригача гаплашмаслигини айтиб уйдан чиқиб кетди. Шундан кейин кампир ўттиз йил умр кўрди ва ўз сўзидан қайтмади.

Руҳоний болани чўқинтириб, ҳар қандай исм беришга рози бўлди, фақат Сэмюэл деб эмас. Оролдаги бошқа руҳонийлар ҳам болага онаси хоҳлагандай исм бериб чўқинтиришни рад этишди. Маргарет аввалига ҳаммаларининг устидан судга арз-дод қиламан, деб пўписа қилди, алалоқибат, болага Белфастда «омад

кулиб бокди» ва шу ерда уни Сэмюэл исми билан чўқинтиришди.

Аммо ҳеч қандай фалокат содир бўлмади. Бутун оролнинг нимадир юз беришини кутишига хилоф равишда болакай униб-ўсарди. Мактаб муаллими бундаини зехни ўткир ва қобилиятли болани кўрмаганини барчага бот-бот таъкидларди. Сэмюэл соғлом ва катта ҳаётий қувватга эга эди. Барчани лол қолдириб бирор бир болалар касаллиги билан ҳам оғримасди: на қизамиқ, на кўкйўтал, на тепки унга даҳл қила оларди. У гўё барча касалликлардан ҳимояланган эди. Бола ҳеч курса бош ё кулоқ оғриғи нималигини ҳам билмасди. Кексалардан кимдир менга: «Бу болага хуснбузар ёки чипқон ҳам чиқмайди-я!» – деб киноя қилганди. Мактабда Сэмюэл барча тенгқурларини ортда қолдириб, ўқиш ва спортда рекордлар кўярди.

Маргарет Хэнен ғалаба қилганди. Ҳа, бу ажойиб болакай унинг ўғли эди ва Маргарет учун кадрдон бўлган исм билан юрарди! Онасидан бўлак ҳамма ёр-дўстлари хатоларини тан олиб, яна Маргарет билан апоқ-чапоқ бўлиб кетишди. Тўғри, аввалги фикрларидан қайтмай бир пиёла чой устида ҳам бола ҳаддан зиёд яхши, шундоқ экан, узоққа бормаслиги, виждонсиз онаси бўйнига илиб кўйган тавқи лаънатдан қочиб кутулолмаслиги ҳақида бош чайқаб лақиллайдиган қари кузғунлар ҳам йўқ эмасди. Маргаретнинг тарафдорлари уларнинг устидан кулишар, кампиршолар эса бош чайқаб кўя қолишарди.

Маргарет бир этак фарзанд кўрди. Бешинчиси ҳам ўғил бўлиб, уни Жэми деб аташди. Жэмидан кейин бирин-кетин уч қиз – Элис, Сара ҳамда Нора, уларнинг кетидан Тимоти ва яна икки қизалоқ – Флоренс, Кэтилар дунёга келди. Кэти ўн биринчи – кенжа фарзанд эди. Маргарет ўттиз беш ёшида қадди дол бўлди. У шундоғам Мак-Гилл ва қиролича учун етарлича хизмат кўрсатиб

кўйганди: ахир, тўққиз фарзандни оқ ювиб, оқ тараб, вояга етказишнинг ўзи бўладими?! Икки ўғилнинг ўлими билан барча мусибатлар ортда қолгандек эди. Қолган тўққизтаси яшаб кетди ва улардан бирини Сэмюэл дейишарди.

Жэми денгизчи бўлишга қарор қилди. Шундай бўлиши ҳам керак эди. Негаки Мак-Гилл оролида ёзилмаган шундай қонун бор: катта ўғил уйда қолиб, ермулкка хожалик қилиши учун кичиклар денгиз кезишади. Тимоти акасининг изидан борди. Жэми Кардифдан савдо кемасига ўтириб, илк бор хизмат сафарига жўнаб кетаётганда Тимоти аллақачон елканли кема капитанининг ёрдамчиси бўлиб улгурганди.

Сэмюэл уйда қолди. Аммо ўзида озгина бўлсин хўжалик ишларига мойиллик сезмасди. Фермерлик ҳаёти унга кўп ҳам ёқавермасди. Укалари денгизсиз туролмасликларидан эмас, балки бу оила тебратишнинг ягона йўли эканлигидан денгизчи бўлишганди. Узоқ сафардан қайтган инилари ўчоқ атрофига тўпланишиб, денгизорти мамлакатларида кўрган-кечирганларини сўзлашаркан, Сэмюэл ҳасад ўтида ёнарди.

Сэмюэл отасининг хафсаласини пир қилиб муаллимлик касбини эгалламоқчи бўлди ва ҳатто Белфастда имтиҳон топшириб, ўқитувчилик шаҳодатномасини кўлга киритди. Ёши бир жойга бориб қолган муаллим истеъфога чиққач, Сэмюэл унинг ўрнини эгаллади. Лекин яширинча навигацияни⁹ ўрганиб борди. Маргарет катта ўғли укалари билан гулхан атрофида ўтириб, гарчи иккови капитан бўлишса-да, Сэмюэл уларни назарий саволларда ортда қолдираётганини эшитишни яхши кўрарди. Мактаб муаллими, обрўли хонадоннинг суянган тоғи ҳамда Хэненлар фермасининг вориси бўлмиш

⁹ *Навигация* – кема юргизиш санъати.

Сэмюэл кутилмаганда оддий матрос бўлиб денгиз сафарига чикқанида бундан биргина Том ғазаб отига минди. Маргарет ўғлининг бахт юлдузига ич-ичидан ишонар ва ўғли нимаики қилмасин, барчаси яхшиликка деб биларди. Сэмюэл денгизчиликда ҳам ўзини кўрсатди. Икки йил ичида матросликдан штурмангача кўтарилди. Ўша пайтда безгак авж олган Ғарбий соҳил портларидан бирида Сэмюэлни имтиҳон қилган шкиперлар комиссияси бу йигит ўзларидан ҳам кўпроқ билимга эга эканлигига амин бўлишди. Орадан яна икки йил ўтиб Сэмюэл чўнтагида капитанлик дипломи билан Ливерпулдан «Стэрри Грейс» кемасида йўлга чикди. Ана ўшанда қари ялмоғизлар қағиллаб башорат қилган фалокат юз берди.

Буни менга ўшанда «Стэрри Грейс»да боцман бўлиб хизмат қилувчи мак-гиллик Гэвин Мак-Нэб сўзлаб берганди.

– Ҳа, бари кечагидек ёдимда. Биз қатнов бўйича Шарққа сузиб борардик. Бирдан об-ҳаво айниди. Сэмюэл Хэнен ажойиб денгизчи эди. Ҳали бунақаси дунёга келган эмас. Вахтада турволиб, улкан тўлқинлар «Стэрри Грейс»га урилаётганини кузатганча ўзининг сўнгги тонгини қаршилаётгани ҳозиргача кўз ўнгимдан кетмайди. Капитанимиз эса бир неча кундан бери ичиб, қуйи каютада кайф-сафо қилиб ётарди. Соат еттиларда Хэнен бунақанги қаттиқ пўртанага қарши бормай шхунани шамолга мувозий равишда қўйди. Саккизда нонушта қилиб, каютасига кириб кетди, ярим соат ўтгач, капитан «ин»идан бош чиқазди. Кўзлари аланг-жалаң, бутун бадани қалт-қалт титрайди, палуба четидаги тутқичга маҳкам ёпишиб олган. Бўрон бутун денгиз сувини ютиб юборадиган юҳо мисол эди ўшанда, менга ишонаверинг, чор атрофда милт этган нур кўринмайди, капитан бўлса кўзлари жавдирар, ўзига-ўзи бир нималар деб

мингилларди. Кейин рул бошқарувчига: «Нари қоч!» деб бақирди. Ёнидаги ёрдамчисининг оғзи очилиб қолди: «Эй Худо, бу нима қилганингиз?» Капитанимиз ҳеч кимга эътибор қилмай гўлдирайверди. Бирдан қаддини ростлади-да, тагин бақирди: «Галсни¹⁰ ўзгартир, кимга айтяпман! Қулоғинг том битганми, нима бало? Жин урсин сени!»

Маст кишига омад кулиб боқади, деб бежиз айтишмас экан-да — нега десангиз, «Стэрри Грейс» шундай бўронда ҳам бир челак сув юқтирмай сузиб борарди! Бу қутурган бўрон эмас, Яратганнинг жазоси эди. Капитаннинг иккинчи ёрдамчиси бақириб-чақириб буйрук берар, матрослар елиб-югуришарди. Капитан мамнун бўлиб, яримлатган шишасини қуритгани каютасига кириб кетди. Биз тўппа-тўғри ўлим водийси томон сузиб борардик, гўё, чунки бунақанги нокулай об-ҳаво шароитида ҳаттоки энг маҳобатли кема ҳам сузолмасди. Сузиш қаёқда дейсиз! Қирқ йилдан бери, мишиқи бола эканлигимдан денгиздаман, лекин ҳали бунақасига дуч келмагандим. Даҳшат!

* * *

Капитан ёрдамчисининг юзлари докадек оқариб кетганди. Бошқарув кўприкчасида ярим соатча турди-да, кейин пастга тушиб, учинчи ёрдамчини, яъни Сэмюэлни кўмакка чақирди. Қанчалик абжир денгизчи бўлмасин, бундайин бало-қазо олдида у ҳам бир ҳасдай гап эди. У ёққа, бу ёққа югурди, аммо нима қилишини билмасди. Кемани тўхтатишни-ку иложи йўқ, нимагаки, то кемани тўхтатгунингча тоғдай-тоғдай тўлқинлар команда-побанданга қўшиб кўмиб юборади. Олға кетишдан ўзга илож йўқ. Бўрон кучайган тақдирда ҳам бизни ўлим ку-

¹⁰ Галс – кеманинг шамолга нисбатан йўналиши.

тарди. Эртами-кечми пишкириб-бўкираётган тўлқинлар бизни денгизга оқизиб кетиши турган гап эди.

Умрим бино бўлиб кўплаб машаққатларни бошдан ўтказган эсам-да, бундайин офатга ортиқ дош беролмасам керак. Кубрикда¹¹ ҳам, палубада ҳам бирон кимса йўқ. Матрослар тўғри келган нарсага ёпишиб олишган. Биргина капитан пастда хуррак отиб уйқуни урарди.

Ногоҳ бир чақиримча нарида тоғ мисол кўтарилиб келаётган тўлқинга кўзим тушди. Ҳали инсон зоти бунақасига дуч келмаган. Барчамиз юрак ҳовучлаб, Яратган Эгамга бу балои офатдан ўз паноҳида асрашини тилаб илтижо қилардик. Лекин қилган муножотларимиз ҳам мадад бермади. Тўлқин кўтарилиб келиб кеманинг қуйруғини босиб кетди ва осмонни ёпиб қўйди. Капитаннинг икки ёрдамчиси арқонларга ва кеманинг қуйруқ томонидаги мачтага ёпишишди. Хэнен эса штурвалчига ёрдамга чопди. Бу Сэмюэл Хэнен деганлари юраги бутун йигит экан! Шундайин оғир бир паллада ўзининг эмас, бутун кемадагиларнинг ҳаётини ўйлаб бало-қазога кўкрак тутиб берди-я! Иккала матрос ҳам штурвалга маҳкам ёпишиб олишган. Сэмюэл ўлимга тик боқиб, мардонавор равишда офат билан олишарди. Худди шу маҳал тўлқин шиддат-ла кемага бор бўйича ташланди. Кемага минг тонналаб сув шариллаб қуйилди. Тўлқин барчани – икки капитан ёрдамчисини, Сэмюэл Хэненни, икки штурвалчини ювиб кетди. Биз уларни бошқа кўрмадик. Кема бир амаллаб бўрондан қутулиб олди-ю, аммо биз йўлдан адашгандик. Орамиздан тагин икки киши денгизга ғарк бўлди, дурадгоримизни эса кеманинг қуйруқ томонидан топдик. Бояқишнинг биронта соғ суяги қолмаган, танаси шалвираб қолганди...

¹¹ *Кубрик* – кемада жамоа жойлашадиган умумий хона.

Ҳикоянинг мана шу ерига келганда Маргаретнинг нақадар қалби дарё эканлигига шохидлик берувчи ғайриоддий деймизми ёхуд мўъжизавийми, хуллас, кишини лол қолдирувчи бир ҳодиса рўй берди. Сэмюэлнинг ҳалокати ҳақида шумхабар етиб келганда бу аёл қирқ етти ёшда эди. Бир қанча вақт ўтиб бутун оролга ақлга сиғдириб бўлмас миш-миш гаплар тарқалди. Лекин бунга ким ҳам ишонарди дейсиз?! Доктор Холл бу сафсаталарга лоқайдлик билан кулиб, қўл силтаб қўя қолди. Аён бўлдики, миш-мишни Хэненларнинг ягонагина бўлган оқсочи Сара Дэк тарқатган экан. Сара Дэк бу бор ҳақиқат, дея кўксига муштлар, лекин уни виждонсизликда, ёлғончиликда айблашарди. Қўшнилардан бири бу ҳақда ҳатто Том Хэненнинг ўзидан сўрамоқчи бўлди, бироқ у жавоб ўрнига қовоғини уйиб, койиб берди.

Дув-дув тарқалган миш-миш вақт ўтиб барчанинг хаёлидан кўтарилди, бу пайтга келиб бутун орол Хитой денгизига ҳалокатга учраган «Гренобл»ни мусохаба қилаётганди. Нега деганда кемадаги барча зобитлар ҳамда йўловчиларнинг ярми мак-гилликлар эди-да. Аммо ғийбат яна қўзғалди. Сара Дэк оғзини тўлдириб ўзиникини тасдиқлашга тушди. Том Хэненнинг қовоғи бадтардан уйилди, Хэненларникига бир келиб кетган доктор Холл лоқайдлик билан қўл силташни бас қилди. Ниҳоят, ўша кун етиб келди. Талай вақт ўтиб барча далиллар аён бўлгач, оролликлар бу ерда ҳам иблиснинг қўли бор, дея тахмин қилишди. Саранинг айтишича, бу савдойи Маргарет фарзанд кўришига ишончи комил эди. «Мен ўн бир нафар фарзанд кўрдим, – дерди у. – Олти қиз, беш ўғил. Кенжатайим, албатта, ўғил бўлади — бу беш қўлдай менга аён».

Дарҳақиқат, Маргарет ажойиб ўғил фарзанд кўрди. Доктор чақалоқнинг бенуксон ва соғлом жуссасидан

хайратга тушди, бу ўзининг кўп йиллик тажрибасидаги энг қизиқарли ходиса эканини таъкидлаб, Дублин тиббиёт жамиятига маъруза ҳам ёзди. Чақалоқ қанча оғирлик босганини хабар қилганда тагин Сарани ёлғончиликда айблашди. Бироқ буни доктор Холл шахсан ўзи текшириб кўргач, чақалоқнинг бўйи ва иштаҳаси ҳақидаги Саранинг сўзларига ишониша бошлашди. Онаизор жигарбандини бу сафар ҳам Белфастга олиб бориб, Сэмюэл исми ила чўқинтиришга мушарраф бўлди.

– Бу бола эмас, нақ тилланинг ўзи эди, – деб такрорлади Сара Дэк.

Сара билан астойдил танишганимда у олтмишни уриб кўйган, тўлачадан келган, беғам бир қарикиз эди. Бу аёлнинг хотираси худди тошдан дейсиз, бир воқеани яна ўн йиллаб лақилласа-да, суҳбатдошининг сира қизиқишини сўндирмасди.

– Ҳа, бу чиндан ҳам тилла болакай эди, – ҳикоя қиларди Сара. – Бирон марта хархаша қилганини кўрмадим. Баъзида ўйнагани кўйиб юборсанг, соатлаб куёш тифида миқ этмай, токи қорни очмагунча ўтираверарди. Полвонлигини айтмайсизми! Бирон нимани ушлаб олса, қўлидан олиб бўпсан. Ёдимда, туғилганига бир неча соат бўлди-ю, қўлчалари билан менга маҳкам ёпишиб олса бўладими! Ўтакам ёрилай деди. Бунақанги азамат жужукча ҳадеганда учрайвермайди. Ейди, ичади, ухлайди, ҳеч кимни безовта қилмайди. Ҳатто тиши чиқаётганда ҳам бирон марта инжиқлик қилмади.

Маргарет дилбандини тиззаларига ётқизганча тебратиб аллалар, уч қиролликда ўзиникидай ажойиб, гўзал фарзанд бормикин, дея хаёл қиларди.

Бола кун сайин эмас, соат сайин ўсарди. Бу иштаҳасининг карнайлигидан бўлса керак. Бир яшарлигида Сэмми икки яшар болани эслатарди. Фақат юришни ва гапиришни узоқ вақтгача ўрганолмади. Томоғидан

алламбало ҳирқироқ товушлар чиқаришни, эмаклашни боплаб бажарарди. Яшин тезлигида ўсаётган боладан бунни кутса бўлади. Сэмми кун-тун алмашган сари кучга тўлиб, бақувват бўлиб борарди. Ҳатто қария Том ҳам кенжа ботирни кузатиб кўзлари қувнар, бутун Бирлашган Қиролликда бундайин болакайни излаб топиш амри маҳоллигини таъкидларди.

Ишлар пачава эканлигини биринчи бўлиб дўхтир Холл сезиб қолди. Ўша дамлар ҳозиргидек кўз ўнгимда, лекин дўхтирнинг тахминлари етти ухлаб тушимга кирмаганди. Кунлардан бир куни дўхтир Сэммининг қулоғига гоҳ шивирлаб, гоҳ бақириб, унга турли буюмларни кўрсатиб, тиббий кўрикдан ўтказаётганига тасодифан кўзим тушиб қолди. Кейин дўхтир қошлари чимирилиб, бошини чайқаганча (бу бола бетоблигидан дарак эди) кетди. Онт ичиб айтаманки, Сэмми мутлақо соғлом эди, ахир, тоғни ўпиргандай овқатланишини, кун сайин тезроқ униб-ўсаётганини ўз кўзим билан кўриб турардим. Дўхтир Холл Маргаретга оғиз очмади, мен ҳам унинг нимадан ташвишланаётганига тушунолмамай ҳалак эдим.

Илк бор Сэмми қандай тилга киргани ҳозиргача эсимда. Ўшанда эндигина икки ёшга тўлганди, сумбатидан эса бешга кирган дерди кўрган одам. Фақат ҳалигача юришни эплолмасди, ҳамон эмақларди. Вақтида озиқлантирсанг бас, ўйнаб-кулиб ўтираверарди. Ўзиям тез-тез овқатлантириб турмасак бўлмасди. Ўша куни ҳовлида дорга кир ёяётгандим, Сэмми бўлса эмақлаб уйдан чиқди ва бирдан тилга кирди. Қўрқувдан иштонимни хўллаб кўяй дедим – шундагина дўхтир Холл нега таъби хира бўлиб жўнаб қолганига тушундим. Ҳа, ишонаверинг, Сэмми тилга кирганди! Бутун оролда бунчалик баланд овозга эга болакай йўқ эди. Мен қалт-қалт титрардим. Негаки Сэмми эшакка ўхшаб ҳанграрди! Тушуняп-

сизми, жаноб, эшакдай қаттиқ ва давомли хангрардики, сал қолса ўпкаси отилиб чиқиб кетарди.

Миттивой Сэмми овсар, эси паст, тентак эди, кўрқинчли маҳлуқ эди. Шундан сўнг дўхтир Холл бор гапни Маргаретга айтди. Лекин у эшитишни ҳам истамади: «Ҳаммаси боланинг тез ривожланишидан, мана кўрасиз, ўтиб кетади», – дея қайта-қайта такрорларди.

Шунга қарамай қария Том дўхтирнинг ҳақлигини англаб етди. Бу ҳодиса қариянинг бошини ҳам қилиб қўйди. У зурриёди телба эканлигига чидолмасди. Ҳатто кенжасининг бошини бир бора силаб қўйишга иродаси етмади. Лекин шу билан бирга, мен сизга айтсам, уни қанақадир сирли куч Сэммига жалб қилиб қўйганди. Сэммини кузатганини бир марта кўрмадим — узоқ тикилиб турадида, кўзлари қинидан чиқиб кетай дейди. Кичкина телба эшакчасига ўқиришни бошласа, кекса Том кулоқларини беркитиб оларди, ахволи шу қадар аянчли эдики, кўриб юрагинг эзилиб кетарди.

Сэмми эса бўқиришни қойилмақом қилиб бажарарди. У фақат шунигина эплай оларди — ханграрди, еб-ичарди ва кўзиқориндай бўй чўзарди. Қорни очиб қолсами, Худо урди деяверинг, унини ош-нон билан ўчирардик. Мана шу бўқириб-ханграшлари ахийри ўзининг бошини еди.

Ўшал мудҳиш кун хотирамга тошдек муҳрланиб қолган. Сэмми учга тўлган бўлса-да, ўн ёшли ўғлон дерди кўрган киши. Кун-тун алмашган сайин Томнинг кўнглига ғулғула тушиб борарди. Оёғи куйган товукдай у ёқдан-бу ёққа чопар, ғулдираб, ўзи билан ўзи гаплашарди. Ўшал сахармардонда у ошхона эшиги ёнидаги ўриндикда ўтириб, кетмонга соп мослаётганди. Шу замон анови телба секин писиб ҳовлига чиқди-да, кўкка боқиб одатича ханграй кетди. Кекса Том бир сесканиб тушди ва бақрайиб қолди. Сэмми эса хумкалласини ликиллатиб, наъра тортишни бас қилмасди. Бу сафар Том

ўзини тутиб туrolмади. Жини кўзиб, шартта ўрнидан турди-ю, кутурган итни ургандай кетмон сопи билан тентакнинг бошига тўхтовсиз зарбалар тушира кетди. Сўнгра отхонага кириб, ўзини тўсинга осиб кўйди.

Шу воқеалардан кейин Хэненларникида қолиш кўнглимга сиғмади. Опамларникига кўчиб ўтдим. Опам Жон Мартинга турмушга чиққан. Улар ширингина ҳаёт кечиришади.

* * *

Мен ошхона эшиги ёнидаги ўриндикда ўтириб, қадок кўллари ила мундштугига тамакини эзғилаб-эзғилаб солганча зулумотга чулғанаётган далага кўз тикиб қолган Маргарет Хэненга боқардим. Бу ўриндикда ўша қиёмат юз берган кун кекса Том ўтирганди. Маргарет ўтирган остонада эса ўзи дунёга келтирган махлуқ кўпинча куёшда тобланиб, эшак янглиғ ҳанграрди. Биз, мана, икки соатдан бери гурунглашардик.

Маргарет ҳамон ўша-ўша чексизлик олдида турган одамдай шошмасдан, қатъият-ла хотиржам сўзларди. Лекин мен, хоҳланг, бўғзимга пичоқ тиранг, бу қалбнинг қоронғу бурчида не майл-истаклар яшириниб ётганини тахмин ҳам қилолмасдим. Ҳақиқат учун жафо тортдимикин? Шу қадар мавҳум қадамжода чўқинганмикин? Эҳтимол, ўтмишнинг узок бир куни тўнғичини Сэмюэл деб атаганда бу аёл ўзи учун башарият орзусининг олий мақсади бўлиб туюлган мавҳум ҳаққониятга хизмат қилдимикин?

Ёхуд бунда кўр-кўрона ҳайвоний ўжарлик, асов отнинг ўжарлиги юз кўрсатдимикин? Ёки оддий бир деҳқон аёлининг ўзбошимчалигимини бу? Не синоат бу ўзи – ўжарликми, хомхаёллар маҳсулими? Ё ақли расо кишининг алжишларими? Билъакс, унда, кимсан, Жордано Брунонинг руҳи яшаяптимикин? Ёинки ўзининг

хақлигига ишончи комиллиги боис бир этикка икки оёғини тиқиб олдимикин? Балки бу унинг хурофотга қарши қатъий курашидир? Ёки – шууримда янада қуврок фараз йилт этди – унинг ўзи кучли ва таъсирли бидъатга, қайсики Сэмюэл исмига бўлган сирли мубталоликдек фетишизмнинг бир турига бандимикин?

– Мана, сиз ўзингиз айтинг-чи, – деди менга Маргарет, – иккинчи Сэмюэлимни Лэрри деб атаганимда қайноқ сувга тушиб кетмаган бўлурмиди? Билишимча, сиз онги бутун, зиёли кишисиз, жаноб, айтинг-чи, исмнинг бирон айтарли аҳамияти борми? Чиндан ҳам, гар мен унга Лэрри ёки Майкл исмини берганимда шу кўргуликлар рўй бермасмиди? Наҳотки, жигарпорамни Сэмюэл деб эмас, мутлақо бошқача атаганимда бахтсизлик ортга чекинармиди?

Маргаретнинг мулоҳазаларига қўшилдим.

– Наҳотки, исм каби арзимас бир нарса Худонинг иродасини ўзгартиролса? Бундан келиб чиқадики, дунёни тасодифлар бошқаради-ю, Тангри таоло эса қандайдир лой чувалчанги бўлмиш Маргарет Хэнен ўз жигаргўшасини Сэмюэл дея аташга жазм этгани сабаб инсоният тақдирини ўзгартиришга мажбур ожиз Зот экан-да!? Мана, масалан, ўғлим Жэми кемасига бир финни матросликка олишни истамади, нима учунлигини биласизми? У финнлар совуқ нафас қилиб, ноҳуш об-ҳаво чақиришларига қаттиқ ишонади. Гўёки улар шамолни бошқарармиш! Сиз ҳам Заминга бўронни йўлловчи Парвардигор юқоридан туриб ифлос шхунанинг тумшуғида ўтирган қандайдир сассиқ финнга қулоқ осадим, деб ўйлайсизми?

– Йўқ, албатта.

Маргарет гапимни оғзимдан олиб, фикрини тугатмоқчи бўлди.

– Нахот сиз ўйлайсизки, бутун коинотни ҳаракатга келтирувчи, қайсики Замин Ул Зот учун кичик бир курси вазифасини ўтовчи Тангри таоло аллақандай Маргарет Хэннга қасд қилиб, ушбу аёлнинг ўғлини у дунёга равона қилиш учун Эзгу Умид кўрфазига улкан тўлқинни юборади ва буларнинг бари ўша аёл ўғлини Сэмюэл исми ила чўқинтиргани учунми?

– Нима учун айнан Сэмюэл?

– Қайдам. Мен ўзим шу исмни танладим.

– Лекин не боисдан?

– Хўш, бунини сизга қандай тушунтирсам экан? Тирликлар ёки марҳумлар орасида бу саволга жавоб бера оладиган кимса топилармикин? Нима учун бир нарсани бизга манзур келишини, бошқаси эса кўнглимизга ўтирмаслигини ким қаёқдан билади? Менинг Жэмийим, мисол учун, қаймоққа ўч. Қаймоқни корни ёрилиб кетгунча паққос тушираверади. Мен бўлсам момақалди роқни ёқтираман, гумбурлашини эшитиб хузурланаман. Қизалоғим Кэти эса ҳар гумбурлаганда кичкириб, бошини партўшак билан буркаб олади. Ҳеч қачон бундақанги «нима учун»ларга жавоб тополмаганман. Ёлғиз Яратганининг ўзи билишга қодир. Сиз билан менга, бандаларига бу ёғи қоронғу. Биз фақат ўзимизга нима ёқади-ю, нима ёқмаслигини биламиз. Ёқдимиз, бўлди — гап тамом, вассалом. Неғалигини эса ҳеч ким тушунтириб беролмайди. Мана, менга, масалан, Сэмюэл исми ёқади. Жуда чиройли исм, жаранглаши ҳам ўзгача. Бунда қандайдир хайратомуз жозиба бор.

Қош қораймоқда. Ўртага сукут чўқди. Мен бу ажойиб манглайдан, ҳеч кимда учрамайдиган ёниқ, ўткир, баайни бутун оламни ўзига жо этган кўзлардан, ҳатто вақтда ўз ҳукмини ўтказолмаган гўзалликдан кўз узолмасдим. Маргарет жўнаш фурсати етганига ишора қилгандай ўрнидан турди.

– Кечга қолиб кетасиз. Ҳадемай жала куйиб беради, осмонни қора булут қоплапти.

– Марҳамат қилиб айтинг-чи, Маргарет, – кутилмаган саволимдан ўзим ҳам хайрон эдим, – бўлиб ўтган шунча савдолардан сўнг бирон нарсадан афсусланмайсизми?

– Таассуфдаманки, яна бир ўғил фарзанд кўрмадим.

– Уни ҳам сиз ўша... – гапим оғзимда қолди.

– Ҳа, албатта. Мен унга яна ўша исми берган бўлардим.

Дўлана кўчати ўтказилган сўқмоқдан аста қадам ташлаб борар эканман, барча «нима учун»лар борасида ўй суриб, дам ичимда, дам товуш чиқариб Сэмюэл исмини такрорлардим. Маргаретни ўзига асира қилиб, ҳаётини мусибатларга тўлдирган бу исмдаги товушлар уйғунлигига қулоқ осганча ундаги «хайратомуз жозоба»ни кидирардим. «Сэмюэл». Ҳа, бу исмнинг садо-сида, шак-шубҳасиз, ажиб бир фусункор тилсимот бор.

ОҚСОҚОЛЛАР ИТТИФОҚИ

Казарма биносида ҳаёт-мамот масаласи ҳал бўлаётган бир одамни суд қилишарди. Бу – Оқбалиқ дарёси соҳилларидан келган чол эди. Чолнинг кўрилаётган иши бутун Доусонни оёққа турғизди, нафақат Доусонни, балки оқим бўйлаб иккала томонга минглаб чақиримларга чўзилган Юкон ўлкасини-да жунбушга келтирди. Денгизда қароқчилар, курукликда талончилар айшини сураётган бир замонда англосакслар аллақачонлар итоаткор халқлар ҳаётига қонунни сингдириб бўлишганди ва бу қонун шафқатсиз эди. Лекин Имбернинг ишига келганда қонун илк дафъа муруватли бўлиб кўринди. Бу қонун оддий ҳисоб-китоб нуктаи назаридан қаралганда мутлақ жиноят билан тенглаша оладиган бунақанги жазони мўлжалламаганди. Жиноятчи олий жазога маҳкум, бун-

да иккиланишга ўрин йўқ асло; бироқ жазо қатл билан яқунланса-да, Имбер бор-йўғи ўзининг бошини кундага кўя оларди, холос; бўйнида эса кўпларнинг ҳаёти қарз бўлиб қолаётганди.

Аслида Имбернинг кўли шу қадар қонга ботган-дики, унинг қурбонлари саноксиз эди. Ўлка аҳолиси кўналғада тўхтаб ёки печка ёнида ялқовланиб, мундштук бурқситганча, бу чол тушмагур нечтасининг ёстиғини қуритганини чўтга солиб чамалашарди. Бахтиқаро қурбонларнинг барчаси ҳеч бир муболағасиз оқ танлилар эди; улар якка-якка, жуфт-жуфт ва тўдалашиб ҳалок бўлишди. Қотилликлар шунчалик маъносиз ва асоссиз эдики, узоқ вақт мобайнида Қироллик отлиқ полицияси бу жумбоқнинг тагига етолмади. Ҳатто дарё бўйида олтин қазилиб, доминион¹² ҳукумати аҳолидан ўз бойликлари учун солиқ йиғиштириб олгани губернаторни жўнатганда ҳам ёпиғлик қозон ёпиқлигича қолди.

Бироқ энг катта жумбоқ шу бўлдики, Имбернинг ўзи Доусонга – одил суд ҳукмига бош эгиб келди. Баҳорнинг охирида, Юкон ўзининг муз кишанларини ечишга уриниб ҳайқириб-бўқирганда мўйсафид ҳинду муз устидаги йўлидан бурилди-да, қирғоқ тепалигидан амалтақал ўтди ва саросима ичида шохкўчада тўхтади. Чолга кўзи тушганларнинг бари пайқашдики, у анчайин кучдан қолган. У гандираклар ёғоч уюмига етиб борди-да, чўқди. Ён-веридан ўтиб кетаётган оқ танлиларнинг адоқсиз оқимида разм солганча уззукун шу ерда ўтирди. Кўпчилик унга қараш учун бот-бот ўгирилар, ғалати афгангорли бу кекса сиваш баъзиларни ўйга толдирарди. Кейинчалик ўнлаб кишилар ҳиндунинг ғайриқиёфаси уларни ҳайратга солганини эслаб, кун бўйи зийракликларидан гердайиб юришди.

¹² 1947 йилгача Британия империясига кирган, формал жиҳатдан мустақил давлат.

Шундай эса-да, асл қахрамон Митти Диккенсен бўлди. Митти Диккенсен бу юртларда эзгу умидлару чўнтагида бир даста доллар билан ҳозир бўлганди; аммо чўнтакдаги ақча ила умид ҳам ҳавога учди. Штатларга қайтишга маблағ йиғиш учун у «Холбрук ва Мэйсон» даллоллик идорасида ҳисобчи курсисини эгаллади. Айни «Холбрук ва Мэйсон» идорасининг рўпарасида Имбер жойлашиб олган ёғочлар уюми ётарди. Диккенсен уни нонуштадан аввал деразадан кўриб қолди, нонуштадан сўнг қайтиб келиб, яна деразадан мўралади: кекса сиваш ҳалигача ўша ерда ўтирарди.

Диккенсен тез-тез деразадан назар ташлаб турди; кейинроқ у ҳам зийраклигидан фахрланиб юрди. Митти Диккенсен сал хаёлпарастроқ эди, шунгами у қўзғалмай ўтирган кекса мажусийда сиваш халқининг тимсолини, англосакс босқинчиларига боқиб турган тушуниксиз хотиржамликни кўрди.

Соатлар бир-бирини қувалашар, Имбер эса қилт этмай ўша ҳолатда ўтирарди. Диккенсен бир пайтлар шохкўча ўртасида чана келиб тўхтаганини, устида шундай ҳаракатсиз ўтирган кимсани эслади; унинг теграсида ўткинчилар уймаланишар, ҳамма уни дам оляпти, деб ўйлар, кейин эса унга қўл теккизиб кўришганда мурдага айлангани маълум бўлди – совукда тарашадай қотиб қолганди. Жасадни тўғрилаш учун – йўқса, тобутга сиғмасди – уни гулхан ёнига келтириб, музини туширишга мажбур бўлишганди. Диккенсеннинг бу ўйлардан эти жимирлаб кетди.

Бироздан сўнг Диккенсен сигара чекиб, шамоллагани кўчага чикди. Дақиқа ўтиб Эмили Трэвис пайдо бўлди. Эмили Трэвис латофатли, нозикниҳол ойимтилла эди, Лондон ёинки Клондайкада бўлишидан қатъий назар миллионларга эга тоғ муҳандисининг арзандасидек

кийнарди. Митти Диккенсен сигарасини дераза токчасига ташлаб, шляпасини андак кўтариб қўйди.

Улар ўн дақиқача валаклашди. Бирдан Эмили Трэвис Диккенсеннинг елкаси оша қараб кичкириб юборди. Диккенсен шошиб ўгирилди-ю, сапчиб тушди. Имбер кўчани кесиб ўтиб, қиздан кўзини узмай соядай уларнинг пешонасида турарди.

– Нима керак? – журъатланди Митти Диккенсен овози калтираб.

Имбер нимадир деб мингиллаб, Эмили Трэвисга яқинроқ келди. У қизни бошдан-оёқ синчиклаб кўздан кечирди. Айниқса, қизнинг ипаксимон қўнғир сочлари ва ол ёноқлари чолда алоҳида қизиқиш уйғотди. У нигоҳини узмай қизни айланиб ўтди, гўё отнинг бўйбастини ёки қайиқни ўрганаётгандай. Ногаҳон у ботаётган куёшнинг нурлари қизнинг қизғиш қулоқларидан ўтиб шуълаланаётганини пайқади-ю, такка тўхтади. Кейин яна унинг юзларини «текшириш»га тушди ва қизнинг мовий кўзларига узоқ тикилиб қолди. Тагин ниманидир тўнғиллаб, бир қўли билан нозикойимнинг биллагидан ушлаб, иккинчиси билан тирсагини букиб кўрди. Ҳиндунинг юзида нафрат ва ҳайрат акс этди, пўнғиллаб Эмилининг қўлини қўйиб юборди. Сўнг бўғзидан қанақадир товушлар чиқариб, қизга орқа ўгирди ва Диккенсенга нимадир деди.

Диккенсен унинг сўзларини тушунмади, Эмили эса кулгудан ўзини тиёлмади. Имбер қошларини чимириб дам Диккенсенга, дам Эмилига сўз қотар, улар фақат бош силкиб қўйишарди. Энди улардан нари кетмоқчи бўлганди, қиз кимнидир чақирди:

– Ҳей, Жимми! Бу ёққа келинг!

Жимми кўчанинг нариги тарафидан яқинлаша бошлади. Бу оқ танлилар каби кийинган, бошига Эльдорадо азаматларининг кенг соябонли катта шляпасини

кўндириб олган дароз, бесўнақай ҳинду эди. Тутилиб-тутилиб Имбер билан гаплашди. Жимми ситхадан эди; ўлканинг ичкарасида яшайдиган қабилалар тилида фақатгина энг оддий сўзларни биларди.

– У Оқбалиқ қабиласидан, – деди Жимми Эмили Трэвисга. – Меники унинг тилини яхши билмайди. У энг катта оқ танлини кўрмоқчи.

– Губернаторни, – тўғрилади Диккенсен.

Жимми Оқбалиқ қабиласидан бўлган одам билан яна бир неча сўз алмашди-ю, юзи таажжуб ва ташвишли тус олди.

– Унга капитан Александер керак, деб ўйлайман, – деди Жимми. – Айтишича, у оқ танли эркакни, аёлни, болани, кўпгина-кўпгина одамни ўлдирган. Ўзи ҳам ўлишни истади.

– Ақлдан озган, шекилли, – деди Диккенсен.

– Бу нима дегани? – сўради Жимми.

Диккенсен бош чаноғини тешмоқчидек бармоғини чаккасига тиради-да, айлантирди.

– Балки, балки, – деди Жимми ҳамон оқ танлиларнинг каттасини сўраётган Имберга ўгирилиб.

Қироллик отлиқ полициясидан миршаб етиб келди (Клондайкда улар отсиз юришади), у ҳам Имбернинг талабини эшитди. Миршаб кенг яғринли, девкор, оёқлари бақувват давангир эди; Имбер қанча новча бўлмасин, миршаб ундан ярим калла баланд эди. Кўзлари совуқ ва кўк, нигоҳи теран, келбатидан хув, ўша, асрлар оша аждодлардан ўтиб келаётган ўз кучига бўлган ишонч ёғилиб турарди. Қойилмақом жасорати ёшини яшириб турарди – у хали ёш бола эди, силлиқ ёноқларида қизиллик кизалокнинг юзидаги каби шитоб-ла югурарди.

Имбер эндигина миршабга разм солди. Ёш миршабнинг иягида шамшир дами қолдирган чандикни кўриб ҳиндунинг кўзларидан ўт чакнади. Шалвираган кўлларини миршабнинг сонига олиб борди ва унинг му-

шакдор оёқларини пайпаслади. Бармоғи билан гавдасини чертди, кейин ўспириннинг елкаларини совут мисол қоплаб турган бакувват мушакларни ушлаб кўрди. Уларнинг атрофида аллақачон ўткинчилар тўпланишганди – олтин изловчилар, тоғ аҳолиси, янги ер эгалари – барчаси узун оёқли, кенг елкали ирқ фарзандлари. Имбер гоҳ унисига, гоҳ бунисига кўз ташлаб, Оқбалиқлар тилида нимадир деди.

– Нима деяпти? – сўради Диккенсен.

– У айтдики – бу кишиларнинг барчаси миршабга ўхшаган дароз, бир тоифадан экан, – таржима қилди Жимми.

Митти Диккенсен паст бўйли эди, шу боис Трэвис хоним қошида бундай савол берганига пушаймон бўлди. Миршаб буни пайқаб, гапни бошқа ёққа бурди.

– Бунда бир гап бор, шекилли. Уни капитаннинг хузурига олиб бораман. Унга айт, Жимми, мен билан юрсин.

Жимми тагин кекса ҳиндуни сикувга олди, Имбер бир нима деб тўнғиллади, лекин юзидан мамнуниятни уқиш мумкин эди.

– Ундан сўра-чи, Жимми, қўлимни ушлаганда нималарни ўйлаган экан?

– Унинг айтишича, сиз кўрқоқ эмассиз.

Бундай жавобдан Эмили Трэвис хузурулашиб кетди.

– Айтдики, сиз *скукум* эмассиз, шундай нозиксизки, худди мурғак боладек. У сизни қўллари билан минг бўлакка бўлиб ташлаши мумкин. Манов миршабдек азаматни дунёга келтира олишингизга лол қоляпти.

Эмили Трэвис кўзларини тик қадаб туришга ўзида қатъият топа олди, аммо юзлари алвон тус олди. Митти Диккенсен эса анорга айланди, ёш миршабнинг юзи эса лозазорга.

– Ҳой, сен, қани, юр-чи, – деди бирдан миршаб оломонни елкаси билан тисариб.

Шу тарика Имбер ўз ихтиёрига кўра барча-барчасига иқрор бўлган ҳамда у ердан қайтиб чиқмаган Казармага келиб қолди.

* * *

Имбер қаттиқ толиққан кўринарди. У қартайиб қолган, умид учқунлари ўчган, бу унинг ранг-рўйидан маълум эди. У мункайиб, кўзлари нурсизланиб қолганди; сочлари оппоқ оқариши лозим эди, бироқ қуёш ва ёгин-сочин сочларини шунақанги куйдиргандики, энди улар туссиз патакка айланганди. Атрофидаги ҳодисаларга унда зиғирча қизиқиш топилмасди. Хона олтин изловчиларга, овчиларга лиқ тўлган, уларнинг ваҳимали шовкинлари Имбернинг кулоқлари остида кирғокқа урилган денгиз тўлқинларидек шовулларди.

У дераза ёнида ўтирар, лоқайд нигоҳи дам-бадам кўз олдида намоён бўлган юракни энтиктирадиган манзарада тўхтарди. Кўкни булутлар эгаллаган, чор атроф рутубатга чўмган. Юконда баҳорги тошқин бошланганди. Музлар эриб, шаҳарни сув босганди. Шохкўчадан икки тарафга ҳеч тиним билмас кишилар эшкак эшишарди. Гоҳ у, гоҳ бу қайиқ кўча томондан Казарма олдидаги сув босган ҳарбий майдонга қайрилар; яқинроққа сузиб келиб кўздан йўқолар, Имбер қайиқ ёғоч деворга урилганини сезиб турар, эшкакчилар бинога дераза ошиб кира-рар эдилар. Кейин эса сув шалолатишиб юқори қаватга кўтарилишаётгани эшитиларди. Шляпаларини ечишиб сувга бўккан денгизчилар этигида хонага кириб, судни кутаётган оломонга қўшилиб кетишарди.

Ҳиндунинг муносиб жазоланишидан мамнун бўлаётган бу кишилар унга ёвқараш тикилишар экан, Имбер уларнинг удумлари, мезонлари, Қонуни, қайсики

яхши замонда ҳам, ёмон замонда ҳам, тошқину очликда, кулфатни-да ўлимни писанд қилмай азал-азалдан яшаб, асрлар давомида қўлланиб келинаётган Қонун борасида ўй сурарди.

Аллаким столни тақиллатди; ғала-ғовур тиниб, зал сув куйгандек жимиб қолди. Имбер столга муштлаган нусхага эътибор қаратди. Бу кимса ҳокимлик кудратига эгадек туюлди, бироқ Имберга бошқаси, сал нарироқда ўтирган кенг манглайли барчасининг устидан бошлик бўлиб кўринди. Стол ортидан яна биттаси туриб, қўлига анчагина қоғозларни олди-да баланд овозда ўқий кетди. Кейинги саҳифага ўтишдан аввал у бармоқларини тупуклаб, бир томоқ кириб оларди. Имберга унинг сўзлари бегона, аммо қолганлар тушунар, қошлари ўртасида чуқурча пайдо бўларди. Баъзан шундай дарғазаб бўлишардики, ҳатто биттаси Имберни ҳақорат сўзлар билан сийлади, аммо стол ортидаги киши столга муштлаб, тингловчининг унини ўчирди.

Ваъзхон узоқ жавради. Унинг зерикарли маърузаси остида Имберни мудроқ босар, баённома ниҳоясига етганда қария аллақачон туш кўраётганди. Кимдир уни окбалиқликлар тилида исмини айтиб чақирганди, чол уйғониб, синглизининг ўғли – қачонлардир ўз қабиласини ташлаб, оқ танлиларга қўшилиб кетган ҳинду йигитга кўзи тушди.

– Сен, шубҳасиз, мени эслолмайсан, – деди ҳинду йигит саломни ҳам насия қилиб.

– Йўқ, эслайман, – жавоб қайтарди Имбер. – Сен Хаукансан. Кўп йиллар бурун бизни тарк этгандинг. Волиданг ҳам омонатини топширганига анча бўлди.

– У кексайиб қолганди, – ўзини оқлади Хаукан.

Имбер жавобни ҳам эшитмай пинакка кетди, бироқ Хаукан елкасидан силкиб уйғотди.

– Манави одам нималар ўқиганини сенга билдирмоқчиман. У сен қилган барча жинойтларни, қайсики, ў, тентак, капитан Александерга иқроқ бўлганларингни ўқиб эшиттирди. Сен яхшилаб ўйлаб кўриб, шулар тўғри ёки нотўғрилигини айтишинг даркор. Сенга шундай амр этилди.

Хаукан миссионерлар¹³ орасида кун кўрар, ёзув-чизувни ўшалардан ўрганганди. Айни дамда анов ваъзхон ўқиган юпқа қоғозларни ушлаб турар — уларга Имбернинг Жимми кўмагида капитан Александер ҳузурида айтган барча сўзлари туширилганди. Хаукан ўқишни бошлади. Имбер пича тинглади, юзида таажжуб пайдо бўлди ва дарҳол жиянининг сўзини бўлди:

– Бу менинг сўзларим, Хаукан, улар сенинг лабларингдан учиб чиқяпти, кулоқларинг эса сўзларимни эшитмаган.

Хаукан мағрурона илжайди, фарқи очилган сочларини силаб кўйди.

– Йўқ, о Имбер, улар қоғоздан чиқяпти. Тўғри, кулоқларим уларни эшитмади. Сўзлар қоғоздан чиқиб, кўзим орқали миямга етиб боради, сўнгра лабларим уларни сенга етказди. Мана, улар қаердан чиқади.

– Шунақа дегин. Демак, улар қоғозда? – шивирларди Имбер ва қоғозни эгаллаган белгиларга ҳадиксираб кўз ташлаб, ушлаб кўрди. – Бу ғаройиб жоду. Сен, Хаукан, чинакам афсунгар экансан.

– Қўйсанг-чи, – деди йигит калондимоғлигини яширолмай.

Хаукан таваккалига бир варақни танлаб олди-да, ўқий бошлади:

¹³ *Миссионер* – ерлик халқни христиан динига тарғиб қилиш учун ўзга юртларга юборилган шахс.

– «Ўша йили, муз кўчишидан илгари, бола етаклаб олган бир оқсоч чол пайдо бўлди. Уларни ҳам ўлдирдим, ўшанда чол жони борича ўқирганди...»

– Бу бўлган гап, – деди Имбер ҳаяжонланиб. – У узок кичкирди, қаршилиқ кўрсатди, ўлишни истамаганди. Бироқ сен буларни қаердан биласан? Сенга оқ танлилар бошлиғи айтган, чоғи? Уларни ўлдирганимни ҳеч зог кўрмаганди, буни фақат оқ танли бошлиққа айтгандим.

Хаукан ранжигансимон бош чайқади.

– Буларнинг бари қоғозга ёзилган, деб айтяпман-ку сенга, тентак.

Имбер сиёҳли белгилар тўла қоғозга синчиклаб боқди.

– Овчи ерга ястанган қорга қарайди-да, айтади: мана бу ердан тунов куни куён югуриб ўтган, анави ерда, буталар орасида, кулоғини динг қилган, кейин эса нимадандир хуркиб, расмини чизган; манави жойдан ортга қайрилиб, ирғишлаб-ирғишлаб қочиб қолган, хув, ана у ердан силовсин қуённи доғда қолдирган; шу ерда, оёқлари чуқур ботган ерда, силовсин узун-узун сакраб шалпангкулокни қувиб етган; қолганига фақат силовсиннинг излари кетган. Овчининг ўткир кўзлари қордаги изга тушиши биланоқ нима бўлганини айтиб бера олади, сен ҳам қоғозга қараб у ерда унақа, бу ерда бунақа бўлган ва барчасини қария Имбер қилган, деяпсан.

– Ҳа, шундай, – жавоб қилди Хаукан, – энди эса рухсат беришмагунча тилингни тийиб, жимгина кулоқ сол.

Хаукан Имбернинг кўрсатмаларини узок ўқиди, чол бўлса ўйга толганча, мум тишлаб ўтирди. Қабиладошининг уни ўчгач, Имбер шундай деди:

– Буларнинг бари менинг сўзларим. Булар – ҳақиқат, Хаукан. Лекин мен анчайин қартайиб қолдим. Шундай эса-да, анов бошлиқ билиши даркор бўлган ҳамда аллақачонлар унутилган ишларни ёдга оляпман. Эшит.

Бир сафар Музтоғ ортидан кимса келдики, қўлларида маккор темир қопқонлар бор эди; у Оқбалиқ дарёси бўйларида кундуз овларди. Уни ўлдирдим. Кейин дарёдан олтин излаб уч киши пайдо бўлди. Уларни ҳам гумдон қилдим. Файв Фингерда ҳам одам ўлдирдим – у солда сузиб юрар, анчагина гўшт ғамлаганди.

Имбер хотирасини кавлаштириб жим қолганда Хаукан унинг сўзларини таржима қилиб турар, клерк¹⁴ уларни ёзиб оларди. Оломон Имбернинг чўпчаги токи малласоч ғилай киши узокдан туриб камон билан мавҳ этиладиган жойига етиб келмагунча хаёлларида майда кўнгилсизлик бўлиб туюлган бу «оддийгина» ҳикояга бепарво бўлишди.

– Жин урсин, – олдинги қатордаги тингловчилардан бири ўзини тутиб туролмади. Унинг нидосида кулфат-да нафрат баравар янгради. – Жин урсин, – такрорлади, – ахир, бу менинг жигарим Билл-ку!

Ахён-ахён залда серзарда «жин урсин» янграб турди – на хай-хайлашлар, на огоҳлантиришлар малласочни тинчлантира олди.

Имбер тагин бошини ҳам қилди, кўзлари тева-рак-жавонибни илғамасди. Ёлғизгина кексалик ёшлик жўшқинлигининг ҳадсиз бесамарлиги борасида мулоҳаза юрита олганидек чол ҳам ўй-хаёллари саҳросини кезарди.

Хаукан судланувчини яна туртди.

– Тургил, о Имбер. Сенга мазкур жиноятларга қўл урганинг ҳамда бу ёқларга Қонун излаб келишинг боисини тушунтириб бериш буюрилди.

Имбер аранг оёққа турди, мадорсизликдан оёқлари қалтирарди. Йўғон ва бироз титраган овозда гап бошлади, бироқ Хаукан уни тўхтатиб қўйди.

¹⁴ Ёзув-чизув ишларини бажарувчи кичик хизматчи.

– Бу чол ақлдан озибди, – мурожаат қилди йигит инглизчалаб кенгпешонага. – Ёш боладай валдирамоқда.

– Биз унинг валдирашларини эшитмоқчимиз, – деди кенгпешона. – Биз уни сўзма-сўз охиригача эшитмоқчимиз. Тушунарлими?

Имбер қаҳрли қараш қилди – жияни оқ танли билан нималарни гаплашганини фаҳмлаганди. У яна тазаррусини – қайсики келгуси авлод учун биринчи зарварақлардан жой олишга лойиқ бўлган қора танли фидойининг ғайриоддий ҳикоясини бошлади. Оломон жодулангандай тош қотди, кенгпешона судья эса бошини кўлига тираб гўё хиндунинг кўнглини эшитарди. Сукунат аро тилмоч кескин бўлиб турган Имбернинг нидоси кезар, вақти-вақти билан малласочнинг «жин урсин» ибодатхона кўнгироғидай янграрди.

– Мен ким – Имбер, Оқбалиқ қабиласиданман, – чолнинг сўзларини Хаукан бегона тилга ўгирарди; Имбернинг нутқидаги таниш маром ҳамда қироат кулоғига чалиниши заҳоти миссионерлик тарбияси-ла суғорилган тараққиёт аломатлари тўзғиб кетди ва унда одамёввойи уйғонди. – Отам Отсбаок баҳодир жангчи эди. Ҳали гўдаклигимда куёш нурларини аямас, юракларимизда шодлик кезарди. Одамлар номаълумликлар томон чопишмас, бегона овозлар кулоққа чалинмас, ажодлар удуми бизнинг удумимиз эди. Йигитлар қизлардан кўз узишмас, моҳпоралар-да кўзларни кувонтирарди. Аёлларимизнинг этаги тўла бола-бақра эди. Қабиламиз кўпаяр, эракларимиз ҳам ўша замонлар асл азаматлар эди. Улар уруш ва тинчликда ҳам, очлик ва тўқликда ҳам эр киши эдилар.

У замонлар балиқлар ва паррандалар мўл эди. Итларимиз бўри зотли, юнглари қалин, на қаҳратондан, на бўрондан ҳайиқишарди. Аёзу довуллар юракларимизга қўрқув сололмасди. Пелли қабиласи ерларимиз-

га оёқ кўйишлари замон ўртада қонли олишув кетарди. Негаки биз асл эркаклар эдик, Оқбалиқ қабиласининг кўрғонлари; ота-боболаримиз пеллилар билан курашиб келишди, тупроғимиз сарҳадларини ҳимоя қилишди. Биз уларнинг ишини давом эттирардик.

Кунлардан бир куни диёримизга биринчи оқ танли ташриф буюрди. У қорда эмаклаб келарди — мана бундай қилиб. Эти устихонига ёпишиб қолган, бунақасини сира кўрмагандик. Қаердан, қайси қабиладан келди экан, дея ҳайрон бўлардик. У норасидадек нимжон эди. Биз меҳмонни гулхан ёнига ўтқиздик. Пўстинга ўраб, ошонон бердик.

Келгинди ўзи билан бизнинг итларимизга учта келадиган итни эргаштириб олганди. Жонивор ҳам эгаси каби кучдан қолган, юнглари калта, думи музлаб қолганди. Бу ғалати жондорни ҳам қорнини тўйғиздик. Гулхан атрофидан жой бериб, итларимизни нари ҳайдадик, йўқса, бегона итни тилка-пора қилишлари турган гап эди.

Буғу ва балиқ гўштини еб, келгинди ва ити анча кучга кирди. Жир битиб, келгиндининг овози кўтарилди. Қария ва йигитларимиз устидан кулиб, қизларимизга кўз олайтира бошлади. Ити эса бизникилар билан олишар, юнглари юмшоқ ва калта бўлса-да, бир марта учта итимизни ғажиб ташлади.

Бу одамдан қайси қабиладансан, деб сўраганимизда у: «Менинг оға-иниларим бисёр», – деди-да, совуқ илжайиб кўйди. Ниҳоят, кучга тўлгач, ўз юртига равона бўлди. У билан Нода, сардоримизнинг қизи ҳам кетди. Тез орада бир урғочи итимиз болалади. Бирор маротаба бундай кучукбачаларни кўрмагандик – хумбош, бақувват жағли, калта юнгли, бунинг устига, ожизу ночор. Отам бу нотавон кучук болаларини кўриб фиғони фалакка етгани ҳамон ёдимда. Отам қўлига тош олиб кучукбачаларни

мажақлаб ташлади. Икки йилдан сўнг Нода ҳам қўлида ёш боласи билан қайтиб келди.

Ҳаммаси шундан бошланди. Кейинроқ калта юнгли ит билан иккинчи оқ танли келди. У ҳам бизнинг диёримизда узоқ турмади. Аммо итини қолдирди. Устига-устига, энг зўр олтита итимизни ўзи билан олиб кетди. Уларни Ку-Со-Ти – онамнинг укасидан ажабтовур тўппончага алиштириб олганди – олти марта кетма-кет ўқ узадиган тўппонча. Ку-Со-Ти янги куроли билан гердаяр, ўқ-ёйларимизни хотинлар овунчоғи, дерди. Ку-Со-Ти қўлида тўппонча билан айиқ овига отланди. Эндиликда тўппонча билан айиқ овлаш ахмоқлик эканини ҳамма билади, лекин ўшанда биз буни қаёқдан билардик? Ку-Со-Ти қаёқдан билсин эди? У айиқ қошига шахд-ла борди-да, тўппончасидан олти марта ўқ узди. Йиртқич бўлса бўкириб Ку-Со-Тини тухум пўчоғидай эзгилаб ташлади, асалари инидан оққан асалдай Ку-Со-Тининг мияси оқиб тушди. У моҳир овчи эди, энди унинг оиласини қарамоғига оладиган қўрғон йўқ. Биз барчамиз чуқур қайғуга ботиб: «Нимаики оқ танлилар учун яхши бўлса, бизни ҳалокатга етаклайди», – деган хулосага келдик. Чинданам шундай. Оқ танлилар туфайли қавмимиз камайиб кетди, улар сабабли чўпдай озидик.

Кутилганидек, учинчи оқ танли ҳам пайдо бўлди. У турли егуликлар ва ажиб моллар эвазига йигирмата зотдор итларимизни эргаштириб кетди. Ортидан совғалар ва ваъдаларга учиб ўн нафар овчи йигитларимиз ҳам йўлга тушишди. Аммо қаёққа – биров билмайди. Айтишларича, улар Музтоғда қор остида қолишган ёки курранинг бир чети – одам қадами етмаган Сукунат Тепаликлариде ажалга йўлиққанмиш. Нима бўлган тақдирда ҳам оқбалиқликлар итлар ва овчи йигитларни қайтиб кўришмади. Оқ танлиларнинг қадами еримиздан узилмас, совға-саломларини унутишмас, ёш йигитларимизни

олиб кетишни ҳам канда қилишмасди. Баъзан йигитларимиз қайтиб келишар ва биз Пелли қабиласининг ери ортидаги қийинчиликлар ҳамда хавф-хатар ҳақида жон қулоғимиз билан эшитардик, баъзан йигитларимиз ортга қайтишмасди. Шунда: «Модомики, оқ танлиларга кўрқув бегона экан, бу уларнинг кўплигидан. Бизлар оқбалиқ қавми озчиликмиз. Шундай экан, ёшларимиз ортиқ бизни тарк этишмасин», дея қарор қилдик. Лекин йигиту қизларимизни ушлаб туролмадик.

Тўғри, биз нон ва тузланган чўчка гўштини тано-вул қилардик, чойхўрликни хуш кўрардик; лек агар бу тансиқ егуликлар етмай қолса, томошани кўраверинг – жаҳлимиз чиқиб, ақлимизни йўкотардик. Келгиндилар олди-берди қилиш учун олиб келадиган матоҳларни кўмсай бошлардик. Савдо! Савдо! Биз биргина савдосотикни ўйлардик. Бир йили қишда ғамлаб кўйган барча илвасинларимизни яроксиз соат, ўтмас арра ва зангланган тўппончага алмаштириб юбордик. Шундан сўнг очлик таъзимимизни берди, қирқгача ёр-биродарларимиз баҳорга етмай узилди.

«Ана энди кучсизланиб қолдик. Пелли қабиласи ерларимизни тортиб олади», деб таҳликага тушдик. Бирок офат биргина бизда эмаскан – пеллилар ҳам дармонсизланган, биз билан жангга киролмасдилар. Отам Отсбаок у вақтлар ҳийла кексайиб қолган бўлса-да, донолигини йўқотмаганди. Ўшанда отам раҳнамомизга шундай деди: «Кўриб турибсан, итларимиз ҳеч нарсага ярамай қолди. Калин юнглирдан асар қолмади, ўз вазифаларини адо этиб бўлишди, чана ҳам тортолмайдилар. Яхшиси, уларни сўямиз, фақат бўри зотли урғочиларни ўрмонга кўйиб юборамиз. Балки шунда калин юнгли, бақувват итларимиз авлоди яна давом этар».

Тез орада отамнинг башорати тўғри бўлиб чиқди. Оқбалиқ қабиласи курранинг энг зўр итлари билан донг

таратди. Итлари билан – одамлари билан эмас. Йигит-қизларимиз оқ танлилар ортидан номаълум сўқмоқлару дарёлар ортига ғойиб бўлишарди. Қизларимиз ортга қайтишни минбаъд хаёлларга келтиришмас, қайтганлари ҳам Нода сингари дардманд, қаримсиқ бўларди. Яқинлари даврасига қайтган йигитларимиз эса хонадонларига сиғмасдилар. Саёҳатлари давомида кўрслик ва бадфеълликдан ўзгасини ўрганишмаган, иблис сувига қул бўлишган, куну тун қартадан бош кўтаришмасди; илк учраган келгинди чақириғи билан яна бегона ўлкаларга ошиқардилар. Катталарга хурматни унутишган, кишини меншишмас, кўҳна урф-одатларимизни мазах қилишар, сардоримиз ва шомонимиз устидан кулишарди.

Оқбалиқ қабиласи тобора кучини йўкотар, заифлашиб борарди. Тамаки, виски, юпун кийим-кечак ўрнига мўйна ва пўстинларимизни жон-жон деб тутқазардик. Йўтал бизга ҳужум бошлаган, эркаг-у аёллар бирдай касалманд, кечаси сурункасига йўталиб чиқишар, овчиларимиз ўрмонда чикибоқ қорга қон тупуришарди. Гоҳ унимиз, гоҳ бунимизнинг бўғзимиздан қон келар, оқибат кўпчилик жон таслим қиларди. Туғилиш кескин камайган, дунёга келган чақалоқлар ҳам дардчил эди. Келгиндилар биз ҳали дуч келмаган бошқа тушунарсиз хасталикларни олиб келдилар. Кейинчалик билишимча, бу касалликлар чечак ва қизамиқ деб аталаркан – биз касалликлар «шарофати» билан кузда увилдириғини ташлагандан сўнг яшашининг ҳожати қолмаган балиқ каби ҳалок бўлардик.

Энг ачинарлиси, оқ танлилар ўлим лашкарини бошлаб келишарди, барча удумлари ажал ёқасига етакларди, нафаслари ўлим оловини пуркар, ўзларига эса жин ҳам урмасди. Уларда виски, тамаки, калта юнгли итлар билан бирга чечак, қизамиқ, йўтал ҳам бор; улар оқ танли ва улар қаҳратон, бўрондан зир титрашади;

қуроллари ҳам аҳмоқона: пайдар-пай олти марта ўк узадими-ей. Бутун бошли касалликларига қарамай, улар эт олиб, кучаяверишади, қўллари ҳамма ёққа етади, барчани эзгилаб-топтайдилар. Аёллари эса сумбатидан нозикниҳол кўринса-да, аслида саботлидирлар – алпкелбат ўғлонларни дунёга келтиришади. Демак, нозиктабиатлилик, касаллик, заифлик куч-қудрат ва хукмронлик қобиғига ўралар экан. Оқ танлилар ё илоҳ, ё иблис – бунисини билмайман. Оқбалиқ қабиласидан бўлган мен, Имбердек чол, ниманиям билардим? Фақат бир нарса-ни биламанки, бу жаҳонгашта оқ танлиларни тушуниб бўлмайди.

Юқорида айтганимдек, ўрмонда қушлар овози тиниб қолди. Тан олиш керак — келгиндилар қуроли узокдагини уриб туширади, бироқ отишга ҳеч вако бўлмаса, қуролдан не наф? Болалигимда буғулар ҳар тепаликда учрар, саноғи-да ҳисобсиз эди. Энди эса ўн кунлаб тепалик ошсанг ҳам бирорта буғуни учратмайсан.

Шундай қилиб, мен, Имбер Оқбалиқ қабиласининг таназзулини, Пелли қабиласининг ҳалокатини, умуман, ўлканинг барча қавм-қабиласини тугаб битаётганини кўриб, узок ўй-хаёлот дунёсида кездим. Шомон ва доно кексаларимиз билан мусоҳаба қилдим. Одамлар шовқинсурони ўйлашимга ҳалал бермасин учун ўрмон ичкари-сига кириб кетдим, меъдамга оғирлик қилмаслиги ва кўз-қулоғимни заифлаштирмаслиги учун гўштан воз кечдим. Уйқуни унутиб, ўрмонда узок вақт ўтирдим, кўзларим ишора кутар, қулоқларим барчасини бартараф қилишга имкон берувчи сўзни илиб олишга шай эди. Тунлари шамол нола қилаётган, ёмғир кўз ёш тўкаётган бир пайтда дарё ёқасига ёлғиз чиқдим. Аллақачонлар рихлатга равона бўлган доно кексалар ва шомонлар шарпасини учратиб, улардан маслаҳат олиш ниятида эдим.

Алалоқибат, шарпалар кўринди – калта юнгли жирканч итлар – ва нима қилмоқ кераклигини дарҳол англа-

дим. Овулга қайтиб жангчиларимизга шундай дедим: «Оқ танлилар – жуда улкан қабиладирлар. Ўз ерларида емак қолмагач, бизнинг заминимизга кўз олайтиришмоқда. Улар туфайли заифлашиб, ҳалок бўлмоқдамиз. Улар еб-тўймас юҳодирлар. Агарки, биз тирик қолмоқчи эканмиз, итларига қандай чора қўллаган бўлсак, ўзларига ҳам шуни қўллашимиз даркор».

Мен курашишни таклиф қилдим. Оқбалиқликлар менга кулоқ беришди, бироқ бирортаси мард бўлиб ўртага чикмади. Йигитларимиз юраксизлик қилишди, лекин лом-мим демай ўтирган чолларнинг кўзида учкунни пайқадим. Кечкурун, овул уйқуга кетгач, яширинча қарияларни ўрмонга чақирдим. Узоқ фикр алмашиб, бир тўхтамак келдик. Заминимиз эркин нафас олган ёшлик онларимизни, шод ва фаровон кунларимизни ёдга олдик. Бир-биримизни оға-ини деб атадик, сир-розимизни фош этмасликка ҳамда тупроғимизни ёвуз келгиндилардан тозалашга қасамёд этдик. Энди равшанки, булар аҳмоқликдан бошқаси эмасди, аммо ўша дамлар бизлар, Оқбалиқ қабиласининг қариялари буни қаёқдан ҳам билардик?

Уларга намуна бўлиш ва руҳлантириш учун биринчи бўлиб ўзим қотилликка қўл урдим. Юкон кирғоғига писиб беркиндим-да, оқ танлилар каноэсини кутиб турдим. Қайиқда икки киши ўтирарди. Ўрнимдан туриб қўлимни кўтардим. Улар кирғоқ томон сузишди. Қайиқ бурнида ўтирган киши нима гаплигини билиш учун бошини кўтаргани замон қўлимдаги пайкон учиб бориб ҳалигининг бўғзига қадалди. Иккинчиси, қайиқ куйруғидагиси, қуролини олишга ҳам улгурмади – найзамни гарданига санчиб қўйдим.

«Бу бошланиши, – дедим қасоскор биродарларимга. – Биз ҳали барча қабиаларнинг барча қарияларини,

кейинроқ юрагида ўти бўлган йигитларини ҳам бирлаштирамиз. Ана унда ишимиз жадаллашиб кетади».

Кейин ҳалиги икки мурдани дарёга ташладик. Каноэни эса – каноэ энг яхши қайиқлардан эди — ичидаги буюмлар билан ёкиб юбордик. Лекин аввал буюмларни кўздан кечирдик. Тери халталарини пичоқ билан йиртиб кўрганимизда ичи тўла сенинг ўқиганларингга ўхшаган, о Хаукан, белгилар билан қопланган қоғозлар эди; чандон уринсак-да, белгиларни тушунмадик. Энди эса ақлим кириб, уларни тушуна оламан: бу, сен айтгандек – банибашарнинг сўзлари...

Хаукан каноэдаги икки оқ танлининг ўлимини аранг таржима қилиб улгурдики, залда гўнғир-гўнғир бошланди.

– Бу тўқсон биринчи йили ғойиб бўлган почта-ку! – кимнингдир овози янгради. – Уни Питер Жеймс ва Дилэни олиб кетишаётганди. Икковини сўнги марта Ла-Барж кўлида Мэттьюз кўрганди.

Клерк барчасини шоша-пиша ёзаркан, Шимол тарихига янги боб қўшиларди.

– Бу ёғи оз қолди, – сўзини давом эттирди Имбер. – Нимаики каромат кўрсатган бўлсак, барчаси қоғозга тушурилган. Биз қариялар ўша пайтда нима қилаётганимизни билмасдик. Биз фақат ўлдирардик; биз устомонларча ўлдирардик. Негаки яшаб ўтган йилларимиз ўз ишимизни шошмасдан битиришга ўргатган эди. Бир куни оқ танлилар хузуримизда пайдо бўлишди. Улар бизга ғазаб-ла тикилиб, ҳақоратли сўзлар ёғдиришди. Олтита ўспиринимизни қўлига кишан солиб, олиб кетишди. Ўшанда тушуниб етдикки, биз янада маккорона ва кўпроқ ўлдиришимиз керак. Биз дарё бўйлаб юкори ва куйига, бегона ўлкаларга тарқалдик. Бундай таваккалчилик учун отнинг калласидек юрак бўлиши талаб қилинарди. Қариб-қартайиб кўркувни юракларимиздан

ўчириб ташлаган бўлсак-да, узоқ ва бегона юртлар олди-да ҳадиксирашимиз табиий эди.

Шу тарзда жинойтларимизни амалга оширардик – шошмасдан, айёрона. Биз Чилкутда ҳам, Делгада ҳам, довонда ҳам, кирғоқларда ҳам – қаерда бўлмасин, оқ танлининг манзилгоҳи учраса ёхуд сўкмоқ солган бўлса, бир одамнинг ҳаётига зомин бўлардик. Ҳа, оқ танлилар кириларди, лекин бундан нима наф кўрдик? Улар тоғ ортидан тушиб келишар, кун сайин кўпайиб боришарди, биз чолларнинг эса, аксинча, сафимиз камайиб борарди. Ёдимда, Буғу Довонида бир оқ танли кўналға қуриб жойлашди. У паканагина эди. Уйкудалигида уч нафар қотил чоллар хужум қилди. Эртаси куни уч қариянинг жасадига дуч келдим. Оқ танли эса ҳали ҳам нафас олар, ўлими олдидан, ҳатто мени лаънатлашга ҳам иродаси етганди.

Бор гап шу. Бугун бир оқсоқолнинг умри поёнига етади, эртага бошқасининг. Баъзан талай вақт ўтиб ўзимизникиларнинг вафоти ҳақида эшитиб қолардик. Ўзга қабила чоллари куёнюрак эдилар, бизга мадад беришни ўзларига эп кўришмади. Шундай қилиб, қариялар бирин-кетин тўкила бошладик – биргина мен қолдим. Мен ким, Имбер, Оқбалиқ қабиласиданман. Отам Отсбаок баҳодир жангчи эди. Оқбалиқ қабиласи тугаб битди. Мен ушбу қабиланинг сўнгги вакилиман. Эркак ва аёллар ўз масканларини тарк этишди – кимдир Пелли қабиласига, кимдир Лосось қабиласига, аксарияти оқ танлилар юртига гумдон бўлишди. Мен анчайин қариб қолдим, жуда ҳам чарчадим. Қонунга қарши беҳуда куч сарфладим. Сен ҳақсан, Хаукан – мен бу ерларга Қонун излаб келдим.

– Сен чинакамига тентаксан, о Имбер, – якун ясагандай деди Хаукан.

Бироқ Имбер хаёлот оламига шўнғиб, қулоқлари том битганди. Кенг манглайли судья ҳам чуқур ўйга толган-

ди: кўз ўнгидан совут кийган, қонун ўрнатувчи ҳамда бошқа халқлар тақдирини белгиловчи бутун бошли элати савлат тўкиб ўтди. Бу судья жаноблари ўз элатининг қоронғу ўрмонлар ва сокин денгиз сайхонликлари узра арғувон шуълалар ила бош кўтарган ўтмишининг субҳини кўз олдига келтирди. У тантанавор равишда ёғду сочаётган кундуз билан алмашиб, тепаликлар оша қонга тўйинган қум мисол соя ташлаб, тун ортига югургилаётган шафақни кўрди... Ва шуларнинг барчаси ортида адолат тарозиси, қайсики Унинг номи ила иш кўрадиган ёхуд Унинг залвори остида жон таслим этувчи ҳақир инсон зотидан-да қудратлироқ, қайсики юраги шафқат тилаётган ҳакамнинг ўзидан-да кучлироқ, мутлақ ва ёвуз Қонун қад кўтарди.

ОМОНАТ

Арқонлар ечилиб, «Сиэтл-4» соҳилдан аста-секин узоклаша бошлади. Палуба юклар билан лиқ тўлган, юкларнинг устида эса турли тусдаги ҳиндулар, итлар, чана ҳайдовчилар, савдогарлар ҳамда уйларига қайтишаётган олтин изловчилар ғужғон эдилар. Доусон аҳолисининг кўпчилиги жўнаб кетаётганларни кузатиш учун соҳилга тўпланишди. Тахта зиналар кўтарилиб, пароход силжий бошлагач, видолашиш нидолари кулоқни батанг қиладиган даражага етди. Ҳамма сўнгги онларда зарур гапларини айтиб қолишга уринар, дақиқа сайин ўзларидан узоклашаётган яқинларига бақириб-қичқиришарди. Луи Бонделл, бир қўли билан мўйлабини силаб, иккинчи қўлини соҳилдаги дўстларига силкиб турган маҳал бирдан нимадир ёдига тушдида бортга отилди.

– Ҳой, Фред! – бақирди у. – Фред!

Фред Луи Бонделл нима демокчилигини англаш учун оломонни ёриб ўтди. Бонделлнинг бақираверганидан

юзи бўғриқиб кетган, лекин бирорта сўзи эшитилмасди. Бунинг устига, пароход билан соҳилнинг ораси тобора кенгайиб борарди.

– Ҳой, капитан Скотт! – қичқирди Бонделл капитан бўлмасига ўгирилиб. – Пароходни тўхтатинг!

Сигнал қўнғироғи жаранглаб, кема қуйруғидаги улкан ғилдирак тескари томонга айланиб тўхтади. Борт ва пристандагилар фурсатдан фойдаланиб бир-бирлари билан яна бир бор бақириб-чақириб ҳайр-хўшлаша бошладилар.

Соҳилдагилар сўзларини эшитишлари учун Луи Бонделл астойдил уринарди. «Сиэтл-4» йўлини йўқотиб, оқим уни олиб кета бошлади. Капитан Скотт кемани юрғизиб, иккинчи марта тўхтатишга мажбур бўлди. Капитан бўлмасида унинг боши кўринмай қолди ва бир зумдан сўнг у қўлида мегафон билан яна пайдо бўлди.

Энди капитан Скоттнинг овози фавкулудда кучга эга бўлди. Палуба ҳамда кирғокдаги оломонга «Жим бўлинглар!» деб ўшқирганида унинг овози, эҳтимол, Буғутоғ чўққилари ва ҳатто Клондайк кўчаларигача етиб борди. Капитан бўлмасидан чиққан бу расмий чақирик шовқин-суронни тинчитди.

– Ана энди нима демоқчилигингизни айтинг, – буйруқ берди капитан.

– Фред Черчиллга шуни етказингки... У соҳилда... Айтингки, у Мак-Доналдникига кирсин. Мак-Доналдда кичкинагина саквояжим бор. Фредга шуни етказингки, саквояжни ўзи билан олиб келсин.

Луи Бонделл гапини тугатиши билан капитан Скотт бу хабарни мегафонда соҳилга етказди:

– Ҳой, сиз, Фред Черчилл, Мак-Доналднинг олдига боринг... Унга сақлаш учун кичкина саквояж топширилган... Саквояж Луи Бонделлга тегишли... Бу жуда ҳам муҳим... Уни ўзингиз билан олиб келинг... Тушундингизми?

Черчилл тушундим дегандек кўлини силкитди. Айни дамда бу ердан ярим чақирим нарида яшовчи Мак-Доналд деразаларини очганда гап нимадалигини тушунарди. Яна хайрлашув сўзлари янграб, кема кўнғироғи чинқирди. «Сиэтл-4» олдинга силжиди ва Юкон бўйлаб қуйига сузиб кетди. Бонделл ва Черчилл сўнги дақиқаларгача кўлларини бир-бирларига силкитиб қолишди.

Бу воқеа ёзда бўлиб ўтган эди. Йилнинг охирида эса бортида уйларига қайтаётган икки юзта йўловчи билан «У.Х. Уиллис» Юкон бўйлаб юкоридан сузиб келарди. Йўловчилар орасида Черчилл ҳам бор, каютасидаги қопчиғида кийимлари билан Луи Бонделл тайинлаган саквояж ҳам ётарди. Бу қирқ қадокча оғирликдаги кичкинагина пишиқ терили чамадонча эди. Черчилл ҳар сафар ундан узоқлашиши ҳамон асабийлаша бошларди. Кўшни каютадаги киши оддий чамадонда ички кийимлари орасига яширилган олтин кумларни олиб келарди. Охиروқибат, иккаласи навбати билан қоровуллик қилишга келишиб олишди. Агар бири пастга овқатлангани тушса, иккинчиси каюта эшикларидан кўзини узмасди. Черчилл қарта ўйнагиси келса, кўшниси соқчилик қилар, кўшниси кўнғил ёзгиси келса, Черчилл икки эшик ўртасида қайтарма стулга ўтириб олиб тўрт ой аввалги рўзномаларни титкилашга тушарди.

Теварак-атрофдаги белгиларга кўра киш эрта келишни ваъда қилар, йўловчилар тонг саҳардан қоронғи тушгунча, ҳатто ярим кечагача бир нарсани гапиришарди: дарё музлагунча манзилга етиб олишармикин ёки пароходни ташлаб музда юришларига тўғри келармикин? Бунинг устига, ғашга тегадиган тўхтаб қолишлар ҳам бўлиб турди. Икки марта кема бузилиб, наридан бери тузатилди. Тез орада қиш келишидан дарак бергандек икки сафар ҳам қор ёғди. Тўққиз марта «У.Х. Уиллис» Файв Фингер. остонатошларини ишғол қилишга уриниб

кўрди. Ниҳоят, бунга эришилгач, аниқ бўлди-ки, пароход қатнов жадвалига кўра тўрт кунга кечикаётган экан. Шунда, уларни Яшиқ дарасидан тепароқда «Флора» пароходи кутиб турармикан, деган савол кўтарилди. Яшиқ дараси ва Оқ Тулпор остонатошлари орасидаги йўлга кемалар киролмас ва йўловчилар бир пароходдан иккинчисига чиқиш учун бу ерларни пиёда босиб ўтишарди. Ўша пайтлари бу ерларда телефон йўқ, шунинг учун «Уиллис» тўрт кунга кечикиб бўлса-да келаётганлиги ҳақида «Флора»ни огоҳлантиришнинг бирорта имкони топилмасди. «Уиллис» Оқ Тулпорга кириб борганда маълум бўлдики, «Флора» уни муддатдан уч кун кўп кутиб, бир неча соат илгари жўнаб кетибди. Яна айтишдики, «Флора» Тагиш постида якшанба эрталаб тўққизгача бўларкан. Ҳозир кундуз соат тўрт, шанба. Йўловчилар митинг ўтказишди. «Уиллис» бортида Беннет кўлига кираверишдаги полиция постига мўлжалланган канада каноэси ётарди. Йўловчилар бу каноэ учун жавобгарликни бўйинларига олишди. Кейин кўнгиллилар чақирилди. «Флора»ни қувиб етиш учун икки кишини танлаб олишга қарор қилинди. Шу заҳоти ўнлаб кўнгиллилар ўртага чиқдилар. Улар орасида Черчилл ҳам бор эди. Унинг феъл-атвори шунақа, ҳали Бонделлнинг саквояжини ўйламай туриб отилиб чиқди. Бу нарса ёдига тушгач, хафсаласи пир бўлди, бироқ коллеж футбол жамоаси сардори, атлетика клуби президенти бўлиб донг таратган, Юконда энг яхши чана ҳайдовчилардан ҳисобланмиш, қолаверса, шундай яғриндор елкали азамат бундай ишга номзод бўлолмай қолмасди. Топшириқ Черчилл ва девқомат немис Ник Антонсенга юкланди.

То оломон каноэни пастга олиб тушгунча Черчилл каятасига отилиб кирди. Чамадондагиларни полга сочиб, саквояжни кўлига олди; уни кўшнисига саклаш учун бериш ниятида эди. Лекин шу заҳоти иккиланиб қолди:

ахир, бу бировнинг мулки, уни қўлдан чиқаришга ҳаққи йўқ. Саквояжни ўзида қолдириб, қирғоқ бўйлаб югуриб кетди. Саквояжни у қўлидан бу қўлига олиб, ичида ўйларди: саквояж чиндан-да қирқ қадокдан ошиқ эмасмикин?

Черчилл ва Антонсен йўлга тушишганда кечки беш ярим эди. Ўттизинчи милядаги оқим шунақанги кучли эди-ки, эшқакдан фойдаланишга ҳожат қолмаганди. Улар елкаларида арқон билан қирғоқ ёқалаб, тошларга қоқилиб, бутазорларда кийимлари ситилиб, тизза ва белларигача сув кечиб, йўлда ўтиб бўлмас қоялар учраганда каноэга ўтириб, оқим олиб кетмасидан жон-жаҳдлари билан нариги қирғоқ томон эшқак эшишга ва яна қайикни елкаларида арқон билан судраб боришларига тўғри келди. Бу тинка-мадорни қуритадиган машаққат эди. Антонсен кучи борича сабр билан зўр бериб ҳаракат қилар, Черчилл бўлса, бақувват жуссаси ва букилмас иродаси билан унинг ортидан тезроқ юришга ундарди. Улар бирор марта бўлсин дам олишга тўхташмади. Улар фақат ва фақат олдинга юришарди. Юзларига қаттиқ шамол урилар, қўллари совқотар, увишиб қолган бармоқларида қон юргизиш учун вақти-вақти билан қўлларини бири-бирига ишқашарди. Кеч кирганда тақдир иродасига суянишдан ўзга илож қолмади. Улар тез-тез қирғоққа чиқиб, йўл тополмай, чангалзорда кийимлари йиртилиб, зўрға қадам босишарди. Иккаласининг ҳам бадани тирналиб, қонталаш бўлиб қолганди. Қирғоқдан қирғоққа сузиб ўтаётиб сувга ботган тўнкага ўн мартача урилиб қайиқ ағдарилди. Бу биринчи марта содир бўлганда Черчилл уч фут¹⁵ чуқурликка шўнғиб саквояжни излади. Ярим соат вақтини излашга сарфлади, ахийри, уни қайикка боғлаб қўйди, шу тарика каноэ сузишга яроқсиз бўлиб

¹⁵ Фут – 30,48 см га тенг узунлик ўлчови.

қолмагунча саквояж хавфсизликда бўлди. Антонсен уни масхара килди, эрталабга бориб саквояжни лаънатлай бошлади, аммо Черчилл ҳамроҳига қилган ишининг сабабини айтиб ўтирмади.

Тўхтаб қолишлар ва омадсизликлар уларни ҳар қадамда таъқиб қиларди. Катта остонатош билан кесилган бурилишда дарёнинг тезоқар жойидан ўтишга икки соат уринишди. Бу вақт ичида қайиқ икки марта ағдарилиб кетди. Бу ерда иккала қирғоқда сув тагидан тик қоятошлар кўтарилиб турар, шунинг учун қайикни арқон билан судрашнинг сира иложи йўқ, оқимни эса эшкаклар билан енгиб бўлмади. Икковлон бор кучлари билан зўр бериб эшкак эшишарди-ки, зўриқишдан юраклари кўкракларидан отилиб кетадигандек эди, бироқ ҳар сафар оқим қайикни орқага оқизиб кетарди. Ахийри, бу остонатошларни ҳақиқий тасодиф туфайли забт этишга муваффақ бўлишди. Навбатдаги омадсизликдан сўнг дарёнинг тезоқар ерида оқим Черчиллнинг кўлидан эшкакни юлқиб, қайикни қоятошга улоқтирди. Черчилл таваккалига қояга сакради ва Антонсен сувдан чиққунича бир кўли билан тошдаги ёриқни маҳкам тутиб, бошқаси билан қайикни ушлаб олди. Кейин қайикни чиқазиб, нафас ростлашди. Яна ғайрат билан куч сарфлашиб остонатошларни босиб ўтишди. Қирғоққа келиб урилгач, дархол қуруқликка чиқишди ва қайикни елкада арқон билан судраб буталар орасидан юриб кетишди.

Эрта тонгда улар Тагиш постига яқинлашиб қолишди. Соат тўққизда «Флора»нинг ҳайрлашув кўнғироғи эшитилди. Соат ўнда, постга етиб боргач, жанубга кетаётган пароходнинг тутунинигина кўришди. Отлиқ полициядан бўлган капитан Жонс бу икки мутлақо ҳолдан тойган жулдур кийинган кишиларни кутиб олди ва уларга овқат берди, кейин эса ҳаётида ҳали бирор-бир одамни бундай иштаҳа билан овқатланганини кўрмаганини таъкидлади.

Қорин тўйғизишгач, эгниларидаги увадаларини ҳам ечмасдан печь ёнига ёнбошлашди-ю, ухлаб қолишди. Икки соатдан кейин Черчилл уйғонди, Антонсенни туртиб уйғотиб, ёстик вазифасини бажарган Бонделлнинг саквояжини олиб каноэга ўтиришди ва яна «Флора»нинг изига тушишди.

– Нималар бўлмайди, дейсиз? – капитан Жонс қанча уринмасин Черчиллни шу ерда қолишга кўндиролмаганди. – Кема бузилиб қолиши ёки бирор қорхон юз бериши мумкин. Мен пароходни қувиб етиб, қолганларни ҳам олиб кетиш учун уни ортга қайтаришим керак.

Тагиш кўли кучли куз шамолидан кўпикланиб оқарди. Тўлқинлар икковидан бирини доимо қайиқ ичидан сувни чўмичлаб олиб туришга мажбурлаб, уларга ташланарди. Натижада фақат бир киши эшкак эша оларди. Бундай шароитда олдинга интилишнинг иложи бўлмасди. Улар қиялама қирғоққа келиб урилиб, каноэдан тушишди. Бири арқонни ушлади, иккинчиси қайиқни орқадан итарди. Белларигача, гоҳида нақ бўғизларигача сув, гоҳида одам бўйи қор кечиб, шамол билан олишишарди. Улар бу ғайриинсоний шавқатсиз олишувда тиним билмасдилар. Шу кеча қор бўрони кўпиб турган вақтда Тагиш кўлидан чиқишда «Флора»ни қувиб етишди. Антонсен палубага ағдарилди-ю, шу заҳоти хуррак ота бошлади. Черчилл-нинг аҳволи ниҳоятда ночор эди. Кийимлари эгнида аранг осилиб турар, юзлари музлаб шишиб кетганди. Йигирма тўрт соат давомидаги тинимсиз ҳаракатдан кўлидаги томирлар бўртиб кетган, бармоқларини буқолмай қолганди. Оёқлари шу даражада оғрирди-ки, тик туриш чидаб бўлмас азоб эди.

«Флора» капитани ортга қайтишга асло рози бўлмади. Черчилл қанча оёқ тирамасин, капитан ўжарлик қилиб тураверди. Капитан сўнгги далил сифатида шунни айтди-

ки, «Флора» ортга қайтган тақдирда ҳам улар ҳеч нарсага эришолмасди. Чунки Дайига сузувчи ягона пароход – «Афиналик» сешанба куни эрталаб жўнаб кетарди. «Флора» Оқ Тулпорда қолиб кетганларни олиб, «Афиналик» жўнагунча қайтиб келишга улгуролмасди.

– «Афиналик» қачон жўнайди? – сўради Черчилл.

– Сешанба куни эрталаб соат еттида.

– Бўпти, – деди Черчилл хуррак отаётган Антонсенни оёғи билан туртиб. – Оқ Тулпорга қайтаверинглар. Биз бориб «Афиналик»ни тўхтатиб турамиз.

Уйқусираб турган Антонсенни каноэга итариб чикаришди. Девкомат немис то устига муздек тўлқин куйилмагунча ва Черчиллнинг ҳайқириғини эшитмагунча нималар бўлаётганини идрок қилолмади.

– Нима, эшкак эшиш ёдингдан кўтарилдимиз? Ёки чўкиб кетишимизни хоҳлайсанми?

Тонг отганда улар Буғу довоида эдилар. Шамол тўхтаган бўлса-да, Антонсеннинг ҳатто эшкакни ушлашга ҳам мутлақо холи қолмаганди. Черчилл каноэни кирғоққа чиқарди ва улар мизғиб олмоққа аҳд қилдилар. Черчилл атайин бошини қўлига қўйиб ётди, қўли увишиб уйғонганда эса соатига қараб кўярди. Икки соатдан кейин Антонсенни туртиб уйғотди ва яна олға интилдилар. Беннет қўли, узунасига ўттиз чақирим, сокин эди, аммо ярим йўлда жанубдан шамол эсиб, сув кўпикланиб оппоқ оқарди. Улар Тагиш қўлида бўлгани каби беллари ва бўғизларигача муздек сув кечиб, қайикни судраб то давангирдек Антонсен эмаклаб қолмагунча соатлаб табиат инжиқликлари билан жанг олиб боришди. Черчилл ҳамроҳини аямай юришга мажбурлар, бироқ Антонсен уч фут чуқурликда бўғзига сув тикилиб, чўкиб кетай деганда, Черчилл уни қайикқа чиқариб олди. Черчилл курашни бир ўзи давом эттирди. Тушга яқин Беннет қўлига қираверишдаги полиция постига етиб келди. У Антон-

сенни қайикдан туширмоқчи бўлди, лекин қўлидан келмади. Ҳамроҳининг оғир нафас олишига қулоқ солиб, унга ҳасад қила бошлади. Антонсен ётиши, ухлаши мумкин, у эса осмонўпар Чилкутга кўтарилиб, денгизга тушиши лозим. Ҳақиқий машаққат ҳали олдинда эди. Черчилл вужудида етарли куч-қувват борлигидан ўкинди, чунки бу куч-қувват туфайли озмунча азобни босиб ўтиши керакми?! Бонделлнинг саквояжини қўлига олиб оқсоқланганча полиция постига кириб борди.

– Пастда сизлар учун каноэ турибди, – бидирлади эшикни тақиллатганда уни қарши олган зобитга, – ичидаги одам зўрға нафас оляпти. Унга ҳеч нарса бўлгани йўқ, фақат ҳолдан тойган. Унга кўз-қулоқ бўлиб туринглар. Шошиб турибман. Кўришгунча. «Афиналик»ка етиб олишим керак.

Беннет ва Линдерман кўли ўртасига бир миля узунликдаги тўғон ётқизилганди. Черчилл сўнги сўзларини елкаси оша айтиб, тўғон устидан чопиб кетди. Югуриш жуда қийин эди, лекин у тишини тишига қўйиб олға интилди. Саквояжга бўлган нафратдан оғриқни ҳам унутди. Бу оғир синов эди. Черчилл саквояжни қўлидан қўлига олар, қўлтиғига қистирар, елкасига ортиб олар, саквояж эса ҳар бир қадамда елкасини «саваларди». Саквояжни дабдаласи чиққан, шишган қўллари билан кўтариб юриш мислсиз уқубат эди, бир неча марта қўлидан тушириб юборди. Бир сафар қўлдан қўлга ўтказаетганда саквояж сирғаниб тушиб кетди, Черчилл унга қоқиниб йиқилди. Тўғон охирига етиб бориб, бир долларга қайиш сотиб олди ва саквояжни белига боғлади. Шу ернинг ўзидаёқ баркас¹⁶ ёллади. Тушдан кейин тўртда баркас уни олти чақирим узокликдаги Линдерман кўлининг четига элтиб қўйди. «Афиналик» Дайдан эртасига эрталаб еттида

¹⁶ Баркас – кўп эшакли катта қайик.

жўнаб кетиши керак эди. Дайигача йигирма саккиз миля йўл бор. Олдинда эса Чилкут кад кўтариб турарди. Черчилл юкорига ўрлашдан аввал оёқ кийимини тузатмоқчи бўлиб ўтирди-ю, уйғониб кетди. Уни ўтириши биланок мудроқ босганди. Кўзи илинганида ўттиз сониядан ошмаган бўлса-да, кўркиб кетди: кейинги сафар кўпроқ мудраб қолиши мумкин. Тик турганча оёқ кийимини тартибга келтирмоқчи бўлди. Шу тик турганида ҳам ҳолсизликни дарров енга олмади. У бир зумга хушини йўқотди; бунини у бемажол ерга йиқилаётганда сезди, аммо дарҳол ўзини қўлга олиб, оёққа турди. Ҳушсизликдан кўнгли айниб, қалтирай бошлади. Черчилл ғовлаб кетган миясига тетикликни қайтариш учун бошига муштлай бошлади.

Кратер кўлига енгил юк билан қайтаётган Жек Берннинг карвони Черчиллга уловда кетишни таклиф қилди. Бернс саквояжни бошқа хачирга юкламоқчи бўлди, бироқ Черчилл уни эгарга ўрнаштириб, ўзида олиб қолди. Черчилл тез-тез пинакка кетиб, саквояж эгарнинг гоҳ у, гоҳ бу тарафига сирғанар ва ҳар сафар Черчилл оғриқ билан уйғонарди. Кейин, қош қорая бошлагач, хачир дарахт шохига урилиб, Черчиллнинг юзи шилинди. Бу ҳам етмагандек, хачир йўлдан адашди. Бу ёғига Черчилл пиёда юришни, аниқроғи, сўқмоқда, агар сўқмоқ дейишга арзиса, хачир етаклаб бир-бир одимлашни маъқул кўрди.

Теварак атрофдан таралаётган қўланса ҳид бу ерларда ўлиб ётган отларнинг олтин ортидан қувган азаматлар қурбонига айланганини айтиб турарди. Аммо Черчилл ҳеч нарсани сезмасди. У ухлашни жуда ҳам хоҳларди. Бу вақтга келиб улар Узоққўлга етишди. Чуқурқўлда Черчилл юлдузларнинг хира ёруғида кўзини узмаган саквояжни Бернсга топширди. Саквояжга ҳеч нарса бўлмаслиги лозим эди.

Карвон Кратер кўлида қолди. Черчилл бўлса сакво-
яжни белига боғлаб, довонга ўрмалай бошлади. Баланд-
ликка кўтарилгани сари ҳақиқий чарчокни ҳис этди. Оёқ-
кўли зил-замбил оғирлашиб эмаклаб қолди. Ҳар сафар
оёғини кўтарганда бутун вужуди зўрикарди. Черчиллда
оёқларимга кўрғошин бошмоқ кийиб олганман, деган ўй
пайдо бўлди ва у эгилиб «кўрғошин»ни ушлаб кўриш
истагини аранг босиб турарди. Бонделлнинг сакво-
яжиге келсак, қандай қилиб қирқ қадоқ бунчалик оғирлигига
ақл бовар қилмасди. Сакво-яж уни шунчалик эзарди-ки,
гўё елкасида тоғни кўтариб кетаётгандек эди. Черчилл
бир йил аввал елкасида юз эллик қадоқ юк билан мана
шу довонга кўтарилганини эслаб ўзига ишонмасди! Агар
ўшанда юз эллик қадоқни кўтарган бўлса, ҳозир Бонделл
сакво-яжи беш юз қадоқ чиқса кераг-ов.

Кратер кўлидан довонга ўтишдаги биринчи тепалик
кичик музтоғдан иборат эди. Сўкмоқ бу ердан яхши
кўринарди. Лекин ўрмон чегараси ҳисобланмиш музлик-
дан тепароқда сочилиб ётган яланғоч қоя ва тошлардан
бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Йўл қоронғуда кўринмас ва у
одатдагидан уч баробар кўп қуч сарфлаб юрди. У қор
бўрони авжиге минганда довонга етиб келди. Бахтига
пастаккина ташландик чодирга дуч келиб қолди. Чодир-
да сўлиган картошка, олти дона пишмаган тухум топиб,
уларни паққос туширди.

Бўрон тинди. У шиддат билан пастга туша бошлади.
Бу ерда сўкмоқ йўқ, у тошларга қоқилиб, таваккалига
қадам босар, гоҳида тубсиз дара ёки жарлик ёқасига ке-
либ қоларди. Тез орада қора булутлар юлдузларни тўсиб
қўйди ва бу зулматда тойиб кетиб, юз фут пастликка
думалаб кетди. Ҳамма ери шилинган, қонгалаш ҳолда
кўзини очганда ўранинг тубида эди. Атрофни от жасад-
ларидан чиқаётган бадбўй ҳид тутганди. Ўра сўкмоққа
яқин бўлиб, кўпинча ишдан чиққан ва ўлаётган отларни

шу ўрага улоқтиришарди. Бадбўй ҳиддан Черчиллнинг кўнгли айниб, гўё босинқирагандек юқорига тирмаша бошлади. Ярим йўлда саквояжни эслаб қолди. Саквояж ҳам Черчиллга қўшилиб ўрага тушиб, қайиш узилиб кетганди. У саквояжни батамом унутганди. Яна сассик ўрага тушишга тўғри келди. Ярим соат саквояжни пайпаслаб қидирди. Саквояжга қоқилиб кетгунча ўн еттига ўлик отни санади. Битта жони узилмаганига эса револьверидан ўқ узди. Ўзининг бирор бора мардлик ва қахрамонлик кўрсатмаган ўтмишига назар ташлаб амин бўлдики, саквояжни деб орқага қайтиши ҳаётидаги энг қахрамонона иши экан. Шунчалик қахрамонона эдики, ўрадан чикқунча икки марта хушидан кетай деди.

Ниҳоят, пастга тушиб, Чилкут ортда қолганда, йўл юриш бироз енгиллашди. Албатта, энг яхши сўқмоқни ҳам равон деб бўлмасди, бироқ бу энг мақбул ёлғизоёқ йўл эди. Агар Черчилл бутунлай ҳолдан тоймаганида, оёқ остини ёритиш учун тош фонари бўлганида, Бонделлнинг лаънати саквояжи бўлмаганида эди, у бемалол йўл юра оларди. Черчилл ҳозир шундай аҳволга тушгандики, саквояж унинг учун, мақолда айтилганидек, туянинг белини синдирган похол эди. У гавдасини аранг кўтариб юрар, бироқ ҳар сафар қоқилиб кетганда ортиқча юк уни ерга кулатарди. Оёққа турганда эса зимистоннинг қайсидир бурчидан дарахт шохлари чиқиб, саквояжга ёпишганча, Черчиллни орқага судрарди.

Аста-секин Черчиллда шундай ишонч пайдо бўлдики, агар «Афиналик»ни қўлдан чиқарса, бу фақат саквояж туфайли. Умуман, унинг онгида икки нарса қолганди: саквояж ва пароход. У фақат шу икки нарса ҳақида ўйларди, улар неча асрлар давомида бажариб келган қандайдир оғир топшириқ билан чамбарчасдек туюлди. У худди тушида одимлар, курашар эди. Гўё тушида Чўпонлар Лагерига етиб келди. Қовоқхонага ҳовлиқиб

кириб, елкасидан қайишни ечди. Саквояжни аста полга кўя бошлаганда, кўлидан тушиб кетди. Дупуллаган овоздан, ҳатто, эндигина кетишга шайланиб турган икки киши ҳам сапчиб тушди. Черчилл бир стакан вискини сипқорди. Қовокхона хўжайинидан ўн дақиқадан сўнг уйғотиб кўйишини сўради. Кейин оёқларини саквояжнинг устига, бошини тиззасига кўйиб, чўккалади.

Черчиллнинг хорғин вужудини чарчоқ шундай сиқувга олгандики, уни уйғотиш учун яна ўн дақиқа ҳамда увишиб қолган мушақларини ёзиш учун яна бир стакан виски керак бўлди.

– Оғайни, бошқа ёққа кетяпсан! – бақирди унга қовокхона хўжайини. Сўнгра Черчиллнинг ортидан чиқиб қоронғуда уни Каньон-сити йўлига чиқариб кўйди. Черчилл онгининг қайсидир шуъласида тўғри йўналишга кетаётганлигини сезарди. Яна туш кўраётгандек сўқмоқ четидан дарага тушиб кетай дея йўлга тушди. Ўзини нима огоҳлантирганини билмайди, бироқ айна дамда қандайдир хавфни сезди ва револьверини чиқазди. Ҳали ҳам уйқусираган ҳолда икки эркак пайдо бўлганини кўрди. Улар Черчиллдан тўхташини талаб қилишди. Унинг револьверидан тўрт марта ўқ узилди. Йўлтўсарларнинг ҳам қуролларидан чиққан чақмоқни илғаб, ўқ овозини эшитди, бундан ташқари, биқинидан яраланганини сезди. Ҳалиги кишилардан бири йиқилди. Иккинчиси яқинига югуриб келганида Черчилл револьвер билан башарасига туширди. Кейин ўгирилиб югуришга тушди. Тез орада у ярим уйқудаги ҳолатидан ҳушёр тортиб, сўқмоқ бўйлаб хансираганча югураётганини пайқади. Револьверини ахтариб, йўқолганига амин бўлмагунча буларнинг барини туш деб ўйлади. Бирдан биқинида қаттиқ санчиқни сезди. Биқинини ушлаб кўрди: кўлида қон юки. Ҳа, чиндан ҳам яраланибди, лекин у даражада жиддий эмас. Бутунлай ҳушига келиб, Каньон-сити томон жадаллади.

У ерда йигирма долларга иссиқ ўрнини ташлаб, отларни аравага қўшишга рози бўлган аравакашни учратди. Черчилл фургонга чиқиб ўриндикқа ўзини ташлади. Саквояжни елкасидан олмасдан ҳам уйқуга кетди. Фургон Дайига олиб борувчи водий бўйлаб ёмғирда сирпанчик бўлган йўлдан тақир-тақир қилиб елиб борарди. Черчилл ғилдираклар фақат ҳарсанг тошларга урилгандагина уйғонарди. Арава бир футча юкорига ирғитганда ҳам у безовта бўлмади. Йўлнинг сўнги чақирими текисрок экан; у қотиб ухлади.

Манзилга тонгда етиб келишди. Аравакаш Черчиллни каттиқ силкиб уйғотиб, қулоғига «Афиналик» жўнаб кетди, дея қичқирди. Черчилл бандаргоҳга маъносиз бокди.

– Хув, ана, Скагуэйда тутун кўриняпти, – деди аравакаш.

Черчилл қовоқлари шишиб кетганидан ҳеч нарсани кўрмади, шундай бўлса-да:

– Бу ўша, менга қайиқ топиб беринг, – деди.

Аравакаш илтифотли одам бўлиб чикди, ўн долларга – пулни олдиндан тўлаш шарти билан – эшкак эшишга одам ва қайиқ топди. Черчилл пулни тўлади. Уни қайиққа чиқишига қарашиб юборишди, ўзи қайиққа чиқадиган аҳволда эмасди. Скагуэйгача олти чақирим бор ва у ухлаб олиш орзусида эди. Аммо у билан қайиққа ўтирган киши эшкак эшишни эплолмади. Черчиллнинг ўзи яна бир неча юз йил эшкак билан олишди. Олти чақирим масофа илгарилари бунчалик узоқ ва машаққатли туюлмаганди. Кучли шамол эсиб қайиқни орқага ҳайдади. Черчилл кўнгли беҳузур бўлиб қайт қилар, оёқ-қўллари музлаб қолганди. Шериги шўр сувдан ҳовучлаб, юзига сепди.

Улар «Афиналик»нинг олдига етиб келишганда аллақачон лангар кўтарилган, Черчилл эса тамомила кучдан қолганди.

– Тўхтатинг! Тўхтатинг! – Черчиллнинг овози хирил-
лаб чиқарди. – Мухим хабар бор! Тўхтатинг!

Шу захоти боши шилқ этиб тушиб, ухлаб қолди. Олти киши уни кўтариб тахта зинадан тепага олиб чиқишаётганда кўзини очди. Саквояжга қўлини чўзиб, чўқаётган одам хасга ёпишгандек уни маҳкам кучоклаб олди.

Палубадагилар Черчиллга ачиниш ва қизиқиш билан боқишди. Оқ Тулпордан кийиб чиққан кийимларининг уवादаси чиқиб кетган, ўзининг ҳам аҳволи ҳавас қиладиган даражада эмасди. У фавқулудда шижоат билан эллик беш соат йўл юрган эди. Шу вақт ичида олти соатгина ухлаб, ўн килоча озганди. Юзи, қўллари, умуман, бутун танаси яра-чақа бўлиб кетган, кўзлари деярли ҳеч нарсани кўрмасди. Черчилл ўрнидан туришга уринди, лекин оёққа туролмай палубага йиқилди. Шунда ҳам саквояжни кўлидан қўймади ва айтмоқчи бўлган хабарини етказди.

– Энди эса мени ухлагани ётқизинглар, – гапини тутатди, – овқат эса уйғонганимдан сўнг.

Черчиллга хурмат кўрсатишиб, уни жулдур кийимлари билан кемадаги энг катта ва энг ҳашаматли каютага жойлаштиришди. У икки кун ухлади, кейин ванна қабул қилди, сокол-мўйлабини киртишлади, тамадди қилди. Оқ Тулпордан икки юз йўловчи етиб келганида, у сигара тутатиб, палуба четидаги тутқични ушлаб турарди.

«Афиналик» Сиэтлга етиб келганда Черчилл бутунлай соғайганди. Соҳилга бардам, қўлида Бонделлнинг саквояжи билан тушди. Энди у бу саквояж билан фахрланарди. Саквояж унинг учун мардлик, ҳалоллик ва ишонч тимсоли эди. «Мен уддаладим» – ушбу оддий сўзлар билан у юқоридаги юксак тушунчаларни ўзи учун ифодалади. Ҳали қоронғу тушмаганди. Черчилл тўппа-

тўғри Бонделлнинг уйи томон юрди. Луи Бонделл уни хурсанд бўлиб, кўшқўллаб сўрашиб қаршилади ва ичкарига судради.

– Ў, раҳмат, қария, олиб келганинг яхши бўлибди, – деди Бонделл саквояжни қабул қилаётиб.

Бонделл саквояжни бепарволик билан кушеткага ирғитди. Черчилл кушетка устида саквояжни бутун оғирлиги билан сакраганини сезди. Бонделл уни саволга кўмиб ташлади.

– Ахволларинг қалай? Йигитлар соғ-омонми? Билл Смитерсга нима бўлди? Дел Бишоп Перс билан хали ҳам компаниядами? Итларимни сотдимми? Олтингургуртсойда нима гаплар? Бирон нарса топишдимми? Кўринишинг чакки эмас. Қайси пароходда келдинг?

Черчилл барча саволларга батафсил жавоб берди; шу тарзда суҳбат ярим соат давом этди. Ниҳоят, иккиси ҳам жимиб қолди.

– Очиб кўрмайсанми? – таклиф килди Черчилл саквояжни кўрсатиб.

– Ҳаммаси жойида турибди, – деди Бонделл. – Митчеллнинг ҳосили кутилганидек мўл бўлдимми?

– Менимча очиб кўрганинг маъқул, – Черчилл гапида туриб олди. – Менга ишонилган омонатни эгасига топшираётганимда ҳаммаси жойидалигига ишонч ҳосил қилишим керак. Ухлаб қолганимда саквояжга нимадир қирган ёки бирор нарса содир бўлган бўлиши мумкин.

– Унда айтарли муҳим нарса йўқ, қария, – деди кулиб Бонделл.

– Муҳим нарса йўқ? – такрорлади Черчилл. Кейин катъий деди: – Луи, саквояжда нима бор? Билишни ис- тайман.

Луи унга ажабланиб қаради. Нариги хонага ўтиб, калитни олиб чиқди. Саквояжни очиб ичидан қирқ

тўртинчи калибрли колтни¹⁷ олди. Унинг кетидан револьвер ҳамда винчестер учун бир неча қутида ўқдори чикди.

Черчилл саквояжни ағдариб, аста силкитиб кўрди.

– Револьвер занглабди, – деди Бонделл. – Ёмғирда қолиб кетган, шекилли.

– Ҳа, – деди Черчилл. – Ичига нам ўтгани чакки бўлибди. Афтидан, эҳтиётсизлик қилган кўринаман.

Черчилл ўрнидан туриб, чиқиб кетди. Ўн дақиқадан сўнг Луи Бонделл ҳам ташқарига чикди. Черчилл қўлини иягига тираб, зинапояда қоронғуликка тикилиб ўтирарди.

ЭРТАКНИНГ ЯКУНИ

I

Кўлбола қилиб рандаланиб, қорақарағай тахталаридан ясалган столнинг нотекис юзаси вист¹⁸ ўйнаётганларни ютуқ карталарни олдиларига суришда тез-тез тер тўкишга мажбур этарди. Эгниларида биргина кўйлак, юзларидан тер сел бўлиб оқарди-ю, жун пайпоқ, қалин мўкасиндаги оёқлари чимдиб-чимдиб олаётган аямажиздан қичишиб-ачишарди. Кичкина кўналға ичидаги ҳарорат мувозанати ана шунақа эди. Чўғдай қизиган темир юкон печи ғувиллар, ундан саккиз қадам нарида, эшикка яқин токчада буғу гўшти ва бекон¹⁹ мутлақо музлаб қолганди. Пастдан эшикнинг кам деганда учдан бир қисмини қалин муз қатлами қоплаб, сўрилар ортида ёғочлар орасидаги ёриқлардан қиров йилтилларди. Мойлама қоғоз ёпиштирилган дарчадан ичкарига ёруғлик тушиб турибди. Дарчанинг ичкаридан пастки қисмини ҳам

¹⁷ *Колт* – револьвер тури.

¹⁸ *Вист* – карта ўйини.

¹⁹ *Бекон* – дудланган чўчка гўшти нимтаси.

бир бармоқ қалинликда қиров қоплаган – бу хонадагиларнинг нафасларидан тўпланган намликнинг натижаси.

Ўртада ҳал қилувчи ўйин кетаётганди: ютқазган жуфтлик балиқ овлаш учун Юкон дарёсини қоплаган етти фут музни ўйишлари лозим эди.

– Март ойида аёзнинг жаҳл отига миниши камданкам кузатиладиган ҳолат! – деди қарта чийлаётган киши. – Сизнингча, неча даража, Боб?

– Эллик беш бўлса керак, йўқса нолдан олтмиш даража пастдир-ов. Нима деб ўйлайсиз, док?

Доктор эшикка ўгирилиб, гўё нигоҳи билан муз қатламини ўлчамоқчи бўлди.

– Элликдан юқори эмас. Унданам пастроқ, айтайлик, қирқ тўққиз бўлиши мумкин. Қаранглар, эшикдаги муз «эллик» белгисидан жиндай юқорилабди, лекин уч қисми, холос. Аёз етмишга чиққанда муз тўрт бармоқ энлик кўтарилганди.

У тағин қарталарни қўлига олиб, чийлаб, эшик тақиллашига жавоб қайтарди:

– Кираверинг!

Ичкарилаган киши бўйчан, яғриндор швед эди. Сирасини айтганда, унинг қайси миллатдан эканлиги мўйна телпагини ечиб, юзини қоплаган сокол-мўйловларидаги муз эрисин учун печь ёнида исиниб ўтиргандагина маълум бўлди. Унгача киморбозлар бир қўл ўйинни тугатишди.

– Эшитишимча, қўналғангизда дўхтир пайдо бўлганмиш, – деди швед ўтинганнамо барчага аланг-жаланг боқиб. Унинг олис ва машаққатли йўл босиб келгани ҳорғин юзидан билиниб турарди. – Мен узокдан келдим. Вайо дарёси оқими бўйлаб шимол тарафдан.

– Мен дўхтирман. Нима гап?

Жавоб ўрнида швед чап кўлининг дўмбира бўлиб шишиб кетган кўрсатгич бармоғини кўрсатиб, бошидан ўтказган кўргуликларни пайдар-пай бидирлай кетди.

– Қани, кўрайлик-чи, – оғзидан гапини олди доктор. – Кўлингизни столга кўйинг. Шу ерга, ана шундай!

Чипқон чиққандай швед кўлини авайлаб столга кўйди.

– Ҳм, пайлар шикастланибди-да. Шунга юз чақирим жойдан лўкиллаб келдингизми?! Буни даволаш бир сониялик иш-ку! Синчиклаб қараб туринг – келаси сафар буни ўзингиз қиласиз.

Ҳеч бир огоҳлантиришсиз доктор бор залвори билан кафтини шишиб, қайрилган бармоқларга босди. Швед оғриқдан ўкириб юборди, юзи яраланган йиртқич хайвоннинг тусига кирди. Бундай аҳмоқона ҳазили учун докторни бурдалаб ташламоқчи бўлди.

– Ўзингизни босинг! Ҳаммаси жойида! – дарров вазиятни кўлга олди доктор. – Хўш, қалай? Енгил тортдингизми? Кейинги сафар муолажани ўзингиз такрорлайверасиз... Строзерс, қартани сузинг! Биз сизни доғда қолдирган кўринамиз.

Кучли оғриқ йўқолгани хўкизбашара шведнинг юз ифодасидан билинди. Бармоғини букиб-ёзиб, ажибсиниб текшириб кўрди. Кейин чўнтагидан олтин тўла халтачани чиқазди.

– Қанча бўлади?

– Ҳеч қанча. Шифокорлик қилмай кўйганман. Сизнинг юришингиз, Боб.

Хўкизбашара биров тараддуланиб турди-да, докторга тан бериб шундай деди:

– Сиз яхши инсон экансиз. Исмингизни билсам бўладими?

– Линдей, дўхтир Линдей, – докторнинг ўрнига шошиб жавоб берди Строзерс.

– Қоронғу тушыпти, – деди доктор шведга қарталарни чийлаганча. – Шу ерда тунаб қолаверинг. Бунақанги совукда қаёққаям борасиз? Бўш қаравот бор.

Доктор Линдей хушбичим, келбатли, қорачадан келган, юзлари киртайган, лаблари қимтилган киши эди. Соколи қиртишлаб олинган юзи дока мисол оппоқ. Лекин оппоқ юзидан унинг айни қирчиллама ёшда эканлиги сезилиб турарди. Ҳар бир ҳаракати чакқон ва аниқ эди. Ҳар бир юришни бошқаларга ўхшаб пайсалга солмай бажарарди. Қора кўзлари одамга ўқдай тикилади –ичингдагини ўқийди, гўё. Қўллари бежирим, асабий – нозик ишлар учун яратилгандек.

– Тагин кўлимиз омадли келди, – деди у ютук қарталарни йиғиштириб. – Энди бир қур ўйинни тугатсак бўлди. Кўрамиз, ким муз ўяркин!

Яна эшик тақиллади.

– Кириг! Ўйинни тугатишга қўйишмайди, шекилли, – тўнғиллади доктор эшик очилган замон. – Сизга нима бўлди?

Келгинди лабларини кимирлатишга беҳуда уринди, негаки лабларини муз «кишан»лаб ташлаганди. Кўриниб турибдики, неча кунлардан бери йўлда. Ёноқлари совукдан қорайиб кетган, бутун жағ қисмини муз қоплаган.

У жимгина бош ирғаб кўйди-да, танасидаги музни тезроқ эритиш учун печга яқинлашди.

– Менга-ку жин ҳам ургани йўқ, – ниҳоят тилга кирди келгинди. – Магарки, орангизда дўхтир бўлса, сув ва ҳаводек зарур. Литтл Пекода бир киши қоплон билан олишиб, майиб бўлиб ётибди.

– Узоқми? – суриштирди доктор.

– Юз чақиримча бордир-ов.

– Бунга қанча бўлди?

– Бу ерга уч кунда етиб келдим.

– Аҳволи оғирми?

– Елкаси чиққан. Бир неча қовурғаси синган бўлса керак. Бутун танаси тилка-пора бўлиб, суяклари кўриниб қолган. Фақатгина юзи соғ. Бир-иккита катта яраларни ўзимизча тикдик, қон томирларини чилвирлаб ташладик.

– Тоза боплабсизлар-ку! – кулимсиради доктор. – Яралар асосан қаер-қаерида?

– Қорнида.

– У ҳолда куни битибди.

– Ҳечам-да! Аввалига яраларни ҳашаротларга қарши ишлатиладиган суюқлик билан ювдик, кейин тикдик, вақтинча, албатта. Ипни чойшабдан сидириб олдик — тиғиз пайтда шунга мажбур бўлдик. Ҳар ҳолда ипни ҳам ювиб олдик.

– Мурдага айланибди, деб ҳисоблайверинг, – якуний хулоса қилди доктор аччиқланиб.

– Э, йўк, ўлмайти! Осонликча таслим бўладиганлардан эмас! Шифокор излаб чиққанганими билади. Боргунингизча чидайти. Ўлим уни енголмайти. Уни жуда яхши биламан.

– Қишлоқча илм – қандай қилиб қорасонни даволаш мумкин? – бурун жийирди доктор. – Сирасини айтганда, менинг нима ишим бор?! Даволаш билан шуғулланмасам. Қандайдир мурдани деб эллик даража аёзда юз чақирим жойга бориб аҳмоқ бўлиш ниятим йўк.

– Ишончим комилки, ҳозироқ камина билан йўлга тушасиз! Айтяпман-ку, ҳали-вери ўладиган эмас у!

– Эсиз, шунча вақт сарфлаб бекор йўл босиб келибсиз. Бир кечага шу ерда тунаб қолишингиз мумкин.

– Асло йўк. Ўн дақиқадан сўнг жўнаймиз.

– Шунчалик ишончингиз комиллигининг боиси не?

Шу чоғ Том Доу ҳаётидаги энг узун нутқни ирод этди:

– Шу боисданки, то йўлга тушгунимизча бир ҳафта бош қашиб ўтирсангиз-да, у ташрифингизгача жон таслим қилмайди. Қолаверса, ёнида турмуш ўртоғи бор. Барака топгур аёли бир томчи ҳам кўз ёш тўкмади. Улар бир-бирларини жон-дилларидан севади. Аёлнинг иродаси кучли. Агар эри таслим бўлса, уни яшашга ундайди. Онт ичиб айтаманки, у таслим бўлмайди. Борганимизда тирик бўлишига уч нисоб олтин тикаман. Соҳил бўйида итлар қўшилган чанам шай бўлиб турибди. Ўн дақиқадан сўнг жўнашга кўнаверинг, шунда биз уч кунга қолмай манзилга етиб борамиз. Нега десангиз, келган изимдан қайтамиз, чаналар йўлни анча очиб қўйган. Хўш, бўлмаса, бориб тараддудланай. Ўн дақиқадан кейин сизни ташқарида кутаман.

Доу кулоқчинини тушириб, қўлқопини кийиб ташқарилади.

– Жин урсин сени! – қичкириб қолди Линдей қарсиллаб ёпилган эшикка ғазабнок кўзларини тикиб.

II

Йигирма беш чакирим йўл ортда қолиб, айна тун қора пардаларини ёя бошлаган палла Линдей ва Том Доу тўхташиб, дарров кўналға ғамини ейишга тушишди. Иш мураккаб эмасди: гулхан ёқиб, ёнига қорақарағай шохларини тўшаб, унинг устига адёл ёзилса бўлди – умумий ётаржой таппа-тайёр-да. Доу итларнинг овқатини бериб, олов ёқиш учун шох-шабба йиғиб келди. Линдей эса гулханга яқинроқ ўтириб, жиз-биз ҳаракатига тушди. Тўйиб овқатланишиб, битта-битта мундштук тутатишди. Ун-гача мўкасинлари аланга тафтада қуриб турди. Сўнгра адёлга ўраниб, донг қотиб ухлаб қолишди.

Мисли кўрилмаган аёз тонгга бориб хийла шаштидан тушди. Линдейнинг ҳисобича, об-ҳаво тахминан нолдан эллик даража қуйи эди, аммо ҳаво ҳарорати аста

кўтарила бошлади. Доу пича ҳавотирга тушди. Докторга тушунтирдик, агар музлар эрий бошласа, айна уларнинг йўли ўтган дарада тошқин кузатилиши мумкин. Тоғ қияликлари эса юз, ҳатто минг-минглаб фут кўкка бўй чўзган. Қияликдан кўтарилиш мумкин, лекин бунга талайгина вақт кетади.

Худди ўша кеча зим-зиё ғорда паға-паға тутун бурқситиб икковлон ҳавонинг исиб кетганидан нолишди. Улар сўнгги олти ой ичида ҳаво ҳарорати анчайин кўтарилди, деган хулосага келишди.

– Биронта бўлсин тирик жон бу ерларда, Олис Шимолда қоплон ҳақида эшитмаган ҳатто, – сўзларди Доу. – Рокки уни «кугуар» деб атайдик. Мен ўзимизнинг Керрида, Орегон штатида кўпини ер тишлатганман. Лекин кугуарми, пантерами, нима бўлсаям, бунақанги ҳайбатли мушукваччани умрим бино бўлиб кўрган эмасман. Нақ аждарнинг ўзи! Бундайин қадам етмас жойларга қандай келиб қолдик, ҳеч ақлимга сиғмаяпти.

Линдейнинг гап сотишга тоби йўқ, шекилли, бошини солинқиратиб мудрардик. Таёққа илиб оловда қуриётган мўкасинларидан буғ чиқар, уларни ағдаришга ҳам ҳуши бўлмасдик. Итлар ғужанак бўлиб ухлашардик. Ҳар замонда ёниб-битаётган ёғоч чўғи чирсиллайдик, бу товушлар гўё ўртага чўккан чуқур сукунатни уқтирмоқчи бўлади.

Бирдан Линдей уйғониб Доуга қаради ва уларнинг кўзлари тўқнашдик. Иккови ҳам сергак тортдик. Узоқ-узоқлардан қулоққа чалинаётган тушуниқсиз, таҳликали ола-ғовур овоз ваҳимали бўқирикқа айландик. Наъра тоғ чўққиларидан ошиб, бутун бошли ўрмонни титратиб, тор даралардаги билакдай-билакдай қарағайларни ерга эгиб, водийнинг энг қуйи қатламларидан аста-секин кучайиб, яқинлашиб келардик. Йўловчилар гап нимадалигини тушунишдик. Шиддат билан эсан, лекин илик, кўклам

нафаси аралаш елвизак гулханнинг сўнги учқунларини чархпалак қилганча зувиллаб ўтиб кетди.

Кулоқлари диккайган итлар мунгли нигоҳларини кўкка чўзиб увлай кетишди.

– Бу Чинук²⁰, – деди Доу.

– Шундай қилиб, дарё бўйлаб кетамизми?

– Албатта. Юқоридаги йўлдан то бир чақирим юргунимизча дарёдан ўн чақирим йўлни босиб ўтамиз. – Доу Линдейга узоқ тикилиб қолди. – Ваҳоланки, ўн беш соатдан бери йўлдамиз! – деди у Линдейни синаб кўрмоқчи бўлиб. – Док, сиз, ишқилиб, куёнюралардан эмасмисиз?

Линдей эса мундштугини қоқиб тозалади-да, нам тортган мўкасинларини кийди. Орадан бир чойнак чой қайнагулик фурсат ўтиб йўловчилар чаналарга ўтиришди. Улар қўналғаларидан қўзғалиб, қоронғуликда Доу бир ҳафта аввал очиб келган йўлдан кетишарди. Туни билан Чинук айюҳаннос солиб чикди, улар эса ҳолдан тойган итларни «хай-хай»лашиб олға силжирдилар. Шу тарзда яна ўн икки соат юришди, йигирма етти соатлик йўл ортда қолгач, нонушта учун тўхташди.

– Ярим соат-бир соат ухлаб олиш мумкин, – деди Доу бекон аралаштириб қовурилган бир неча қадоқ буғу гўшти нимталарини бўридай ютоқиб ямламай ютишгач.

Доу шеригига бир эмас, нақ икки соат мизғиб олишга изн берди, ўзи эса мижжа қоқмади. У эриб чўкаётган қорга белги қўйиш билан овора бўлди. Қор унинг кўз ўнгида эрирди: икки соат ичида уч бармоқ энликка чўкди. Ҳар ердан шовуллаб эсаётган навбахор сабоси яқин-яқиндан жилдираб оқаётган сувларнинг ноласини олиб келарди. Литл Пеко сон-саноксиз жилғаларни бирлаштириб, музларни чирс-чирс ёрганча қишки асирликдан отилиб чиққанди.

²⁰ Чинук – Канада ва АҚШдаги Қояли тоғлардан эсадиган иссиқ шамол.

Доу Линдейнинг елкасини бир-икки силкиб кўрди, кор қилмагач, каттикроқ туртди.

– Тоза уйқучи экансиз-ку! Қўйиб берса, уззукун айиққа ўхшаб уйқуни ураркансиз-да!

Оғир қовоқлар остидаги тим қора ҳорғин кўзларда мамнуният ифодаси кўринди.

– Энди уйқуни йиғиштирайлик. Рокки бутун умрга мажруҳ бўлиб қолишини истамайман. Ичак-чавоғини тикишда ўзим кўмаклашганман. Док! – бот-бот силкиди чарчоқдан кўзлари юмилиб кетаётган Линдейни. – Эшитяпсизми, док?! Ўрнингиздан туроласизми? Эшитяпсизми ўзи? Яна бироз юроласизми, деб сўраяпман.

Оғир қамчидан залворли зарба еган итлар зорланиб ангиллашди. Соатига икки чақирим йўл босиб, имиллаб ҳаракатланишди. Жониворлар имкон туғилди дегунча ўзларини қорга таппа-таппа ташлашарди.

– Тағин йигирма чақирим юрсак, дарадан чиқиб кетамиз, – йўлдошига далда берди Доу. – Кейин муз ўпирилиб кетса ҳам майли, йўлимиз қирғоқда. У ёғига ўн чақирим қолади. Умуман айтганда, док, энди манзилга қўл узатсангиз, етгулик. Роккини даволаб бўлгач, ортга қайиқда бир кунда етиб оласиз.

Оёқ остидаги муз борган сайин юпқалашиб, мустаҳкамлигига шубҳа туғила бошлади. Қирғоққа ёпишиб турган жойларида сув чайқалар, йўловчилар балчиқ аралаш эриётган қор ва муздан шалоп-шалоп этиб минг машаққат ила олға силжишарди. Литтл Пеко зарда қилгандай гулдурарди. Ишғол этилаётган ҳар бир қадамда янги-янги ёриқлар пайдо бўларди.

– Чанага ўтириб озроқ мизғиб олинг, док, – манзират қилди Доу.

Қора кўзлар унга шундай ўшшайдики, Доу қайтиб бу гапни оғзига олмади.

Пешинга бориб олға силжишнинг иложи бўлмай қолди. Катта-катта муз парчалари қўзғалмас абадий музликка келиб уриларди. Итлар безовта акиллаб қирғоққа отилишди.

– Демак, дарёнинг юқориси очилибди-да, – тунтирган бўлди Доу. – Тез орада қаердадир музлар тикилиб қолади ва дақиқа сайин сув бир фут-бир фут кўтарилаверади. Тепа йўлдан кетишга тўғри келади, фақат чиқиб олсак бас. Қани, олға, док! Итдан таркаганларни бор кучингиз билан ҳайданг. Ҳеч ақл бовар қилмайди, Юконда муз яна бир ҳафтада эриб кетса-я!

Тор даранинг баланд деворлари кўтарилиш учун ўта тик эди. Олдинга юришдан ўзга илож йўқ. Кутилмаганда оёқ остидан фалокат чиқиб қолди: нақ чана остида муз тарс-тарс ёрилиб иккига ажралди. Орқароқдаги икки-та ит муз парчаси остида қолди, натижада чана-панага қўшиб қолган итларни ҳам сув тубига тортиб кета бошлади. Линдей ва Доу қанча чиранишмасин чаналарни ушлаб туришолмасди, ўзлари ҳам сувга тушиб кетишларига бир баҳя қолди. Ҳаммаси бир зумда ҳал бўлди. Доу ов пичоғи билан йўлбошчи итга қўшилган шатак қайишни узиб ташлади ва бутун итлар галаси сув тубига ғарқ бўлди. Йўловчилар сувда чайқалиб турган муз парчасида қолишди. Чаналарни базўр қирғоққа олиб чиқишди ҳамки, улар турган муз парчаси ағдарилиб сувга чўқди.

Гўшт ва аёлларни бўҳча қилиб туғиб, чаналарни ташлаб юборишди. Линдей Доунинг тугуннинг салмоқдорини ортмоқлаганидан ҳижолатлана бошлаганди, Доу уни тинчлантирди.

– Манзилга етганимизда сизга етарлича иш топилади. Кетдик!

Юқорига ўрмалай бошлашганда қоқ пешин эди. Кеч соат саккизда даранинг баланд чўққисини ошиб ўтдилар-у, ярим соат нафас ростлаб ётишди. Сўнг гул-

хан ёкиб, бир декча қаҳва қайнатишди, орқасидан буғу гўштининг ҳийла катта миқдорини ковуришди. Линдей иккала тугунни қўлида чамалаб кўриб, ўзининг юки икки баробар энгиллигига ишонч ҳосил қилди.

– Темирдан экансиз, Доу!

– Ким? Менми? Қўйсангиз-чи! Роккини кўрганигизда борми? Азамат йигит-да ўзиям! Кўрган-билганлар уни худди пўлатдан ёки олтиндан қуйилган дейишади. Мен ўзим тоғликман, лекин унинг олдида ип эшолмайман. Керрида айиқ овида йигитларни сўлагини ўйнатиб ташлаган пайтларим бўлган. Рокки билан илк марта овга чиққанимизда, иқроп бўлишим керак, бир суробини тўғрилаб қўяй, деб ўйлагандим. Овчи итларимни занжирдан бўшатиб юбордим, ўзим ҳам улардан қолишмай кетяпман, ортимдан Рокки изма-из келяпти. Билиб турибман, узоққа бормади, зўр бериб ғизиллайвердим. Икки соатдан кейин ортимга ўгирилиб қарасам, қурмағур, битта-битта ўша ҳолатда одимлаб келяпти! Бироз ранжигандай бўлдим. «Балки, дедим, олдимга тушиб, қандай юриш кераклигини кўрсатиб берарсан?» Кўрсатиб бердиям! Ундан қолишмадим-у, тан олишим лозим, тилим осилаб қолди.

Бу кишим ҳеч балодан тоймайди. Юраги бутун йигит. Бултур кузда икковимиз қароргоҳимиз томон кетаётгандик. Қош қорайиб қолган. Мен ўқ-дориларимни оқ какликларни отиб тугатдим, Роккининг милтиғида бир дона ўқ қолганди. Тўсатдан бўрибосарларимиз, осмондан тушдимиз, билмайман, урғочи гризлини²¹ қувиб дарахтга чиқишга мажбур қилишди. Ўзиям уч газ бор, гризли қандай ваҳшийлигини биласиз. «Э, қўйсанг-чи уни, – дедим қуролини шайлаётган Роккига. – Гўрдай

²¹ *Гризли* – Шимолий Америка қўнғир айиғи.

коронгу бўлса, мўлжалга ололмайсан, устига устак, бит-тагина ўқинг қолган».

«Тез дарахтга чик», деди. Дарахтга чикмадим-у, ўқ еб бадтардан қутурган айик пастга сирпаниб тушганда унга кулоқ солмаганимга пушаймонлар едим. Ўта мушкул ахволда қолгандик. Бу ёғи янада қимматга тушди. Айик бахайбат тўнка тагидаги ўрага тушиб кетди, чуқурлиги тўрт фут. Турган гап, итлар чуқурликка сирпаниб тушиб айикка ташланишди. Ортга йўл йўқ, айик итларни тилка-пора қилиб ташлаши аниқ. Атроф бутазор, зимистон, ўқ-дориларимиз туғаб битган.

Шунда Рокки нима қилди, денг? Тўнкага ётиб, айикка пичоқ санча бошлади. Аммо кор қилмади, учала итни ҳам куни битганди. Рокки нима қиларини билмай ночор вазиятга тушди: итларига жони ачишяпти-да! Дик этиб ўрнидан туриб, айикни сағри терисидан ушлаб тепага тортди. Ана сенга қувди-қувди – айик, кўппаклар ва Рокки! Йигирма қадам чопишди ҳамки, пастга думалашди – акиллаб, сўкиниб, бўкириб.

Ҳамма ёқлари тирналиб, шалоп этиб дарёга, ўн фут сув тубига тушиб кетишди. Бир бало қилиб сувдан сузиб чиқишди. Айик қўлдан кетди-ю, аммо-лекин итлар омон қолди. Ана шунақа бизнинг Рокки! Бир ишга қўл урди-ми, асти шаштидан тушириб бўпсиз!

Кейинги манзилгоҳда Том Роккининг бошига тушган кулфат қандай юз берганини гапириб берди.

– Дарёнинг юқорисида, уйимиздан бир чақиримча нарида болтабоп соп қидириб қарағайзорни кезиб юргандим. Орқага қайтаётиб айикка қопқон кўйилган ерда аллақимни тимирскиланиб юрганига кўзим тушиб қолди. Қайсидир овчи қопқонни чуқурга ташлаб юборган экан, Рокки олиб созлаб кўювди. Кимнинг қораси бўлдийкин, деб борсам, Рокки укаси Гарри билан экан. Бақир-чақир, ўйин-кулгу қилишяпти. Топган аҳмоқона эрмақларини

қаранг! Керрида анча-мунча довюрақларни кўрганман, лекин булар жа оширворишди. Қопқонга уйинг куйгур бахайбат қоплон тушибди, ака-ука эса таёқ билан унинг тумшуғига уриб ғашига тегишяпти. Яқинроқ бордим. Гарри бир-икки ўйнашди-да, таёқнинг учидан бир қарич кесиб Роккига узатди, Рокки ҳам ўйнашиб, таёқ учидан бир қарич кесиб укасига қайтарди. Шу тарзда таёқ кал-таллашиб бораверди. Ўйиндан ўт чиқиши кундай равшан. Қоплон ортига тисланиб, калтакка чап берарди. Қопқон орқа оёғини қисиб турибди, бироқ кўққисдан сакраб ташланиб қолиши мумкин.

Оға-ини ўлим билан ўйнашарди. Таёқ қисқариб, қоплоннинг кўзи қонга тўлиб борарди. Ахийри, таёқдан бир қаричча қолди. Навбат Роккига келди. Гарри: «Кўй, энди, ташла калтакни. Барибир менга таёқдан асар ҳам қолмайди», дейишига қарамай, Рокки: «Демак, сен ўйиндан чиқасан, мен эса ғолиб», деб кулиб қоплонга яқинлашди.

Душманимга ҳам раво кўрмасдим бундай кўргуликни! Қоплон ортига тисарилди-тисарилди-да, ўлжасига сакрагандай бор бўйи билан «қаҳрамонимиз»га ташланди. Одам ва хайвон чирмашиб, олиша кетди. Бир-биридан ажратиб бўлмайди. Отишнинг иложи йўқ. Яхшиямки, Гарри чакқонлик қилиб қоплоннинг бўғзига пичоқ тикиб қўйди. Йўқса, жигари аллақачон асфаласофилингга равона бўларди.

– Аввалроқ билганимда эди, бир дунё олтин берсангиз ҳам иссиқ ўрнимни совуқ қилмасдим, – деди Линдей.

– Хотини ҳам бу гапни сизга оғзимдан гуллаб қўймасликни тайинлаганди.

– Ақлини еб қўйганми, нима бало?

– Ўзи ака-ука сал телбаномоми-ей, қачон қарама телба-тесқари ишлар қилиб юришади. Ўтган йили кузда сувга тушволиб, остонатошгача сузиб боришганини ўз кўзим билан кўрганман. Сув яхдек, нафасинг бўғзингга

тикилади, қолаверса, дарёни энди музпарда қоплаётган пайт эди ўшанда. Гаров ўйнашганмиш. Ақлига келиб қолганини қилмай қўйишмайди. Рафикаси ҳам ўзига ўхшаган тап тортмас. Лекин Рокки заифасини кўз қорачиғидай авайлайди, кафтида кўтариб юради, қўлини совуқ сувга урдирмайди. Шу сабабданми, мен ва яна бир кишини яхшигина мояна эвазига ёллашган. Пуллари ошиб-тошиб ётибди. Бир-бирини деса, жонларини беришади.

Дурустгина овбоп жойлар экан, деб бултур бу ерларга келиб жойлашишганди. Мен бўлсам булар олтин излашяпти, деган хаёлга борибман. Бироқ бахтга қарши киш ичи намуна учун бир сиқим бўлсин қумни ювиб кўришмади.

Линдейнинг бадтардан қони қайнади.

– Ақлдан озганларни кўргани кўзим йўқ! Ҳозирок орқага қайтиб кетаманми дейман!

– Сира бундай қилолмайсиз! Озиқ-овқат етмайди қайтиб кетишингизга, биринчидан. Иннайкейин эртага манзилда бўламиз. Сув айирғичдан ошиб ўтсак бўлгани, шундоққина пастга тушсак, кулбаи вайронамизга кириб борамиз. Асосийси, кошонангиздан анча олидасиз. Мен эса, хотирингиз жам бўлаверсин, қўйвориб бўпман сизни!

Линдей ўта ҳолдан тойганига қарамай кўзларида ўт чакнади. Доу ўзига ортикча баҳо берганини тушунди, шекилли, дўстона қўл узатди.

– Афв этгайсиз, док, тилимга эрк бериб юбордим. Итларимни йўқотганимдан дилим хуфтон.

III

Бир эмас, уч кун деганда – чўққида уларни қор бўрони яхшигина «сийлади» – йўловчилар, ниҳоят, тароватли водий қўйнидаги, айқириб-пишқириб ётган Литтл

Пеко соҳилида жойлашган кулбага етиб келишди. Мунаввар куёш нурларидан нимқоронғу хонага қадам ранжида қилган Линдей ичкаридагиларга разм солиб эътибор қилмади. Улар уч киши – икки эркак ва бир аёл эди. Линдей тўғри ярадор ётган каравот ёнига келди. Жабрдийда чалқанча ётарди. Қайрилма киприк, сочлари қизғиш-қўнғирок. Докадай оппок, ориқлаб кетган юзлари мушакдор бўйнига ёпишмай турибди, шундай эса-да, хушбичим юзи наққош томонидан тарашлангандек эди, гўё.

– Нима билан ювдинглар? – сўради Линдей аёлдан.

– Сулема²² билан.

Линдей ялт этиб аёлга қаради, яшин тезлигида беморнинг юзига яна бир назар ташлаб олди ва шахд билан ўрнидан турди. Аёл энтикиб нафас олар, буни бошқаларга билдирмасликка тиришарди. Линдей қолганларга ўгирилди.

– Тез бу ердан чиқинглар! Ўтин ёрасизларми, нима қилсаларинг ҳам, ишқилиб, хонани бўшатишлар!

Улар иккиланишаётганди, Линдей:

– Вазият танг. Беморнинг рафикаси билан маслаҳатлашиб олишим керак, – деб тушунтирди.

– Ахир, мен унинг укасиман, – деди биттаси.

Аёл унга ёлборувчи нигоҳи билан имо қилди.

– Мен ҳам чиқиб турайми? – сўради курсида ўтирган Доу.

– Сиз ҳам.

Линдей хужрани бўшатишгунча беморни хўжакўрсинга кўриқдан ўтказиб турди.

– Шуми сенинг Рекс Стренгинг?

Аёл «ҳа» дегандай чўзилиб ётган беморга нигоҳ ташлаб, кейин Линдейнинг кўзларига жимгина боқди.

²² Сулема – захарли оқ кукун.

– Тилингни ютиб юборганмисан?

– Нимаям дердим? Шундоғам билиб турибсан-ку кимлигини.

– Ташаккур. Лекин эслатиб ўтишим лозимки, мен уни илк бор кўриб турибман. Ўтир. Жуда чарчадим. Юкондан бу ергача шоссе йўл ётқизишмабди-да.

Чўнтагидан қаламтарошини олиб, бошмалдоғидаги зирапчани кавлаб чиқаза бошлади.

– Энди нима қилмоқчисан?

– Ортга қайтишдан олдин тўйиб овқатланиб, мириқиб дам олмоқчиман.

– Буни назарда тутмадим. Унга қандай ёрдам кўрсатмоқчисан? – Аёл хушсиз ётган кишига ишора қилди.

– Ҳеч қандай.

Аёл беморнинг қуюқ жингалак сочларини бармоқлари орасига олди.

– Шунчаки ўлишига йўл қўйиб бермоқчисан, шундайми? Хоҳласанг, уни сақлаб қолишинг мумкин-ку!

– Қандай тушунсанг, тушунавер, – деди Линдей истехзо билан. – Бурунги замонлардан бери бу мувозанатига путур етган дунёда бировларнинг хотинини ўғирлаганлардан кўпинча шу йўл билан қутуладилар.

– Сен ноҳақсан, Грант. Барчаси менинг ихтиёрим билан бўлганини унутиб қўйяпсан. Рекс мени олиб қочмади. Сен ўзинг мени йўқотдинг. Мен жон-жон деб ўзимни унга топширдим.

– Жуда соз! Зехнинг аввалгидек ўткирлигини кўриб турибман. Стрэнг ҳам зериккандир сенинг ақллилигингдан?

– Фикрлашга қодир одам севишга ҳам куч топа олади...

– Ва оқилона иш тутади, – гап қистирди Линдей.

– Демак, тўғри йўл тутганимни тан оласан?

– Жин урсин, ақлли аёл билан яшаш, мана, нима оқибатларга олиб келади. Эркаклар ҳамиша қирқ туяга юк бўлувчи макр-ҳийла тузоғига илинишади. Жазманингни ҳам олди-қочди гапларинг билан ром этган бўлсанг, ажабланмайман.

Жавобан мовий кўзларда жилмайиш аломати акс этди. Унинг бутун вужудидан аёллик ғурури манаман деб турарди.

– Йўқ, йўқ, сўзларимни қайтариб оламан. Бефаҳм, эси паст бўлганингда ҳам уни ўзингга мафтун қилиб олардинг – бетакрор чехранг ёки қадд-қоматинг билан бўлса ҳам... Ким-ким, бошқаси сени менчалик яхши билмайди! Куриб кетгур, ҳали ҳам бу хотиралардан кутулолмаяпман.

Доктор тез-тез, асабий ва самимий (Меж бунни биларди) сўзларди.

– Женева кўли ёдингдами?

– Бўлмасам-чи! Ўшанда ўзимни еттинчи фалакда ҳис қилгандим.

Межнинг кўзлари чакнади.

– Ўтмишдан қочиб кутулолмайсан. Ўтинаман, Грант, бир зумга эсла ўшал дамларни... Ўшанда биз бир-биримизни... Балки шунда...

– Яна ноғорангга ўйнатмоқчимисан?! – тиржайди Линдей ва бармоғини кавлашга тушди. Зиравчани суғуриб олгач, бироз кўздан кечирди-да, бундай деди: – Йўқ, миннатдорман. Хотамтой ролига тўғри келмайман.

– Бироқ нотаниш инсон учун машаққатли йўл босиб келдинг-ку.

Линдей бирдан тутақиб кетди:

– Наҳот мени уни хотинимнинг хуштори эканлигини билиб туриб бирор қадам ташлайди, деб ўйлайсан?

– Лекин сен аллақачон шу ердасан... Қарагин, нечоғлик ачинарли аҳволда! Сен эса кўл қовуштириб ўтирибсан.

– Не сабабдан уни даволашим керак экан? У хонумонимни куйдирди.

Меж энди оғиз жуфтлаган эди, эшик тақиллади.

– Даф бўлинглар! – бақирди Линдей.

– Бирор ёрдам керакдир, балки?

– Кетинглар, дедим! Бир челак сув олиб келиб эшик тагида қолдирсанглар бўлди.

– Истайсанки...

– Ювинмоқчиман.

Меж бундай бераҳмлиқдан лол бўлиб ортга чекинди, лаблари қимтилди.

– Қулоқ сол, Грант, – деди у дадилланиб. – Ҳаммасини укасига айтиб бераман. Стрэнгларни билмайсан-да. Эски кадронлигимизни унутмоқчи экансан, мендан яхшилик кутма. Агар ҳеч қанақа чора қўллагасанг, Гарри сени тирик қўймайди. Ҳа, нима?! Ҳатто Том Доу ҳам сени ўлдириши мумкин, биргина қош қоқсам бас.

– Сен ҳам мени билмас экансан! Дўқ-пўписаларинг иш бермайди. Иннайкейин менинг ажалимни сенинг Рекс Стрэнгингга қандай нафи бор экан?

Меж оғир хўрсинди, аммо дарров ўзини қўлга олиб, тишларини ғижирлатди.

– Асабийлашаётганим йўқ, Грант. Биласан-ку, минбаъд жазавага тушмаганман. Билмадим, нима бўлди ўзи менга. Шунчаки сенга бўлган нафратим билан унга нисбатан кўркув бирданига ўз таъсирини кўрсатди. Уни йўқотишни истамайман. Мен уни севаман, Грант! Тунларининг бошида мижжа қоқмай чикдим. О Грант, ёлбораман... ёлбораман сендан...

– Шунчаки асаблар! Бас қил! Ўзингни қўлга ол. Агар эркак киши бўлганингда чекишни тавсия қилардим.

Меж гандирақлаб бориб курсига ўтирди. Беўхшов қурилган ўчоқ ортида чигиртка чириллади. Ташқарида икки овчарка ғажишишаётгани эшитилди. Беморнинг

кўкраги кўтарилиб-тушгани билиниб турарди. Линдейнинг лаблари кулимсиради, аммо бу яхшилик аломати эмасди.

– Уни қаттиқ севасанми?

Межнинг кўкси хаяжонга тўлди, кўзлари порлади. У Линдейга мағрур боқди. Линдей тушундим, дегандай бош силкиди.

– Кел, яна бирпас гурунглашайлик, – Линдей нимадан гап бошлашни билмай ўйланиб қолди. – Бир эртақ ўқигандим, шу ёдимга тушди. Адашмасам, Герберт Шоу ёзганди. Сенга сўйлаб бермоқчиман... Қадим замонда бир соҳибжамол қиз ва уни жонидан ортиқ кўрувчи йигит яшаб ўтган экан. Йигит жаҳонгашталиқни ва гўзаллиқни ёқтирар экан. Сенинг Рексингга қанчалик ўхшашини билмадим-у, лекин умумийлик бор. Йигит мусаввир бўлиб, дайдиб юраркан. Йигит суюқлисига ҳар куни қайноқ бўсалар ҳадя этаркан. Кейин эса ёрини ташлаб, ҳайё-хуйт деб боши оққан томонга кетибди. Соҳибжамол дайди севгилисини шундай севар эканки, худди сен мени Женева кўлида суйганингдек. Нав-жувон ўн йил кўз ёш тўкибди. Кўзёшларига қўшилиб ҳусн-латофати оқиб тушибди. Баъзи аёллар, кўряпсанки, дардаламдан сарғаяди: ғам-ғусса моддалар алмашинувини бузади.

Нима бўлиб ҳамки, йигит сўқир бўлиб қолади ва қизнинг ёнига қайтади. Йигит барчасидан мосуво бўлганди. Энди у суратлар сололмасди. Қиз эса ўзини яна бахтли ҳис эта бошлабди. Қиз шундан шод эдики, йигит унинг чехрасини кўролмасди (ёдингда бўлса, йигит гўзаллик шайдоси эди). Йигит ёрининг сўлғин юзидан беҳабар уни бағрига босиб ўпибди. Унинг хотирида қиз ҳамон ўша-ўша қараган кўзни куйдирадиган ҳусни бир жаҳон эди ва у қизни боз кўролмаслигини айтиб, ҳасрат чекибди.

Кунларнинг бирида мусаввир йигит қизга ўзи яратмоқчи бўлиб дилига тугиб қўйган бешта сурат

хақида сўз очибди. Агар яна кўришни бошлаб, ўша орзуси амалга ошса, кўнгли таскин топишини айтибди. Алқисса, қандайдир йўллар билан қизнинг кўлига ҳаётбахш сув тушиб қолибди: маҳбубининг кўзига бир неча томчи томизса бас, йигит яна ёруғ дунёни кўра бошлайди.

Линдей елка учириб кўйди.

– Бояқишнинг ўша ондаги қалб туғёнини ҳис эта оласанми? Кўзи очилгач, йигит ўша бешта суратни ниҳоялайди, лекин қизни тарк этиши тайин, бу ёғини сўрасанг, гўзаллик унинг қибласи. Беш кун ич-этини ебди қиз ўзи билан ўзи олишиб. Олтинчи куни қиз маъшуқининг кўзига ўша шифобахш обихаётни томизибди...

Линдей жимиб қолди, синовчан нигоҳларини тингловчисидан узмасди, кўз қорачиқларида ажабтовур аланга гуркиради.

– Гап шундаки, ўша қизчалик сен ҳам Рекс Стрэнгни кучли севасанми?

– Агар «ҳа» десам-чи?

– Чиндан севасанми?

– Ҳа.

– Унинг учун севгингни қурбон қила оласанми? Ундан воз кеча оласанми?

Меж базўр жавоб қилди:

– Ҳа.

– Мен билан кетасанми?

Межнинг лаблари аста пичирлади:

– Фақат у оёққа турса бас.

– Шуни билгинки, Женева кўлида нимаики юз берган бўлса, такрорланиши лозим. Сен яна менинг завжай ҳалолимга айланасан.

Меж бошини ҳам қилиб, маъқуллади.

– Жуда соз! – Линдей жадал ўрнидан туриб сумкасини очди. – Менга ёрдамчи керак. Укасини чақир.

Ҳаммасини чақир... Қайноқ сув керак бўлади, яра-ни боғлашга яна бирон мато топиладими? Ҳой, Доу, олов ёқиб, сув қайнатинг. Сиз эса, – Гаррига мурожа-ат қилди, – столни дераза тагига олиб боринг. Қайноқ сув билан ишқалаб ювинг. Сиз, Стрэнг хоним, менга кўмаклашасиз. Чойшаб, хойнахой, йўқдир? Ҳечкиси йўқ, эплеймиз. Сиз укасимисиз, жаноб? Мен бемор-га оғриқ сездирмайдиган дори бераман, кейинроқ эҳтиёжга қараб ўзингиз бераверасиз. Энди менга кулоқ беринг: нима қилиш кераклигини ўргатаман. Энг авва-ло, томир уришига кўз-кулоқ бўлиб туроласизми?

IV

Линдей донғи кетган жарроҳ эди, кейинги кунларда нималарга қодир эканлигини кўрсатиб қўйди.

Стрэнг қалтис шикастланганигами ёки орадан та-лайгина фурсат ўтиб кетганигами, Линдей илк маро-таба бундай қийин вазиятга дуч келганди. Агар бе-мор ғайритабiiий жисмоний ҳамда рухий бардошга эга бўлмаганда муваффақиятсизликка учраши аниқ эди.

Беморнинг иситмалаб, юрак фаолияти кескин пасай-ган кунлари ҳам, терга пишиб, киртайган кўзларини очиб ўзига келган кунлари ҳам бўлди. Линдей тиним билмас, серғайрат ва шафқатсиз равишда талабчан эди, тавакка-лига иш тутиб, қадам-бақадам зафар дарвозаси томон одимларди. Беморнинг тирик қолишининг ўзи унга кам-лик қиларди. У ўз олдига мураккаб вазифани қўйганди: нима қилиб бўлса-да Рекс Стрэнгни аввалгидек соғлом ҳаётига қайтариш.

– Ногирон бўлиб қоладими? – сўради бир куни Меж.

– У нафақат юриб, гапира олади, балки шунчаки ав-валги манфур Стрэнгмонанд бўлибгина қолмай, югуриб, сакрай олади, остонатошларни сузиб ўтади, от миниб, айиқ овлайди, қоплонлар билан олишади, хуллас, кўнгли

тусаган ишни қила олади. Огоҳлантириб айтаманки, у яна аёлларнинг жони дилига айланади. Сен бунга қандай қарайсан? Кўнглинг жойига тушадими? Билиб қўй, у билан бирга бўлолмайсан.

– Қилишинг лозим бўлган ишни қил. Саломатлигини қайтариб бер. Илгариги ҳолатига қайтар.

Энг қийин операцияларни бир неча марта қайта ўтказишга тўғри келди: тананинг мажақланиб кетган аъзоларини кесиб, тикиб бирлаштирди. Бир сафар беморнинг чап қўли яхши ишламаётганини сезиб қолди. Стрэнг қўлини маълум баландликкача кўтара оларди, ундан ортиқ эмас. Линдей сабабини излашга тушди.

Маълум бўлишича, ғажиб ташланган қўл ва елка пайлари узилган экан. Линдей тагин кесиб, чўзиб, улашга киришди.

– Ўлдириб қўясиз-ку! – эътироз билдирди Гарри. – Тинч қўйинг! Худо хайрингизни берсин, тинч қўйинг уни! Ҳамма ёғи ямалган жасаддан кўра тирик мажрух бўлгани афзал.

Линдей «портлади».

– Йўқолинг бу ердан! Хонадан чиқиб кетинг! Далда бериб турсангиз бўларди менга жаврагандан кўра. Акангизнинг жони қил учида турибди. Тушуняпсизми? Пуф десангиз, ҳаёт риштаси узилади. Қани, энди туёғингизни шиқиллатинг-чи, жигарингизни яшаб, оёққа туриб кетишига умид қилинг.

Гарри таҳдидона қиёфада муштларини тугиб, Межга илинж билан қаради.

– Чиқиб тур, илтимос, чиқ. Дўхтир ҳақ.

Стрэнгнинг аҳволи ҳавотирга ўрин қолдирмагач, Гарри:

– Док, сиз мўъжизакор экансиз! Шунча пайтдан бери исм-шарифингизни ҳам сўрамабман, – дея ялтоқланди.

– Ишингиз бўлмасин! Чиқинг, халал берманг!

Абжағи чиққан ўнг қўлнинг соғайиш жараёни кутилмаганда тўхтаб қолди, яра яна очилиб қолганди.

– Ухлатадиган дори, – деди Линдей.

– Энди куни битди! – деди йиғламсираб Гарри.

– Жим бўлинг! Доу ҳамда Биллни олиб, тирик ва соғ куёнларни тутиб келинглар. Ҳамма ёққа тузоқ кўйиб ташланг.

– Нечта куён керак?

– Қирқ... тўрт минг... қирқ минг... тутолганларингча! Сиз эса Стрэнг хоним менга кўмаклашасиз. Бу қўлга нима бўлганини синчиклаб текширмоқчиман. Қани, йигитлар куён овига.

Линдей ярани чуқур текширди, эпчиллик ва мохирлик билан ирий бошлаган суякларни тозалади, чириш қаерга етганини аниқлади.

– Албатта, бундай ҳолат кузатилмаслиги керак эди, – дея Межга тушунтирди, – бахтга қарши сон-саноксиз яра-лар унинг ҳаётини кучини сўриб қўйди. Шундай яшовчан организм ҳам барчасига бирданига дош бериши қийин масала. Суяк чириётганини аллақачон илғаганман, бироқ кутиш ва таваккал қилишдан бошқа чорам қолмаганди... Суякнинг манави қисмини олиб ташлаймиз. Бусиз ҳам эплаймиз. Буни куён суяги билан алмаштираман, бу минг марта яхши.

Келтирилган юзлаб куёнлардан Линдей бир нечтасини саралаб олди, яроқлиларини синаб кўрди, ахийри, бир тўхтамакча келди. Хлороформни қолгани билан Стрэнгни ухлатиб, тирик куён суягини одам суягига улаб, кўчириб ўтқизди.

Мана шу қийин кунларда, айниқса, Стрэнг ўнiglана бошлагач, Линдей ва Меж ўртасида ора-сира узук-юлук гаплар бўлиб турди. Доктор ҳеч юшамас, Меж ҳам ўжарлик қилмасди.

– Бу жуда машмашали иш! – дерди Линдей. – Нима килсаям, конун барибир конун-да. Қайта турмуш куришимиз учун у билан ажрашишингга тўғри келади. Бунга қандай қарайсан? Женева кўлига кетамизми?

– Хоҳишинг.

Бошқа сафар доктор:

– Жин ургур, ўзи унинг нимасига учдинг? Биламан, пули кўп. Лекин иккаламиз бекаму кўст яшардик-ку. Шифокорликдан йилига ўртача қирқ минг топардим. Кирим-чиқим дафтарини титкилаб кўриб билдим. Фақат шахсий яхтанг ва саройинг йўқ эди, холос, – деди.

– Биласанми, ҳозиргина тушуниб етдим аччиқ ҳақиқатни. Барчаси сен ишингга шўнғиб, мен ҳақимда ўйламай қўйганинг учун бўлди.

– Шунақами?! – пўнғиллади мазҳараомуз Линдей. – Балки сенинг Рексинг мушукчалар ва таёқчалар ўйинига муккасидан кетгандир?

Линдей нукул нимаси билан Стрэнг уни ўзига асир қилганини сўрайверди.

– Буни тушунтириб бўлмайди.

Ниҳоят, бир куни кескин жавоб бўлди:

– Севги аслида нима эканлигини ҳеч ким тушунтириб беролмайди, хусусан мен ҳам. Мен самовий, асов муҳаббат асирасига айландим. Бор гап шу. Ванкувер кўрғонида Гудзон кўрфази компаниясидан қайсидир магнат маҳаллий инглиз черковининг руҳонийсидан домангир бўлибди. Англияга, уйига ёзган охириги мактубларида Компания хизматчилари каттасидан тортиб кичигигача ҳинд аёллари билан зино қилишидан шикоят қилибди. «Нима учун сиз гуноҳни енгиллаштирувчи омиллар тўғрисида оғиз очмадингиз?» – деб сўрабди магнат руҳонийдан. Руҳоний шундай жавоб берибди: «Сигирнинг думи пастга қараб ўсармиш. Мен не боис

сигирнинг думи пастга қараб ўсишини тушунтириб беролмайман. Мен фақат далилларга суянаман».

– Жин урсин ақлли аёлларни! – хайқириб юборди Линдей ғазабдан кўзлари чакнаб.

– Клондайкка қандай келиб қолдинг? – сўради бир куни Меж доктордан.

– Шу десанг, чўнтакларим қаппайди-ю, устидан зар сочгани хотиним йўқ эди. Кўнгил ёзгим келди, жуда толиққандим. Аввалбошда Колорадога бордим. Лекин беморларим шошилиночмалар жўнатавериш ҳоли жонимга қўйишмади, Колорадога келганлари ҳам бўлди. Сизтлга кўчиб ўтдим – яна ўша ҳолат. Ренсом ҳузуримга маҳсус поездда касал хотинини жўнатибди. Ваз-корсон кўрсатишнинг иложи йўқ. Операция муваффақиятли ўтди. Маҳаллий рўзночалар бунинг дарагини эшитишибди. Қолганини ўзинг тасаввур қилавер. Ҳаммадан яширинмоқчи бўлиб шартта Клондайкка қараб сурвордим. Шундай қилиб, иссиққина юкон кулбасида вист ўйнаб ўтирганимда мени излаб Том Доу келиб қолди...

Стрэнгнинг кўрпа-тўшагини очиқ ҳавога олиб чиқса бўладиган кун ҳам келди.

– Бор гапни унга айтишимга изн бер, – деди Меж.

– Йўқ, бироз сабр қилишингга тўғри келади.

Тез кунларда Стрэнг оёғини осилтириб ўтирадиган бўлди, кейин яқинларининг ёрдамида ҳақкалаб бир неча кадам қўйди.

– Энди айтсак бўлар?

– Йўқ. Олдин ишни охирига етказай. Чап қўли ҳалиям яхши ишламаяпти. Бу арзимас бўлиб кўринса ҳам, Тангри уни қандай яратган бўлса, ўша асл ҳолига келтирмоқчиман. Эртага яна қўлини кесиб, нуқсонни бартараф қиламан. Стрэнг тагин икки кун кўрпа-тўшак қилиб ётишга мажбур бўлади. Хлороформ тугаб қолгани

чатоқ бўлди-да. Зарари йўқ, тишини тишига қўйиб чидайди. Қўлидан келади бу. Керак бўлса, ўнтасига чидайди.

Ёз келди. Қорлар эриб битди, фақат кунчиқар томондаги Серқоя тоғларнинг чўққиси оқариб кўринарди. Кунлар узайиб, чароғонлашди. Ярим тунга борибгина куёш маълум бир дақиқаларга уфқ ортига яширинарди.

Линдей Стрэнгдан бир қаричга-да узоклашмади. Стрэнгнинг ҳар бир қадамини, тана ҳаракатини ўрганди, яланғоч ҳолатда ҳар бир мушагини букиб-ёздирди. Беморни тўхтовсиз массаж қилдирди, Том Доу, Билл ва Гарри уқалашнинг ҳавосини олишгач, Линдей уларни турк ҳаммомида ёки суяк касалликлари шифохонасида массажи сифатида ишлашлари мумкинлигини айтиб, уларни алқаб қўйди. Шундай эса-да, доктор мамнун эмасди. Яширин нуқсонлар йўқлигига амин бўлиш учун Стрэнгга бутун бошли жисмоний машқларни бажартирди. Уни яна тўшакка бир ҳафтага михлаб, майда қон томирчалар устида устамонлик ила бир неча операция ўтказди, суякда қахва дончасидек жойни то соғлом, пушти тўкима ўрамагунча киртишлаб тозалаб турди.

– Лоақал гапнинг бир учини чиқарай, – ўтинарди Меж.

– Ҳали вақт бор. Муолажа тугасин, айтаверасан.

Июль ҳам ўтиб, август поёнламоқда эди. Линдей Стрэнгга буғу овига отланишга ижозат берди. Ўзи ҳам изма-из бориб кузатди. Бемор яна мушукдай чакқон, эгилувчан Стрэнгга айланди. Товонлари тагидан ўт чакнарди, гўё. Линдей ундан қолишмасликка тиришиб, жони ҳалқумига келди.

– Етар, бас! – қичқирди доктор. – Ортиқ чополмайман ортингиздан.

Линдей терга ботган юзини артди, Стрэнг эса қорақарағай тўнкасига ўтириб, теварак-жавонибга сук билан алангларди.

– Ҳеч қаерингиз оғриб, санчимаяптими? Оғриқ аломатлари йўқми?

Стрэнг инкорона бош чайқади ва шодон киёфада керишди.

– Демак, ҳаммаси жойида, Стрэнг. Қиш кунлари, совуқ ва намгарчиликда эски яралар оғриқ кўзғаши мумкин. Аммо ўтиб кетади. Эҳтимол, умуман кўзғалмаслиги ҳам мумкин.

– Эй Худойим, дўхтир, мўъжиза содир этдингиз. Қандай қилиб миннатдорчилик билдиришга ҳайронман... Мен ҳамон исмингизни билмайман, дўхтир!

– Ҳожати ҳам йўқ. Энг асосийси, оёққа туриб кетдингиз.

– Лекин исм-шарифингиз кўпчиликка маълуму машхур бўлса керак. Гаров ўйнайман, исмингиз менга ҳам таниш.

– Эҳтимол. Лекин кераги йўқ. Энди сўнгги синов қолди, кейин сизни ўз ҳолингизга қўяман. Сув айирғичдан ўтиб, дарё манбаидан ирмоқ бошланади, Биг Винди деб аташади. Доу айтишича, бултур уч кун ичида дарёнинг ўрта айрилишигача бориб қайтган эмишсиз. Доу бечора ўлар ҳолатга етган экан ўшанда. Гапни эшитинг, шу ерда тунай қолинг, мен эса Додан йўлга керакли майда-чуйдаларни бериб юбораман. Топшириқ шундай: бултургидай уч кун ичида ўша ергача бориб қайтасиз.

V

– Хўп, – деди Линдей Межга юзланиб, – лашлушларингни йиғиштиришингга бир соат вақт. Ўзим бориб қайиқни ҳозирлай. Билл буғу овига кетган, қош қорайгунча қайтмайди. Бугуннинг ўзидаёқ меникида бўламыз, бир хафтадан кейин эса Доусонда.

– Мен умид қилгандимки... – Меж андиша қилиб ичидагини айтолмади.

– Хизмат ҳақидан воз кечади, деб ўйловдингми?

– Йўқ, келишув ўз кучида қолади, бироқ бунчалик тошбағир бўлмаслигинг керак эди: видолашишга ҳам кўймай нега уни уч кунга жўнатиб юбординг? Бу адолатдан эмас!

– Хат қолдир.

– Ҳали ҳам ёзиб қолдирмоқчиман.

– Учаламиздан бирон нарсани сир сақлаш адолатдан бўлмас эди, – деди Линдей.

Линдей қайтиб келганда Меж буюмларини йиғиштириб, нома битишга ҳам улгурганди.

– Эътироз билдирмасанг, ўқиб кўрсам.

Сал кам бир дақиқа иккиланишдан сўнг Меж хатни узатди.

– Ҳаммаси тўғри ва очиқ-ойдин ёзилган, – деди Линдей хатга кўз югуртириб чиққач. – Хўш, тайёрмисан?

Линдей қақир-кукурларни соҳилга олиб бориб, бир кўлида қайикни ушлаб, бир кўлини Межга узатди. Линдей уни синчковлик билан кузатарди, Меж эса ҳеч бир саросимага тушмай кўлини докторга топширди.

– Тўхта! – деди Линдей. – Бир дақиқага! Шифобахш обихаёт ҳақидаги эртақ ёдингдами? Ўшанда чўпчакни яқунламагандим. Эшит. Севгилисининг кўзини шифобахш сув билан ювиб, ўша қиз кетишга тараддудланиб, беҳос кўзгуга кўз қирини ташлабди. Не кўз билан кўрсинки, кўзгудан малоҳатли бир зебо унга мўралаб турганмиш. Мусавирнинг кўзи очилиб, хуррамликдан қичқирибди, гўзалликда тенги йўқ ёрини бағрига босибди.

Меж ҳис-ҳаяжонини ошкор этмай, маҳтал бўлди. Юз ифодасидан ҳайрат нишонларини ўқиш мумкин эди.

– Сен жудаям гўзалсан, Меж... – Линдей оний сукут сақлади, кейин куруққина қилиб шундай деди: – Бу ёғи ўзингга ҳавола. Стрэнгнинг бағри хувиллаб қолмайди, деб ўйлайман. Ҳуш қол.

– Грант! – Межнинг лаблари аста шивирлади. Бу илтижоли нидодан барчаси унга аниқ-равшанлигини фаҳмлаш мумкин эди.

Линдей жилмайиб кўйди.

– Мен сен ўйлаганчалик ёмон эмаслигимни исботламоқчи бўлдим, холос: кўриб турибсанки, ёмонликка яхшилик билан жавоб қайтаряпман.

– Грант!

– Алвидо! – у қайиққа чиқиб, эпчил, асабий кўлини узатди.

– Азиз ва олийҳиммат кўл! – Линдейнинг кўлини сиқиб шивирлади Меж, сўнг эгилиб докторнинг кўлига лабларини босди.

Линдей кўлини кескин тортиб олди-да, қайикни қирғоқдан итарди ва ойна мисол шаффоф сув кўпикланиб шарқираб оқаётган тарафга сузиб кетди.

ТУН ФАРЗАНДИ

Атрофни коронгулик чулғаган бўлса-да, ҳаво дим эди. Бунақаси ҳатто Сан-Францискода ҳам камдан-кам бўлади. Эски Алта-Ино клубининг очиқ деразасидан кўчанинг ғовур-ғувури шундоққина қулоққа чалинади. Ичкарида порахўрликка қарши курашиш ва агар унга барҳам берилмаса, шаҳар жиноятчиларга тўлиши тўғрисида баҳс кетарди. Башариятнинг тубанликлари, хусуматлари, ахлокий бузукликларига ҳар турли мисоллар келтирилди. Охирида кимдир ўтган кунги воқеани ёдга олди ва ўша машъум тунда рингда ўлдирилган машхур навқирон боксчи О'Брайен номи барчанинг тилидан тушмади. Бу исм ичкаридагиларни жонлантириб юборди. О'Брайен тўғрисиўз, хушхулқ йигит эди. Ичмас, чекмас, сўкинмас ва ёш маъбудлар сингари кўркем эди. Ҳатто рингга ҳам ибодат китобчаси билан кўтариларди.

Китобча кийимхонадан, палтосининг чўнтагидан чикди... вафотидан сўнг.

У беғубор ва хушсурат, қайсики, одамни тарк этиб, ўрнида туйқус кексалик пайдо бўлганда уни беихтиёр ўзига ром этадиган ёшликнинг тимсоли эди. Бу кеча биз ушбу умрнинг баҳорига интилдикки, Орзу кела солиб, барчамизни дераза ортида ғазаб-ла шовкин солаётган шаҳардан олислардаги ўзининг салтанатига олиб кетди. Бардуэл бизга ўқиб бермоқчи бўлган Торонинг²³ мисраларида бундай кайфиятнинг еллари бирмунча эсиб турарди. Лекин айнан у эмас, тақирбош, хўппасемиз Трифден кечамизнинг хаёлий қахрамони сифатида намоён бўлди. Аввалига унинг ҳикоясини эшитиб, овқатдан сўнг неча стакан вискининг бошига етди экан, деб ўзимиздан сўрадик, бироқ кейин бу ҳақида ўйламай ҳам қўйдик.

– Бу воқеа минг саккиз юз тўқсон саккизинчи йилда бўлганди, ўшанда ўттиз бешда эдим, – сўз бошлади Трифден. – Билиб турибман, хаёлларингизда чамалаб кўряпсизлар... нимаям дердим, ҳақиқатдан юз ўгиролмайсан – ҳозир қирқдан ўтдим, афт-ангоримга қараб эса ўн йил кўпроқ бериш мумкин. Шифокорлар ҳам айтишяптики... жин урсин, бу оқ халатлиларни!

У таги чуқурроқ стаканни лабига олиб келиб, ховурини босиш учун аста симирди.

– Аммо мен ёш эдим... қачонлардир. Ҳа, ўн икки йил аввал сочларим сийқа эмас, қуюқ, ўзим эса бақувват, келишган, хипча эдим. Энг узун кун ҳам мен учун ғоят қисқа туюларди. Сен эслайсан-ку, Милнер, биз сен билан анчадан бери ош-қатикмиз. Ўзинг айт, зап азамат эмасмидим?

Милнер бош силкиди. У Трифден каби тоғ муҳандиси бўлиб, Клондайкда ризкини териб юарди.

²³ *Торо Генри* (1817–1862) – атоқли америка адиби. У Жек Лондоннинг сеvimли ёзувчиларидан бири бўлган.

– Сен ҳақсан, қария, – деди Милнер. – Ўша оқшом қандайдир танноз мухбир тўполон кўтарганида ёғоч кесувчиларни бошлаб таъзирини берганинг сира ёдимдан кўтарилмайди. У пайтда Слэвин сафарда эди, – батафсилроқ тушунтирди бизга Милнер, – унинг иш бошқарувчиси ўзининг гумашталарини Трифденга рўбарў қилганди.

– Энди эса аҳволимга қаранглар, – деди аламноқ Трифден. – Олтин васвасаси мени не кўйларга солди. Чўнтагимда неча миллионлар борлиги ёлғиз Яратганга аён, қалбим эса бўм-бўш, томирларимда бир томчида қайноқ қон оқмайди. Энди мен нақ медузаман – бир тоғора совуқ илвираган хамир... Вуй-й!

Унинг овози қалтираб кетди ва яна тасалли учун вискига талпинди.

– У замонлар аёллар мenden кўз узишмасди. Ҳозиргача оила қурмаганим ғалати кўринади... Ҳаммаси ўша қизни деб... Айнан ўша ҳақда сўзлаб бермоқчиман. Мен уни оқ танлилар истиқомат қиладиган жами масканлардан минг чақирим – балки, унданда узоқроқдир — олисларда учратдим. У менга ҳозиргина Бардуэл ўқиб берган Торонинг мисраларидан – илоҳлар, ёруғ кунда дунёга келганлар ҳамда қора тунда туғилган малоикалардан парча келтирганди.

Булар Голстедга ўрнашиб олганимдан сўнг юз берди. Голстед сойи қанчалик олтин тўла ўра эканлиги хаёлимга ҳам келмаганди. Қоятоғдан Катга Бандикўл орқали шарққа «юриш» қилдим. Шимолда Қоятоғ нафақат тоғ тизмаси, балки ўтиб бўлмас чегара, девордир. Қадимда дарбадар овчилар бу тоғдан камдан-кам ўтишган, аммо бундай юраги бутунларнинг аксари йўлдаёқ бандалиқни бажо келтиришарди. Шунинг учун ҳам бу машаққатли йўл ҳисобланар ва мен ушбу йўлни босиб ўтишга бел боғладим. Бундай жасурликдан ҳар ким фахрланса ар-

зийди. Ҳозир ҳам ҳаётимдаги бошқаларидан кўра шу ишимдан кўпроқ ғурурланаман.

Мен ўзга оламга тушиб қолгандим. Унинг бепоён кенглиklarини ҳали биров текширмаган, бирор оқ танли одам оёғи тегмаган, ҳинду қабилалари эса бу ерларда ўн минг йиллар илгариги ибтидоий шароитда кун кўришарди... Негаки улар ўшанда ҳам ҳозиргидек оқ танлилар билан баъзи-баъзи ҳоллардагина савдо муносабатларига киришишарди. Вақти-вақти билан алоҳида ҳинду гуруҳлари шу мақсадда тоғдан ўтишарди. Лекин Гудзон кўрфази компанияларига ҳам бу жойларни эгаллаш насиб этмади.

Энди қизга қайтайлик. Мен агар Калифорнияда бўлганида дарё ҳисобланадиган, номсиз, бирорта хари тага киритилмаган сой бўйлаб юқорига кўтарилдим. Кўз ўнгимда гоҳ баланд тош деворлар билан ўралган, гоҳ яланг хушманзара водий намоён бўлди. Яйловлардаги ўт-ўланлар одам бўйи чўзилган, майсазорлар гулларга бурканган, ҳар-ҳар ердаги қорақарағайларнинг шохшаббалари тарвақайлаб кетганди. Елкаларига залворли юклар ортилган итларим батамом кучдан қолишди, панжалари қонталаш бўлиб кетди. Мен қандай бўлмасин ҳиндулар қўналғасини излашга тушдим. Улардан чана ва ит ҳайдовчиларни ёллаб, биринчи қор билан йўлда давом этиш умидида эдим.

Мени, кузнинг охири бўлса-да, бу ерларда гулларнинг очилиб тургани ҳайрон қолдирди. Чамаси, мен субарк-тик Американинг қаеридадир, Қоятоғдан юқориқоқда тургандим, ҳақиқатда эса ҳаммаёқда бошдан-оёқ яшил гилам тўшалганди. Қачон бўлмасин, бу ўлкаларда оқлар пайдо бўлади ва бу далаларга буғдой сепишади.

Ниҳоят, гулхан тутунига кўзим тушди, итларнинг акиллашини эшитдим – хиндуларники – ва қўноққа етиб бордим. Бу ерда тахминан, беш юзтача хинду бўлиб, гўшти сурлашга мўлжалланган устунлар сонидан кузги ов мавсуми омадли келганини тушундим. Худди шу ерда уни, яъни Люсини учратдим. Уни шундай аташарди. Хиндулар билан фақат имо-ишора орқали гаплаша олдим. Мени улкан вигвамлар²⁴ томон — гулхан ёниб турган тарафи очик чодирга бошладилар. Вигвам оловранг буғу терисидан эди. Ичкарида озодалик ва саранжомлик ҳукм сурарди. Бундай саришталикни ҳали биронта хинду чайласида кўрмагандим. Ётаржой янги кесилган корақарағай шохларига тўшалганди: бир кучок мўйна устидан оппоқ паркудан тайёрланган адёл солинганди. Бундайин адёлни биринчи кўришим эди. Унинг устида оёқларини чалиштирганча Люси ўтирарди. Қорачадан келган, ёнғокранг. Уни қиз деб атадим. Йўқ, у аёл эди, шукуҳли, камолотга эришган буғдойранг амазонка. Кўзлари эса мовий. Ҳа, мана, ўшанда мени нима сеҳрлаган: унинг кўзлари, кўм-кўк – нигоҳларида дарё мовийлиги-ю, само кўклиги қоришиб кетганди, гўё. Айниқса, уларда куюш нурларига чўммаган қайноқ хушчақчақлик жилваланар, уларда чуқур инсонийлик билан бирга... қандай тушунтирсам экан... чексиз назокат бор эди. Тағин нимани айтсам экан? Бу мовий кўзларда донишманд-файласуф хотиржамлиги янглиғ оташин азобни ҳам, ғам-андуҳни ҳам, осудаликни ҳам ўқидим.

Бирдан Трифден ҳикоясини тўхтатди.

– Биродарларим, сизлар, балки, мени ортикча ичиб қўйди, деб ўйлаётгандирсизлар. Асло. Бу кечликдан

²⁴ *Вигвам* – Шимолий Америка хиндуларининг ўтовсимон кулбаси, чайласи.

кейин бешинчиси. Мен мутлақо хушёрман ва тантанавор руҳдаман. Ахир, ҳозир мен билан ўтмишдаги бахтиёр ёшлигим гаплашяпти. Айни замондаги «қария Трифден» эмас, ёшлигим тасдиқламоқдаки, бу кўзлар бир пайтлар мен кўрган энг ажиб кўзлар эди: шундай хотиржам ва шу билан бир вақтда маъюс, доно ва синчков, кўҳна ва жўшқин, мамнун ва илтифотли. Йўқ, дўстларим, уларни тасвирлагани сўз тополмайман. Келинлар, яхшиси, у ҳақида гапириб бера қолай, ўзларинг тушуниб олаверасизлар...

Люси ўрнидан кўзгалмай, қўл узатди. «Ёт киши, – деди у, – сиз учун хурсандман».

Кўпол шимоли-ғарб лаҳжасини биласизларми? Қай аҳволга тушганимни фараз қилаверинлар. Мен оқ танли аёл кишини учратдим, лекин унинг лаҳжаси... Дунёнинг нариги бурчагида оқ танли аёлга дуч келиш ажойиб, бироқ, Худо хайрингни бергур, унинг лаҳжаси кўнгилни ғаш қилар, қулоқни бузуқ оҳангдек батанг қиларди. Барибир аёл жозибали эди. Қулоқ солинг, ўзларинг амин бўласизлар.

У ишора берганди, шу заҳотиёқ ҳамма чиқиб кетди. Ҳиндулар унга қабила бошлиғига бўйсунгандай сўзсиз бош эгишарди. У эркак ҳиндуларга мен учун чодир тикишни ва итларимга ғамхўрлик қилишни буюрди. Буйруқ бажо келтирилди. Улар ҳатто мўкасинимнинг боғичига ҳам қўл теккизишмади. Улар бу аёлда *Итоат Этиш Керак Бўлган* сардорни кўришарди. Бу ерлардан минг чақирим нарида ёввойилар қабиласини оқ танли аёл бошқармоқда, деган ўйдан ларзага келасан киши.

«Ёт киши, – деди у, – ўйлашимча, сиз бу водийга қадами етган илк оқ танлисиз. Ўтиринг, гурунглашамиз, кейин эса таомга. Қаёққа йўл олдингиз?»

Яна унинг талаффузи ғашимга тега бошлади. Бунга эътибор қилманглар. Ишонтириб айтаманки, парқу адел-

га чўкиб, бу дилбар аёлга кулоқ берганча ўзим ҳам буни ўйламай кўйдим.

Бу водийда бир хафтача бўлдим. У ёқларда қолишни унинг ўзи таклиф этди. Ит, чана ва ҳайдовчиларни ваъда қилди. Унинг чодирни бошқаларникидан алоҳида, дарёнинг юкори қирғоғида бўлиб, бир нечта хинду қизлар унинг хизматида эди. Биз у билан суҳбатлашардик, тинмай суҳбатлашардик, бу то биринчи қор тушиб, чана юргизишга имкон бўлмагунча давом этди. Люсининг айтишича, у чегарада туғилган экан, қашшоқ кўчманчилар оиласида. Биласизларми, уларнинг ҳаёти қанақа: меҳнат, меҳнат, боши-кети кўринмайдиган қора меҳнат...

«Мен оламнинг гўзаллигини пайқамасдим, – сўз бошлади Люси. – Бунга вақтим йўқ эди. Билардим, у ёнимда, кулбамиз атрофида, аммо нон пиширишим, супуриб-сидиришим, ҳар хил юмушларни бажаришим керак эди. Гоҳида ўлгудек эркинликни истардим, айниқса, баҳорда, кушлар навоси ақлдан оздираёзганда. Яйловларда оёқларим шабнамдан ивимагунча югургим, ўрмонга кириб, узок-узокларга кетгим, довонга чикиб, у ердан олисларга тикилгим келарди. Дараларда, кўллар бўйида санғишни, қундузлар, олачипор гулмоҳилар билан дўстлашишни, олмахонлар, куёнлар, турли жониворлар орқасидан писиб бориб, уларни кузатишни, сирасрорларидан воқиф бўлишни хоҳлардим. Менга шундай туюлардики, гарчи вақтим бўлганида ҳам майсалар устида ётиб, жонзотлар биз одамлар билмаган нарсалар ҳақида пичирлашаётганига кулоқ солган бўлардим».

Трифден стаканини тўлдирмагунларича кутиб турди.
– Бир сафар эса шундай деганди:

«Мени ёввойи ҳайвонлардек ой нурида, юлдузлар ҳамроҳлигида тунлари дайдиш истаги қийнарди, зулматнинг муздек баҳмали баданимни эркалаши учун ортимга карамай югургим келарди. Қайсидир оқшом, оғир, жазир

рама кундуздан сўнг – шу куни нимага қўл урмай, ишим юришмади – бутунлай ҳолдан тойдим. Отамга ахён-ахёнда тунлари сайр қилгим келаётганини билдирдим. У ажабланиб менга бакрайиб турди-да, икки дона хапдори берди ва жойимга ётиб, мириқиб ухлаб олишимни маслаҳат берди. Шундан буён ўз истаklarимни бировга ишонмайман».

Уларнинг хўжалиги оғир аҳволга тушиб, оила камбағалликка юз тутибди ва улар Сиэтлга кўчиб ўтишибди. У ерда Люси иш куни асрга татигулик, меҳнати оғир, тинкани куритадиган фабрикадан иш топибди. Бир йил ўтиб, арзон ресторанга дастёр қиз сифатида ишга кирибди.

«Азалдан, – деди бир куни менга Люси, – хаёлпарастроқман. Лекин қозон-товоғу фабрика ва арзонгаров ресторанларда хаёлпарастликка ўрин бор деб ўйлайсизми?»

Ўн саккизга тўлганда Жунода ресторан очмоқчи бўлган кишига турмушга чиқади. У кишининг озроқ жамғармаси бўлиб, Люсига бойваччадек кўринганди. Люси уни севмасди – буни доимо таъкидларди – аммо қиз чарчаганди, машаққатли меҳнат жонига текканди. Бунинг устига, Жуно Аляскада жойлашган. Люси бу мўъжизавий ўлкага кўчиб ўтишга жон-дили билан рози бўлди. Бироқ умидлари саробга айланди. Эри арзон ресторан очади-ю, тез орада Люси унинг нима сабабдан уйланганини англаб етади: мақсад – текин хизматкорга эга бўлиш экан. Люси барча юмушларни – мижозларга хизмат кўрсатишдан тортиб идиш-товоқ ювишгача бир ўзи бажаришига тўғри келди. Қолаверса, кун бўйи жиз-биз қиларди. Шу тарзда тўрт йил яшабди.

Ифлос қовоқхонага банди қилинган ва нақд тўрт йил мобайнида заҳмат чекишга мажбур бўлган бу ёввойи, ибтидий сезгига мойил, озодликка ташна ўрмон мавжудотини кўз олдингизга келтираверинглар!

«Хаммаси шунчалар маънисиз эдики, – деди Люси. – Кимга керак бунақа ҳаёт? Мен нима учун дунёга келдим? Нахот яшашнинг маъноси ишлаш, ишлаш ва яна итдек ишлаш бўлса? Ётганинда ҳам чарчаган бўлсанг, уйғонганинда ҳам чарчоқни ҳис қилсанг, кунлар бирига икки томчи сувдек ўхшаш бўлса, бундан нима наф?» Баъзи риёкорлардан мангу ҳаёт ҳақида эшитган бўлса ҳам ўзининг ердаги ҳаёти боқийликнинг гарови бўлишига ишонмасди.

Эртаксимон фаровон ҳаёт орзуси уни тинч қўймасди. У бир қанча китобларни ўқиб чиққан бўлса-да – айнан қайсиларини, билмайман – «Денгизбўйи кутубхонаси» туркумидаги романлар бўлса керак, улар ҳам орзуларини озиқлантирарди, холос.

«Гоҳида, – дерди Люси, – ошхонадаги дим ҳаводан бошим шундай айланардики, агар мусаффо ҳаводан бир сипқормасам, ҳушимдан кетаёзардим. Деразадан бошимни чиқариб, кўзимни юмардим ва тасаввуримда ажиб манзаралар пайдо бўларди. Шундай туюлардики, аста юриб кетяпман, атрофимда эса сукунат, озодалик: на чанг, на ғубор. Ўтлоқларда жилғалар шилдираб оқади, кўзичоклар чопқиллаб юришибди, сабо гулларнинг муаттар ҳидини барчага улашяпти, борлиқ қуёш нурларига чўмган. Сигирлар тиззабўйи сувга тушиб олишган, сойда қизлар чўмилишяпти, баданлари оппоқ, нафис. Хаёлимда Аркадиядаман. Бу ўлка ҳақида қайсидир китобда ўқигандим. Балки – орзу қилардим – йўлнинг муюлишида бирдан совутлари қуёшда ялтираётган от минган рицарь ёки қордай оппоқ отда малика пешвоз чиқар. Нарироқда қандайдир қасрнинг миноралари гавдаланади. Ёки кейинги бурилишда нуқрадек оппоқ, фавворали афсонавий саройни кўраман, деб ўй сурардим... Кўзимни очгач эса ошхонанинг бўғиқ нафаси тагин юзимга урилар, Жейкнинг, эримнинг овозини эшитишга

мажбур эдим: «Нўхотни нега сузмаяпсан? Кун бўйи кутиб ўтираманми?» Соҳир ўй-орзулар! Эҳтимол, маст арман-ошпаз жанжал кўтариб, ошхона пичоғини бўйнимга тираганда, мен эса темир ҳовонча билан бошига туширганимда, аммо ундан аввал қўлимни қизиб турган печда куйдириб олганимда, шу сурурга ҳаммадан кўра яқинроқ тургандирман.

Мен беҳаловат, қувноқ ҳаётни, чиройли буюмларни орзу қилардим... Аммо ҳаёлимга тез-тез шундай фикр келардики, пешонамга бахт битилмаган, қисматим фақат пишир-куйдиру қозон-товоқ ювишдан иборат. Айни дамда Жунода айш-ишрат авжига чиққан. Бошқа аёллар ўзларини қандай тутаётганларини кўрдим, лекин уларнинг ҳаёт тарзи заррача бўлса-да мени ўзига жалб эта олмади. Мен пок бўлишни истардим; билмадим, нима учун. Идиш-товоқ ювиб ўласанми ё анов аёллардекми — барибир эмасми?»

Трифден бир зумга оғзига толқон солиб олди, фикрини бир жойга тўпламоқчидай эди.

– Ҳа, мана, қандай аёлни учратгандим: у ёввойи ҳиндулар қабиласининг сардори эди, бир неча минг квадрат чақирим ҳудудга эгалик қиларди. Бу осонгина амалга ошганди, гарчи унинг ўзига қозон-товоқлар ичида яшаб, шу ерда рихлатга кетишдек туюлса-да.

* * *

«Исён кўтариш соати етиб келганди. Ўша кунлари сўзлари халигача ёдимда бўлган газета парчаси кўлимга бехос тушиб қолди». Люси менга Торонинг «Инсон фарёди» китобидан парча келтирди:

«Ёшқарагайларжўхоризордайлдан-йилгабўйчўзади, бу мен учун қувонарли ҳол. Биз ҳиндуларни маданийлаш-

тиришимиз лозим, деб айтамыз, лекин бу уларнинг ҳаётини ўнгламайди. Жанговор ҳамда мустақиллигича қолиб, ўрмонда танҳоликда кун кўраётган ҳинду ўзининг Худоси билан алоқани йўқотмади. Вақти-вақти билан онда-сонда учрайдиган, ўзига хос мулоқот – табиатла тиллашиш бахти унга насиб этади. Унга юлдузлар яқинроқ, бизнинг майхоналаримиз эса бегона. Қалбининг ўчмас нури хира кўринади, чунки у биздан олисларда. У кўзни қамаштирадиган, бироқ зарарли ва узоққа бормайдиган шам алангаси билан рақобатга киришган нурсиз, аммо ҳимматли юлдузлар ёғдусига монанд.

Қардошлик ороллари аҳолисининг кундуз ёруғида дунёга келган илоҳлари бўлган. Аммо улар тунда туғилган Худоларга нисбатан жуда қадимий эмас...»

Люси буларни сўзма-сўз айтди, жумлалар унинг оғзидан шукуҳли эшитиларди.

«Ана шунақа. Қолгани йиртиб олинган экан, – кўшимча қилди Люси аччиқ алам билан. – Бу фақатгина газета парчаси эди, холос. Торо — буюк донишманд. У ҳақида кўпроқ билишни истардим».

Люси жимиб қолди, онт ичаманки, бир дақиқадан сўнг: «Мен унга муносиб умр йўлдош бўлардим», – деганида унинг юзи гўдакникидек беғубор эди.

Кейин сўзида давом этди:

«Бу жумлаларни ўқиб бўлдим-у, менга нима бўлганини англаб етдим. Мен тун фарзанди эдим. Умрим бўйи кундуз болалари орасида бўлдим, аслида эса зулматга тегишли эдим. Мана, не боис бундай ҳаёт – қозон кавлаш, идиш-товоқ орасида ивирсиш кўнглимга ўтиришмайди, мана, не боис ой шуъласи остида яланғоч бўлиб чопгим келади. Жунонинг ифлос майхоналари мен учун эмаслигини тушуниб етгандим. Ана шунда ўзимга-ўзим: «Бас, етар», – дедим, афтодаҳол уст-бошимни ечиб, ташқарига чикдим. Жейк тўхтатишга уринди.

- Нима қилмоқчисан?
- Ўрмонга кетаман, ўз маконимга.

– Ҳеч қаёққа кетмайсан, – елкадан тутиб, ушлаб колмоқчи бўлди. – Ошхонадаги ҳароратдан ақлингни йўқотибсан. Бирор кулфатга йўлиқмасингдан мени эшит.

Мен эса унга револьвер ўқталдим, кичкина колт-44 ва: «Мана, менинг жавобим», – дедим-да, жўнаб қолдим».

Трифден стаканни бўшатиб, яна куйишларини сўради.

– Биласизларми, кейин у нима қилди? У пайтда йигирма икки ёшда эди. Лаънати тўрт йилини ошхонада ўтказди, энди эса барча йўллар очик эди. Бу сафар ишратхонага бориб ўтирмади. Тўппа-тўғри соҳилга. Менимча, Аляскада сув йўли билан саёҳат қилишни афзал кўришади. Айни шу дамда ҳиндулар қайиғи Дайига жўнаётганди – бундай нусхадаги қайикни кўргансизлар, ёғоч ўйиб ясалади, энсиз, чуқур, узунасига олтмиш фут. Люси ҳиндуларга қўлидаги бор чақани узатиб, қайикқа ўтирди.

«Соҳир хаёлот! – деди тун фарзанди. – Соҳир хаёлот ижобати илк дақиқаларданоқ бошланди. Қайиқда мендан ташқари учта оила ҳам бор эди. Қимирлашнинг иложи йўқ. Оёқ тагида ит ва болақайлар ўралашишар, қайик олдинга силжиши учун ҳамма бирма-бир эшкак эшиши лозим эди. Икки томонимиз эса қорли тоғлар билан ўралган, улардан ҳам юксакроқда булутлар онда-сонда куёшни яшириб туришади. Сукунатни айтмайсизми! Ҳайратомуз осойишталик! Ора-сира узоқ-узоқларга, дарахтлар орасидаги овчилар қароргоҳидан чиқаётган тутун юқорига ўрлайди. Бу саёҳат боғ сайрини эслатар, орзуларим ҳақиқатга айланишига кўз тика бошлагандим. Қандайдир мўъжиза юз беришини кутардим ва бучиндан-да рўёбга чиқди.

Оролдаги илк кўналғамиз, балиқ овлаётган шумтакалар, ҳиндулардан бири турган жойидаёқ пайкон отиб кулатган баҳайбат буғу! Ҳамма ёқ гулга бурканган, қирғоқдан нарироқда ўтлар одам бўйи, калин, диркиллаб турибди. Бир қанча қизлар билан тепаликка чиқиб, маймунжон ва турфа хил илдизмевалар тердик, нордон, лекин хушхўр. Бир жойда мева билан қорин тўйғазаётган улкан айиққа йўлиқдик. У ҳуркиб кетиб, бўкирди ва бизга ўхшаб ура қочди. Гулхан атрофидаги ўйин-кулги, буғу гўштининг сўлагингни оқизадиган хиди! Фаройиб! Ниҳоят, мен ўз қондошларим билан бирга эдим, менинг жойим уларнинг орасида эди. Ўша оқшом уйкуга кетар эканман, чодирнинг бир четини кўтариб, виқорли тоғлар ортидан жилмайиб қараётган юлдузларга тикилдим, туннинг шивир-шивирига кулоқ солдим ва умримда илк бора ўзимни бахтиёр сездим. Эртага ҳам, унинг эртасига ҳам, умрбод шундай бўлиб қолишини билиб турардим. Ортага қайтмасликка қарор қилдим. Қайтмадим ҳам.

Хомхаёллар! Буларнинг нима эканлигини эртаси куни билдим. Биз энига ўн икки-ўн беш милядан кам бўлмаган дарёнинг ваҳимали ирмоғидан сузиб ўтишимиз керак эди. Ирмоқнинг ўртасига етганимизда довул кўтарилди. Тунни қирғоқда катта бўрибосар билан ёлғиз ўтказдим, негаки бирор кимса тирик қолмаганди».

– Фараз қилинг, – деди Трифден ҳикоясини тўхта-тиб, – қайиқ ағдарилиб чўкиб кетди. Ичидагиларнинг барчаси ҳалок бўлди. Биргина Люси итнинг думига илакишганча қирғоққа чиқиб жон сақлаб қолди. Кўзини очганда жимитдек қумлоқ саёзликда эди.

«Ҳайриятки, бу орол бўлиб чикди, – деди Люси. – Мен ўрмон оралаб ичкарироққа юравердим. Кўрган одам ниманидир ахтаряпти, деб ўйлаши тайин эди. Аста қадам санайвердим. Ичимда кўрқувдан асар ҳам топилмасди. Ахир, мен тун фарзанди эдим. Ўрмоннинг

вахимаси мени кўрқитолмасди. Оролга тушганимнинг иккинчи куни излаганимни топдим. Ўрмон ичидаги тор сўқмоқда ярим вайрона кулбага кўзим тушди. У анчадан бери хувиллаб ётган кўринарди. Том ўпирилиб тушганди. Каравот устидаги кўрпа-ёстиқ чириб битган, ўчоқ ёнидаги хум ва қозонни ис босиб кетганди. Энг қизиғи ҳали олдинда эди. Дарахтлар орасидан нима топганимни хаёлингизга ҳам келтиролмайсиз. У ерда қачонлардир дарахтга боғланган саккизта от скелети ётарди. Отлар, афтидан, очдан ўлган, улардан бир уюм суяк қолганди, холос. Ҳар бир отнинг белига хуржун ортилган экан, шекилли, суяклар орасида каноп қопчиклар ивирсиб ётарди, бу қопчикларда эса буғу терилари, уларнинг ичида эса... сиз ўзингиз нима бор деб ўйлайсиз?»

Люси энгашиб қорақарағай новдалари тагидан тери хуржунни олди. Оғзини ечиб, умримда кўрмаган бир дунё олтинни кўлимга тўкди: бу ерда катта миқдордаги олтин кум зарралари бор эди, рангидан софлиги ва бирон марта ювилмаганлиги билиниб турарди.

«Сен тоғ муҳандисиман, дединг, – мурожаат қилди менга Люси, – бу юртни яхши биларкансан. Мана шу рангдаги олтин олинадиган бирорта сой номини айта оласанми?»

Мум тишлаб қолдим. Олтинга ҳеч қанақа кумуш аралаштирилмаган, тоза эди. Олтин сифатини Люсига айтдим.

«Тўппа-тўғри, – тасдиқлади, – мен бир нисобини ўн тўққиз доллардан пуллаяпман. Эльдорадо олтинларига ўн еттидан ортиқ беришмайди, асл баҳоси эса ўн саккизга яқин. Суяклар орасидан саккиз қоп олтин топдим, ҳар бирида юз эллиқ фунтдан!»

– Чорак миллион доллар! – ҳайқириб юбордим.

– Ўзимнинг хомчўтим бўйича ҳам шунча. Мана, сизга хаёлот! Шунча йил молдек ишладим, озодликнинг таъ-

мини татиб кўришим биланоқ – уч кун ичида бир дунё саргузашт! Бу олтинларни қўлга киритган одамларга нима бўлган экан? Мен тез-тез бу ҳақда бош қотирардим. Юк ортилган отларини дарахтга боғлаб, ер юзидан изсиз йўқолишган. Уларнинг қисмати нима билан тугаганини биров билмайди, шундай экан мен, тун фарзанди, ўзимни уларнинг ҳаққоний меросхўри хисоблайман».

Трифден сигара тутатиб ўйга чўмди.

– Биласизларми, кейин у қандай йўл тутди? У ҳамма бойликни яширди, фақатгина ўттиз қадоқ олтинни чўнтагига жойлаб сохилга қараб кетди. Сохилга яқинроқ жойдан сузиб ўтаётган қайикни тўхтатиб, Дайидаги Пэт Хили факториясига жўнади. Керакли аслаҳа-анжом сотиб олиб, Чилкут довонини ошиб ўтди. Бу минг саккиз юз саксон саккизинчи йили, Клондайк олтин кони очилмасидан саккиз йил аввал, Юкон сохиллари ўлик саҳрога эврилмасидан илгари бўлганди. Люси ҳиндулардан хайиқарди, шундай бўлса-да, кўлни сузиб ўтиб, қуйи Юконда биринчи учраган кўналға томон дарё бўйлаб пастга тушди. Бир неча йил саргардон юрди. Кейин эса биз учрашган жойга келиб ўрнашди. Бу жойлар унга ёқиб қолди. Ўзи айтганидек, бу масканда *«водий юрагида тизза бўйи алвонранг гулсафсарлар орасида савлат тўкиб турган эркак бугу»*ни кўрганди. У ҳиндулар орасида яшаб қолди, уларга табиблик қилди, ишончга кирди ва аста-секин уларга йўлбошчилик қила бошлади. Шундан бери фақат бир марта иссиқ ўрнини тарк этди: ёш ҳиндулар гуруҳи билан Чилкутдан ўтиб, яшириб қўйган олтинларини қовлаб олди-да, маконига қайтди.

«Мана, шу ўлкада кунимни кўряпман, ёт киши, – ҳикоясини тамомлади Люси, – манави эса менинг энг бебаҳо хазинам».

Люси бўйнига осиб олган буғу терисидан тикилган нишонсимон халтачани олиб, уни очди. Ичидан ёғ босган шойига ўралган, вақт ўтиб сарғайган, яғири чиқиб кетган, Торонинг жумлалари ёзилган газета парчасини чиқарди.

– Хўш, бахтлимисиз? Ҳаётингиздан мамнунмисиз? – сўрадим. – Чорак миллион доллар билан Штатларда ҳам ишламай яшашингиз мумкин. Сизга бу ерда кўп нарса етишмаса кераг-ов.

– Унчалик эмас, – жавоб берди Люси. – Мен Штатлардаги биронта аёл билан ўрин алмашмасдим. Менинг жойим шу ерда, ўзимга ўхшаганлар орасида. Тўғри, шундай дақиқалар бўладики, – унинг кўзларида юқорида айтилган надоматни кўрдим, – ёнимда Торо бўлишини астойдил хоҳлайман.

– Сабаб?

– Унга турмушга чиқиш учун. Бора-бора ўзимни ёлғиз хис қиляпман. Мен ҳам ожизаман, оддий аёлман. Бошқа тоифадаги аёллар, худди мен каби уйдан қочиб кетиб, хайратланарли жасурликлар кўрсатган, масалан, аскар ёки денгизчи бўлган аёллар тўғрисидаги миш-мишлар кулоғимга чалинган. Улар аломат аёллар. Улар эркакшода аёллар, чин маънодаги аёл кишида бўладиган эҳтиёжга муҳтож эмаслар. Улар муҳаббат ўтида ёнмайдилар, бола кўришни хоҳламайдилар. Мен бўлсам, айнан ушбу тоифаданман. Ўзингиз баҳо бериб кўринг, наҳот эркакка ўхшасам?

Мутлақо. У зиғирча бўлса-да эр кишига ўхшамасди. У тўлачадан келган, мовий кўз, дилбар, қорамағиз аёл эди.

– Наҳот мен аёл киши бўлмасам? Ҳа, мен ҳам бошқа аёлларга ўхшайман. Шуниси ғалатики, тун фарзанди бўла туриб, севгига келганда ўз-ўзимга ўхшамай қоляпман. Ўйлашимча, инсон доимо ўзи кабиларни севади. Менда ҳам шундай бўлди.

– Наҳот бирон ... – оғиз очдим.

– Асло, – гапимни бўлди. Нигоҳларидан билдимки, ҳақиқатни гапираётганди. – Бир мартагина эр қилдим – энди уни хаёлларимда «Хўкиз» деб атайман. У ҳозир ҳам Жунодаги қовоқхонасида бўлса керак. Ўша ёқларга йўлингиз тушса, йўқлаб қўйинг. Унинг мен айтган лақабга қанчалик лойиқ эканлигига ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз.

* * *

Икки йил ўтиб «Хўкиз»ни излаб топдим. У чиндан-да Люси таърифлагандек экан. Боқибегам, бақалок — ҳақиқий хўкиз. У аранг оёқ судраб, ўзининг емакхонасида мижозларига югуриб-еларди.

– Ёнингизда суянч бўлгани аёл кишининг қўли етишмас экан, – дедим унга.

– Қачонлардир бўлган ҳам эди.

– Вафот этдими?

– Ҳа, вафот этди. У ҳар доим ошхонанинг бўғиқ хавоси сабаб ақлидан озишини такрорлайверарди. Шундай ҳам бўлди. Кунларнинг бирида менга револьвер ўқталди-да, сивашлар билан қайиқда қочиб кетди. Довул туриб, ҳаммаси сувга ғарқ бўлди.

Трифден яна стаканни тўлатиб, анчагача сукут сақлади.

– Хўш, аёлга нима бўлди? – эсга солди Милнер. – Энг қизиқ жойида тўхтаб қолдинг-ку. Кейин нима бўлди?

– Кейинми, – давом этди Трифден, – кейин ўзининг айтишича, бошқа ҳаммасида ёввойилигича қолган бўлса-да, турмуш ўртоғини ўз иркидан бўлишини истарди. У менга рафиқа бўлишни хоҳлаётганини мулойимгина, рўйи-рост тушунтирди.

– Ёт киши, – деди у, – кўнглимдаги инсон бўлиб чиқдингиз. Модомики, кузда Қоятоғни ишғол этиб, бу

ерларга кадам ранжида этибсизми, демак, бизнинг турмуш тарзимиз сизга маъқул экан. Қаранг, қандай гўзал жойлар. Бундан яхшисини тополмайсиз. Шу ерларда колсангиз бўлмайдими? Мен садоқатли рафиқа бўламан.

У жавобимни кутарди. Тан олишим керакки, ичимда жон деб турардим. Мен ошиқ бўлиб қолгандим. Лек кўриб турганингиздек, бўйдоқман. Ортимга ўгирилиб, айтишим мумкинки, Люси мени ўзига ром этолган ягона аёл эди. Бироқ бўлиб ўтган воқеалар менга ўта бемаъни туюлди. Суюкли аёлим бор, дея жентльменлардек қулоғига лағмон илдим.

– У сени кутяптими? – сўради Люси.

– Бўлмасам-чи.

– Сени севадими?

– Севганда қандок.

Шу билан ҳаммаси тугади. Люси қайтиб бу мавзуга тўхталмади... фақат бир сафаргина... ичидаги тўфонни ушлаб туrolмади.

– Биргина қош қоқсам бўлгани, – деди рахнамо аёл, – сен бир кадамга-да жойингдан жиллолмайсан... Ҳа, бир оғиз сўзим кифоя – бу ерда умрбод қолиб кетасан. Йўқ. Мен бундай қилмайман. Агар сен хоҳламас экансан, сени ушлаб туrolмайман. Менинг муҳаббатим ҳам сенга керак эмас экан.

Люси чодирдан чиқиб, йўлга отланишимга кўмаклашишларини амр этди.

– Жўнаб кетаётганинг юрагимга ўт соляпти, – деди у видолашаётиб. – Сени севиб қолдим. Агар фикрингни ўзгартирсанг, ёнимга қайт.

Мен уни ўпгим келарди, ахир, мен унинг ишқида ёнардим, бироқ юрагим бетламасди. Кейин, бунга қандай қарайди, билмайман. Унинг ўзи ёрдамга келди.

– Мендан бўса ол, – деди у, – бўса ол, кейин эслаб юриш учун.

Биз Қоятоғ этагидаги қорли водий бағрида оғиз-бурун уриштирдик. Люсини йўл четида қолдириб, итларим изидан чопиб кетдим. Довонни ишғол этиб, Катта Бандикўлдаги илк учраган постга етиб келгунимча бир ярим ой муддат керак бўлди.

* * *

Дераза ортидаги шаҳар олислардаги тўлқинлардек шовулларди. Дастёр йигит найчали стакан келтирди. Жимжитликда Трифденнинг овози дафн қўнғироғидек ингради:

– Ўша ёқларда қолганимда яхши бўлармиди. Аҳволимга қаранглар.

Биз унинг оқ оралаган соқол-мўйловига, ялтирбошига, салқиган кўзларига, осилган лунжларига, бақбақаларига назар ташладик. Бу сийрат қачонлардир кучли, зуваласи пишиқ, собитқадам бўлган, эндиликда эса ниҳоятда зерикарли ва фаровон турмушдан мой боғлаган, ҳаётдан тўйган, шарти кетиб, парти қолган инсоннинг инъикоси эди.

– Ҳали ҳам кеч эмас, қария, – Бардуэлнинг товуши базўр эшитилди.

– Худо ҳаққи, кўрқоқлигимдан афсус чекаман! – Трифденнинг нидоси отилиб чиқди. – Унинг ёнига қайтсам бўларди. Ҳозир ҳам ўша ерда. Мен бел боғлаб, тоғу-тошларда у билан бошқача ҳаёт кечиришим мумкин эди... Бу масканларда қолиш – ўз жонига қасд қилиш билан баробар! Лекин аҳволимга разм солинглар: ўзим бор-йўғи қирқ еттида бўлсам-да, мункиллаган чолдан фарқим қолмаган. Энг ёмони шундаки, – стаканни қўлига олиб, идишга тикилди, – бундай тарзда ўз жонига суиқасд қилиш жасорат талаб қилмайди. Мен ўзбошимчалигимча қолдим. Олис сафар ўйидан

этим жимирлайди; тонгги аёз, муз қоплаган чаналар дахшатидан юрагим орқага тортади.

Одатдагидек стаканнинг пешонасини лабига олиб борди. Кейин бирдан ғзаб оловида стаканни полга уриб чилпарчин қиладигандек тараддудланди. Аммо ғзаб ўрнини аввалига иккиланиш, сўнг ўйчанлик эгаллади. Стакан боз кўтарилиб, лабга тегар-тегмас тош қотди. Трифден хириллаб, ҳасрат-ла жилмайди, бироқ сўзлари тантанавор янгради:

– Тун Фарзанди учун қадах кўтарайлик! У чинакамига беназир аёл эди!

ИНТИҲО

Моргансоннинг томоғидан сўнгги бекон тишлами саримойдай ўтиб кетди. У ҳаётида бирор маротаба ошқозонини бундай сийламаганди. Ошқозон Моргансон учун эътибордан ҳоли ва уни кам безовта қилувчи алланимарса эди, ўзи ҳам ошқозон масаласида кўпам қайғуравермасди. Лекин ҳозир узоқ йўқчиликдан сўнг тузланган бекон бўлаги ошқозонининг соғинчини кондирди.

Маъюсона очлик ифодаси Моргансоннинг юзини тарк этадиганга ўхшамасди, афт-ангори сўппайиб, ёноқ суяклари туртиб чиққанди. Нурсиз мовий кўзлари жавдирар; уларда ночорлик олдидаги кўркув мужассам эди. Нигоҳида ёқимсиз кўнгилсизликлар, иккиланиш, ваҳима билиниб турарди. Табиатан юпқа лаблари яна бир қават кўчиб тушганди; лаблар товада қизиб турган ёғ мисол пирпиарди.

Моргансон ўтириб, мундштугини чиқазди, хафсала билан кўриқдан ўтказиб, кафтига нуқиб-нуқиб кўрди, гарчи ичида тамаки бўлмаса-да. Сўнгра тюлень терисидан тикилган тамаки халтасини тескари ағдариб, зиғирча

тамаки заррасини-да териб, астардан борини сидириб олди – тўплагани ангишвонача чикмади; чўнтақларини титкилади, бармоқларига тамаки заррачалари аралаш бир чимдим кўқим илинди. Увоқдайини ҳам кўздан қочирмай тамаки зарраларини ажратиб олди, уларга ҳатто ёт заррачалар кўшилиб кетди – адоқсиз ойлар давомида чўнтақ тубида яшириниб-чигалланиб ётган майда жун астар толалари.

Нихоят, орадан ўн беш дақиқа ўтиб мундштукни ярмигача тўлдирди олди. Гулхандан тутатиб, адёлга ўтирди. Мўкасин кийган оёқларини оловда тоблаб, ҳар бир ютум тутундан лаззатланганча, тамаки бурқсита бошлади. Чекиб битириб, заифлашиб бораётган гулхан алангасига ўйчан тикилишини қўймади. Аста-секин кўзларидаги хавотир қатъият билан алмашди. Бошига тушган мусибатдан қутулиш йўлини ахийри топди. Лек бу осон йўллардан эмасди. Моргансоннинг башараси шафқатсиз ва ваҳший тус олди. Юпқа лаблари янада жипслашиб, қисилди.

Энди оёқни қўлга олиш лозим. Моргансон аранг қаддини ростлаб, чодирни йиғиштиришга тушди; ўралган адёлни, товани, милтиқ ва болтани чанага жойлаб, барини арқонлади; кейин қўлини оловга тутиб, қўлқопини кийди. Оёқлари зир қақшар, чананинг олд қисмига ўтаётганда оқсоқланаётгани сезилди. Елкасига арқон ташлаб, чанани жойидан қўзғатиш учун бор кучи билан тортди-ю, беихтиёр оғриқдан букчайиб қолди: адоқсиз йўлда арқон елкаларини еб битирганди.

Йўл Юконнинг муз ўзанидан ўтарди. Тўрт соатдан сўнг Моргансон дарёнинг бурилишигача етиб олди, айланиб ўтиб, Минтога кириб келди. Тепалик чўққисидидаги дарахтлардан тозаланган овул томи қамиш билан ёпилган уй, қовоқхона ва бир неча кулбалардан иборат эди.

Моргансон чанани ташқарида қолдириб, қовоқхонага кирди.

– Бир стаканга етадими? – сўради олтин кумлардан бўшаб қолган тўрвани пештахтага ташлаб.

Қовоқхона эгаси аввал унга, кейин тўрвага тикилиб каради ва пештахтага шиша билан стаканни олиб қўйди.

– Қўявер, шундоғам келишиб кетамиз, – деди қовоқхона соҳиби.

– Йўқ, олмаганингга қўймайман, – ўзиникидан қолмади Моргансон.

Қовоқхоначи тўрвани тарози устига олиб бориб, силкиб кўрди; атиги бир неча олтин кум заррасигина тўкилди. Моргансон унинг қўлидан тўрвани олиб, тескари ағдарди. Эҳтиёткорлик билан олтин заррачаларни тарозига сидириб ташлади.

– Ярим долларлик чиқар, деб ўйловдим.

– Жиндай етмади, – деди қовоқхоначи. – Ҳечқиси йўқ! Бошқа бирортадан ҳиссасини чиқариб оларман.

Моргансон, хижолатомуз, стаканга бир култум виски куйди.

– Қани, куй, куй, бир жизиллатсин, – қовоқхоначи далда берди.

Моргансон стаканни лабигача тўлдирди. У виски тилини куйдириб, томоғини силаб-сийпаётганини ва ёқимли илиқлик билан ошқозонига қуйилаётганидан хузурланиб, стакандагини майдалади.

– Зангилами²⁵, дейман? – сўради қовоқхоначи.

– Ҳа, озроқ, – жавоб қилди Моргансон, – лекин ҳали очликдан ўлганимча йўқ. Дайига етиб олай, эт олиб, ўзимга келаман.

– Вой, бояқиш-ей, – деди хайрихоҳлик билан қовоқхоначи, – на итларинг, на ақчанг бор, бунинг усти-

²⁵ *Зангила* — милк касаллиги.

га, зангила ҳам орттирволгансан. Сенинг ўрнингда бўлганимда игнабарг дамламасидан босиб-босиб ичардим.

Ярим соат ўтиб Моргансон қовоқхона соҳиби билан хайр-хўшлашиб, йўлга чиқди. Қийилиб кетган елкасига арқонни ташлаб, дарё ўзани бўйлаб югургилаб чўзилган чана изидан жануб томон юрди. Бир соат ўтар-ўтмас тўхтади. Ўнгдан дарёга кичкина дарахт туташганди. Моргансон чаналарни тўхтатиб, оқсоқлана-оқсоқлана дара бўйлаб ярим миля қадам санади. Бу ердан дарёгача уч юз ярд²⁶ бор экан. Олдинда тераклар қоплаган тубанлик. Моргансон теракзор оралаб Юкон дарёси томон юрди. Йўл қарийб дарё ёқасигача чўзилган экан. Моргансон у ёққа тушиб ўтирмади. Селкерк йўналишидаги қор босган жанубий йўл чаналар дастидан энлаб, бир чақиримгача кўзга ташланади. Шимолий, Минто йўналишидаги йўлни эса тахминан чорак чақиримгача ўрмон қоплаб, паналаб ташлаганди.

Етарлича кузатув натижаларига эга бўлиб, Моргансон худди ўша айланма йўлдан ортига қайтди. Яна лаънати арқонни ортмоқлаб, дара бўйлаб чана тортди. Қорнинг намлигидан чана тортиш мушкул эди. Чанага қор ёпишавериб тўхташга тўғри келар ва ярим чақирим юрмай Моргансоннинг нафаси бўғзига тикилиб қоларди. Чоғроқ чодирини тиклаб, темир печини ўрнатиб, шохшабба йиғишга улгурди ҳамки, тун қора кўрпасини ёйиб бўлганди. Шам ҳам тугаб битган. Бир финжон чойга қаноатланиб, устига адёлни тортди.

Субҳи содиқда Моргансон кўлқопини тортиб, қулоқчинини тушириб, теракзор тубанликдан Юкон томон юрди. Елкада милтик. Бугун ҳам пастга тушмади. Нақ бир соат кимсасиз йўлни кузатди, қизиш мақсадида

²⁶ *Ярд* – 91,44 см. га тенг узунлик ўлчови.

депсиниб, кафтини кафтига уриб турди. Кейин нонушта қилгани чодирга қайтиб келди. Тунука қутидаги куруқ чой ҳам оз қолибди, беш дамламга етади. Декчасига бир чимдимгина чой ташладики, гўё қолганини қиёматгача сақламоққа қасамёд қилганди. Бор-йўқ озиқовқат захираси ярим қопчиқ уну оғзи очилган қутидаги хамиртурушдан иборат эди. Моргансон нон пишириб, шошмасдан нонуштага ўтирди. Ҳар бир лукмадан лаззатланиб тановул қилди. Учта кулчани паққос тушириб, тўртинчисига қўл чўзди-ю, иккиланиб қолди; қопчиқни кўтариб салмоқлаб кўрди. «Икки ҳафтага етади», – деди овоз чиқариб ўзига ўзи. Кулчаларни нарироқ суриб, кўшиб кўйди: «Балки, уч ҳафтага ҳам етар».

Кейин яна қўлкопини кийиб, қулоқчинини тушириб, милтиқни елкасига осиб, қирғоқ юқорисидаги постига қараб кетди. Бировга кўринмайдиган панага ўтиб, атрофни кўздан кечирди. Баданига совуқ ўтмагунча бир неча дақиқа қимир этмай ўтирди; сўнг милтиқни тиззасига кўйиб кафтларини бир-бирига ишқаб қизитган бўлди. Санчикли оғриқларга оёқлар дош беролмай қолди. Энди қирғоқдан йироқлашиб дарахтлар орасида у ёқдан-бу ёққа бориб кела бошлади. Бироқ тентирашлар узоққа чўзилмади. Ҳар беш-ўн дақиқа орасида Моргансон қирғоқ лабига келиб, диққат-ла разм сола бошладики, йўл одам қораси кўриниши учун унинг биргина нигоҳи кифоя қиларди, гўё. Қанчалик бениҳоя туюлмасин, қискагина кун тун билан алмашарди. Йўл эса ўша-ўша хилватлигича қоларди.

Кундузи пойлоқчилик осон ўтди. Хаво илиқлашиб, қор ёғди. Қилт этган шабада ҳам йўқ. Майда-майда юлдузчалар пардек ерга кўнарди. Моргансон бошини тиззалари орасига олди ва бутун вужуди қулоққа айланди. На итларнинг ақиллаши, на чаналар ғичир-ғичири, на уларнинг ҳайдовчилари ҳайкириғи сукунатга даҳл қилди.

Ғира-ширада Моргансон чодирига қайтди. Ўтин майда-лаб, иккита кулчани туширди-ю, кўрпа тагига кириб кетди. Туни билан инқиллаб, алаҳсираб чиқди. Ярим кечаси туриб яна битта кулчанинг умрига зомин бўлди.

Кундан-кун совуқ забтига олди. Гарчи Моргансон босиб-босиб игнабарг дамламасидан ичса-да, эндиликда тўрт дона кулча билан бўш қоп тик турмасди. Кунлик тановулдаги кулчаларни олтига кўпайтиришга тўғри келди – учтаси саҳарликда, учтаси кечликда. Кундузи бир тишлам ҳам нон тишламасди. Суюк, лекин асл чой билан чекланарди. Орада зангилага қарши игнабарг дамламасидан ичиб турди. Кунлар шу тарзда қувлашмачоқ ўйинини давом эттирди. Моргансон ўзини нонни каттароқ яшашга уринаётгандай ҳис қила бошлади. Ўзи билан бўлган шафқатсиз жангдан сўнг аввалги миқдорга қайтди.

Бешинчи куни йўл жонланди. Жануб томонда қора нуқта кўзга ташланди ва борган сари катталашаверди. Моргансон хушёр тортиди. Милтиқни шай холатга келтиришга тушди: дўлидан ўқни олиб, ўрнига янгисини жойлади. Тепкини сақлагичга тушириб, қўлқопни тортиб қўйди. Қора нуқта яқинлашавергач, маълум бўлдики, у юксиз экан, на ити, на чанаси кўринарди. Моргансон тараддудланиб қолди. Тепкини кўтарди ва яна сақлагичга туширди. Кимса ҳинду бўлиб чиқди. Моргансон хафсаласи пир бўлиб, милтиқни тиззасига қўйди. Ҳинду ёнгинасидан ўтиб кетди ва Минто томонга, дарахтлар орасига ғойиб бўлди.

Моргансоннинг хаёлига ялт этиб бир фикр келиб қолди. Дарахт шоҳлари ерга тегай-тегай деб турган жойга ўтди. Йўғон шоҳларни болта билан йўниб, тиргак учун иккита чуқур кертик ясади. Кейин милтиқни тиргакка қўйиб, йўлни кузата бошлади. Йўлнинг бир қисми унинг нишони остида эди. Моргансон милтиқни нариги

тиргакка жойлади; бу вазиятда у ўрмон дўнглигигача бўлган сайхонликни нишони остида кузата оларди.

Моргансон сира пастга тушмасди. Йўлда кетаётган кишининг хаёлига ҳам келмасдики, тепада, қирғоқ юқорисида аллаким беркиниб олган. Оппоқ қор кўрпаси хали бокира эди. Чана излари ҳеч ерда йўлдан четга чиқмаганди.

Тунлар узайиб, Моргансоннинг кундузги навбатчиликлари қисқарди. Бир сафар кечаси кўнғироқчаларини жаранглатиб йўлдан чаналар ўтиб қолди. Моргансон бу черков жоми монанд садоларга қулоқ берганча, минг ўкинч билан нон чайнаб ўтирди. Содир бўлаётганларнинг бари унинг истак-хоҳишларининг чаппаси эди, гўё. Изгириннинг дўзахий азобларига дош бериб ўн кун сабот-ла йўлдан кўзини узмади. Бироқ барчаси зое кетди. Фақатгина бир хинду ўтиб кетди, холос. Энди эса, кечаси, пойлаш зарур бўлмаган паллада одамлар, итлар, чаналар югуриб ўтишмоқда ва улар жануб томон, денгиз, серқуёш ўлкалар, тамаддун ўчоғи томон йўл олишган.

Пистирмада кўзлари тўрт бўлиб кутганча чаналар борасида шу хаёлларга борарди. Чаналарда ҳаёт деб аталмиш неъмат бор эди, унга аталган неъмат. Унинг вужудидаги ҳаёт сўниб бораётибди. Гоҳида чодирга ташриф буюрган ўлим аскарларини қувиб солмоқда. Чалақурсоқликдан мажолсизланиб борар, сафарни давом эттиролмасди. Кўпдан бери кутаётган чаналарда унинг тириклик шамига аланга бериши мумкин бўлган егулик бор эди. Чаналарда яна муллажиринг ҳам бўлиб эдики, улар денгиз, қуёш, тараққиётни ваъда қиларди. Денгиз, қуёш, тараққиёт – булар ҳаммаси тирикликнинг манбаи. Бу фикр унга тинчлик бермай қўйди ва аста-секин ўзини ҳаётбахш неъматлар ортилган чаналарнинг хўжайинидай ҳис эта бошлади.

Ун ҳам охирлаб қолди. Моргансон аввалги меъёрга ўтди – эрталаб иккита, кечқурун иккита кулча. Бирок энди мадорсизлик кучайди, изғирин-да чимдиб-чимдиб оларди. Шунга қарамай, Моргансон кун-бакун йўлни, ҳамонки қасдма-қасдига хувиллаб жонсиз ҳолатда қолаётган йўлни кузатишда давом этди. Ҳадемай зангила кейинги босқичга ўтди: оғриқ энди товонгача борди. Тунлари узоқ муддат кўзларига уйқу келмасди. Оғриқ тиззаларига ўтганда бутун бадани азият чека бошлади.

Аямажиз бирдан теварак-жавонибни исканжага олди – ҳаво қирқ, эллик, олтмиш даража нолдан пастга тушиб кетди. Гарчи Моргансонда термометр бўлмаса-да, бу ўлкаларда муқим яшовчилар каби у ҳам ҳаво ҳароратини теваракдаги аломатларга қараб аниқлай оларди – сувни қорга сепганингда норози вишиллашидан, изғириннинг бутун баданингга ниш санчишидан ёхуд иланг-биланг ўрлаётган ҳовурнинг шитоб-ла музга айланишидан, баъзан қиров сингари чодирнинг дағал матодан тикилган деворларига инишидан. Қирғоқ юқорисидаги пойлоқчилигини ташламай у аёз билан бесамар олишарди. Совуқ унинг вужудига қилич тишларини ботириб олаётганди. Бурни ва ёноқлари совуқдан қорайиб кетди, сўл панжаси бошмалдоғининг биринчи бўғмидан воз кечавериш лозимлигини қўлқопни ечмаёқ тушуниб етди.

Айни аёз уни чодирга ҳайдаб киргизган кунлари йўл мазаҳ қилаётгандай жонланди. Биринчи кун учта, иккинчи кун иккита чана қорни ғарчиллатиб ўтиб кетди. Мана, икки кун мобайнида у пойлоқчиликка чиққан эса-да, совуқ билан жангда енгилганди. Икки сафар ҳам чодирга кириб кетгандан сўнг ярим соатлар чамаси вақт ўтиб чаналар йўлни жонлантирганди.

Шундан кейин аёзнинг попуги ҳийла пасайди. Лекин аҳвол ўша-ўша ўзгаришсиз эди. Нақ бир ҳафта кўриқчилик қилган Моргансоннинг кўзи бирон мавжу-

дотга тушмади. Моргансон кунлик тановулини тагин иккита кулчага камайтирди. Гоҳида бу сезилмасди ҳам. Туриб-туриб ҳалигача нафас олаётганидан ажибсинарди. Бани башарнинг шунчалар заҳмату азобларга дош бериши мумкинлигини тасаввурига сиғдирилмасди.

Йўлда яна тириклик нишонлари пайдо бўлганда уларни ишғол этиш Моргансоннинг кўлидан келмасди. Йигирма кишидан иборат шимоли-ғарб полиция отряди каналарда, итларини акиллашиб ўтиб кетишди. Моргансон тарашадай тиришиб сассиз ўтирар, азаматлар эса йўл четида яшириниб олган, ҳаёт шами ниҳояланаётган одамнуса хатардан беҳабар эдилар.

Моргансон совуқ олган бошмалдоғидан ҳавотирланарди. Қўлқопини ечиб кўлини қўлтиғига тикиб олиш одат тусига кирди. Йўлда почтачи кўринди. Моргансон уни ўтказиб юборди: почтачи анчайин таниқли шахс, ғойиб бўлганини билишса, Моргансонни дарров қўлга туширишади.

Охирги ун-урпоқ сарфлаб бўлинган кун чор атрофга ёйилган ва уадаси чиққан оппоқ кўрпа устига момиккина янгиси тўшалди. Қор ёғаётган палла хаво илийди. Моргансон қимир этмай қирғоқ тепасида мисоли ўлжасини пойлаётган ўргимчакдек оч-наҳор ва сабот билан саккиз соат вақтини ўлдирди. Аммо ўлжадан дарак бўлмади. Кулбаи вайронасига қандай етиб олганини ҳам билмай, игнабарг дамламасидан бир-икки хўплади-да, қийшайиб қолди.

Эртасига тақдир унга мурувват кўрсатди. Тонг саҳар кулбадан чикибоқ тўрт юз ярд нарида юрган буғуга кўзи тушди. Моргансон илкис томирларида кон тезоблик билан югургилаётганини ҳис этди. Кейин эса вужудини тушуниксиз мадорсизлик эгаллади, томоғи қақраб кетди. Ўзига келиб олиш учун бир зумга қорга ётиб олди. Кейин милтиқни тўғрилаб, аста мўлжалга олди. Би-

ринчи ўқ нишонга тегди, бунга ишончи комил. Бирок буғу юқорига, тепалик томон чопиб кетди. Моргансон дарғазаб бўлиб дарахтлар орасида лип-лип кўзга ташланаётган хайвоннинг ортидан кетма-кет ўқ узаверди. Бу ҳол токи у ҳаёт-мамоти учун зарур бўлган ўқларни хавога учираётганини англамагунча давом этди.

Зимдан кузата бошлади. Буғунинг йўналишини белгилаётиб, ўрмон ичидаги ялангликда қулаб ётган қарағайни пайқаб қолди. Хаёлан «қочок»нинг йўналиш чизиғини тортаётиб, буғу айнан шу қарағайнинг ён-веридан ўтади, деган тўхтама келди. Яна битта ўқнинг баҳридан ўтса ўтибди-да. Қалтироқ қўллари билан милтиқни маҳкамроқ сиқиб, қарағай узра бўшлиқни нишонга олди. Буғу олд оёқларни кўтариб сакраган кез Моргансон варанглатиб ўқ узди. Буғу ҳаводаёқ жонсизланиб, қорға қулади.

Моргансон тепалик томон отилди, тўғрироғи, отилмоқчи бўлди. Кўзини очганда хушидан кетганини тушунди. Минг азоб билан ўрнидан турди, секин-секин одимлай кетди. Вақти-вақти билан нафасини ростлаб, бироз ўзига келиш учун тўхтади. Ниҳоят, оёғи осмондан бўлиб ётган қарағайгача аранг судралиб етиб келди. Унинг ёнида буғу жонсиз ётарди. Моргансон жасад устига оғир чўкди ва бутун бошли кўшинни ер тишлатган баҳодирдай оғзини йиғиштиролмади қолди.

Асабий кулгусини босиб, ов пичоғини чиқарди ва дарҳол ишга киришди. У буғунинг терисини шилиб ўтирмади, тери-периси билан тўрт бўлак қилиб нимталади. Бу нақ Клондайк ўлкасини тўйдирадиган бир дунё гўшт эди.

Гўштни бир ёкли қилгач, юз қадоқ вазнли бўлагини танлаб олиб, чодир томон судраб кетмоқчи бўлди. Аммо бу юкни ўзига бўйсундиролмади. Шунда йигирма қадоқлигини танлаб олди-да, тўхтамасдан чодирга

судраб олиб келди. Бир парча гўштни қовуриб, нафсини қондирди. Кейин эса беихтиёр оёқлари ўзининг постига бошлаб кетди. Қорда янги излар пайдо бўлибди: буғу билан андармонлигида чаналар ўтган кўринади.

Лекин у аъза тутиб ўтирмади. Чаналар аввалроқ ўтиб кетмаганидан хурсанд эди: буғу режаларини ўзгартириб юборди. Бир қадок гўшт эллик цент туради, Минтоғача эса уч чақиримдан зиёдроқ йўлни босиб ўтиши керак. Энди ноз-неъматлар ортилган чаналарни кутиб ўтиришга ҳожат йўқ: буғу уларнинг ўрнини боса олади. У гўштни сотиб, Минтоғда бир нечта ит, егулик ва тамаки харид қилади ҳамда итлар уни жанубга – денгиз, серкуёш ўлкалар, тамаддун ўчоғи томон олиб кетади.

Ошқозони боз сурнай чала бошлади. Муттасил давом этаётган золим очлик чидаб бўлмас майлга айланди. Қўналғасига етиб келди-ю, бир бўлак гўштни қовуриб, паққос туширди, кейин қурукшаган шамадан тўлдириб, нақ икки марта мундштук бурқситди ва яна бир парча гўштнинг бошини еди. Сўнг ўзида ғайриоддий кучқувват тошқинини ҳис қилди. Ташқарига чиқиб шохшабба йиғиб келди. Шундан кейин яна гўшт бўлагидан баҳраманд бўлди. Гўшт иштаҳасини қитиқлар, энди уни қондириб бўлмасди. Моргансон ўзини тия олмас – дамбадам гўштга қўл узатарди. Кичикроқ бўлак кесмоқчи бўларди, лекин қўллари ўзига бўйсунмасди.

Кундузи унинг миясига йиртқич ҳайвонлар озуқа захирасини ғажиб ташлайдилар, деган ўй келиб қолди-ю, болта ва арқонни олиб, тепалик томон одимлади. Гўштни яшириш учун ўра кавлашга мадори етмасди; бунга нақ бир кун кетади. Бир қанча дарахт ғўлаларини жипс боғлаб, баландгина тахтасупа ясади. Кўзлагани кўнглидагидек чиқмаган эса-да, бундан ортиғи қўлидан келмасди. Гўштни юқорига кўтариш учун ўлардек зўриқиш зарур эди. Шу ерда Моргансон ҳийла ишлатди:

арқонни дарахтнинг баланд шоҳидан ошириб ирғитди-да, бир томонига зарворли гўшт бўлагини боғлаб, нариги учидан бор вазнини ташлаб, юқорига тортди.

Чодирга қайтиб, Моргансон ўзининг ёлғизликдаги базми жамшидини давом эттирди. Ҳамтовоқларга муҳтожлик сезмасди: ўзию ошқозони – бор-йўқ улфатлар шугина. У гўштни бўлаклаб, қадоклаб еб битирарди. Аччиққина қилиб чой дамлади. Бу сўнгги қуруқ чой эди. Ҳечқиси йўқ, эртага Минтодан сотиб олаверади. Сўнгги шамани ҳам чекиб тугатди. Нима бўпти! Эртага кўлида асл тамаки бўлади. Охирида бир парча гўштни тановул қилиб, ухлашга ётди. У шунчалар кўп гўшт едики, гўё қорни ёрилиб кетаётгандай эди. Аммо барибир устидаги адёлни ирғитиб ташлаб, яна кавшанишга тушди.

Эрталаб уйғониш Моргансон учун дўзах азобига тенглашди: уйқуси ўлимдек қаттиқ эди. Қулоғига тушуниксиз товушлар эшитилди. Қаердалигини бир зумга унутиб, товадаги гўшт бурдаларига кўзи тушмагунча аланглайверди. Яна тушуниксиз товушлар қулоғига чалингандагина барчасига тушунди; бўралаб сўкинганча ўрнидан турди. Дармонсизликдан оёқлари чалишиб кетди. Оғриқ зўридан букчайиб қолди. Кескин ҳаракат қилмасликка тиришиб чодирдан чиқди.

Гўшт қолдирилган тепаликдан ора-чора увиллаш узиб турган бўриларнинг ириллаб ғажишаётгани қулоққа чалинди. Оғриқни ҳам писанд қилмай, Моргансон қадамини жадаллатди ва таҳдидли ҳай-ҳайлаб бақирди. Бўрилар кўздан йўқолди, улар бир гала экан. Тахтасупа қорда оёғи осмондан бўлиб ётарди. Йиртқичлар гўштни паққос туширганларидан ва эгасига чайнаб-ғажиб ташланган сарқитларнигина қолдирганларидан ўзларида йўқ шод бўлишса кераг-ов.

Моргансон фалокат қандай юз берганинин тахмин қилди. Бўрилар гўшт исини олишган. Улардан бири

тахтасупага ўзини отган. Моргансон бу сўйлоқтишлар шунчалик баландга сакрай олишини хаёлига ҳам келтирмаганди. Бўрилар бирин-кетин сакрайверишган ва натижада шундоғам омонат турган тахтасупа қулаб тушган.

Шуларни тасаввуридан ўтказган Моргансоннинг нигоҳи бир онга қахрли тус олди; кейин яна сабр-бардош ифодаси юзага калқди. Қиртишлаб тозаланган ва ғажиб ташланган суякларни бир ерга тўплай бошлади: ҳар тугул илиги бор-ку. Қорда тимирскиланиб, қоринлари қаппайгач бўрилар менсимай қолдириб кетган озрок гўшти топиб олди.

Тушгача қолган-қутган сарқит суякларни чодирга ташиди. Чодирда ҳам тунов куни олиб келган гўштан ўн қадокча қолганди. Озиқ-овқат заҳирасига назар ташлаб, ўзича: «Икки-уч ҳафтага етади», – деб қўйди.

Моргансон очлик водийсида кун ўтказишга кўникиб қолди. Милтикни артиб-тозалаб, бор ўк-дорини санаб кўрди – етгита қолибди – ва ўзининг доимий постига борди. Тагин кун бўйи кимсасиз йўлга кўз тикиб, бесамар вақт ўтказди, наинки кун бўйи, балки бутун ҳафта мобайнида шу тарзда кунни кеч қилиб, ўзини овутиб юрди. Аксига олиб йўлда биронта тирик жон кўринмасди.

Гўшт уни оёққа турғизган бўлса-да, касаллик бутун вужудини сиқувга ола бошлаганди. Бундан кейин қурук суякнинг ўзидан қайнатма шўрва тайёрлаб, тирикчилик қилишни ўрганиб олди. Суякларни янчиб, яна ва яна қайнатаверди. Айниқса, гўштли қайнатма кор қилди. Ўша, буғуни отган кундан буён анча-мунча эт олди.

Кейинги ҳафта Моргансоннинг ҳаётида янги ташвиш туғилди: бугун қандай сана эканлигини билгиси келиб қолди. Бу ўй хирапашшадай миясига ўрнашиб олди. У ўйлай-ўйлай, ҳисоблай-ҳисоблай ҳар сафар ҳисобдан адашиб кетаверди. Шу ўй билан уйғонар, уззукун шу ўй миясини пармалар ва кечаси ҳам шу ўй билан уйқуга ке-

тарди. Баъзида тунлари мижжа қоқмай тонг орттирарди. Аслида бу унчалик аҳамиятга эга бўлмаса-да, Моргансоннинг очликдек, яшашга бўлган иштиёқдек хавотири алангаланаверди. Охир-оқибат, ўз кучини кўрсатди ҳам. Моргансон шаҳарга тушишга жазм қилди.

Минтога кириб келганда кора тун ўз пардасини тортиб улгурганди. Лекин бу ҳам унинг фойдасига: коронғуда биров таниб қолмайди. Қайтишда эса ой йўлини ёритиб туради. Хув, ўша кунги қовоқхона эшигини очиб тўғри кираверди. Ичкарида атиги бир неча дона шам ёғду сочиб турса-да, хонадаги ёруғлик кўзини қамаштириб юборди. Моргансон ҳаддан ташқари узоқ муддат зим-зиё кўналғада яшаганди. Ниҳоят, кўзлари ёруғликка кўнғач, печь атрофида ўтирган уч эркакка кўзи тушди ва ўша ондаёқ ҳаммасига тушунди: учовлон чанада саёҳатга чиқишган, фақат бошқа тарафдан келишган. Эртага чодир ёнидан ўтишлари турган гап.

Хайрон бўлган қовоқхона соҳиби ҳуштак чалиб юборди.

– Аллақачон мурдага айлангансан, деб ўйловдим.

– Нечук?

Моргансон гапиришни унутиб қўйганди. Ҳозир ҳам ўзининг овози бегона ва ҳирилдоқ туюлди.

– Икки ойдан зиёдроқ сендан бирон хат-хабар бўлмади, – тушунтирди қовоқхоначи. – Бу ердан жануб томон йўл солдинг-у, Селкеркка етиб бормадинг. Қаёқларда қолиб кетдинг, ўзи?

– Пароход компанияси учун ёғоч кесиб юрдим, – Моргансон тўқиган ёлғонига ўзи ҳам ишонқирамади.

У хануз овозини бўйсундиролмай ҳалак эди. Пештахтага яқинлашиб, тирсаги билан суянди. Обдан ўйлаб, кейин алдаш лозимлигини жуда яхши тушунарди; зоҳиран совуққон ва бепарво кўринса-да, юраги така-пука бўлар, ичида довул қўпган эди. Анов уч оғайнига еб қўйгудек

карашдан ўзини тиёлмади. Ахир, улар ҳаёт деб аталмиш неъматнинг соҳиблари.

– Жин урсин сени, қай гўрга йўқолдинг? – сўроқни давом эттирди қовоқхона хожаси.

– Нариги соҳилда эдим. Ўзиям бир дунё ўтин кесдим. Хожа тушунгансимон бош силкиб, кулиб қўйди.

– Ўша томонларда дарахт кесишяпти, деб эшитгандим. Демак, ўша сен экансан-да. Хўш, бирон нима ичасанми?

Моргансон иккала қўли билан пештахтага чиппа ёпишди. Ичасанми, дейди-я! Моргансон сал қолса бу ҳалоскорнинг оёқларини ялашгача борарди. У бир оғиз калом айтишга чоғланди, аммо хожа унинг ройишини кутиб ўтирмай шиша узатди.

– Нима еб тирикчилик қилдинг? Назаримда, хатто новда кесадиган аҳволда эмассан. Кўринишинг ҳам ҳавас қилгулик эмас, оғайни.

Моргансон ташналик билан ўзига муштоқ қилган шишага қўл чўзиб, култ этиб ютиниб олди.

– Зангилага йўлиқишимдан аввал ўрмон кесишни бошлагандим. Ундан ташқари буғу овладим. Ана шунақа, яшашим чакки эмас. Фақат зангила бошга битган бало бўлди. – Стаканни тўлдириб, илова қилди: – Игнабарг дамламасидан ичиб турибман. Анча наф қилди.

– Қуй яна, – манзират қилди қовоқхоначи.

Оч қоринга ичилган икки стакан виски заиф танада шу заҳоти ўз кучини кўрсатди. Моргансон хушига келганда печь ёнидаги яшиқда ўтирибди экан. Орадан бир аср ўтиб кетгандай туюлди. Дароз, қорасоқол, яғриндор киши қовоқхоначи билан ҳисоб-китоб қилди. Моргансоннинг кўз ўнгини туман қоплаган бўлса-да, қорасоқол калингина пул дастасидан биттасини ажратиб олганини кўрди. Туман бир зумга тарқади. Бу юз долларлик пуллар

эди. Ҳаёт! Унинг ҳаёти! У пулларга чанг солиб, қоронғу бурчакка отилишдек енгиб бўлмас истакни туйди.

Қорасоқол кўзғалди: ортидан жўраларидан бири ҳам ўрнидан турди.

– Кетдик, Ольсон, – деди қорасоқол норғул, қизилюз, малладан келган учинчи йўлдошларига.

Ольсон эснаб, керишганча ўрнидан кўзғалди.

– Нима, дарров ётмоқчимисизлар? – деди ранжиган-симон қовоқхоначи. – Ҳали эрта-ку.

– Эртага Селкеркда бўлишимиз лозим.

– Рождествонинг биринчи кунидая!

– Кундузи йўл юриш хийла осонроқ.

Учовлон чиқиб кетишди. Ана шундагина Моргансоннинг онгига уларнинг сўзлари етиб борди. Мана бугун қандай кун экан – Рождество арафаси! Айни шуни билиш учун Минтога қадам қўймаганмиди, ахир. Лекин ҳозир барчасини уч сиймою юз долларлик бир даста пул босиб кетди.

Эшик қарсиллаб ёпилди.

– Бу Жон Томсон, – деди хожа. – У Олтингургурт сойида ва Бонанзада икки миллионлик олтин қазиб олган. Пуллар унга шундоқ ҳам оқиб келаверади. Энди ётсам бўлаверади. Балки, яна пича отволарсан?

Моргансон бош чайқади.

– Байрам учун, – оёқ тираб олди қовоқхоначи. – Ташвиш тортма. Ўтинларни сотиб бўлган захотинг тўлайверасан.

Моргансон мастлигини ошкор этмай хайрлашиб, йўлга чиқишга ўзида ирода топа билди. Ойдин кеча. У кумуш сукунат ичра юз долларлик даста пулга эврилган тириклик ва ҳаёт хаёлотида юриб борди.

Моргансон уйғониб кетди. Ҳали тун қора пардасини йиғиштирмабди. У эгни-бошини ечмаёқ қотиб қолган экан. Дик этиб ўрнидан туриб, олов ёқиб, сув қайнатди.

Декчага қарағай игнабаргидан сепаетиб субҳнинг илк оқиштоб шуълаларини пайқади-ю, милтиғини олиб, кирғоқ томон шошди. Пистирмага ўрнашиб олгандагина шифобахш дамламасидан ичмагани эсига тушди. Хаёлига, Жон Томсон Рождествонинг биринчи кунда йўлга чиқса керак, деган ўй келди.

Тонг отди. Ҳаво совуқ ва очиқ. Моргансон, аёз олтимиш даражадан паст бўлмаса керак, деб тахмин қилди. Оғир кутб сукунатини сассизгина эпкин ҳам бузишга журъат этгани йўқ. Туйкус Моргансон қаддини ростлади. Солқиган оёқларини оғриқ хиппа бўғди. Йирокдан аллакимларнинг хайқириғи, итларнинг акиллаши эшитилар-эшитилмас яқинлашарди. Моргансон қўлларини бели-биқини аралаш ура бошлади. Олтимиш даража совуқда тепкини босиш учун қўлқопни ечишнинг ўзи бўладими?

* * *

Улар ўрмон дўнглиги ортида кўринди. Олдинда Моргансон исмини билмайдигани. Ортидан чанага қўшилган саккизта ит. Жон Томсон ёнбошда таёқ кўмагида уларни йўлга солиб келмоқда. Энг охирида швед Ольсон. «Хушрўй барзанги», деб ўйлади Моргансон нигоҳлари бу девқоматнинг эғни-бошида сирпанар экан. Одамлар ва итлар қораси оқ гиламда аниқ-тиниқ намоён бўларкан. Улар сурат сингари ясси кўринар, турнакатор ҳаракатланишарди. Моргансон курулни тиргакка қўйиб, отишга чоғланган замон бармоқлари увишиб қолганини сезди. Одамлар ва итлар борган сари яқин келаверди. Паға-паға буғ уларнинг оғзидан чиқаётган ҳовур эканлигини кўрди. Олдиндаги эллик ярдга яқинлашганда Моргансон кўрсаткич бармоғини тепкига қўйди. Гумбурлаган товуш янгради; олдиндаги сулайиб, оёғи осмондан бўлди.

Моргансон ҳовлиқиб, Жон Томсонни нишонга олди. Бироқ ўқ ҳато кетди. Жон гандираклаб, чанага минди. Моргансон нишонни юқорироқ олиб, яна ўқ узди. Жон Томсон чалқанчасига ағанади.

Моргансон бор диққат-эътиборини Ольсонга қаратди. Ольсон Минто томон жидду жаҳд-ла югурарди. Итлар эса кўндалангига узала тушиб ётган ўлик ёнига келиб тўхташди. Моргансоннинг ўқи яна ҳато кетди; Ольсон кескин бурилиб, дам чапга, дам ўнга ташланарди. Моргансон унинг ортидан иккита ўқни пайдар-пай қўйиб юборди. Тегмади. Тепкини таваккал босмоқчи бўлди, лекин ўзини қўлга олди. Атиги бир дона ўқ қолибди. Бу сафар янглишишга ҳаққи йўқ.

Моргансон зўр диққат билан қочокни кузатарди. У олға силжиётган Ольсонга милтиғи милини тўғрилади. Бармоғи увишиб қолибди, тепкини сезмади.

– Тангрим, ўзинг мадад бер! – нидо қилди ва тепкини босди.

Ольсон юзтубан йиқилди, заранг йўлда бир неча марта ўмбалоқ ошди. Қўллари ёрдамида туришга чиранди, бироздан кейин қимирламай қолди.

Моргансон қуролни ташлади (сўнги ўқ сарфлаб бўлингач, нимагаям ярарди) ва юмшоқ қор устида пастга тайғониб тушди. Иш битди, яширинишнинг зарурати йўқ. У оқсаб-тўксаб, ёвузларча қўлларини мушт тугиб чаналарига отилди.

Бироқ итларнинг ириллаши уни жойига михлади. Эшакдай йўлбошчи ит хурпайиб, Моргансонга тишларини иржайтирганча йўлда кўндаланг ётган жасад устида бўй кўрсатди. Қолган еттитаси ҳам хурпайиб ириллашарди. Моргансон чанага бир қадам яқинлашишга уринмоқчи эди, бутун тўда унга ташланди. Дам таҳдид, дам навозиш билан итларни тинчлантирмоқчи бўлди.

Йўлбошчининг оёқлари орасида ўликнинг паға юзига кўзи тушиб, тириклик нишонаси аёзга осонгина жой бўшатганига танг қотди. Жон Томсоннинг танаси чанадаги юклар устида, боши эса лаш-лушлар орасида кийшайиб ётарди. Моргансон фақат диккайиб қолган қора соколни кўра олди, холос.

Бу иблис малайлари яқин йўлатмаслигига амин бўлгач, Моргансон қалин қор кечиб чаналарни айланиб ўтмоқчи бўлди. Йўлбошчи унга ташланди, бутун тўда ҳам шатак қайишга ўралашиб, раҳнамолари кетидан сапчишди. Оқсоқ оёқлари Моргансонга жадалроқ ҳаракатланишга имкон бермасди. Итлар ўраб олаётганини кўриб чекинмоқчи эди, йўлбошчи ит бир хамла билан оёғига тишларни ботирди. Болдирини тишлаб узиб олай деса-да, барибир қутулиб кета олди.

У итларга ҳақоратлар ёзғирди, аммо ювошлантиролмади. Бутун тўда ириллаб, унга ташланишга интиларди. Шу чоқ Моргансон лоп этиб Ольсонни эслаб қолди. Қайрилиб, йўл бўйлаб кета бошлади. Ғажиб ташланган оёғи парвойига ҳам келмади. Ярадан қон шариллаб оқарди – қон томири жароҳатланибди, лекин ўзининг бундан хабари йўқ.

Ҳаммасидан кўра Моргансонни шведнинг докадек оқарган афти ажаблантирди. Кечагина лозордек кипкизил эди. Ҳозир эса мрамар каби оппоқ. Оқ-сарик сочлар ва киприклар мрамар ҳайкалга муштарақлик касб этмоқда. Бу одамни бир неча дақиқа илгари тирик юрганини тасаввур қилиш душвор эди. Моргансон жасадни тинтишга тушди. На пул чандилган белбоғ, на олтин тўла халта топилди. Парканинг²⁷ кўкрак чўнтагида чоғроқ кармон қаппайиб турибди. Ичидаги борини титкилаб кўрди – ажнабий муҳрли ва маркали мактуб, бир қанча қвитанция, қандайдир ҳисоб-китоблар, маълумот-

²⁷ Парка – шимолий халқларнинг қишлоқ мўйнали кийими.

номалар, саккиз юз долларга аккредитив... Бор-йўғи шу. Пулдан асар ҳам йўқ.

Моргансон чаналарга қайтиб бормоқчи бўлди-ю, бироқ ўрнидан жилолмади: оёғи музлаб ерга ёпишиб қолибди. Пастга қараганди, қотиб қолган қизил кўлмақда турганини кўрди; дабдаласи чиққан поча ва мўкасиндан қизил муз қатлами ўсиб чиққанди. Бир силташ билан бу алвон муз кишандан халос бўлди ва чаналар томон ошиқди. Бахайбат йўлбошчи ириллаб, олдинга талпинар, бутун тўда унга таклид қиларди.

Моргансон ночорликдан ўкириб юборди. Бу гўё қалтис ҳазилга ўхшарди. Қаттол ёздиғ унинг устидан мағзава тўкиб юборганди, гўё. Ҳатто Жон Томсон ҳам соқолини хилпиллатиб, унинг устидан кулаётир.

Ақлдан озган Моргансон чаналар теграсида тентирарди. Гоҳ ўкиниб, гоҳ хўнграб чаналардаги ҳаёт неъматларини итлардан ялиниб-ёлвориб сўрарди. Кейин тинчиб қолди. Қандай аҳмоқгарчилик! Чодирга бориб болтани олиб келади ва итларнинг бошини мажағлаб ташлайди. Ҳали кўрсатиб қўяди бу итдан таркаганларга!

Чодирга бориш учун қутурган итларни узоқдан айланиб ўтиш лозим эди. Моргансон юмшоқ қорда юра бошлади-ю, боши айланиб, таққа тўхтади. Агар яна бир қадам кўйса, йиқилишидан кўрқди. Шу важдан оёқлари қалт-қалт титраб, узоқ туриб қолди. Пастга кўз ташлади – оёғи ости қирмизи гилам тус олибди. Ярасидан қон оқиши тўхтамаганди. Ит шунчалик чуқур тишлайди деб ким ўйлабди, дейсиз!

Бош айланиши ўтиб кетгач, жароҳатини текширмоқ учун энгашди. Оппоқ қор унга ташлангудек туюлди ва у мушт егандай орқага тисланди. Ваҳима бутун вужудини эгаллаб олди – кулаб тушмаса гўрга эди! – у зўр бериб қаддини ростлади.

Милт-милт йилтиллаётган оппоқ қор қора ранга кирди. Ўзига келганда Моргансон қорда ётарди. Боши гангирамай қолган, кўз олдини қоплаган туман тарқалиб кетибди. Шундай эса-да, ўрнидан туrolмади: мажоли етмади. Жисми жонсиз эди. Минг машаққат-ла ёнига ағдарилди. Чана ва серрайиб ётган қорасоқол Жон Томсонни кўрди. Раҳнамо кўппак кўндаланг ётган эгасининг юзини ялаб-юлқарди. Моргансон қизиксиниб кузатаверди. Ит бетоқат бўларди. Ора-сира ўликни уйғотмоқчидай вовулларди. Ахийри, ўтириб, калласини кўкка чўзди-да, увиллади. Ортидан бутун гала мотам куйини бошлади.

Қорда узала тушиб ётган Моргансон ортиқ ҳеч балодан кўркмасди. У ўзининг ўлик танасини қай йўсинда топиб олишларини тасаввур қилди. Хўрлиги келиб кўзидан ёш оқди. Лекин ваҳима уни тарк этганди. Жанг тугади. Кўзини очмоқчи бўлди. Аммо музлаб қолган киприкларини бир-биридан ажратолмади. Қайтиб кўзини очишга уринмади. Энди барибир эмасми?! Жон таслим қилиш бунчалик осон кечади, деб ўйламаган экан. Азобукубатларга тўла шунча умрини кураш ва қийноқда ўтказганига ўзидан аччиқланди. Ўлимни рўқач қилиб, уни лақиллатишибди. Ўлим ҳеч нарса эмас экан. Барча тортган азоблари ўлим деб аталмиш неъматни бошлаб келди. Ҳаёт ўлимга тухмат қилди. Қандай бедодлик!

Кейин эса қахр-ғазаб чекинди. Энди, ҳақиқат аён бўлгач, ёлғон ва мунофиқлик аҳамиятсиз эди. Уни мудроқ енга бошлади, ором ва озодликни ваъда қилиб, ширингина уйқу ёпирилиб келди. Олислардан итларнинг улиши элас-элас қулоғига чалинди. Вужудини чирмаб олган аёз зиғирча-да оғриқ бермаяпти, деган ўй шууридан йилт этиб ўтди. Кейин онги хира тортди, ортидан киприкларидаги дур оралаб қабоқларини ёриб ўтаётган нур ҳам сўнди. Сўнгги оғир хўрсиниқ ила руҳи енгиллашиб, абадий уйқу салтанатига қадам қўйди.

ҒАРОЙИБ ЖУМБОҚ

Сейзер хоним Доусон уфқида ярк этиб кўринди-ю, ғойиб бўлди. У баҳорда итлар кўшилган чанада канадалик французлар билан келди. Қисқа бир ой ичида куёшдай чакнаб турди-ю, музлар эриши билан дарё ёқалаб жўнаб кетди. Аёллар жамияти етишмайдиган бутун Доусон унинг бундай ногаҳоний жўнаб қолишидан ажабланди, маҳаллий зодагонлар Номада олтин васвасаси пайдо бўлмагунча ва янги миш-миш эскисини ортда қолдирмагунча қайғуга ботди. Негаки Доусон Сейзер хонимни ҳайрат билан кучоқ очиб кутиб олганди. У ёқимтой, дилбар, бунинг устига, бева эди. Шунинг учун деярли барча Эльдорадо «кироллари», амалдорлар, саргузашт изловчи бадавлат кишилар – аёл киши қўйлаги шитирлашини қўмсаганларнинг барчаси дарҳол унинг атрофида гирдикапалак бўла бошлагандилар.

Тоғ инженерлари аёлнинг эри – мархум полковник Сейзерни хурмат билан эслашарди; саноат доираси вакиллари унинг ишбилармонлигини эхтиром ила тилга олишарди: ахир, у Америка тоғ саноатининг йирик қорчалонларидан бири ҳисобланарди. Дунёдаги барча аёллар ичида айнан унинг беваси бу ўлкаларга не мақсадда ташриф буюрди экан? Бу ғаройиб жумбоқ эди. Лекин Шимол одамлари мавҳумликни ёқтиришмайди, фақат бор ҳақиқатни тан олишади. Кўпчиликка эса Карен Сейзер ғоят муҳим ҳақиқат бўлиб туюлди. У ҳамма нарсага бошқача кўз билан қарар, адоқсиз кўлини сўраганларнинг таклифини узил-кесил рад қиларди. Мана, бирдан у ғойиб бўлди, унга қўшилиб ҳақиқат ҳам. Бу жумбоқ бўлиб қолди.

Шундай бўлса-да, «марҳаматли» Тасодиф бу жумбоққа калит топди. Сейзер хонимнинг охирги «қурбон»и Жек Кофрэн – у бевага юрагини ва Бонанзадаги беш юз

фут ерини таклиф қилганди – тун бўйи турли улфатлар орасида ковоқхоналарда тентираб юрарди. Бир куни кечаси у тасодифан Пьер Фонтэн билан тўқнаш келди. Бу Пьер Фонтэн деганлари Карен Сейзернинг катта йўл бошловчиси эди. Бир-бирини таниб қолиб ичиб ўтиришди, охир-оқибат, икковининг ҳам кайфи ошиб қолди.

– Нима? – тонгга яқин ғудранди Пьер Фонтэн. – Сейзер хоним бу томонларда нима мақсадда пайдо бўлди? Буни ўзидан сўранг. Ҳеч нима билмайман. Фақат хонимнинг бир одам ҳақида сўрайверишини биламан. «Пьер, – дейди. – Уни менга топиб берсангиз, сизга мўмайгина пул бераман, минг доллар. Фақат шу одамни топинг». Кимни дейсизми? Э, ҳа, унинг исми... нима эди-я... Дэвид Пэйн.

Ҳа, мсье, Дэвид Пэйн. Хонимнинг оғзида нукул шу исм. Мен уни ҳамон излаяпман. Итдек изғийман, аммо ундан дарак йўқ, жин урсин-е уни. Минг доллардан ҳам дарак йўқ.

Нима? Э, ҳа. Бир сафар Серклдан келишди. Уни танишар экан. У Қайинсойда, дейишди. Хонимми? Хоним айтдики: «Вон²⁸!» – шундан кейингина чехраси очилди. Кейин эса менга: «Пьер, итларни чанага қўшинг. Ҳозирок жўнаймиз. Агар уни топсак, сизга икки минг доллар бераман» – деди. Мен: «Ҳа, албатта! Allons, madame²⁹!» – дедим.

Ичимда эса: «Икки минг доллар ҳам чўнтагимда. Қандай ақлимман!» – деб ўйладим. Кейин Серклдан келган аллакимлар айтишдики: «Йўқ, Дэвид Пэйн яқинда Доусонга кетди». Шундай қилиб, хоним билан биз Серклга ҳам бормадик.

²⁸ *Von* – ажойиб (*фр.*).

²⁹ *Allons, madame* – жўнаймиз, хоним (*фр.*).

Ҳа, мсье. Шунда хоним менга: «Пьер, қайиқ сотиб олинг, – деди беш юз долларни узатганча. – Эртага дарё бўйлаб жўнаймиз».

– Ҳа, яхши, хоним, эртага дарё бўйлаб жўнаймиз, – дедим. Анов яшшамагур Ситка Чарли қайиқ учун мендан беш юзтани шилиб олди. Жин урсин уни.

Жек Кофрэн бу янгиликни ичида сақлаб туролмади ва эртаси куни бутун Доусон бу Дэвид Пэйн ким экан, Карен Сейзерга қандай алоқаси бор, деб ўйларди. Бирок ўша куниёқ Пьер Фонтэн айтганидек, Сейзер хоним канадалик ҳамроҳлари билан шарқий соҳил ёқалаб жўнади, Клондайт-сити йўналиши бўйлаб дарёни кесиб ўтдилар, қоятошларга урилиб кетмаслик учун сон-саноксиз оролчалар ичига беркинишди.

* * *

– Ҳа, хоним, бу худди ўша ер. Биринчи, иккинчи, учинчи ороллар Стюарт дарёсининг пастки қуйилишида. Мана бу учинчи орол.

Пьер Фонтэн чангак билан қирғоққа тиралганча қайиқни оқимга кўндаланг қўйди. Қайиқ тумшуғи билан қирғоқ тошларига урилди, канадаликлардан бири чакқон сакраб тушиб, қайиқни қирғоққа боғлади.

– Бир дақиқа, хоним, аввал атрофни кўздан кечирай-чи.

Фонтэн қоя ортига яширинди. Ўша томонда итларнинг ақиллагани эшитилди. Фонтэн дарҳол қайтиб келди.

– Ҳа, хоним, кулба бор экан. Қараб чиқдим. Уйда ҳеч ким йўқ. Лекин у узоққа кетмаган бўлиши керак — итларни олиб кетмабди-ку, тез орада қайтиб келади, ишонаверинг.

– Тушишимга ёрдамлашворинг, Пьер. Қайиғингизда қийналиб кетдим. Менга қулайроқ жой тайёрласангиз бўлмасмиди?

Карен Сейзер қайик ичидаги мўйнали «уя»сидан бо-
шини кўтариб қадини ростлади. Оддий ҳолатда ҳам у
нилуфардек нозик ва нафис кўринарди. Бу нозиклик эса
Пьерга узатган қўлида куч билан мос келмасди. Қайикдан
лип этиб сақраб тушиб, келишган оёқлари билан дадил
қадам ташлаганча, тикка қияликка кўтарилди. Бу нафис,
келишган аёлдан камдан-кам учрайдиган куч ва матонат
ёғилиб турарди.

У тепаликка осонгина чиқиб олган бўлса-да, ёноқлари
қизариб кетган, юрагининг дукурлаши тезлашган эди.
Кулбага қизиқиш билан яқинлашди, юзи янада ловуларди.

– Бунни қаранглар, – деди Пьер тахлаб қўйилган
ўтинларни кўрсатиб. – Ўтинлар яқиндагина майдалан-
ган, икки ёки уч кун аввал.

Сейзер хоним маъқуллаб бош силкиб қўйди. У дар-
чадан ичкарига назар ташламоқчи бўлди. Аммо дарча-
га ёпиштирилган мойқоғоз бунга имкон бермади. Кейин
эшикка яқинлашди. Ичкарига кириш ниятида оғир зул-
финни кўтармоқчи бўлди, бироқ бу фикридан қайтди.
Кейин ҳеч қутилмаганда бир тиззасини ерга қўйиб, та-
рашланган остонани ўпди. Агар Пьер бунни кўрганида
ҳам ўзини кўрмаганликка олар, бировга чурқ этмасди.
Жимгина трубкасини чекиб турган канадаликлардан
бири бошлиғининг қутилмаганда ўдағайлаганини эши-
тиб сапчиб тушди.

– Ҳой, Лэгуар! Юмшоқроқ жой тайёрла, – буюрди
Пьер. – Айиқ териси ва адёлни қалинроқ сол, жин урсин!

Талайгина мўйна ва адёлни қирғоқ бўйига олиб
келишди. Яхшигина жойлашиб олган Сейзер хоним
кута бошлади. Тирсагига суянганча узоқ-узоқларга
қаради. Қирғоқнинг нариги тарафидаги бу ерлардан
кўринмайдиган ўрмондан чиқаётган тутун тоғлар тепа-
сидаги кўкни қоплаб олганди. Бу парда орасидан куёш
нурлари аранг ерга тушарди. Қаёққа қарама – уфққача

қояли тоғлар, ёввойи муз саҳроси, арчалар билан тўлган орол. Бу ерда одам борлиги билинмас, атрофда тик этган товуш эшитилмасди. Бутун ўлкани қандайдир кўринмас куч кишанлагандек, бепоён кенгликлар сирли кўринар эди. Балки айнан мана шундан Сейзер хоним безовта бўла бошлади: тез-тез ҳолатини ўзгартирар, гоҳ осмонга, гоҳ ерга қарарди. Тахминан бир соатдан сўнг ҳаммага қирғоққа чиқиб тунаш учун жой қилишга руҳсат этилди, фақат Пьер бекасининг ёнида қолди.

Улар анча вақт жим ўтиришди.

– А-ҳа, ана у, – пичирлади Пьер дарё томонга синчковлик билан қараб.

Оқим бўйлаб каноэ сузиб келар, дам ўнг, дам чап бортдан эшкак кўринарди. Икки киши – каноэнинг куйруқ қисмида эркак, олд тарафида аёл бир маромда эшкак эшишарди. Сейзер хоним аёлга эътибор бермади, қирғоққа яқинлашишгач, аёлнинг ўзига хос латофатини кўрмасликнинг иложи йўқ эди. Гул солиб, буғу терисидан тикилган камзул унинг келишган қоматини янада ихчамроқ кўрсатар, чиройли қилиб ўралган ипак рўмол қалин қора сочларини ярмигача беркитганди. Бу аёлга бирров кўзи тушган Сейзер хоним ундан кўз узолмай, ҳайкалдек қотиб қолди. Чиройли шахло кўзлар қайрилма киприклар орасидан тўғрига диққат билан боқарди. Яноқ суяклари туртиб чиққан бўлса-да, юзлари лўппи эди. Ингичка лабларида ҳам қандайдир куч, ҳам нафислик билиниб турарди. Бу юз ниманидир эслатар, гўё асрлар ўтиб унда ажодлар қиёфаси жонланган эди. Аёлнинг ингичка тешикли қирғий бурни бу таассуротни янада кучайтирди. Бу ёввойилик нафақат аёлнинг юзида, балки бутун вужудида сезилиб турарди. Бу чин маънодаги кўркем фарб аёли эди. Ҳинду қабилалари йигирма авлоддан сўнг

бундай мукаммал гўзални дунёга келтирганларидан бахтиёр эдилар.

Эшкакчилар узун ва кучли силташлар билан қайиқни кескин буришиб, оқимга кўндаланг кўйишди ва қирғоққа келиб енгилгина тўхташди. Яна бир зумдан кейин қиялик четида турган аёл кўлида арқон ушлаганча эндигина ўлдирилган буғу гўштининг тўртдан бир қисмини тепага кўтариб чиқди. Кейин унга эркак ҳам кўшилиб, икковлон тез ва кучли силтов билан каноэни қияликка тортишди. Итлар ғингшиб, думларини ликиллатишар, аёл уларни эркалатиш учун эгилди. Шунда эркакнинг кўзи яқин жойда турган Сейзер хонимга тушди. У ишонмагандек кўзларини ишқалади ва яна қаради.

– Карен, – деб Сейзер хонимга яқинлашди ва кўлини узатди. – Аввалига кўзимга кўриняпсиз, депман. Бу йил баҳорда кўзим қордан тиниб оғриди. Шундан бери кўзим шунақа «ҳазил» қилиб туради.

Сейзер хонимнинг юзлари янада кизариб кетди, юрагини нимадир сикқандек бўлди. У ҳаммасига тайёр эди, фақат бу совуққина узатилган кўлга эмас. Шундай бўлса-да, ўзини кўлга олиб, эркакнинг кўлини қаттиқ сиқиб қўйди.

– Биласиз-ку, Дэйв, мен аллақачонлар келган бўлардим, лекин... лекин...

– Лекин мен чақирмадим, – кулиб қўйди Дэвид Пэйн кулбага яширинган ҳинду аёлининг орқасидан қараганча.

– Йўқ, тушунаман, Дэйв... сизнинг ўрнингизда мен ҳам шундай қилардим. Аммо кўриб турганингиздек, мен шу ердаман.

– Хўш, қани, ичкарига марҳамат. Кечлик қиламиз, – деди Пэйн унинг овозидаги ёлворишни сезмагандек. – Роса чарчагандирсиз? Қаёққа йўл олдингиз? Тепагами? Демак, кишни Доусонда ўтказибсиз-да? Ё яқинда келдингизми? Булар сизнинг одамларингизми? – деди у қирғоқ

яқинидаги гулхан атрофида тўпланган канадаликларга ишора қилиб. – Мен бу ерга ўтган йили қишда Серклдан келдим. Вақтинча. Хендерсон сойда ўралашиб юрибман; агар фойдаси бўлмаса, Стюарт дарёсидан омад излаб кўраман.

– Унча ўзгармабсиз? – деди Сейзер хоним суҳбатни шахсий мавзуга буриб.

– Бироз оздим, шекилли. Ўзингиз қалайсиз?

Сейзер хоним кифтини учуриб қўя қолди. Ғираширада ҳинду аёлга яхшилаб разм солишга ҳаракат қиларди. Ҳинду аёл эса аллақачон олов ёқиб, гўшт пишираётганди.

– Доусонда кўп бўлдингизми? – бош кўтармай сўради Дэвид. У ёш қайин гўласини рандалар эди.

– Бор-йўғи бир неча кун, ҳолос, – жавоб берди Сейзер хоним ҳинду аёлни кузатганча; у деярли саволни эшитмаганди. – Нима дедингиз? Доусондами? Бир ой. У ердан қочиб кутулганимдан бахтиёрман. Биласизми, Арктикада эркаклар кўпол, қолаверса, ҳис-туйғуларини кескин юзага чиқаришади.

– Гўрга яқинлашиб қолганингдан кейин бундай қилмасдан иложинг ҳам йўқ-да. Расм-русумларингни уйда қолдиришинг керак. Вақтида у ердан кетибсиз. Лекин бу ўлкаларни чивинлар пайдо бўлгунича тарк этишингиз керак. Ҳали уларга дуч келмадингиз, омадингиз бор экан.

– Эҳтимол. Ўзингиз ҳақингизда гапириб беринг. Ҳаётингиз қалай? Яқин-атрофда яна бирон кимса яшайдими? Ё ҳеч ким йўқми?

Бир вақтнинг ўзида у ясси тошда дағал қопдаги қаҳва доначаларини туяётган ҳинду аёлни ҳам кузатар эди. Ҳинду сабр ва чاقқонлик билан ибтидоий одамдек донни чакмоқтошнинг оғир бўлаги билан майдаларди. Дэ-

вид Пэйн меҳмоннинг бу кузатишини кўриб, лабларидан табассум сирғалиб ўтди.

– Кўшнилар ҳам бор эди, – деди у. – Миссуридан бир неча киши ва иккита корнуэллик. Лекин улар Эльдоратодаги бир олтин изловчига ёлланишди.

Сейзер хоним ўчоқ бошидаги аёлга ўйчан ва синчков назар ташлади.

– Фақат ҳиндулар бу ерда хоҳлаганча топилади, шундайми?

– Ҳаммалари аллақачон Доусонга кўчиб кетишган. Бу атрофда битта ҳам ҳинду қолмади. Фақат Винапи шу ерда. У коюкук қабиласидан. Улар тахминан дарёдан минг чақирим қуйида яшайдилар.

Кўққисдан Сейзер хонимнинг боши айланиб кетди. Албатта, юзидаги табассум ўчмади. Бироқ нигоҳи узоқларга қараганча ўйланиб қолди. Ёғоч деворлар гўё мастга ўхшаб рақсга тушарди. Шу пайт овқатга таклиф қилишди ва у аста ўзига кела бошлади. Сейзер хоним кам гапирарди — асосан табиат ва об-ҳаво ҳақида. Негаки Дэвид Пэйн дарёнинг қуйи томонларидаги кудуклар ва дарёнинг юқорисидаги қишки қазиш ишлари ўртасидаги фарқни узундан-узоқ тасвирлашга тушганди.

– Шимолга нима учун келдинг, деб сўрамаяпсиз?! – деди Сейзер хоним. – Албатта, буни ўзингиз ҳам биласиз. – Улар аллақачон овқатланиб бўлишган, Дэвид Пэйн яна рандалашга тушганди.

– Хатимни олдингизми?

– Охиргисиними? Йўқ, шекилли. Аниқроғи, у Қайинсой томонларда кезиб юрибди ёки Қуйидарёдаги бирор савдогарнинг кулбасида ётибди. Бизда почта яхши эмас. На тартиб, на тизим, на...

– Қишлоқи бўлмагн, Дэйв! Менга ёрдам беринг! – Энди Сейзер хоним қатъий, ҳокимона оҳангда гапирарди, гўё ўтмишлари бунга ҳуқуқ бергандек. – Нима

учун мен ҳақимда сўрамаяпсиз? Эски танишларимизни ҳам сўрамаяпсиз? Наҳот энди сизни ташқи олам ортик кизиқтирмайди? Эримнинг вафотидан хабарингиз борми?

– Наҳотки? Минг афсус. Қачон..?

– Дэвид! – У аламдан йиғлаб юборай деди, аммо ҳам алам, ҳам гина-қудуратли нидосидан ўзини анча енгил ҳис қилди. – Сиз ўзи хатимни олдингизми? Олган бўлсангиз ҳам бирор марта жавоб ёзмадингиз!

– Мен эрингизнинг ўлими ҳақида ёзган сўнги хатингизни олмадим. Балки яна қайсидир хатларингиз менга етиб келмагандир, бироқ баъзилари қўлимга тегди. Мен ... Ҳмм... Мен уларни Винапига ибрат бўлсин, деб овоз чиқариб ўқидим. Биласизми, нима учун? Оқ танли опасингиллари қанчалик бузилганини кўрсатиш учун. Бу унга фойдадан ҳоли эмас, деб ўйлайман. Сиз-чи?

Сейзер хоним бу пичингга жавоб бермади.

– Топдингиз, – деди у, – сизга тегмаган охирги хатда полковник Сейзернинг ўлими ҳақида ёзгандим. Бунга бир йил бўлди. Яна.. яна агар сиз олдимга келмасангиз, мен ўзим сизнинг ёнингизга бораман, деб ёзгандим. Бирон марта келаман, деб ваъда бермаган бўлсам-да, мана, келдим.

– Қачон ваъда бергандингиз?

– Аввалги хатларим-чи?

– Ҳа, ваъда бергандингиз, аммо мен буни сўрамагандим. Жавоб ҳам ёзганим йўқ. Номаларингизнинг ҳаммаси бир хил. Шундай экан, бу ваъдалар ҳақида ҳеч нарса билмайман. Лекин менга бошқа бир ваъда маълум, буни сиз ҳам эслайсиз. Бу анча олдин бўлганди. – У болтасини полга тушириб юборди. Шундагина бошини кўтарди. – Анча олдин, бироқ ҳаммаси ёдимда – ўша кун, ўша он, ҳар бир икир-чикир хотиримда. Иккаламиз боғда эдик, ойингизнинг атиргуллар экилган боғида. Атроф ям-

яшил, гуллар очилган, юрагимизда ҳам баҳор эди. Сизни кучокладим – бу биринчи марта эди – ва лабингиздан бўса олдим. Эслайсизми?

– Кераги йўқ, Дэйв, гапирманг! Ҳаммаси ёдимда, шундай уяляпманки! Кейин қанча кўз ёш тўқдим! Қанча азобланганимни билсангиз эди...

– Ўшанда сиз менга ваъда бергандингиз – ҳа, бу ажойиб кунлар минг марталаб такрорланганди. Ҳар бир нигоҳингиз, ҳар бир сийпалашларингиз, лабларингиз орасидан учиб чиқаётган ҳар бир сўз – буларнинг бари ваъда эди. Кейин эса, қандай айтсам экан, кейин бошқаси пайдо бўлди. У қари, отангиз тенги эди, бунинг устига, чиройли ҳам эмасди. Лекин тартибли одам эди. У ҳеч қачон ножўя иш, қонунбузарлик қилмаганди. Тамомила хурматли киши эди, айтганча, унинг қанақадир мулки ҳам бор эди: бир қанча жирканч қонлар – йигирматача эди, шекилли. Аммо бунинг аҳамияти йўқ; қолаверса, қандайдир ерга эгалик ҳам қилар, олди-берди билан шуғулланар, фойдасини еб ётар эди у...

– Бунга бошқа нарсалар ҳам сабаб бўлганди, – Дэйвнинг гапини бўлди Сейзер хоним. – Сизга айтгандим. Шароит... мухтожлик... яқинларим... кўнгилсизликлар шунга мажбур қилди. Ҳаммаси қанчалик ёмон тус олганини билардингиз-ку. Қўлимдан ҳеч нарса келмади. Бундай бўлишини хоҳламагандим. Мендан фойдаланишди ёки мен ўзимни қурбон қилдим – буни қандай атасангиз атанг. Лекин, эй Худойим, Дэйв, сиздан воз кечишим керак эди. Менга нисбатан адолатсизлик қиляпсиз. Нималарни бошимдан ўтказганимни ўйлаб кўринг.

– Сиз хоҳламагандингиз? Сизни мажбур қилишди? Ер юзида сизни у ёки бу эркак билан тўшақда ётишга мажбур қиладиган куч бўлмаса керак.

– Лекин мен сизни доим севардим, – ўзини оқлади Сейзер хоним.

– Мен севгини сизнинг қаричингиз билан ўлчамасдим. Ҳозир ҳам ўлчамайман. Улар менга тушунарсиз.

– Ҳаммаси ортда қолди. Ҳозир эса...

– Сиз билан ўзингиз учун мос эр деб билган киши ҳақида гаплашаётгандик. Ким эди у? Нимаси билан сизни ўзига мафтун қилди? Унда қандай яхши ҳислатларни топдингиз? Тўғри, у олтин тўла қоп эди, ҳамма нарсага қодир олтин тўла қоп. У пулнинг кадрили биларди, юздан яна юз топа оларди. Ақлли бўлмаса-да, ўзгалар пулини чўнтагига қоқиб келишга имкон берадиган ҳар қандай пасткашликларни жуда яхши биларди. Қонун ҳам бунга бармоқ орасидан қарарди. Бундай ишлар учун суд қилишмайди, динимиз ҳам буни маъқуллайди. Жамият кўз ўнгида у ярамас одам эмасди. Аммо сизнинг, Карен, ва менинг кўз ўнгимизда, боғда учрашган пайтимизда ким бўлибди у?

– Унинг вафот этганини унутаясиз.

– Бу ҳеч нарсани ўзгартиролмайди. Ким эди у? Баҳайбат, семиз ҳайвон, кўшиққа қар, гўзалликка кўр қалбсиз эди. Дангасаликдан ёғ босган, шалвираганди, қаппайган қорни очофатлигининг исботи эди.

– Аммо у ўлди. Энди эса гап биз ҳақимизда кетяпти... биз ҳақимизда! Эшитаясизми? Сиз ҳақсиз, мен хиёнат қилдим, гуноҳга ботдим. Яхши. Сизнинг ҳеч қандай айбингиз йўқми? Хўп, мен ваъдамни бузибман, сизчи? Ўшанда атиргул боғида муҳаббатимиз абадий деб айтгандингиз-ку. Қани ўша муҳаббат?

– У мана бу ерда! – хайкирди Дэвид мушти билан кўкрагига уриб. – У доимо шу ерда.

– Буюк муҳаббат, бундан ортиқ севиш мумкин эмас, – давом этди Сейзер хоним. – Ўшанда атиргул боғида шундай дегандингиз. Энди эса оёқларингизга йиқилиб, кўз ёш тўкаётганимда муҳаббатингиз сизни на

рахм қилишга, на бағрикенг бўлишга ундаяпти, мени ке-
чиришингизга ёрдам бермаяпти.

Дэвид Пэйн бўшашиб қолди. Лаблари унсиз пирпи-
рар, нима дейишни билмасди. Сейзер хоним унинг юра-
гини очишга, ўзидан яшириб келган ҳақиқатни айтиш-
га мажбур қилганди. Карен ўз туйғулари ўтида шундай
ёқимтой эди-ки!.. У эски хотираларни ёдга солганди.
Унга қарамаслик учун ўгирилиб олди. Лекин Карен Дэ-
виднинг олдига айланиб ўтди.

– Кўзларимга қара, Дэйв! Кўзларимга қара! Мен ҳамон
ўша-ўшаман. Сен ҳам. Тушун, ахир. Биз ўзгарганимиз
йўқ.

У аста қўлларини Дэвиднинг елкасига қўйди, Дэвид
уни бағрига босишга тайёр эди. Бирдан гугурт чирк этиб
ёнди. Бу кутилмаган товуш Дэвидни ўзига келтирди. Ви-
напи уларга эътибор бермай мойчирокни ёққанди. Унинг
юзи баногоҳ зимистон ичида кўринди. Оловнинг олтин-
ранг шуъласи унинг гўзаллигига шоҳона кўрк бериб ту-
рарди.

– Кўриб турганингиздек, бу иложсиз, – деди Дэвид
малласоч аёлни аста ўзидан итариб. – Бу иложсиз, – так-
рорлади. – Иложсиз.

– Мен ёш қизча эмасман, Дэйв, болаларча хом-
хаёлларга ҳам берилмайман, – деди Сейзер хоним бирор
тўхтамакга келолмай, яна Дэйвга яқинлашиб. – Мен аёл
кишиман, ҳаммасини тушунаман. Эркак киши барибир
эркак киши-да. Бу ерда одат шунақа. Бу мени ажаблан-
тирмайди. Ҳаммасини биринчи кўрганимдаёқ тушунган-
дим. Лекин бу бир қарашда, холос, сизлар чинакамига
эр-хотин бўлмасанглар керак.

– Бизнинг Аляскада, бунақа саволлар берилмайди, –
ночор эътироз билдирди Дэвид.

– Биладан, аммо...

– Нимаям дердим, ҳа, бу юконча никоҳ, бундан ортиғи эмас.

– Болаларинг ҳам йўқми?

– Йўқ.

– Ва...

– Йўқ, йўқ, орамизда ҳеч нарса бўлгани йўқ... Барибир сиз айтаётган нарсанинг иложи йўқ.

– Йўқ, иложи бор. – Сейзер хоним яна Дэвидга яқинлашди. Унинг қўли астагина Дэвиднинг офтобда қорайган қўлларига тегди. – Мен бу ернинг расм-русумларини жуда яхши биламан. Ўзи эркаклар доим шунақа. Улар ташқи оламдан узилиб бу ерда бутун умр қолишолмайди. Тинч океани соҳиллари Компанияси орқали аёллари учун бир йилга етадиган озиқ-овқат жўнатишади, қўлларига озроқ пул беришади ва қарабсизки, аёл хурсанд. Бир йил ҳам ўтиб кетади, у ерда эса... – Сейзер хоним елкасини қисиб қўйди. – Бу ҳинду билан ҳам шундай бўлади. Биз уни Компания орқали барча эҳтиёжлари билан бир йил эмас, умрининг охиригача таъминлаймиз. Сиз уни топиб олмагунингизча ким эди? Ёввойи, молфаҳм; ёзда балиқ билан, қишда буғу гўшти билан овқатланади, серобгарчиликда бўккунича ейди, ҳеч нарса йўқ бўлса, очидан ўлади. Агар сиз бўлмаганингизда у шундайлигича қоларди. Сиз пайдо бўлганингиздан кейин унинг ҳаёти ҳам ўзгарди. Сиз кетасиз – у тўкин-сочинликда яшайди, ҳатто ҳозир сиз билан яшаётганидан ҳам анча яхши ҳаёт кечиради.

– Йўқ, йўқ, – эътироз билдирди Дэвид Пэйн. – Бу адолатдан эмас.

– Ахир, тушунсангиз-чи, Дэйв. Унинг томирларида бегона қон оқмоқда. У бошқа тоифадаги одам. У шу ерда туғилди, шу ерда томир отди. У ёввойи бўлиб туғилди ва ёввойи бўлиб ўлади. Биз эса, сиз билан мен, ҳукмрон табақаданмиз, биз Заминнинг тузимиз, унинг

хўжайинимиз! Биз бир-биримиз учун яралганмиз. Биз сиз билан қондошмиз. Ақл ҳам, туйғу ҳам шундай деяпти. Ўзингиз ҳам буни ичингизда хоҳлаб турибсиз. Буни рад қилолмайсиз. Аждодларингиз олдидаги бурчингизни унутолмайсиз. Сизнинг наслингиз минг, юз минг йиллардан бери яшаб келяпти ва у сизга келганда тўхтаб қолмайди. Бу мумкин эмас! Томирларингизда ота-боболарингизнинг қони оқмоқда. Сизги хоҳиш-истакдан кучлироқ. Сиз ўз табақангиз фарзандисиз ва унинг нидосига кулоқ солишингиз керак. Дэйв, бу ерлардан кетайлик! Биз ҳали ёшмиз, ҳаётимиз ҳали олдинда. Кетайлик!

Шунда Дэвид Пэйн остона хатлаб итларга овқат бергани кетаётган Винапига кўзи тушди, бир неча бор бошини чайқади. Лекин Кареннинг қўллари унинг бўйнини кучоқлади, юзини юзига босди. Шу он Дэвид ғам-ҳасрат билан тўлган ҳаётининг оғир юкини ҳис қилди. Табиатнинг ёвуз кучлари билан беҳуда кураш, совуқ ва очликка узоқ вақт чидашга мажбур қилган муҳтожликдаги йиллар, шавқатсиз ҳаёт ва «ёввойи жонзот» тўлдирилмаган қалбидаги бўшлиқ. Мана, ҳозир ёнида серкуёш, иссик ўлкалар, мусиқа, ёруғлик, қувонч борлигини эслатиб турган ўзга соҳибжамол. Дэвид Пэйн беихтиёр ўтмишига назар солди. Доира бўлиб ашула айтаётган чехралар, хурсандчилик дамлари, узук-юлуқ кўшиқлар, қаҳ-қаҳа отиб кулишлар ҳаёлидан бирин-кетин ўта бошлади.

– Кетдик, Дэйв, кетдик! Мендаги пул иккаламизга ҳам етади. Йўл очик. – Карен фақирона кулбага кўз югуртирди. – Дунё оёғимиз остида, ҳаёт қувончлари бизни кутяпти. Кетдик, кетдик!

Карен аллақачон Дэвиднинг оғушида эди. Кареннинг бутун вужуди титрар, Дэвид эса уни маҳкамроқ кучоқларди. Кейин Дэвид ўрнидан турди... бироқ шу пайт ёғоч деворлар орасидан унинг кулоғига қорни оч, бир-бирини ғажишаётган итларнинг ириллаши, уларни

тинчлантираётган Винапининг хай-хайлагани эшитилди ва Дэвид Пэйннинг кўз ўнгида бошқа манзара пайдо бўлди. Ўрмондаги олишув... бахайбат, даҳшатли айиқ... итларнинг ириллаши ва уларни айиққа олқишлаётган Винапининг қаттиқ хайкириғи... олишувнинг ўртасидаги халлослаб, кучсизланиб қолган, фожиали ўлимни енгигиша уринаётган Дэвиднинг ўзи... айиқнинг кўзлари қонга тўлган, уни енгиб бўлмайти, мана, ҳозир Пэйни ҳаёт билан боғлаб турган риштани ғажиб ташлайди ва ниҳоят, бу даҳшатли олишувда сочлари тўзғиган, кўзлари ғазаб ўтида ёнган Винапи махлуқнинг танасига узун ов пичоғини бот-бот санчиб олади... Пэйнинг манглайида тер томчилари пайдо бўлди. У ўзини қучоқлаб олган аёл қўлларини силтаб, гандираклаганча деворга тисарилди. Карен ҳам ҳал қилувчи дақиқалар яқинлашганини тушуниб, аммо бу нима билан тугашини англай олмай ҳис қилдики, у эришганларини қўлдан бой беряпти.

– Дэйв, Дэйв! – хайкирди Карен. – Сени ҳеч кимга бермайман! Бермайман! Модомики, сен кетишни хоҳламас экансан, майли биз шу ерда қоламиз. Мен сен билан қоламан. Сен мен учун дунёдаги энг азиз инсонсан. Мен сенга ҳақиқий шимол аёли бўламан. Сенга ширин-ширин овқатлар пишириб бераман, итларингни боқаман, йўлингни ёритиб тураман, сен билан эшак эшаман. Ҳаммасини уддалайман. Ишон, мен матонатлиман.

Дэвид Пэйн ҳозир Каренга тикилиб туриб, бу гапларга шубҳа қилмасди, бироқ унинг юзида ғамгинлик, кўзларида совуққонлик пайдо бўлди.

– Мен Пьер ва унинг одамлари билан орани очик қилиб, уларни қўйиб юбораман. Мен сен билан қоламан. Роҳиб бизни никоҳлайдими, йўқми, барибир; мен сен билан хоҳлаган ерингга кетаман. Дэйв, Дэйв! Қулоқ сол! Ўшанда сенинг олдинда гуноҳга ботдим. Ҳа, бу рост.

Лекин сен ҳам гуноҳимни ювишга имкон бер. Майли, мен ўшанда севгини тўғри баҳолай олмаган бўла қолай. Бироқ энди мен ўзгараман, мана, кўрасан.

Карен полга йиқилиб, юм-юм йиғлаганча Дэвиднинг оёқларини кучди.

– Ахир, сен мени севасан-ку. Ўйлаб кўр, сени қанча кутдим, азоб чекдим. Сен бунга тушунолмайсан...

Дэвид эгилиб, уни ўрнидан турғазди.

– Кулоқ солинг, – Дэвид қатъий жавоб қайтариб, эшикни очди ва уни деярли куч билан кулбадан ташқарига олиб чиқди. – Бунинг иложи йўқ. Ҳозир фақат ўзимиз ҳақимизда ўйламаслигимиз керак. Кетишингиз лозим. Оқ йўл сизга. Олтмишинчи Милядан йўл оғирлашади, лекин сиз аъло даражадаги жамоага эгасиз, улар эпланди. Келинг, видолашайлик.

Карен аллақачон ўзини қўлга олганди. Шундай бўлса-да, Дэвидга тикилган кўзларида сўнгги, ожиз умид учқуни милтиллади.

– Мабодо... мабодо Винапи... – унинг овози титраб чиқди, гапини тугатолмади.

Аммо Дэвид у нима демоқчилигини тушунди.

– Ҳа, – жавоб берди Пэйн. Шу захоти бу фикрнинг даҳшатини ўйлаб, давом этди: – Бу ҳақида гап бўлиши мумкин эмас, бунга умид ҳам қила кўрманг.

– Мени ўпинг, – шивирлади бирдан Карен. Кейин ўгирилиб нари кетди.

– Отланинлар, Пьер, – деди у бекасининг қайтишини ёлғиз ўзи бедор кутаётган йўлбошловчисига. – Кетишимиз керак.

Гулхан ёруғида Пьернинг ўткир кўзлари бекасининг юзидаги дардни сезди. Лекин у гўё бунда ўзгача бирор нима бўлмагандек ғалати буйруқ олди.

– Яхши, хоним, – деди хотиржам. – Қаёққа? Доусонгами?

– Йўқ, – жавоб берди Карен ўзини эркин тутиб. – Дарё бўйлаб тепага. Жанубга. Дайига.

Пьер кўрпага ўраниб ухлаётган одамларига ўшқирди, тепки ва ҳақоратлар билан уларни оёққа турғизиб, ишга чорлади; унинг кулокни тешадиган буйрукнамо ҳайқириқлари бутун орол бўйлаб эшитилиб турди. Сейзер хонимнинг чодирини бирпасда ўралди, қозон-товоклар йиғиштирилди, кўрпа-ёстиқлар тахланди. Одамлар юкнинг оғирлигидан гандираклар, қайиқлар томон юришди. Сейзер хоним юкларни жойлаштириб, ўзига қулайроқ жой тайёрлашгунча кутиб турди.

– Оролни айланиб ўтамиз, – тушунтирди бекасига Пьер узун шатак арқонни ечиб. – Кейин оқим тинчроқ бўлган ирмоқ бўйлаб сузамиз. Ўйлайманки, ҳаммаси яхши бўлади.

Пьернинг зийрак қулоғига кимнингдир жадал одимлари остида ўтган йилги қуруқ ўтларнинг шитирлагани эшитилди ва у ўгирилиб қаради. Уларнинг олдида хурпайган итлар қуршовида ҳинду аёл келарди. Сейзер хоним сездик, улар кулбадаликларида Винапининг совуққон юзи энди жонланган ва ғазаб ўтида ёнарди.

– Эримга нима қилдингиз? – сўради Винапи. – У қаравотда ётибди. Кўриниши жуда ҳам ёмон. «Сенга нима бўлди, Дэйв? Тобинг қочдимми?» – деб сўрасам ҳам индамаяпти. Кейин: «Сен яхшисан, Винапи, сен боравер. Мен тезда соғайиб қоламан», – деди. Эримга нима қилдингиз?.. Ўйлашимча, сиз ёмон аёлсиз.

Сейзер хоним Дэвид билан қолаётган бу одамёввойига синчковлик билан қаради. У ҳолда Карен нима қилиши керак? Карен ёлғиз ўзи тунги зулматга ғарқ бўлиши лозим.

– Ўйлашимча, сиз ёмон аёлсиз, – такрорлади Винапи. У бегона тилнинг бегона сўзларини шошмасдан бир-бир танлаб олди. – Яхшиси, кетганингиз маъқул. Бошқа

кайтиб келманг. Менинг эрим битта. Мен хиндуман. Сиз америкаликсиз. Сиз чиройлисиз. Сиз кўп эркактарни топасиз. Кўзларингиз самодек мовий. Терингиз оппоқ ва юмшоқ.

У буғдойранг қўлларини кўтариб, америкаликнинг юзини ушлаб кўрди. Кареннинг ғурури сесканишга ҳам йўл қўймади. Пьер тараддуд билан улар томон қадам ташламоқчи бўлди, лекин Сейзер хоним, яқинлашма, дегандек ишора қилди, гарчи юрагида Пьерга нисбатан миннатдорлик бўлса-да.

– Ҳечқиси йўқ, Пьер, – деди Карен. – Бораверинг.

Пьер уларнинг суҳбатини эшитмаслик учун хурмат юзасидан ортга чекинди. Тўхтаб, ичида минғирлади ва айёрлик билан қанчалик узоқлашганини билмоқчи бўлиб улар томонга қаради.

– Худди гўдакниқидек оппоқ ва майин. – Винапи Сейзер хонимнинг юзини ушлаб кўрди ва қўлини туширди. – Тез орада чивинлар пайдо бўлади. Терингиз доғ бўлиб қолади, оғрийди, шиш пайдо бўлади – у-у, қандай ёмон! Оғрийди, ёмон! Кўпгина чивинлар, кўпгина шишлар. Ҳозирча чивинлар йўқ экан, кетганингиз маъқул, деб ўйлайман. Манави йўл, – оқим бўйлаб қуйига ишора қилди, – Сент-Майклга олиб боради. Буниси эса, – оқим бўйлаб юқорини кўрсатди, – Дайига. Яхшиси, Дайига кетганингиз маъқул. Алвидо.

Сейзер хонимнинг кейинги ҳаракати Пьерни ҳайрон қолдирди. Сейзер хоним кутилмаганда хинду аёлни қучоқлаб, юзларидан ўпди ва йиғлаб юборди.

– Уни асраб-авайла! – деди Сейзер хоним. – Асраб-авайла!

Кейин эса дарёнинг қуйисига чошиб кетди ва қайрилиб: «Алвидо!» – дея қичкириб қайиққа сакради. Пьер унинг ортидан юриб, соҳилдан узоқлашди. Руль эшкагини олиб, ишора берди. Лэгуар эски француз

кўшигини куйлай бошлади, юлдузларнинг ғира-шира ёруғида канадаликлар бир саф бўлиб, шарпадек қирғок бўйлаб сузишди; аркон таранг тортилди, эшкак тим қора сувга урилди – ва қайиқ тун қўйнига кириб ғойиб бўлди.

БЕНАЗИР АЁЛ ҚИСМАТИ

Қурбонликнинг ҳам қурбонликдан фарқи бўлади. Лек моҳиятан қурбонликларнинг туб негизи бир. Унинг ғайримантиклиги шундан иборатки, инсон ўзиникидан-да муқаддасроғи учун энг азиз нарсасини фидо айлайди. Дунё дунё бўлибдики, ҳамиша шундай бўлган. Ҳобил ўз отаридан янги туғилган илк кўзиларни ҳамда уларнинг жирларидан қурбонликка олиб келганида ҳам шундай бўлганди. Ҳобил янги туғилган кўзичоқларини ҳеч нимага алишмасди, шундоқ эса-да, Худо йўлида уларни назр этди. Иброҳим алайҳиссалом ўғли Исоқни қурбонликка олиб келганларида ҳам шундай эврилмиш эди. Иброҳим ҳазратлари дилбандини жонидан ортиқ кўрсалар-да, Тангри таолони энг улуғ зот дея сажда қилардилар. Ёхуд ул зот Яратгувчидан қўрқармидилар? Нима бўлган тақдирда ҳам ўшал замонлардан буён неча миллиардлаб инсонлар ҳазрати Иброҳим Ҳалилулло Тангри таолони севгувчи ҳамда Унга ибодат қилиш ишқида куйиб-ёнганига имон келтирмишлар.

Шундоқ экан, муҳаббат – бу сифиниш, ўзни фидо айлаш – топиниш демақдир; бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, соддагина қора танли қиз – Жис-Укнинг қалбига буюк муҳаббат инганди. Жис-Ук об-ҳаво аломатларинию илвасиннинг изларини кўз юмиб «ўқий оларди», муқаддас тариху Ҳобил ва ҳазрати Иброҳим бобида «гунг ва кар» эди. Муқаддас хоч роҳибаларининг жонкуярлиги уни ортда қолдирганди, қолаверса, бу қора танли кизга биров олис ўлкадан бўлмиш етти ёт бегона аёлни

деб ўзининг илоҳидан кечган моавитянлик аллақандай Руф ҳақида сўйлаб бермаганди. Жис-Ук биргина — минг машаққат-ла қўлга киритган суягидан таёқ зарбаси остида воз кечаётган дайди ит сингари курбонлик қилишни биларди. Вақти келиб Жис-Ук кимсан оқ танлилар элатининг самовий салтанатигача кўтарила олди ва чинакамига ўзини фидо айлади.

Алқисса, ҳикоямизда Жис-Укнинг кўрган-кечирганлари, Нийл Боннернинг ва Китти Боннернинг тақдири ҳамда Нийл Боннернинг икки фарзанди ҳақида сўз болади.

Гарчи Жис-Ук қора танли бўлса-да, на ҳиндулар, на эскимослар, на иннуитлар қавмига мансуб эди. Ривоятларга кўра, бундан анча замонлар илгари тойат қабиласидан бўлмиш Сколкз исмли ҳинду кунлардан бир куни Юкон дарёсидан Буюк Дельтадаги иннуитлар қишлоғига тушиб келибди ва бу ерда бўлажак умр йўлдоши – дилбар Олиллини учратибди. Олиллини онаси эскимос, отаси иннуит эди. Уларнинг муҳаббати ҳосиласи ўлароқ Хали дунёга келади. Бу Хали деганлари эса Жис-Укнинг бувиси эди.

Томирларида уч қабиланинг қони оқаётган Хали ҳеч ўйланиб ўтирмай мўйналар билан савдо қилувчи Бўрдоқи лақабли рус Шпак билан бир ёстикқа бош кўяди. Шпакни рус миллатидан деб атадикким, аниқроқ атама топишга ақлимиз ожизлик қилди, нега десангиз, унинг отаси, собиқ рус каторгачиси симоб конларидан Шимолий Сибирга қочади ва Буғу қабиласидан бўлган, келгусида Жис-Укнинг бобоси бўлгувчи Шпакнинг волидаи муҳтарамаси Зимба деган аёлни учратади.

Ваҳоланки, Шпакни ёшлигида Шимолий Муз океани соҳилларида аранг кун кўрувчи Денгиз Одамлари ўғирлаб кетишмаганида у Жис-Укнинг бобоси бўлишдек бахтдан мосуво бўларди ва ушбу узундан-узоқ, ўйлаб то-

пилмаган ҳикояни ҳукмингизга ҳавола этолмасдик. Лекин бахтга қарши Денгиз Одамлари Шпакни ўғирлаб кетишди, у эса Камчаткага қочишга муваффақ бўлди, ўша ёқдан норвег кит овловчи кемасида Болтик денгизигача етиб олди. Кейинчалик Шпак Петербургга бориб қолди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, бундан ярим аср олдин, отаси кишанда босиб ўтган мушкулотларга тўла йўлдан у ҳам Шарққа йўл олди. Фақат Шпак озод киши сифатида, Рус мўйналар компанияси хизматчиси бўлиб йўлга отланганди. Ўз вазифасини бажарар экан, у Шарққа томон олға кетаверди, ниҳоят, Беринг денгизи орқали руслар Америкасигача етиб борди. Пастликада, Юконнинг Буюк Делтасида у Халини ўз никоҳига олди. Бу турмушдан қизалоқ Тюксен туғилди.

Компаниянинг фармойишига биноан Шпак Юкон бўйлаб бир неча юз чақирим юкорига, қайиққа ўтириб Нулатога сузиб кетди. Хотини ва қизини ҳам ўзи билан олди. Ўшанда 1850 йил эди. Худди шу йили ҳиндулар Нулатога ҳужум қилишиб, бор тирик жонни қириб ташлашди. Шпак ва Хали шу тарзда ҳалок бўлишди. Ўша қонли кечада Тюксен ғойиб бўлади. Тойатлар бу ишга алоқадор эмасликларига ҳозиргача онт ичишади, бироқ шуниси борки, қизалоқ Тюксен тойатлар орасида вояга етди.

Тюксен икки марта турмушга чиқди, аммо фарзанд кўрмади. Қабила аёллари уни қўлларини бигиз қилиб кўрсатишар, бепушт тул хотинга кўзни чирт юмиб уйланишга учинчи бир мард тойат топилмасди. Айни шу дамларда дарё бўйлаб бир неча чақирим юкорида – Юкон кўрғонида – Спайк О’Брайен исмли ғаройиб киши яшарди. Юкон кўрғони Гудзон қўлтиғи Компаниясига қарашли бўлиб, Спайк О’Брайен у ерда ҳарбий хизматни ўтарди. У ситқидилдан хизмат қиларди, ахийри, хизмат жонига тегди, шекилли, қочишга қарор қилди. Кейинги

пост – Гудзон кўлтигидаги Йорк факториясигача етиб олиш учун кам деганда бир йил кетарди. Қолаверса, постлар Компания қарамоғида эди ва О’Брайен билардики, бу йўлда у Компаниянинг чангалидан қочиб қутулиши амри маҳол. Фақат биргина йўл – Юкон бўйлаб пастга қочиш керак. Тўғри, ҳали бирорта оқ танли Юконнинг қуйисига қадами етмаган, бирорта оқ танли Юкон уммонга ёки Беринг денгизига қуйиладими-йўқми, бундан бохабар эмасди, лекин Спайк О’Брайен кельт эди. Шундоқ экан, хавф-хатар унинг доимий ҳамроҳи бўлиб келганди.

Орадан бир ҳафта ўтиб, уст-бошининг увадаси чиққан, очлик ва безгакдан ўлар ҳолатга келган қочоқ кирғоқнинг саёз жойида тойатлар овулида кираверишда ўзини ерга таппа ташлади-да, хушидан кетди. Кучга тўлиб, кўз очиб илк кўргани Тюксен бўлди, бу эса уларнинг юлдузи юлдузига тўғри келганидан мужда эди. Шпакнинг отаси сибирлик Буғу қабиласи одамларининг орасида то умр шоми поёнига етгунгача умргузаронлик қилди. О’Брайен ҳам тойатлар орасида тинчгина яшаб қолса бўларди, аммо юрагидаги саргузаштга бўлган ташналик уни олис-олис манзилу-мароҳилларга шоширарди. Йорк факторияси билан Юкон кўрғони орасидаги йўлни забт этолдими, демак, денгизга чиқиб олиши чўт эмас, демак, қуруқликда Шимол-Ғарб йўналишидаги йўлни босиб ўтишдаги илк ғалаба гулчамбари унга насиб этади. Шу мақсадда дарё бўйлаб қуйига сузиб кетди, гулчамбарни ҳам қўлга киритди, бироқ анчагача бедарак йўқолди ва номи тилларда дoston бўлмади. Кейинчалик Сан-Францискода матрослар учун мўлжалланган арзон тамаддихона очди, у ерда ашаддий товламачи деган ном чиқарди, негаки О’Брайен кўрган-кечирганларини рўй-рост ҳикоя қиларди. Бева қолган Тюксен эса жажжигина чақалоқни дунёга келтирди. Бу Жис-Ук эди. Унинг аж-додлари шажарасига бунчалик чуқур ёндашишимизга

сабаб Жис-Ук на хинду, на эскимос, на иннуит эмаслиги каторида ота-боболари истиғфор келтирмаганларини кўрсатиш эди, алалоқибат, биз барчамиз шатранж тахта-сидаги пиёдалармиз, холос.

Йиллар ўтиб томирида кўплаб қабилаларнинг қони жўш уриб оқаетган Жис-Ук караган кўзни куйдирадиган соҳибжамол бўлиб балоғатга етди. Гўзаллиги шунчалар бетимсол, шунчалар шарқона эдики, ҳар қандай этнологни шошириб қўярди. Ҳар бир ҳаракати чакқон ва назокатли эди. Жонли тасаввур ва тафаккури кельтларга хос эди бу зебонинг. Балки томиридаги кельт қони рухсорининг буғдойранглигига сабабдир, баданининг оқ-сарикдан келганлиги учун эса славянлар авлоди Шпак Бўрдокидан миннатдор бўлмоғи лозимдир. Бодомқовоқлар остидан боқувчи шаҳло кўзлар қора ҳамда оқ ирқ тўқнашувининг нишонаси эди. Томирлардаги югургилаб оқаетган оқ танлилар қони эса ундаги нозик иззат-нафси туғдирди. Қолган жабҳаларда, расм-русум, ҳаётга бўлган муҳаббат бобида у ғирт хинду эди.

Қайсидир йили қишда, ҳали Жис-Ук навниҳол эди, унинг ҳаётига Нийл Боннер кириб келди. Нийл Боннер нафақат қизнинг ҳаётида, балки Аляскада ҳам ўзи истамаган ҳолда пайдо бўлди. Отаси судхўрлик ва боғбонлик билан овора бўлиб, онаси зодагонлик наъшидасини сурар экан, Нийл Боннер ҳаёт йўлидан адашди. Нийл Боннер кўп ҳам саёқ юрадиганлар хилидан эмасди-ю, егани олдида, емагани кетида бўлгандан кейин бандаи ожиз тўқликка шўхлик қилар экан. Нийл Боннер ҳам отасининг соясида осмонга сапчиб, босар-тусарини билмай қолгач, муқаррар фожиа ҳам рўй берди. Шунда ота бўлмиш катта Нийл Боннер атиргуллар орасидан бош кўтардида, арзандасига хайрон бўлиб тикилиб қолди. Сўнгра кадрдон дўсти, боғбонлик ҳамда қимматли қоғозлар

бўйича маслаҳатчисининг уйига йўл олди ва биргаликда бебошнинг келажаги ҳақида бош қотиришди. Кичик Нийл Боннер улардек жамиятга керакли инсон бўлиб етишиши учун олис ўлкаларга кетиб, қайта тарбияланиши лозим эди.

Бу унчалик мушкул эмасди. Кичик Нийл кўрсатган «каромат»ларидан пушаймон еганди. Қадрдон дўстлар эса Тинч океани соҳиллари Компанияси йирик акциядорларидан эди. Дарё ва уммон пароходлари флотилиясига эгалик қилувчи ушбу Компания нафақат денгизда из қолдирганди, шунингдек, жўғрофий харитада оқ доғ билан белгиланган бир неча юз минг квадрат худудларга ҳам ҳукмронлик қиларди. Шундай қилиб, ўз отасига муносиб ўғил бўлиши ва Компания фойдасига ишлаб бериши учун кичик Нийл Боннер Шимолга, оқ доғлар билан белгиланмиш олис манзилга жўнатилди. «Беш йил табиат кўйнида, ортиқча васвасалардан узоқда ўғлим чинакам инсон бўлиб етишади», – деди мағрурланиб ота ўзига-ўзи ва яна атиргуллари орасига шўнғиди. Кичик Нийл бўлса тишини тишига қўйиб, қаддини ғоз тутганча, бел боғлаб ишга уннади. У яхши ишлаб, бошлиқлар рағбатига ҳам сазовор бўлди. Меҳнат унинг жону дили деб бўлмасдику-я, лекин айнан меҳнат уни эски жинниликлардан ҳалос этаётган эди.

Биринчи йили у ўзига ўлим тилади, иккинчи йили Худога лаънатлар айтди, учинчи йили эса ўзи ҳам не этаётганини билмай, ҳокимият тепасида турган амалдор билан айтишиб қолиб, шунақанги овлоқ, хилват жойга бадарға қилиндики, аввалги жойи бунисининг олдида нақ жаннатнинг ўзи эди. Нийл арз-додсиз жимгина кетаверди, чунки Шимол ҳаёти уни анча-мунча одам қилиб қўйганди.

Харитадаги оқ доғларнинг у ер-бу ерида «о» ҳарфига ўхшаш митти доирачалар учраб туради, доирачалар ёни-

да эса «Хамилтон кўргони», «Танана пости», «Йигирманчи Миля» каби ёзувларни ўқиб, оқ доғларда шаҳар ва қишлоқлар жойлашган, деган ўйга борасиз. Лекин бу хомхаёлдан бошқаси эмас. Бошқа факторияларга ўхшаган Йигирманчи Миля юқори қавати ижарага берилувчи баққоллик дўкони катталигидаги ёғоч иморат эди. Орқа ҳовлида – қозикоёқларга ўрнатилган омборхона ва иккита пичанхона. Орқа ҳовли човраланмаган, то уфқкача чўзилиб кетган. Чор атрофда бирорта уй-жой топилмайди, фақат тойатлар гоҳида бу ердан икки чақирим нарида қишки кўналга қуришади. Йигирманчи Миля деб аталувчи макон ана шудир! Бу ерда Компания вакили ва унинг ёрдамчиси ҳиндулар билан мўйна олди-сотди қилишади, адашиб қолган олтин изловчилар билан олтин қум зарраларини айирбошлашади. Бутун қиш бўйи кўкламни интизор бўлиб кутишади, эрта баҳорда эса оғизларидан боди кириб, шоди чиққанча томга қалдирғочдек тизилиб олишади, нега десангиз, эрувгарчилик бошланиб, Юкон кутурганча тўлиб-тошиб, уйларни ҳам ювиб кетади. Мана, ниҳоят, саргардонликнинг тўртинчи йили Нийл Боннер аҳволни ўнглаш учун бу ерларда пайдо бўлди.

У бировнинг ўрнини эгаллаш пайида эмасди. Ёрдамчисининг айтишича, собиқ вакил «чидаб бўлмас оғир шарт-шароит туфайли» ўзини ўлдириб қўйганмиш. Тойатлар гулханидан қолган-кутгани бутунлай аксини сўзларди. Ёрдамчи букчайган, кўкраги ва ёноғи ичига ботган, бетини қора қуюқ сокол қоплаган кўримсиз нусха эди. Ўпкаси кўчиб чиқадигандай тез-тез йўталар, худди силга йўликқанлардагина бўладиган талвасали оташ унинг кўзларида намоён эди. Уни Пентли – Амос Пентли деб аташарди. Гарчи якка-ёлғиз, умидсизликка тушган кишига ичи ачишаётган эса-да, у Нийл Боннернинг кўнглига ўтирмади. Аслида иккови мураса қилиб,

дўстлашиб кетишлари лозим эди, негаки олдинда аёз, сукунат ва зулумотли қиш «қучоқ очиб» кутиб турганди.

Охир-оқибат, Боннер Амоснинг эс-хуши жойида эмас, деган тўхтама келди ва пишир-куйдирдан ташқари барча юмушни ўз бўйнига олди. Лекин Амос ғазаб билан қарашдан тўхтамасди. Боннерга ҳам осон эмасди: азоб-укубатларга тўла шундай бир паллада кулиб турган юз, ҳазил-хузул, ошначилик унинг учун катта аҳамиятга эга эди. Қиш эндигина бошланяпти-ю, Боннер не боисдан аввалги вакил ўз жонига қасд қилганини аллақачон тушуниб етди.

Йигирманчи Миляда ёлғизлик ҳукм суради. «Маяюс» дашт уфқ томон ястаниб ётибди. Оппоқ қорга, аниқроғи, оқ либосга бурканган теварак-жавонибга ўлик сукунат чўккан. Ҳафта давомида очик, совуқ ҳаво ўзгармади, термометр нолдан қуйи қирқ-эллик даражани кўрсатарди. Кейин кўкда қора булутлар пайдо бўлди. Аёз бироз «кишан»ини бўшатди. Термометр манфий йигирмагача кўтарилди ва майда-майда муз зарралари дўл мисол ёғди. Сўнгра аёз тагин забтига олди. Самода етарлича намлик тўплангач, ҳаво исий бошлади. Бори шу. Кишини тонг қолдирадиган ҳодиса юз бермади. На бўрон, на тўфон. Қилт этган шабада ҳам йўқ. Биргина муз кристаллчалар сукунатга раҳна соларди. Узундан-узук, зерикарли ҳафталар мобайнида юз берган муҳим воқеа – симобнинг нолдан эллик даражага тушиб кетгани бўлса керак. Шундан сўнг гўё ўч олаётгандай заминни ақл бовар қилмас совуқ чирмади. Симоб ҳам музлаб қолди, спиртли термометр эса икки ҳафта етмиш даражани кўрсатиб турди-да, ёрилиб кетди. Кейин ҳаво ҳарорати неча даражагача тушиб кетгани ёлғиз Яратганга аён. Ундан сўнгни ҳодиса қора либос кийган тун узайиб-узайиб, ахийри, куннинг

зулматни ёриб ўтувчи йилт этган ёруғликка айлангани бўлди.

Нийл Боннер ўзига ўхшаганларни ёктирарди. Қилмишларига пушаймонлиги ҳам айнан ҳаддан ташқари дилкашлигида эди. Сарсон-саргардонликнинг тўртинчи йили ўзига улфат топди – албатта, бу сўз бироз кўпол ўхшатма бўлди – у ҳам бўлса, қовоғи солиқ, оғзига талқон солиб олган, кўзларидан бесабаб, аммо кучли нафрат сочилиб турувчи одамёввойи. Ширин сўзнинг гадосига айланиб қолган Боннер ўтмишнинг ширин қувончларини кўмсаб, шарпадек ҳаёт кечирарди. Кундузлари миқ этмаганининг ҳиссасини тунлари ётган жойида ағанаб, ух тортиб чиқариб оларди. Узун кечалари ит овламас бу хилватга келиб қолганига сабабчи бўлган ўша ҳокимият тепасидаги нусханинг гўрига ғишт қаларди. Яна у Худони ҳам айбларди. Аммо яратгувчи Зот меҳрибон ва раҳмлидир, шундай экан, Ўзига шаккоклик келтираётган бандасига шафоат қилди.

Шундай кунларнинг бирида ун, бекон, мунчок, тикиш-бичишга оч рангли мато сотиб олиш учун Йигирманчи Миляга Жис-Ук кириб келди. Унинг ташрифи, гарчи ўзи бундан воқиф бўлмаса-да, Йигирманчи Миляда шундоқ ҳам ёлғиз бўлган Боннернинг тунлари уйкусини олиб қочди. Ахир, Нийл Боннер сўққабош эр йигит эди. Жис-Ук илк бор омборхонага келганида Боннер унга ташналикдан ўлаёзган одам булоққа қарагандай суқланиб назар ташлади. Томирларида Спайк О'Брайеннинг қони гупуриб оқаётга қиз эса қора танлилар ҳукмрон элат одамларига кулиб қарагандек унга жилмайиб қўйди. Қолгани кундай равшан. Бироқ нималар содир бўлаётганига тушунолмасди йигит бечора. Жис-Ук «ошиқ ғариб»ни тобора ўзига мафтун этаркан, Боннер туйғулари туғени билан олишарди. У-чи? У эса

Жис-Ук эди, тойатлар қабиласидан бўлмиш ҳинду қиз, магар насл-насабидан бўлмаса, таълим-тарбиясидан.

Қиз тез-тез факторияга келиб турар, шу баҳона катта печь ёнида ўтириб, инглиз тилини бузиб Нийл Боннер билан чакчаклашарди. Қиз келмаган кунлари эса Боннер ўзини кўярга жой тополмасди. Баъзида у айни дамда нималар юз бераётгани ҳақида хаёлга толар ва Жис-Укни совуққонлик билан кутиб оларди, гарчи унинг феълида носамимийликни сезган бўлса-да, Жис-Укнинг жажли чиқарди. Шунда Боннер уйкудан уйғонгандек ўзига келар, факторияда кулгу овози янграрди. Уларни кузатиб турган Амос Пентли гўр тагидан эшитилаётгандек бўғиқ овозда хир-хир йўталар, кейин захарханда қилиб тиржайиб кўярди. Амос ўлими муқаррарлигини билгани учун ҳам бошқаларнинг ўйнаб-кулаётганини кўролмасди. У шеригидан шунинг учун ҳам нафратланардики, Боннер соғлом ва ҳаётга ташна, Жис-Укнинг ташрифи Боннерни бахтиёр этипти. Амоснинг ўзи қизни ўйлаши биланок юраги ҳаприқиб, қони гупурарди.

Жис-Ук ҳаёт икир-чикирларини ҳали тушунмас, фикрлари беғараз, ўзи ҳам содда эди. Соддадил қиз учун Амос Пентли очиқ турган китобнинг ўзи эди. Боннерга эҳтиёт бўлишини уқтирар, оқсуяқлар орасида тарбия кўрган Боннер жаноблари эса қизнинг беҳуда хавотирланаётганини айтиб, кулиб кўярди, холос. Боннер учун Амос бор-йўғи ўлимга маҳкум ночору нотавон бетоб эди. Устига устак, азоб-уқубатлар таъмини тотиб кўрган Боннерда раҳм-шафқат туйғуси уйғонган эди.

Бир куни эрта тонгда Нийл Боннер нонуштадан сўнг омборхонага қараб юрди. У ерда совуқдан юзлари ол рангга кирган Жис-Ук ун сотиб олиш умидида кутиб турган экан. Чой қайнагулик вақт ўтмади ҳамки, Нийл бир коп унни қизнинг чанасига ўрнаштириб боғлаётир эди.

Олдинга энгашганди – бўйин томири тортишиб қолди. Нийл талвасали ҳалокатни олдиндан сизди. Охири арқонни боғлаб, қаддини ростламоқчи эди, кучли томир тортишиш уни ерга кулатди. Бутун танаси акашак бўлиб, тиришиб-тортишиб, ҳар ёққа сочилиб кетаётгандай бўлди. Титраб-қақшаш ўтиб кетмагунча Жис-Ук нима қиларини билмай унинг ёнига чўкиб миқ этмади. Бироз вақт ўтиб тутқаноқ хуружи тўхтади, кучли ҳолсизлик бошланди, Боннернинг пешонасидан тер дувиллаб оқа бошлади, лаблари кўпикланди.

– Тезроқ! – хириллаб шивирлади Боннер. – Тезроқ уйга!

Эмакламоқчи бўлганди, Жис-Ук даст кўтариб, омборхонага етиб олишига кўмаклашди. У ерда яна хуруж бошланди. Жис-Ук уни эплай олмай полга ағанади. Бу орада Амос Пентли ҳам етиб келиб, «текин томоша»га кўз тикди.

– О, Амос! – хитоб қилди Жис-Ук қўрқув ва ночорликдан. – Ўялптимми-а, бечора? – Амос елка учуриб кўйди-да, томоша қилишда давом этди.

Боннернинг танаси шалпайиб қолди. Хуруж кўйиб юборганди, юзидан энгил тортгани сезилди.

– Тезроқ! – қайталанаётган хуружга тараддуланаётгандек Боннер тишларини ғижирлатиб, лабларини қимтиди. – Бўлақол, Жис-Ук! Дори! Олиб кир мени ичкарига!

Дори қути хужрадаги печь ортида туришини Жис-Ук биларди. Тутқаноқ билан курашаётган танани оёғидан судраб, бир амаллаб ичкарига олиб кирди. Нийл ҳолсизликдан базўр дори қутини очди. Итларнинг шунга ўхшаш хуруждан ўлганига Нийлнинг ўзи гувоҳ бўлганди ва бундай вазиятда нима қилиш даркорлигини биларди. Бир нима қилиб хлоралгидрат³⁰ шишасини олди-ю, беҳол

³⁰ *Хлоралгидрат* – тинчлантирувчи, ухлатадиган суюқ дори.

кўллари қопқокни очолмади. Нийл оғриқдан тиришиб типирчилар экан, Жис-Ук шишанинг оғзини очди. Боннер кўзини очиб Жис-Укнинг кўзларида барча эркалар ўз ҳалоскор аёлларининг нигоҳида ўқийдиган мамнуниятни уқди. Катта миқдордаги ухлатадиган дорини ютиб юборди-да, тирсагига таяниб қаддини кўтарди.

– Кулоқ сол, Жис-Ук, – деди фурсат ғаниматлигини сезган ҳолда. – Ҳозир айтганларимни бажарасан. Шу ерда қолиб, ёнимдан жилма. Лекин менга тегма, ҳозирча бу мумкин эмас. – Унинг юзи тириша бошлади, лекин сўлагини култ этиб ютди-да, гапида давом этди. – Ҳеч қаёққа кетма. Амосни бу ерга киритмагин. Уқдингми? Амос ичкарига кирмаслиги керак.

Жис-Ук бош ирғаб қўйди. Талвасали хуружлар аста камайиб борди. Жис-Ук Боннердан бир қаричгада узоклашмади. Амос бирдан безовталанди, ошхонага йўналмоқчи эди, қизнинг кўзларидаги таҳдидона чакноқ уни жойига михлаб қўйди. Кейин оғир-оғир нафас ҳамда кучли йўтал унинг шу ердалигини эслатиб турди.

Боннер ухлаб қолди. Куннинг заиф нури сўниб борарди. Жис-Укнинг зимдан кузатиши остида Амос кerosинли чирокни ёқди. Тун лашкарлари бостириб келишарди. Деразадан самода шимол ёғдуси кўзга ташланди, сўнгра ранглар жилоси зулмат билан алмашди. Пича вақт ўтиб Нийл Боннер уйғонди. Энг аввало, Амос кетиб қолмаганига ишонч ҳосил қилди. Кейин Жис-Укка жилмайди ва ўрнидан турди. Бутун бадани ёғочга айланиб қолибди. Зўрама-зўраки кулиб, белини укалади. Кейин юзи жиддий тус олди.

– Жис-Ук, шағамни олиб, ошхонага бор. Столда емак турибди: қоқнон, ловия ва бекон. Печъ устида қахва ҳам бор. Ҳаммасини патнисга қўйиб ола кел. Стакан, сув, виски ҳам келтир. Виски шкафнинг юқори тоқчасида.

Бир стакан виски ичиб, Нийл дори қутидагиларни кўздан кечира бошлади. Сўнг емакни олиб, текширишга

тушди. Қачонлардир коллеж лабораториясида ишлагани ҳозир унга қўл келди. Хуружлар билан ўтган тутқанок ишни енгиллаштирди. Қахва ва ловия тадқиқоти ҳеч қандай самара бермади. Айниқса, қотган нонларга кўпроқ эътибор берди. Кимёнинг «к» ҳарфидан ҳам бе-хабар Амос унинг ҳаракатларини қизиқсиниб кузатарди. Жис-Ук эса оқ танлилар донолигига, хусусан, Нийл Боннерга қаттиқ ишонарди, шунгами, Нийлнинг юзидан кўз узмасди.

Ниҳоят, охирги текширув ўтказилди. Нийл узунчок шишачани ёруғликка тутди, аралашма ичидаги тузнинг қандай чўқаётганига разм солди. У ҳеч нима демади, гарчи ўзи кутган натижани кўриб турса-да. Унинг юз ифодаси ўзгарганини кўриб Жис-Ук барчасига тушунди. Урғочи йўлбарсдек Амосга ташланиб, чакқон ва қойилмақом ҳаракатлар билан ерга чалқанчасига йикитди. Чирок ёруғида қизнинг пичоғи йилтиллади. Амос хирилларди, холос. Агар Боннер вақтида ўртага тушмаганда фитнакорнинг бўйнига тиф тортилиши турган гап эди.

– Қойил, Жис-Ук. Лекин кераги йўқ. Қўйвор уни.

Қиз истамайгина бўйсунди. Боннер мўкасинининг учи билан полда ётган Амосни туртди.

– Туринг, Амос! – буюрди. – Сиз бугуноқ йўлга отланишингиз лозим.

– Бу нима деганингиз? – минғирлади Амос.

– Бу деганимки, сиз мени ўлдирмоқчи бўлдингиз, – жавоб қилди Нийл совуқ бир оҳангда. – Бу деганимки, сиз Бердзолни ўлдирдингиз, ваҳоланки, Компаниядагилар уни ўз жонига қасд қилган, деб ҳисоблашади. Мени кучли заҳар билан заҳарлабсиз, Худо билади, уни қай тарзда гумдон қилдингиз экан. Дорга-ку сизни осолмайман: шундоғам мурдага айландингиз. Аммо Йигирманчи Миляда иккаламизнинг қозонимиз қайнаши мушкул ма-

сала, шунинг учун сиз бу ерларни тарк этишингиз керак. Муқаддас Хоч ваколатхонасига икки юз чақирим бор. Кучингизни сақласангиз, етиб оласиз. Сизга озиқ-овқат, чана ва учта ит бераман. Устингиздан кулфлаб қўйишдан барибир маъни йўқ: бу ерлардан қочиб қутулолмайсиз. Сизга биргина имкон бераман. Шуни билингки, гўр ёқасида турибсиз. Майли. Баҳоргача Компанияга хабар бермайман. У дунёга равона бўлишингиз учун, мана, сизга муҳлат. Қани, энди туёғингизни шиқиллатинг-чи!

– Сен ётавер, – деди Жис-Ук Амос тун бағрига сингиб кетгач. – Сен касалсан, Нийл.

– Сен эса ажойиб қизсан, Жис-Ук. Аммо сен уйингга кетишинг лозим.

– Мен сенга ёқмайман.

Боннер жилмайди, ҳалоскорига паркасини кийишга кўмаклашиб, эшиккача кузатиб қўйди.

– Жудаям ёқасан, Жис-Ук, – деди Нийл пичирлаб. – Жудаям!

Арктика туни заминга ўз пардаларини тортган чоғда Нийл Боннер куни битиб бораётган қотил Амоснинг бадқовоқ башарасига камроқ баҳо берганига амин бўлди.

Йигирманчи Миляда батамом ёлғизлик ҳукм су-рарди. *«Худо хайрингизни берсин, Прентис, менга бит-та-яримтасини жўнатинг!»* – деб ёзиб юборди Бон-нер бу ердан уч юз миля нарида жойлашган Ҳамилтон кўрғонидаги Компания вакилига. Олти ҳафтадан сўнг чопар ҳинду қўйидаги қиска ва лўнда жавоб билан қайтиб келди: *«Иилар пачава. Иккала оёғимга ҳам совуқ урдириб қўйдим. Ўзимга шерик керак. Прентис.»*

Энг ёмони, аксар тойатлар шимол буғулари ортидан ўлканинг ичкарасига кетгани, уларга қўшилиб Жис-Укнинг жўнаб қолгани эди. Жис-Ук қанча узоқлашгани сари шунча яқиндай туюлар, Боннернинг кўз ўнгидан

қизнинг сиймоси кетмасди. Ёлғизлик ёмон. Кўпинча Нийл ташқарига югуриб чиқиб, осмон жанубидаги кундуздан дарак берувчи тарам-тарам шуълага мушт ўдағайларди. Гоҳида кечаси совуққа чиқиб, сукунатни жангга чорлаб, ўпкасини тўлдириб айюханнос солар, гоҳида увиллай бошламагунларича мудраб ётган итларга бақирарди. Бир паҳмоқ итни ёрдамчи сифатида уйга олиб кирди ҳам. Кўппакни адёлга ўраниб ухлашга, одамга ўхшаб стол атрофида ўтириб овқатланишга ўргатмоқчи бўлиб роса тер тўқди. Бироқ бўрилар авлодидан бўлган бу ит итоат этмай, қоронғу бурчакка тикилиб, ириллаб, эгасининг оёғини тишлаб олди, ахийри, Нийл уни таъзирини бериб, кўчага хайдаб солди.

Шундан сўнг Нийл Боннерда анимизмга³¹ ўчлик пайдо бўлди. Табиатнинг жамики кучлари тирик жонга айланиб, Боннер билан мулоқотга кирди. Миллион йиллар бурунги ёввойи аждодлари сизгинган ибодатхонани қайтадан барпо этди, қуёшни меҳроб дея топинди, омборхона саҳнида қордан олабўжи ясаб, ғалати қилиқлар билан унинг «жиғига тегарди». Албатта, бу ўйин эди. Боннер ўзини бунга ишонтирса-да, ора-сира бу жиннилик унинг тасаввурида чинакамдай гавдаланарди.

Қишнинг ўрталарида Йигирманчи Миляга Шампро ота – язит³² миссионери келди. Боннер роҳибга ўзини отиб, йиғлаб юборди, факторияга олиб кириб, чиппа ёпишди. Руҳоний ҳам ҳамдардликдан кўзига ёш олди. Боннер суюнганидан дабдабали базми жамшид уюштирди, меҳмонни ҳеч қаёққа қўйвормасликка онт ичди. Бироқ Шампро ота Шўрсувдаги Орденда³³ шошилинч

³¹ *Анимизм* – ибтидоий халқларда ҳар бир нарсанинг жони, руҳи юор деган эътиқод.

³² *Язит* – реакцион католик монахлар ташкилотининг аъзоси.

³³ *Орден* – монахлар ташкилоти.

ишлари борлиги учун ошиқарди, шу боис Боннернинг хуни роҳиб отанинг гарданига юкланиши мумкинлиги билан дўқ-пўписалар қилиб эртасига саҳарлаб жўнаб қолди.

Бу орада узоқ овдан тойатлар қишки кўналғаларига қайтиб келишди. Мўйналар тоғ-тоғ бўлди, Йигирманчи Миляда савдо-сотик қайнади. Жис-Ук дуккакли маҳсулотлар, газлама олгани кела бошлади ва Боннер одам киёфасига кирди. Бир ҳафта ич-этини еб юрди. Ахийри қайсидир окшом Жис-Ук кетишга ҳозирланаётганда ичидаги туғённи тийиб туrolмади.

– Майли, мен борай, – деди қиз. – Ҳайрли тун, Нийл!

Боннер уни эшик олдида тўхтатди.

– Кетма.

Қиз ял-ял ёниб турган чехрасини унга ўгирган замон Боннер соҳибжамолнинг лабларидан муччи олди. Тойатлар оғиз-бурун уриштириш нима эканлигини билишмасди, лекин қиз тушунди, жисмига жунунваш ҳис югурди.

Жис-Укнинг ҳар бир ташрифидан ҳаёт янада гўзаллашарди. Улар бир-бирининг дийдоридан ўзларида йўқ шоду хуррам эдилар. Қизнинг соддадиллиги, ишвагарлиги тараққиёт тўрларидан толиққан Боннерни ўзига тобора ром айлади. Тақдирнинг бу инъоми нафақат уни ёлғизлик ботқоғидан қутқарди, балки жуда безган қалбига чечаклар сочарди. Узоқ дарбадарликдан сўнг, ниҳоят, она табиатнинг тиззасига бош қўйгандай олий туйғу уни қамраб олганди. Хулласи калом, Жис-Ук тимсолида ёшлик, қудрат ва қайғусиз дунёни топганди.

Нийлнинг ҳаётидаги бўшлиқни янада тўлдириш учун Йигирманчи Миляда шинаванда йигит Сэнди Макферсон деганлари пайдо бўлди. У сира тинч турмасди: ё хуштак чалиб, итларни олға елдирар, ё гулхан атрофида ўтириб ҳиргойи қиларди. Юкон бўйлаб икки юз чақирим

юқоридаги кўналғасига бир куни аллақандай руҳоний келиб қолди. Ўзиям руҳоний вақтида келганди: Сэнди Макферсоннинг мархум оғайнисининг жаноза дуосини ўқиш лозим эди. Кетиши олдидан руҳоний:

– Бўтам, энди сиз ёлғизликка маҳкумсиз, – деди.

Сэнди ғамгин бош силкиди.

– Йигирманчи Миляда, – кўшимча қилди руҳоний, – сизга ўхшаган ёлғиз киши бор. Сизлар бир-бирингизнинг кунингизга ярайсизлар, чироғим.

Мана шу зайлда Сэнди факторияда учинчи кўнгилли, Боннер ва Жис-Укнинг оғаси бўлиб яшай бошлади. У Боннерни буғу, бўри овлашга ўргатди, эвазига Боннер ўқиладериб титиғи чиқиб кетган китобни совға қилди ва кўп ўтмай Шекспир ижодига шайдо бўлган Сэнди ўжар итларига ямбли пентаметрлар ёзғирди. Узоқ кечалари эр-каклар криббеж³⁴ ўйнашар, борлик ҳақида баҳслашарди, Жис-Ук эса юмшоқ курсига ўрнашиб олиб пайпоқ ва мўкасинларга ямоқ соларди.

Баҳор келди. Қуёшбобо жанубий сафардан қайтди. Фасллар келинчаги заминга ўз сепини ёйди. Оламга нур сочилиб, ҳаёт қайнай бошлади. Узун кунлар тунни қувиб солди. Дарё муз зирҳини ечиб, пароходлар пишиллаши ухлаб ётган табиатни уйғотди. Шовқин, тўполон, янги танишлар, «буғи» чиқиб турган янгиликлар. Йигирманчи Миляга янги ёрдамчи келиши биланоқ Сэнди Макферсон олтин изловчилар билан Коюкук водийсига отланди. Нийл Боннер рўзнома, журнал, хат-хабар олиб турди. Жис-Ук уни юрак ҳовучлаб қузатар, билардики, денгиз ортидаги қондошлари Боннер билан алоқа ўрнатган.

Отасининг қазо қилгани ҳақидаги хабар Нийлни унчалик ҳам изтиробга солмади. Почтадагилар мархумнинг илиқ сўзлари битилган афвномасини ҳамда фактория-

³⁴ *Криббеж* – карта ўйини.

ни ёрдамчига топшириб, Боннер хушига келгандагина жўнаб кетиши мумкинлиги ҳақидаги Компаниянинг рухсатномаси туширилган расмий мактубни келтириб беришди. Узундан узоқ юридик ҳужжатда отасининг васияти ила Боннерга ўтган акциялар, қимматли қоғозлар, ерсувга эгалик ҳуқуқи, кўчмас мол-мулклар рўйхати келтирилганди. Бежирим хуснихат-ла битилган қоғозчада суюкли Нийлни дардманд ва меҳрибон отасининг бағрига қайтиши ўтиниб сўралганди.

Нийл Боннер соҳилда «Юкон гўзали» Беринг денгизига йўналиб кишнаши билан жўнаб кетди; у оғзидан самимий бўлиб янграган тез орада қайтиш тўғрисидаги қадимдан қолган ёлғон билан жўнаб кетди.

– Жис-Ук, азизам, ерга қор тушишидан аввал қайтаман.

У нафақат ваъда берди, балки бундай вазиятларда бошқа эркакларга ўхшаб сўзларига ўзи ҳам ишонганди. Янги вакил – Жон Томпсон Жис-Ук номига чекланмаган маблағ очишга фармойиш берди. «Юкон гўзали» палубасидан назар ташлар экан, келгусида ўлкада энг ажойиб ва шинам – Жис-Ук билан Нийл Боннернинг даргоҳи бўлгувчи уй қурилиши учун ёғоч ташиётган ишчиларга кўзи тушди. Дарҳақиқат, у қайтишни режалаштирганди. Жис-Ук билан йўли бир эди, Шимол эса фаровон истиқболни ваъда қилаётганди. Бу истиқболга отамерос пулларни сарфламокни кўнглига тугганди. Уни шуҳратпарастлик орзуси ўз домига тортаётганди: у қайтиб келади, тўрт йиллик тажрибаси шарофати ҳамда Компаниянинг дўстона қўллаб-қувватлаши билан Алясканинг Сесил Родсига³⁵ айланади. Қачонки ўзи ҳеч вақо тушунмайдиган отасининг ишларини бир ёкли қилиб, аллақачонлар унут бўлган онасининг ярим кўнглига тасалли берса бўлди, шубҳасиз, қайтади.

³⁵ *Сесил Родси* – инглиз сиёсий арбоби, Жанубий Африкада мусамлакачилик ташаббускори.

Нийл Боннернинг Шимолдан қайтиб келиши катта тўй-томошага айланиб кетди. Ўчоқларда олов гуриллаб, эт ола бошлаган бузоқлар сўйилиб қозонга ташланди. Нийл Боннер қорайиб, эр йигит бўлибгина қолмай, тубдан ўзга одамга айланганди: оғир-босик, жиддий, зийрак. Ҳамшишалари Боннернинг кўнгилхушликни рад этганидан ҳайрон қолишди.

Шу тўрт йил мобайнида Нийл Боннернинг ақли ҳеч қанақа оҳори тўкилмаган таассурот олмаган эса-да, унинг тийнати барча қабихликлар, енгилтакликлардан тозаланганди. Боннер ёшлигида ўнгу сўлга қарамасдан яшарди, аммо хилватнишин маконга бориб қолганда ичидаги талатўп сокинлик билан алмашди. Аввалги саёз, юзаки қарашларини шамол юлқиб олиб кетди, улар ўрнида янги, чуқур мулоҳазали, асосли тамойиллар униб чикди. Тараққиёт, маданиятнинг қадрига етди. У ер хиди аралаш кўтарилаётган ховурни туйишни ўрганганди. Ҳаётни оддийлиги билан кўра бошлаганди ва бу унга тамаддуннинг ботиний мазмунини, ожизликларини афзалликларини англашга ёрдам берди. Унинг янги фалсафаси жўн эди: нажот – ҳалол яшашда; бурчни адо этмоқлик – ҳалол яшамокликдир; ҳалол яшаш ва бурчни адо этмоқликка меҳнат оркали эришилади, меҳнат – тоат-ибодат демакдир; меҳнат қилмоқлик – Яратганнинг иродасини бажо келтирмоқликдир.

Нийл шаҳар фарзанди эди. Замин билан мулоқотда бўлиш, инсон табиатининг номаълум қирраларини ўрганиш унга тараққиёт тушунчасини чуқурроқ англашга имкон яратганди. Одамлар унга кадрлироқ бўлиб, олам кенгайиб борарди. Кун ортидан кун ўтиб, Аляска узоклашиб, хаёлий диёрга эвриларди. Кейин эса Боннер ўз иркидан, ўз табақасидан бўлган аёл – Китти Шаронни учратди. Аёл уни шунчалик измига солиб ўйнатдики, за-

мон ва маконни унутди, Юконга қачон биринчи қор тушиши хаёлидан кўтарилди.

Жис-Ук данғиллама янги уйига кўчиб ўтиб, ёзнинг зийнатли уч ойини орзулар оғушида ўтказди. Сўнгра шитоб билан келган олтин куз дугонаси кумуш қиш яқинлашаётганини жар солди. Ҳаво совиб, кунлар қисқарди. Дарё имиллаб, дангаса бўлиб қолди. Жанубга кўчадиганлар кўчиб, тагин сукунат ҳукмронлиги бошланди. Илк қор учқунлари чир-чир айлана бошлади, сўнги пароход музпардани ёриб, бу ерлардан қочиб қолди. Улар кетидан муз майдонлар пайдо бўлди. Бутун борлик ҳаракатдан тўхтаб, серрайиб қолди.

Жон Томпсон ваъдабозни майна қилиб кулар, лекин Жис-Ук суюмли ёрининг йўлда ушланиб қолганига ичичидан ишонарди: Нийл Боннер Чилкут довони ва Сент-Майкл орасида дарёнинг исталган ерида тақа-тақ музлаб қолган бўлиши мумкин – кечикаётган саёҳатчилар қачон карама музга текилиб қолиб, қайиқни чаналар билан алиштиришади.

Бахтга қарши Йигирманчи Миляга биронта ҳам чана елиб келмади. Жон Томпсон севинчини яширолмаё Жис-Укка Боннер энди ҳеч қачон қайтмаслигини айтиб, кўрслик билан дангалига ўзини куёвликка таклиф этди. Жис-Ук пиқ этиб кулиб юборди-да, янги уйига кириб кетди. Айна чилланинг ўртасида, умид учқунлари сўниб, ҳаёт тўхтаб қолган кунлари Жис-Ук ўзига ажратилган маблағ тугаб қолганидан воқиф бўлди. Бунинг учун у уйининг атрофида тимирскиланиб, қўлини хафсала билан ишқалаётган Томпсондан «миннатдор» бўлиши керак. Жон Томпсоннинг кутишлари беҳуда эди. Жис-Ук бир гала итларини олтин изловчиларга пуллаб, озиқ-овқатга нақд пул тўлай бошлади, Томпсон унинг пулларини олишдан бош тортгач, тойатлар керакли майда-чуйдаларни сотиб олиб, кечаси Жис-Укникига ташлаб кети-

шарди. Февралда дастлабки почта келди. Жон Томпсон келтирилган рўзномада беш ой аввалги Нийл Боннер ва Китти Шароннинг тўйлари ҳақидаги хабарни ўқиди-ю, оёғини қўлга олиб Жис-Укнинг қошига ошиқди. Жис-Ук Томпсонни ичкарига киритмай, эшикни қия очиб, унинг гапларини эшитди, лекин ишонмади. Март ойида Жис-Ук ўғил фарзандни дунёга келтирди. Бу кўзлари чакнаб турган миттигина янги ҳаёт Жис-Укни завқ-шавқ, ҳайрат комига ташлади. Бир йил ўтиб худди шу соатда Нийл Боннер ўзга каравотда ўтириб олиб, дунёга келган бошқа миттивойдан ҳайрат кўзларини узмасди.

Қорлар эриб битди. Юкон музлардан ҳалос бўлди. Кунлар узайди, сўнг тагин қисқарди. Итлардан тушган ақчаларнинг ҳам охири кўриниб қолди. Жис-Ук ўз қабиласига қайтди. Омадли овчи дея ном чиқарган Очиш рўзгорни бут қилишини айтиб, Жис-Укнинг қўлини сўради. Биргина у эмас, бошқа навқирон овчилар — Имего, Ха-Йо, Уи-Нуч ҳам ўз номзодларини билдиришди. Мағрур Жис-Ук эса турмуш машаққатларини бир ўзи енгиб ўтишни афзал кўрди. У гул туширилган иссиққина, чиройли мўкасин, қўлқоп, паркалар тикиб, кундан кунга чумолидай кўпайиб бораётган олтин изловчиларга сотарди. Шу тарзда Жис-Ук қорин ғамини ейиш баробарида озроқ маблағ ҳам йиғди ва кун келиб «Юкон гўзали» уни ҳам дарё бўйлаб куйига олиб кетди.

Сент-Майклдаги фактория ошхонасида идиш-товок ювувчи бўлиб ишлади. Компания хизматчилари бу хурлиқо аёл ким экан, дея лол эдилар, аммо улар сўрашга ботинишолмасди, хурлиқо ҳам оғиз очмади. Беринг денгизида қатнов тўхташидан сал илгари Жис-Ук Сент-Майклга тасодифан адашиб сузиб келган денгиз мушуги овловчилари шхунасида жанубга қараб йўл олди. Қишда Уналяшкада капитан Маркхейм хонадонида ошпаз бўлиб кун кўрди, баҳорда эса виски ортилган

қайиқда жанубнинг ичкарироғига, Ситхуга сузиб кетди. Кейинроқ Пенхендлнинг жанубий қисмида жойлашган, Мариядан унча узоқ бўлмаган Метлактлга келиб қолди. У ерда лосось ови мавсумида консерва заводида ишлади. Куз келгач, балиқчи-сивашлар Пюджет бўғозидаги жонажон уйларига шошишар экан, Жис-Ук ўғли билан ўзларидан ташқари икки оила жойлашиб олган, қарағай ёғочидан ясалган қайиққа ўрнашганча, Аляска ва Канада ороллариининг қирғоқбўйи лабиринтларидан эсон-омон ўтиб олишди. Ниҳоят, Хуан-де-Фука бўғози ортда қолиб, Жис-Ук ягона овунчоғини етаклаганча Сиэтлнинг тош кўчаларини кезарди.

Тўрт кўчаларнинг бирида кутилмаганда Сэнди Макферсонни учратиб қолди. Макферсон Жис-Укнинг бошидан ўтганларини эшитиб тонг қотди. Китти Шарон эшитгандами, бадтар ғазаби қайнарди. Аммо Жис-Ук кундошини тилга олмади, негаки унинг ўзи бунга ишонмасди. Сэнди Жис-Укни ташлаб кетилган ҳисоблаб, Сан-Франциско сафаридан қайтаришга кўндириб кўрди. Кор қилмагач, барча оворагарчиликни ўз бўйнига олди: Жис-Укка чипта сотиб олиб, уни поездга жойлаштирди. Кулиб хайрлашди. Охири соқолини қашиб: «Қандай пасткашлик!» деб кўйди.

Гумбур-гумбур ва тарақ-туруқ остида, куну тун, уфқдан то шафаққача тинимсиз силкинишларда, гуллаётган водийларда дам кўтарилиб, дам пасайиб, жарликлар оша, пурвикор тоғларни кесиб ўтиб Жис-Ук ёлғиз дилбанди билан жануб томон елдек учиб борарди. Жис-Укни пўлат от кўрқитолмади, Нийл Боннер қавмдошларининг мўъжизаси олдида гангиб қолмади. Илоҳмонанд қабиладан бўлмиш бу кимса уни ўз оғушига олса, қандай ғаройиб мўъжиза юз берарди-я, деб хаёл қилганча ич-ичидан зил кетарди. Пароходларнинг беҳаловатлиги, самога ўрлаётган фабрикаларнинг

қоп-қора тутуни, кўчаларда одамларнинг қаёқларгадир ҳовлиқиши аралаш Сан-Францисконинг ола-ғовури-да Жис-Укни эсанкиратиб кўёлмади. У фақат Йигирманчи Миля ҳам, буғу терисидан бўлган вигвамлари хилпираб турган тойат овули ҳам қанчалар қашшоқ эканини англади. Кўлига чиппа ёпишган болакайга қараб туриб, унинг отаси ғариб қулбада истиқомат қилганига ишонгиси келмасди.

Извошчига беш баробар қиммат йўл ҳақи тўлаб, Жис-Ук тош пиллапоялардан Нийл Боннернинг ҳашамдор эшигига кўтарилди. Ғилай япон узоқ кечган самарасиз суҳбатдан сўнг уни ичкарига қўйди-ю, кўздан ғойиб бўлди. Жис-Ук даҳлизда қолди. Соддалигидан кутиш хонасини меҳмонхона ўрнида кўрди. Хонада хонадон соҳибининг бойлиги кўз-кўз қилиш учун атай кўргазмага қўйилганди. Девор ва шифт сайқал берилган кизил дарахт тахталаридан эди. Пол чиннидай ялтиллаган, сипсиллиқ эди. Сирпаниб кетишдан кўрқиб Жис-Ук полга ташлаб қўйилган ҳайвон терисига туриб олди. Энг наридаги деворда маҳобатли камин тубсиз бўлиб кўриниб турарди. «Қанча ёқилғи кетар экан-а!» – хаёлидан ўтказди. Хонани тўлдириб турган нур рангли шишалар билан пайтирилганди. Ичкарида эса мрамар ҳайкал ялтир-юлтур қиларди.

Буниси хали ҳолва эди. Ғилай хизматкор уни кейинги хонага, ундан сўнг учинчи хонага олиб ўтди. Бу хоналарнинг олдида даҳлизнинг ҳашамати ғарибона эди. Кошона ниҳоясиз эди гўё. Хоналар бирам кенги! Илк бор Жис-Укни оқ танлилар тамаддуни қаршисида ҳурмат ортидаги кўрқув қамраб олди. Нийл, ўзининг Нийли шу хонадонда яшайди, шу ҳаводан нафас олади, тунлари шу ерда ором олади! Кўриб турганлари бетакрор, кўзни қувонтиради. Буларнинг барчаси ортида куч-қудрат,

ақл-заковат яширинганини хис этди. Бу ерда куч-қудрат ўзини гўзалликда намоён этганди ва бу қодирликни у дарҳол фаҳмлаганди.

Кейин эса хонага дуркун, басавлат, куёш каби товланаётган чамбарак соч аёл кириб келди. У саллоланиб қадам ташлаб, кўйлаги шитир-шитир кўшиқ куйлаб, сокин дарё мавжлари узра таралаётган оҳанг сингари оқиб келиб меҳмонга пешвоз чиқди. Жис-Укнинг ўзи чиройи билан эркакларни мафтун қилгувчи эди. Оч-Иш, Име-го, Ха-Йо, Уи-Нични эслашнинг ўзи кифоя. Нийл Боннеру Жон Томпсон ва Жис-Укка ошиқ бўлган бошқа оқ танлиларни айтмаса ҳам бўлади. Лекин у ўзини қарши олаётган катта-катта мовий кўз аёлнинг оппоқ ва майин терисига кўзи тушди. Эр киши кўзи билан баҳолаб, бу кўзни олувчи барнонинг қаршисида ўзини ҳақирлашиб бораётганини хис қилди.

– Хўжайинимни сўрабмидингиз? – сўради аёл. Жис-Ук аёлнинг кумуш торлариникидек жаранглаб таралган овоз оҳангига маҳлиё бўлиб қолди. Ахир, бу нозанин умри бино бўлиб ириллаб турган бўрибосарларга бақирмаган, томоғи қирилиб гапирмаган, овози шамол, аёз, гулхан тутунида дағаллашмаган.

– Йўғ-е, – инглиз тилида бемалол сўзлай олишини кўрсатиш учун шошмасдан, хафсала билан сўз танлаб жавоб берди Жис-Ук. – Менга Нийл Боннер керак.

– Ўша менинг эрим-да, – табассум қилди аёл.

Демак, ҳаммаси тўғри экан-да! Ўша февралнинг ҳасратли кунда Жон Томпсон алдамаган экан-да! Қачонлардир Амос Пентлини ағдариб, бўғзига пичок тирашга мажбур қилган тийиқсиз куч ҳозир уни манави таннозни ер тишлатиб, жонини суғуриб олишга ундарди. Жис-Укнинг миясига шиддатли фикрлар қуюни лоп этиб урилди, бироқ ўзини фош этмади. Китти Боннер ҳам шу онларда қанчалар ўлим ёқасида турганини билмай қолди.

Жис-Ук бош ирғаб кўйди. Китти Боннер Нийлни ҳадемай келиб қолишини айтди. Улар бесўнақай юмшок курсига ўтиришди. Китти ғайриоддий меҳмонини гапга солди.

– Сиз эрим билан Шимолда кўришганмисиз? – сўради Китти шунчаки.

– Ҳа, мен унга кир ювган, – Жис-Укнинг инглизча та-лаффузи негадир ёмонлашди.

– Бу қақажон ўғлингизми? Менда эса қизалоқ.

Китти қизалоғини чақирешларини буюрди; бола-лар бир-бирига кўниккунча оналар у ёқ-бу ёқдан суҳ-батлашишиб, чойхўрлик қилишди. Чинни пиёла шу қадар нозик эдики, Жис-Ук кўлидаги пиёлани синдириб кўйишдан кўрқарди. Бундаин нафис, бежирим пиёлани биринчи марта кўриши эди. Хаёлан бу нафис пиёлачани чой куйиб узатаётган аёлга киёслади, беихтиёр тойатлар-нинг ёғоч, ту누ка сувдонини ҳамда Йигирманчи Милда-ги кўпол сопол идишларни ўзига муқояса қилди. Жис-Ук иккиланиб колди. У ўзини мағлуб деб тан олди.

Нийлнинг болаларига муносиб она бўлишга ўзга бир аёл топилганди. Юрагини парчалаган бевафонинг бу ма-ликаси ўзидан устун чикди. Жис-Ук Китти Боннернинг анор юзига кўз югуртирди, ўзининг офтобда куйган ёноқлари хаёлидан лип этиб ўтди. Нигоҳлари ўзининг қора қўлларидан оппоқ қўлларга сирпаниб ўтди. Бири эш-как эшавериб, камчи дастидан қадок ва яра-чақа бўлган, бири қора меҳнат нималигини билмай гўдакникидай оппоқ ва майин. Бу аёлдаги мулойимлик, зоҳирий заиф-ликка қарамай Жис-Ук мовий кўзларда Нийл Боннер ва унинг элатдошлари кўзларидаги кудратни кўрди.

– Ахир, бу ўзимизнинг Жис-Ук-ку! – деди хонага ки-риб келган Нийл Боннер. У бу сўзларни бамайлихотир, чин юракдан айтди. Аммо Жис-Ук унинг кўзларидаги хавотирни сезди ва барчасига тушунди.

– Омонмисан, Нийл? Ахволларинг қалай?

– Яхши, яхши, Жис-Ук! – қувноқ жавоб қайтарди Боннер. Ўртада бирон гап-сўз бўлганми, йўқми, билиш учун Киттига кўз қирини ташлади. У хотинини жуда яхши биларди, хатто энг ёмони бўлиб ўтган эса-да, рафиқасининг юзидан ҳеч балони ўкиёлмасди.

– Сени кўриб бошим осмонга етди, – давом этди Нийл. – Хўш, нима гаплар? Уй-жой топдингми? Ўзи қачон келдинг?

– О-о-а, бугун. Тураржой топмадим, Нийл. Капитан Макхеймни биласанми? Уналяшка? Мен унинг уйида узоқ-узоқ пиширдим. Кўпгина пул тўпладим. Шундай қарор қилдим: оқ танлилар юртини томоша қилиш қандай соз. Жуда чиройли оқ танлилар! Жуда чиройли!

Нийл кулоқларига ишонмасди. Сэнди иккови унга инглиз тилини ўргатишган, Жис-Укдан қобилиятли шогирд чиққанди. Энди эса Жис-Ук қабиладошлари каби гапираяпти. Юзи тинч, осойишта, ҳеч нимани фахмлай олмайсан киши. Рафиқасининг хотиржамлиги ҳам Боннерни жиғибийрон қиларди. Нима бўлди? Ади-бади айтишдимикин? Бу жимжитлик нимани англатади?

Боннер ушбу саволлар устида бош қотиргунча Жис-Ук ичидаги ғалаённи босишга уринди (бу қалб ўғриси ҳар қачонгидан ҳам хушрўйроқ!). Ўртага оғир сукунат чўкди.

– Қаранг-а, эримни Аляскада учратган экансиз-да! – деди тишлари орасидан Китти Боннер.

Учратганди?! Жис-Ук ялт этиб ўғилчасига қаради. Нийлнинг кўзлари Жис-Укнинг нигоҳлари ортидан дераза тагида ўйнаётган болакайлар тарафга югурди. Бошини темир гардиш сиқиб, юраги тўқмоқ каби уриб кўкрагидан отилиб чиқаётгандек туюлди. Ўзининг зурриёди! Етти ухлаб тушига ҳам кирмаганди.

Кўккўз, ёноқлари қизил, ҳарир кўйлақчасида эртақлардаги фариштага ўхшаган миттигина Китти Боннер болакайни ўпмоқчи бўлиб лабларини чўччайтирарди. Гул солиб тикилган, попукли, кийилавериб эскирган мўйна кийимдаги, юзларини шамол ялаган, офтоб қорайтирган ориқ, эпчил болакай эса қизчанинг хийла-найрангларига қарамай пинагини бузмасди. У ёввойиларнинг боласи сингари ўзини зўр бериб тик тутарди. Ўзга юртдаги ёт ажнабий. Болакай на саросимага тушган, на кўркув ичида эди, аммо заррача хавфни сезиши биланок ташланиб, тишлаб, юмдалашга шай эди.

Болалар ўртасида катта тафовут бўлса-да, болакай ўзига нисбатан ачиниш ҳиссини уйғотмасди. Шпак, О'Брайен, Боннернинг авлоди эди бу азамат. Юзининг хушбичимлигидан, мақтовга лойиқ намунали сиполигидан ота-боболарининг жасурлиги, ғайрат-шижоати ёғилиб турибди.

Нийл Боннер кўнглидаги ҳис-туйғулар тўфонини бошишга уриниб, очиқ чеҳра билан кулимсирарди.

– Сенинг ўғлингми-а, Жис-Ук? – деди ва Киттига ўгирилиб кўшиб кўйди: – Ёқимтой йигитча! Улғайгач, катта одам бўлишига аминман.

Китти тасдиқ маъносида бош силкиди.

– Исминг нима? – сўради Китти.

Кичкина ёввойи нима учун ундан исмини сўрашаётганини тушунишга тиришиб бегона холани синчиклаб кўздан кечирди.

– Нийл, – шошмасдан жавоб қилди болакай.

– Ҳинду дегин, – аралашди Жис-Ук ўзича шу заҳоти янги тил кашф қилиб. – «Ни-эл» дегин. Гўдаклигида қокнонни яхши кўриб сўрайверарди. Ҳамма «ни-эл» деб чақирарди ва мен унга шундай исм бердим.

– Отаси-чи? – сўради Китти. – Келишган киши бўлса керак, хойнаҳой?

– О-о-о-а, ҳа. Отаси чиройли.
– Сен уни танирмидинг, Нийл? – қизиқсинди Китти.
– Менми? Жуда яхши танирдим, – Нийлнинг кўз ўнгида ҳувиллаган Йигирманчи Миля ва сукунат куршовида ўз хаёллари ила танҳо қолган одам гавдаланди.

Шу ерда Жис-Ук ҳақидаги ҳикоямизни тугатсак бўларди-ю, лек улкан қурбонлиги унга қанчалар шон-шуҳрат келтириб, кўкларга кўтарганини сўйламасак бўлмас. Жис-Ук Шимолга қайтгач, ўзининг катта уйида умргузаронлик қила бошлади. Келгусида Компания Жон Томпсоннинг хизматига муҳтож эмаслигини билдирди. Янги вакил ва бўлғуси ўринбосарлар Жис-Ук исмли аёлга истаган маҳсулотни, озиқ-овқатни аёл хоҳлаган миқдорда ҳеч қандай тўловсиз берилиши тўғрисида кўрсатма олишди. Қолаверса, Компания Жис-Ук исмли аёлга йилига беш минг доллар миқдорида нафақа ажратди.

Болакай бироз улғайгач, Шампро ота уни ўз тарбиясига олди. Тез орада Жис-Ук номига Мэриленддаги язитлар коллежидан мунтазам мактуб келиб турди. Кейинрок бу номалар Италиядан, ундан сўнг Франциядан келди. Орадан йиллар ўтиб Аляскага Нийл ота деган руҳоний ташриф буюрди ва она ватани учун кўп ҳайрли ишлар қилди, пировардида фаолият доирасини кенгайтириб, Орденда улуғ мартабага эришди.

Жис-Укнинг ҳали ўн гулидан бир гули очилмаганди. Шимолга қайтганда эркаклар аввалгидек унинг қалбига кўл солиб кўришарди. Ҳарчанд чиранишмасин, Жис-Ук ҳалол умр кечирди, у ҳақда фақат ва фақат яхши гапларни эшитиш мумкин эди. Бирмунча вақт Муқаддас Хоч роҳибалари орасида яшади. У ерда саводини чиқарди,

муолажа сирларини ўрганди. Уйига келиб, тойат овулидаги қизларни жам қилиб, ҳаёт сабоқларидан дарс берди. Бу на протестантлик, на католик мактаби эди: аммо миссионерлар Жис-Укнинг эзгу ишларини манзур топишди. Унинг эшиклари барча учун қишин-ёзин очик, хориб-чарчаган олтин изловчилар, тинкаси қуриган йўловчилар бироз бўлса-да тин олиб, Жис-Укнинг ўчоғида исиниш илинжида йўлни тўғри уникига солишади. Жанубда, Штатларда истиқомат қилувчи Китти Боннер эса турмуш ўртоғининг Аляскадаги таълим масалаларига қизиқишлари ҳамда шу мақсадга каттагина маблағлар сарфлаётганини мақбуллаб, қўллаб-қувватлади; гарчанд ора-чора ёстикдошини мазаҳ қилиб, жиғига тегса-да, ичидан умр йўлдоши билан фахрланади.





КЎРГАН-КЕЧИРГАНЛАРИМ

(Эссе)

Мен 1876 йили Сан-Францискода дунёга келдим. Ўн беш ёшимдаёк ҳаётнинг ачиқ-чучугини тотиб кўрган йигит бўлиб етишдим. Агар кўлимга уч-тўрт чақа тушиб қолса, уларни обакиданонга эмас, май сотиб олишга сарфлардим. Эрақ кишига айнан майхўрлик ярашади, деб ҳисоблардим ўша кезлари. Мана, ёшим ўтгиздан ошибдики, қайтадан ўсмирга айланиб қолишни истайман, негаки ўсмирлик лаззатларидан бахраманд бўлиш менга насиб этмаган. Ҳаётга ҳам минбаъд аввалгидай жиддий қаролмайман. Яна ким билади, дейсиз, балки ўша умр баҳорига яна дуч келиб қоларман! Ҳаётда энг муҳими масъулият эканлигини ақлимни таниганимдаёк тушуниб етгандим. Хат-саводим қандай чиққанини эслай олмайман. Аммо беш ёшимдаёк ўқиш ва ёзишни билардим. Илк бор Аламедадаги мактаб остонасига қадам кўйганим ҳали-ҳануз кўз ўнгимда. Кейин биз ранчога кўчиб ўтдик ва мен, саккиз яшар болакай, ўзимни қора меҳнатга урдим.

Менга Матеодаги бир кўримсизгина бино иккинчи мактаб вазифасини ўтади. У ерда мен қунт билан билимни оширишга тиришардим. Синфда ҳар биримизга алоҳида парта берилганди. Аммо бу парталар кўпинча бизга керак ҳам бўлмас, сабаби, муаллимимиз дарсга маст ҳолда келарди. Орамиздан сал ботирроғимиз муаллимнинг жиғига тегиб ўйнашар, у ҳам қарздор бўлиб қолмаслик учун ўша ўқувчини тутиб олиб, тоза пўстагини қоқарди. Ана энди бу мактаб ҳақида тасаввурга эга

бўлгандирсиз?! На туғишганларим, на ёр-дўстларим адабиётга тарикча ҳам қизикмасдилар. Назаримда, адабиёт оламига катта бобомнинг оз-моз алоқаси бор эди: бу чол тушмагур маъмурий округда котиб эди, хилват чакалакзорларда Инжилни завқ-шавқ ила тарғиб қилар, шу боис Патер³⁶ Жонс лақабини олганди.

Болалик чоғларимдаёқ мени одамларнинг жаҳолат ботқоғига ботганлиги ҳайратга соларди. Тўққиз ёшимда Вашингтон Ирвингнинг «Ҳамро»сини зўр иштиёқ билан ўқиб чиқдим ва ранчодагилардан биронтаси бу китоб ҳақида билмаслиги ҳеч ақлимга сиғмасди. Вақт ўтиб, бундайин жаҳолат фақатгина қишлоғимизда ҳукм суради, шаҳарда эса ҳаёт умуман бошқача бўлса керак, деган хулосага келдим. Шундай қилиб, бир куни ранчомизга шаҳардан бир киши келди. Бошмоқларига қарасангиз, юзингизнинг аксини кўришингиз мумкин, эғнида мовут пальто. Маърифатли киши билан суҳбат қуришнинг айнаи вақти, деб ўйладим. Шаҳарлик меҳмонни ўзимнинг «қасримга» – эски, яримвайрона кулбамга таклиф этдим ва ундан «Ал-Ҳамро» ҳақида сўрай бошладим. Ҳайхот, у ҳам ранчо аҳолиси каби жоҳил бўлиб чиқди. Шунда дунёда иккитагина оқил одам бор, улардан бири – Вашингтон Ирвинг, иккинчиси – мен, деган фикрга келдим.

Ўша пайтлар «Ал-Ҳамро»дан ташқари асосан ўн центлик романлар (мен уларни батрақлардан сотиб олардим) ва рўзномаларни ўқиб чиқардим. Ҳафталик рўзномаларда кўпроқ ўзлари кашшоқ бўлса-да, қалблари пок кишилар ҳаёти ҳақидаги ажойибу ғаройиб асарларни ўқирдим. Бундай мутолаалардан сўнг онгу тафаккурим ўзига хос тарзда такомиллашиши лозим эди, лекин мен қўлимга нима тушса, шуни ўқиб кетаверардим. Бунга ёлғизлигим сабаб бўлгандир, балки. Уйднинг «Сигна»

³⁶ Патер – католик руҳонийси.

қиссаси менда катта таассурот қолдирди. Қиссани икки йил мобайнида қайта-қайта ўқидим.

Қиссанинг хотимасини йиллар ўтгач, оқ-қорани танийдиган ёшга етганимда англаб етдим. Китобнинг яқунловчи боблари йиртиб олинган бўлиб, ўшанда асар қахрамони билан орзулар салтанатига сайр этардим. Қахрамонни олдинда ёвуз Немезида³⁷ кутаётганлиги етти ухлаб тушимга ҳам кирмаганди. Ўша чоғлар менга асалариларга кўз-қулоқ бўлиб туриш топширилганди, дарахт тагига ёнбошлаб олиб, тонг саҳардан то қош қорайгунча асалариларнинг ғуж бўлишини кутиб, ҳам ўқирдим, ҳам ширин хаёлларга берилардим.

Ливермере водийси шу қадар теп-текис, зерикарли макон эдики, ҳатто водийни ўраб турган тепаликлар ҳам мени ўзига ром этолмасди. Хаёлларимни биргина жараён – асалариларнинг уяларига тўпланишларигина тўзғитиб юборарди. Ўша заҳоти жар солиб одамларни чорлардим, улар эса сув тўлдирилган хумча, челақ кўтариб югуриб келишарди. Ёдимда, «Сигна»нинг биринчи сатрлари шундай бошланарди: *«Бу бор-йўғи кичкина болакай эди, шундай эса-да, бу болакай буюк мусиқачи бўлиб етишишини, бутун Оврўпа унинг оёқлари остида ётишини орзу қиларди»*. Ҳа, мен ҳам кичкина болакай эдим... Нима учун энди ўша митти болакай қилган ишни мен амалга оширолмас эканман, дея келажак ҳақида ўй сурадим.

Калифорния ранчосидаги ҳаёт ўта зерикарли эди. Ҳар куну уфқ ортига кетиб, дунё кўришни орзу қилардим.

Тушунарсиз ғалати шивир-шивирлар йўлга отланишимга ундарди. Мен гўзалликка интилардим, бинобарин, атрофимда зиғирча ҳам гўзалликни кўрмасдим. Тепаликлару водийлар жонимга текканди. Мусофирчи-

³⁷ Немезида — юнон мифологиясида ёвузлик илоҳаси.

ликда юрганимдагина уларни қанчалик севишимни англадим.

Ранчони тарк этиб, Оклендга кўчиб ўтганимда ўн бир ёшда эдим. Окленд жамоат кутубхонасида дуч келган китобни ютоқиб ўқиганча, талай вақт ўтириб қолардим. Узоқ вақт давомида китоб ўқиш туфайли ўзимда қандайдир рухий касаллик аломатларини ҳам сеза бошладим. Ўқиган сарим олам сир-синоатларидан бохабар бўлиб, хомхаёллардан халос бўлардим. Тирикчилик учун кўчаларда рўзнома сотиб кун кўрардим. Ўн олти ёшимгача қорин қайғусида ўзимни ўққа-чўққа уравардим, ишим ўқишимга, ўқишим ишимга уланиб кетар, бош қашишга фурсат тополмасдим.

Ўша йиллари саргузашт излаб уйдан чиқиб кетдим. Мен қочиб кетмадим, шунчаки иссиқ ўрнимни тарк этдим. Кўрфазга тушиб денгиз чиғаноғини оловчи қароқчиларга кўшилдим. Қароқчиларнинг ҳам омадлари чопавермас, агар қўлга тушсам, нақд беш юз йилга зиндонбанд этилардим. Кейинроқ шхунага матрос бўлиб ёлландим, лосось овладим. Балки ишонмасиз, аммо кейинги фаолиятим денгиз патрулида давом этди. Мен ҳар қандай балиқ овлаш қонунига хилоф иш тутувчи қонунбузарларни қўлга олишим лозим эди. Бундай бузғунчилар – хитойлар, греклар, итальянлар ғайриқонуний равишда балиқ овлашар, соқчилар гуруҳи жонларини хатарга қўйишиб, уларни тартибга чақирарди.

Кейин эса бошқа кемага матрос бўлиб ёлланиб, Япон денгизи соҳиллари томон сузиб кетдим. У ердан Беринг денгизига ўтиб кетдик. Етти ой давом этган денгиз мушуги овидан сўнг Калифорнияга қайтдим ва турли юмушларга қўл урдим. Кўмир туширдим, портда ҳаммол бўлдим, жут³⁸ тайёрлайдиган фабрикада ишладим. Фабрикада тонгги соат олтидан кеч соат еттигача

³⁸ Жут – Ҳиндистон канопи.

тер тўкишга тўғри келарди. Келаси йил яна денгиз сафарига отланишни кўзлаб кўйгандим. Бироқ кемадош оғайниларимга кўшилиш насиб этмади. Улар «Мери Томас»да сузиб кетишибди – тақдирни қарангки, кема бутун командаси билан денгиз қаърига ғарқ бўлибди.

Жут фабрикасида ишлаб юрган кезларимдаёқ ёзишни машқ қила бошлагандим. Фабрикада иш ўн уч соат давом этар, ижод учун вақт жуда оз қоларди. Сан Францискодаги «Колл» ҳафталиги очерк бўйича танлов эълон қилди. Онам мени танловда қатнашишга бир амаллаб кўндирди. Шундай қилиб, мен «Япон соҳилларидаги тўфон» сарлавҳали очерк ёздим. Чарчаганимга қарамай ярим кечаси очерк ёзишга киришдим ва токи икки мингта сўзни қоғозга туширмагунимча бош кўтармай ёзавердим. Аммо мавзуни тугатолмадим. Эртасига тунда ҳам кўлимга қалам олиб, кўзим юмилиб кетай деса-да, яна икки мингта сўзни битдим. Учинчи тундагина ёзганимни таҳрир қилиб, танлов шартларига мувофиқлаштирдим. Биринчи ўрин менга насиб этди. Иккинчи ва учинчи ўринларга эса Стэнфорд ҳамда Беркли университети талабалари лойиқ деб топилди.

Танловда ғолиб бўлганим ёзувчилик ҳақида жиддийроқ ўйлаб кўришимга сабаб бўлди. Лекин ташвишларим бошимдан ошиб ётарди, адабий фаолиятни кейинроққа суриб кўйдим. Ўша пайтда «Колл» учун ёзган бир мақоламни ҳам таҳририят рад этганди.

Бутун бошли Кўшма штатларни Калифорниядан тортиб Бостонгача кезиб чикдим. Тинч океани соҳилларига Канада орқали ўтар эканман, дарбадарлигим учун панжара ортида ўтириб чиқишимга тўғри келди. Жаҳонгашталиқдан орттирган тажрибам мени социалистга айлантирди. Мехнатнинг таги роҳатлигини аллақачонлар тушуниб етгандим. Мехнат – бу ҳамма

нарса. Меҳнат – бу нажот. Ўта оғир иш кунидан сўнг қалбим қанчалик фахр туйғусига тўлиб-тошганини тасаввур ҳам қилолмайсиз. Капиталистлар эксплуатация қилган ёлланма қуллар ичида мен энг фидойиси эдим. Бир сўз билан айтганда, менинг шодмон шахсиятпарастлигим собитқадам буржуазия одоб-ахлоқининг асири эди. Ғарбдан, қайсики одамлар арзонгаров сотиладиган, ишнинг ўзи хожасини излаб юрадиган макондан кишилар тилларини осилтириб зир югурганча иш ахтариб юрадиган Шарқий штатларнинг аҳолиси зич ишчи марказларига бориб қолдим. Бу манзаралар мени ҳаётга умуман бошқача кўз билан қарашга мажбур этди. Мен ахлатхоналардаги, жамият жарлиги тубидаги ишчиларни кўрдим. Шунда ҳеч қачон оғир жисмоний меҳнат қилмасликка, ўта зарур бўлгандагина бу билан шуғулланишга ўзимга-ўзим сўз бердим. Ўшандан бери оғир жисмоний меҳнатдан ўзимни олиб қочаман.

Оклендга қайтиб ўрта мактабни тугаллаётганимда ўн тўққизда эдим. Ҳар ойда мактаб журнали чоп этиларди. Журналга ўз ҳикояларимни тақдим этдим. Ҳикояларимда денгиз сафарлари ва жаҳонгашталиқда бошимдан кечирганларимни ёздим. Ўқиш билан бирга тунги дарбонлик ҳам қилардим. Устига устак, социалистик қарашларим ҳам кенгайиб «социалист йигитча» деган лақабни орттириб олгандим. Бунга сабаб кўчалардаги намоийишларда иштирок этганим учун ҳибсга олинганим бўлди. Кейин Калифорния университетига ўқишга қабул қилиндим. Олий маълумотли бўлиш бахтидан мосуво этилишни сира истамасдим. Кирхонада ишлаб, қолаверса, адабий фаолият билан шуғулланиб нон топа бошладим. Меҳнатга бўлган иштиёқим қанчалик юқори бўлмасин, ўзим учун белгиллаган вазифаларим жуда мушкул эди ва ярим йил ўтар-ўтмас университет билан ҳайрлашдим.

Мен ҳамон кирхонада кийим дазмоллаб, бўш қолдим дегунча кўлимга қалам олардим. Лекин кўпинча кўлимда қалам билан ухлаб қолардим. Кирхонадан ҳайдалганимдан сўнг ўзимни тўлиқ адабий фаолиятга бағишладим. Кўлёмаларим устида уч ой ўтириб, менадан ёзувчи чиқмайди, деган қарорга келдим ва олтин излаб Клондайкка йўл олдим. Бир йил ўтмай хасталаниб қолганим боис ватанга қайтишим лозим бўлиб қолди. 1900 миля масофани денгизда эшкак эшиб ўтишга тўғри келди. Клондайк сафарида юрганимда тўсатдан отам вафот этди. Энди оила ташвишлари бор бўйича менинг гарданимда эди. Калифорнияда ишсизлик ҳукм сураб, мен бир чақасиз қолгандим. Иш излаб тоза тентирадим, шу билан бирга. «Дарё бўйлаб қуйига» номли ҳикоямни ёзиб тугатдим. Аммо ҳикоям рад этилди. Ушбу ҳикоямнинг тақдири ҳал бўлар экан, йигирма мингта сўздан иборат янги ҳикоямни ёзиб ташладим. Уни бир газета бир неча сонларда чоп этмоқчи эди. Бироқ газета ҳикояни яроқсиз деб топди. Шунча рад жавобларига қарамай тинмай ёзавердим. Нихоят, Калифорниядаги бир журнал ҳикояларимдан бирини қабул қилди ва беш доллар қалам хақи берди. Шундан сўнг «Қора мушук» номли ҳикоям учун қирқ доллар таклиф қилди. Шу тарзда ишларим юришиб кетди. Эндиликда мен оила боқиш учун кўмир туширишим шарт эмас эди.

1900 йили биринчи китобим дунё юзини кўрди. Газетада ишлаб оила тебратсам бўларди, лекин бу вақтни зое кеткизувчи машинанинг қулига айланиб қолмаслик учун етарлича соғлом фикрга эга эдим. Бўлажак адибларни, ҳали улар донгдор адиб бўлиб етишмасларидан аввал, айнан газета таназулга олиб боради, деб ҳисоблайман. Ўзимни журнал ҳодими сифатида синаб кўрганимдан

сўнг газеталар учун ёза бошладим. Мен интизом билан ишлаш тарафдориман ва ҳеч қачон илҳом парисини кутиб ўтирмайман. Фейл-атвор жихатидан нафақат лоқайд ва тартибсиз, балки бироз дилгирроқман. Лекин мен ўзимдаги бу иллатларни енга олдим. Мен зўр спорт ишқибозиман. Мунтазам равишда бокс, қиличбозлик, сузиш, от спорти билан шуғулланаман. Гарчи шаҳарда туғилган бўлсам-да, чекка-чекка масканларни хуш кўраман. Энг яхшиси, қишлоқда ҳаёт кечириш. Ўша ердагина табиат билан ошно бўласан. Аввалбошда ёзувчилардан қисман Карл Маркс ҳамда Спенсер менга катта таъсир ўтказишган. Агар бесамар ўтган ўсмирлигимга қайтолганимда эди, жон деб мусиқа билан шуғулланган бўлардим. Агар ёшлик чоғларимда кўлимда бир ёки икки миллиард доллар бўлганида ўзимни шеърлар ва памфлет ёзишга бағишлардим. Ўзимнинг энг яхши асарларим деб «Оқсоқоллар иттифоқи» ва «Кэптон Уэсс мактублари»дан баъзи бир сатрларни айтишим мумкин. Айтгандай, «Оқсоқоллар иттифоқи» баъзи бировларга ёқмайди. Улар ёрқинроқ, кувноқроқ асарларни афзал кўришади. Ёшим бир жойга бориб қолганда, эҳтимол, мен ҳам уларнинг фикрига қўшиларман.

Жек ЛОНДОН. 1905, Айова.





ҲАЁТНИНГ ЁЗУВЧИЛИК ФАЛСАФАСИ ҲАҚИДА

(Эссе)

Умрининг сўнгига қадар енгил-елпи ёзилган битикларни етказиб беришни ўзига касб қилиб олган адабий «қосиб», яхшиси, ушбу мақолани ўқимай кўя қолсин: вақтини беҳуда сарфлаб, кайфиятини бузгани қолади, холос. Мақола кўлёмани қандай жойлаштириш, материални қандай ишлаш ҳақидаги маслаҳатлар, муҳаррир қалами «инжиқликлари» таҳлили ҳамда равишу сифатларнинг азалдан қолган макру ҳийлалари борасидаги «танбехлари»дан ҳоли. Тузалмас чобукқаламлар, мақола сизлар учун ёзилмаган! Мақола юксак мақсадлари бўлган (майли, ҳозирча у ўртамиёна маҳсулот етказиб бериб турган бўлсин), чинакам санъатга интилаётган ҳамда кишлоқ хўжалиги газеталари ёки «оилавий» журналларга ортиқ қатнамайдиган замонлар келишини орзулаётган ёзувчига бағишланган.

Қадрдон жаноб ёки хоним, сиз танлаган соҳада қандай қилиб машҳурликка эришиш мумкин? Даҳолик биланми? Э, йўқ, сиз даҳо эмассиз-ку. Башарти, даҳо бўлганингизда, ушбу сатрларни ўқиб ўтирмаган бўлардингиз. Даҳо барча кишанлару бидъатларни бир четга суриб кўяди, уни на жиловлаб, на бўйсундириб бўлади. Даҳо, *ragaavis*³⁹, сизу бизга ўхшаб, қачон қарама, ялло қилиб юрмайди. Лекин бу ҳолатда сиз иқтидорлимисиз? Ҳа, албатта, ҳамма гап

³⁹ *Raraavis* – ноёб (лот.)

яширин имкониятда. Йўргакда ётган Ҳеркулеснинг мушаклари нимжон эди. Сизнинг ҳолатингизда ҳам худди шу: иктидорингиз тўла-тўкис шаклланмаган. Агар у етарлича озуқа олиб, тарбияланганда, ушбу мақолани ўқиб, вақтингизни зое кетказмасдингиз. Магарки, иктидорингиз камолотга етганига ишончингиз комил бўлса, тўхтанг, ортиқ буларни ўқиманг! Бироқ камолот поғонасига етмаган, деб ҳисобласангиз, у ҳолда, сизнинг фикрингизча, қай тарзда у камолот чўққисини забт эта олади?

Айрича, деб жавоб берасиз ўйлаб ўтирмасдан, сўнг кўшиб ҳам кўясиз: ўзига хосликни мунтазам ривожлантирган ҳолда. Жуда соз. Аммо-лекин гап бунда эмас – бунга ҳатто ёш бола ҳам билади – ҳамма гап қандай қилиб айрича бўлишда. Қандай қилиб ўқувчида асарларингизга иштиёқмандлик уйғотиш, ноширларни эса ёзганларингизнинг пайига тушириш мумкин? Кимнингдир изидан бориб, ўзга оригиналликнинг нурларини таратиб оригинал бўлиш мумкин эмас. Ахир, Вальтер Скотт ва Диккенс, Эдгар По ва Лонгфелло, Жорж Элиот ва Хэмфри Уорд хоним, Стивенсон ва Киплинг, Энтони Хоуп, Мэри Корелли, Стивен Крейн ва бошқа кўплаб ёзувчилар учун – рўйхатни тўхтовсиз давом эттириш мумкин – кимдир йўл кўрсатиб турмаган. Ҳозиргача ноширлар ва ўқувчилар уларнинг китобларини айюҳаннос солиб талаб қилиб ётишибди. Улар оригиналликка эришиб бўлганлар. Нима орқали, дейсизми? Енгил эсангиз эпкинга ҳам ғириллаб айланадиган флюгерга⁴⁰ ўхшамаганлари орқали улар шу даражага эришганлар. Улар ҳам алаалоқибат омадсиз бўлиб қолганлар қатори бошлаган. Аммо уларни омадсизлардан бир жиҳат ажратиб турган: улар ўзгалар қўлидан

⁴⁰ *Флюгер* – шамолнинг йўналиши ва тезлигини кўрсатадиган, аниқлайдиган асбоб.

ўтган материаллардан воз кечиб, асл манбага мурожаат этишган. Улар ўзгалар хулосасига, ўзга ишончли фикрларга ҳам шубҳа билан қарашган. Ишга улар муаллифлик ҳуқуқидан кўра муҳимроқ бўлмиш ўз тийнатларини муҳрлашган. Дунё ва унинг анъаналаридан (бошқача айтганда – башарият маданияти ва билимидан) шахсий ҳаёт фалсафалари учун зарур материал яратиш, илк манба сифатида фойдаланишган.

«Ҳаёт фалсафаси» жумласига келадиган бўлсак, у аниқ бир қолипга сиғмайди. Аввало, ҳаёт фалсафаси алоҳида масалаларни ҳал этмайди. У нуқул ўтган ва келажак қалб жафолари, жинслар учун турли ёки умумий ахлоқ кодекси, аёлларнинг иқтисодий эркинлиги, эгалланган хусусиятларни мерос қилиб олиш имконияти, алкоголь ичимликларига бўлган муносабат ва ҳ.к. ва ҳ.к. масалаларга диққат қаратиб ўтирмайди. Лекин шундай эса-да, у шу масалалар, қолаверса, ҳаёт йўлида, шубҳасиз, учрайдиган жарлигу ғовларни ҳам четлаб ўтмайди – бу реал ҳаётдан узоқ, мавҳум эмас, ҳар кунги ҳаёт фалсафасидир.

Бундай фалсафа ҳар бир муваффақиятга эришган ёзувчида бўлган. Ўша ёзувчида воқеа-ҳодисаларга ўзининг ҳолис нуқтаи назари, мезони мавжуд. Бу фалсафага таянган ҳолда у характерлар яратади ва у ёки бу даражада умумий хулосалар чиқаради. Бу фалсафа шарофати ила унинг асарлари ҳаққоний, жарангдор чиқади, одамлар эшитишни истаган янги яратиларни кашф этади. Бу унинг асл, чийланмаган, аллақачонлар бошидан кечирган ҳақиқатидир.

Хато қилишдан кўрқманг. Бундай фалсафага эга бўлиш ўзингни бутунлай дидактикага бўйсундириш дегани эмас. Ҳар қандай баҳона сабаб ўз нуқтаи назарини билдириш панд-насихат романлари билан оммани ран-

житишга важ-карсон бўлолмайдди, гарчи буни таъқиқлаб бўлмаса-да. Қайд этиб ўтиш керакки, бу ёзувчилик фалсафаси камдан-кам ҳолларда ўқувчини бирон масалани у ёки бу томондан ҳал этишга оғдириш истагида пайдо бўлади. Баъзи бир йирик ёзувчиларгина очикчасига дидактик ёзишган, айни вақтда баъзилар, масалан, дангал ва нафосатли ёзган Роберт Луис Стивенсон, ўзини бутунлай ижодда намоён этаркан, панд-насихатга шайма қилишдан қочган. Кўпчилик ўзининг фалсафасидан махфий қурол сифатида фойдаланган. Унинг ёрдамида барчасини ўзига сингдирган тугал асарда ўша фалсафа ташқарига чиқиб кетмаслиги учун ҳам фикр, ҳам сюжет, ҳам характерни ифодалашган.

Бундай ишчи фалсафа ёзувчига ёзганларини нафақат ўзига сингдиришига имконият беришини, балки унинг кўмагида асарлари кўриб чиқилиб, баҳоланганини, ёзувчининг «мен»и орқали сингдирилганини англаш зарур. Юқорида айтилган гаплар буюк закийлар, машхур уқлик – Шекспир, Гёте, Бальзаклар мисолида ёрқин намоён бўлади. Уларнинг ҳар бири шу даражада мустақилки, ҳатто учаласини таққослаб ҳам бўлмайдди. Ҳар бири ўзининг омборхонасидан, ўзининг фалсафасидан фойдаланган. Шунга мувофиқ, ўзларининг олий мақсадлари билан асарлар яратишган. Ёшликларида балки бошқа болалардан ажралиб туришмагандир, шунга қарамасдан, тенгдошлари ўзлаштиролмаганларни ўзлаштириб олганлар. Айнан дунёга айтиш керак бўлган нарсани ўзлаштиришган.

Хўш, сиз-чи, ёш ёзувчи, айтишга бирон гапингиз борми? Агар бўлса, гапиришга ёки ёзишга нима ҳалал беряпти? Башарти инсонлар тинглашни истаган ғояларни ривожлантира оларкансиз, уларни қандай ўйласангиз, шун-

дай ифода этинг. Агар сиз тоза ва равшан фикрласангиз, ёзган асарингиз-да бебаҳо бўлур. Бинобарин, баёнингиз кизиқарсиз бўлса, демак, фикрингиз кизиқарли эмас, агар баёнингиз чегараланган бўлса, демак, ўзингиз чегаралангансиз. Агар ғояларингиз чалкаш-чулкаш, аралаш-куралаш бўлса, баёнингиз қаёқдан ҳам равшан бўлсин? Агар билимларингиз тақчил, бетартиб бўлса, баёнингиз эркин ва мантикий бўла оладими? Пишиқ-пухта асоссиз, ишчи фалсафасиз хаосдан тартиб ясаб бўладими? Тўғри англаб, келажакни кўра билиш мумкинми? Сизнинг заррадек билимларингизни ўлчаб, қийматини аниқлаб бўладими? Бусиз, яъни шахсий фалсафасиз ўзлигингизча қола оласизми? Ҳаёт ташвишлари билан елиб-югураве-риб тинка-мадори куриган одамларга недир бир кўнгил таскини беролдингизми?

Бундай фалсафани ягона йўл билан – билимлар ха-зинасидан, жаҳон маданиятидан олинган материалларни шакллантириш, изланиш йўли билан ишлаб чиқиш мум-кин. Қозон тагида биқирлаб қайнаётган куч-қувватни билмай туриб, буғ пуфакчалари ҳақида нимани биласиз ўзи? Мусаввир тарих ва мифологияни тасаввур этмай, яратаётган сиймосининг ишонч-эътиқодини, орзу-ха-ёлларини, ҳис-туйғуларини, меҳр-муҳаббатини, умид-ларини, кўрқинчларини тушунмай-англамай туриб, «ЕссеНото»ни⁴¹ чиза олармиди?! Бастакор қадим гер-ман эпосини билмай туриб, «Валькирия парвози»ни⁴² ярата оладими? Сиз онгли равишда ҳаётнинг юзига тик

⁴¹ «ЕссеНото» – бу ерда Исо Масихнинг бошига тиканли гулчам-бар кийдирилган сиймоси назарда тутилмоқда.

⁴² «Валькирия парвози» – Рихард Вагнернинг «Нибелунглар узу-ги» опера туркумини ташкил этувчи тўрт операдан биридаги кўриниш номи.

карашни ўрганишингиз керак. У ёки бу ҳаракатнинг табиати ва фурсатини билиш учун Жон Браунни⁴³ дорга, Исо Масихни Голгўтага⁴⁴ бошлаб борган буюк ғояларни уйғотувчи, шахс ва оммани ҳаракатга келтирувчи сабаб-боисларни англаш лозим. Ёзувчи дегани ҳаёт суръати билан тенгма-тенг юриши керак, ана шунда ҳаётнинг ўзи унга ишчи, қайсики ёзувчи унинг ёрдамида дунёга ҳаётни баҳолаб, тарози палласига қўйиб, таққослаб, тушунтириб берадиган фалсафани ҳада этади.

Тарих, биология, эволюция таълимоти, этика ва фаннинг бошқа минг бир соҳасидан нималарни биласиз? «Лекин, – дея эътироз билдирасиз, – буларнинг барчаси менга роман ёки дoston ёзишимга қай йўсинда ёрдам бериш мумкин?» Барибир бу сизга ёрдам беради. Тўғридан-тўғри эмас, билвосита таъсир кўрсатади. Билимлар дунёқарашингизни оширади, савиянгни кўтаради, фаолиятингиз доирасини кенгайтиради. Улар сизда оригинал фикрлар уйғотадиган фалсафа билан куруллантиради.

«Бироқ бу улкан вазифа, – деб эътироз билдирасиз. – Бунга вақтим йўқ». Бироқ бошқаларни унинг улканлиги чўчитмади-ку. Ихтиёрингизда ҳали қанча йиллар бор. Тўғри, ҳамма нарсани билавермайсиз, лекин қанча кўп билим олсангиз, шунга яраша ёзувчилик маҳоратингиз ҳам ошиб бораверади, яқинларингизга бўлган таъсирингиз ҳам ошади. Вақт! Вақт етишмаслиги ҳақида гап кетганда, уни тўғри сарфлай олмасликни назарда тутишади. Тўғри мутолаа қилишни ўргандингизми? Ҳикоя ёзиш

⁴³ *Жон Браун* (1800–1859) – негрларни озод қилиш учун курашган. Иркчилик конунларига кўра 1859 йил 2 декабрда дорга осилган.

⁴⁴ *Голгўта* – Исо Масих чормихга тортилган тепалик.

санъатини ўрганаман ёки танқидчилик иқтидоримни чиниктираман, деб йил давомида нечта саёз ҳикоя ва романларни ютоқиб ўқийсиз? Бошидан охиригача қанча журналларни ўқидингиз? Эсиз, сизнинг шунча қимматли вақтингиз, сиз уни бекорга ҳавога совуриясиз, ахир, уни ортга қайтариб бўлмайди-ку! Мутолаа учун синчиклаб материал танлашни, асосий мағзини «юлиб олиб», кўз югуртириб ўқишни ўрганинг. Сиз эълонларга қўшиб ҳар кунги газеталарни ипидан игнасигача ўқиб чиқадиган кексаларнинг сиқиб суви ичилган ақл-идроклари устидан куласиз. Аммо ўзингизнинг бир дунё беҳуда уринишларингиз замонавий адабиётнинг серсув оқимига қарама-қарши турган ҳолда ночор бўлиб қолмаяптимикин? Лекин барибир мана шу оқимдан ўзингизни олиб қочмайсиз. Энг яхшисини, энг сарасини ўқинг. Бошлаб қўйган ҳикоянгни ўқимай, чала ташлаб қўйишдан чўчиманг. Ёдингизда тутинг, аввало сиз ёзувчисиз. Доймо ёдингизда бўлсинки, ўзгалар ижодини ўқиш билан сиз уларни чийлайсиз, холос, ўзингиз эса ҳеч вақо ҳақида ёзолмайсиз. Вақт! Агар вақт тополмасангиз, инонингки, олам-жаҳон ҳам сизни тинглашга вақт тополмайди.





МУНДАРИЖА

Ҳикоянавис Жек Лондон (<i>Сўзбоши</i>).....	3
Лаҳм гўшт	7
Сэмюэл	28
Оқсоқоллар иттифоқи	55
Омонат.....	75
Эртақнинг яқуни	91
Тун фарзанди	119
Интиҳо.....	138
Ғаройиб жумбоқ.....	159
Беназир аёл қисмати	177
Кўрган-кечирганларим (<i>Эссе</i>)	206
Ҳаётнинг ёзувчилик фалсафаси ҳақида (<i>Эссе</i>)	214

Адабий-бадиий нашр

Жек ЛОНДОН

МУҲАББАТ ВА МАТОНАТ

Ҳикоя ва эсселар

Таржимон С. Саидмуродов

Мухаррир *А. Файзуллаев*

Рассом-дизайнер *Р. Маликов*

Техник мухаррир *Б. Каримов*

Кичик мухаррир *Г. Ералиева*

Мусахҳиҳ *Н. Ҳошимова*

Компьютерда саҳифаловчи *К. Ҳамидуллаева*

Нашриёт лицензияси АИ № 158.14.08.2009.
Босишга 2018 йил 16 октябрда рухсат этилди. Офсет қоғози.
Бичими 84x108^{1/32}. «Times New Roman» гарнитураси.
Шартли босма табағи 11,76. Нашр табағи 10,22.
Адади 5000 нусха. Буюртма № 18-357.

Ўзбекистон Маtbуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-маtbаа ижодий уйи. 100011,
Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.
e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz

Лондон, Жек.

Муҳаббат ва матонат [Матн] : ҳикоя ва эсселар /
Ж. Лондон. Рус тилидан Саиджалол Саидмуродов таржима-
си. – Тошкент : «O‘zbekiston» НМИУ, 2018. – 224 б.

ISBN 978-9943-25-589-0

УЎК 821.111(73)-32
КБК 84(7АҚШ)
Л 75